

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”  
йўналиши**

**“ТАРИХ ФАНЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2018 йил “27” мартағи 274-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа  
ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**      Х.Матяқубов - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон  
тариҳи ва тарих ўқитиш методикаси” кафедраси., т.ф.н.

**Тақризчилар:**      Ш.Шоёқубов – Тошкент давлат Молия институти  
“Ўзбекистон тариҳи” кафедраси мудири, т.ф.н.  
                                  З.А.Илҳомов - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон  
тариҳи ва тарих ўқитиш методикаси” кафедраси мудири  
т.ф.н., доц.

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2017 йил 28 декабрдаги  
5/4.13- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>31</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>201</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>208</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>209</b>
<b>VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>219</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитишиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларининг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

“Тарих ўқтиш методикаси” йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш курси тингловчиларида тарих фанинг замонавий долзарб муаммолари ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш;

педагог кадрларнинг тарих фани бўйича касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг соҳага оид касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Тарих ўқтиш методикаси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

- Тарих фанининг замонавий назарий қарашлари ва етакчи концепцияларини;
- Тарих фаннинг ёрдамчи фан соҳалари;
- Фанинг моддий ва ёзма манбалари;
- фанинг таълимий ва тарбиявий мақсад-вазифалари;
- фанинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари;
- олий таълим тизимида тарих таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;
- таълим мазмунини модернизациялашни;
- таълимнинг норматив-хуқуқий хужжатларини;
- таълимдаги инновацияларни билиши керак.
- фанлардаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- дарсларда тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласидиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- фанни ўқитишида ривожланган мамлакатлардаги илфор тажрибалардан фойдаланиш;
- таълим жараёнида тингловчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизmlари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириклари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишида билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим**.
- ўқитувчининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
- модератор ўқитувчиларнинг илфор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;
- фанларни ўқитиши жараёнида тингловчиларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlарини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириклари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- ўқув ахборотни қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топширикларини тузиш;
- таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишида билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- дидактик таъминотни такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим**.
- Тарих фанининг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллай олиш;

- машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, тингловчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;
- таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;
- ривожланган мамлакатларда тарих фанини ўқитиш методикасидаги илфор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Тарих ўқитиш методикаси” йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Тарих фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари”, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” ва “Креатив педагогика асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

### **Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантикий кетма-кетлика келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўнимкалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгти ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тарих фанининг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий соат	Жами аудитория соати	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1.	Тарих фанининг замонавий концепциялари	2	2	2	-	-	
2.	Ибтидоий давр ва илк цивилизациялар тарихининг долзарб масалалари	6	6	2	2	-	
3.	Илк давлатчилик масалалари. Қадимги ва ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги. Замонавий ёндашувлар.	8	6	2	6	-	2
4.	Этник жараёнлар. Ўзбек халқининг этник шаклланиши масалалари.	6	6	2	4	-	
5.	Мустамлака даври тарихининг долзарб масалалари.	8	6	2	4	-	2
6.	Шўролар даври. Тараққиётнинг инқилобий ва тадрижий йўллари таҳлили.	6	6	2	4	-	
7.	Мустақиллик йилларида тарих фани: изланишлар ва натижалар.	6	6	2	4	-	
8.	Ахборотлашган даврда тарих фанининг долзарб масалалари.	2	2	2	-	-	
<b>Жами</b>		<b>44</b>	<b>40</b>	<b>16</b>	<b>24</b>	<b>-</b>	<b>4</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-Мавзу: Тарих фанининг замонавий концепциялари.

Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари.

#### 2- Мавзу: Ибтидоий давр ва илк цивилизациялар тарихининг долзарб масалалари.

Цивилизация тушунчасига замонавий ёндашувлар. Илк цивилизациялар (хорижий таҳлил). Тарихий ва археологик даврлаштириш масалалари. Антропогенез жараёнларининг замонавий талқини.

### **3 - Мавзу: Илк давлатчилик масалалари. Қадимги ва ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги. Замонавий ёндошувлар.**

Илк давлатчилик шаклланиши масалаларининг методологик аспектлари. Давлатчилик тушунчаси ва унинг типлари. Ғарб ва Шарқ давлатчилиги, “Шарқона мустабидлик” муаммоси. Ўрта Осиёдаги илк давлат бирлашмалари пайдо бўлишининг ижтимоий-тарихий омиллари. Давлатчилик типологияси, тарихий-географик локализациялаш ва даврлаштириш масалалари. “Турон” ва “Эрон” асотирлари. Қадимги ва ўрта асрларда ўзбек давлатчилигининг тараққиёт босқилари.

### **4- Мавзу: Этник жараёнлар. Ўзбек халқининг этник шаклланиши масалалари.**

Этнос ҳақида фандаги мавжуд қарашлар. Миллий автохтонизм концепцияси. Замонавий этнология фанида этнос назариясига муносабатлар. Туркий қабилаларининг илк ватани ва орийлар муаммоси. Ўзбек халқининг этник шаклланиш босқичлари. Ўзбек миллий менталитети ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

### **5 - Мавзу: Мустамлака даври тарихининг долзарб масалалари.**

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари. Туркистанда Россия Империяси мустамлакачилик сиёсати ва унинг замонавий талқини. Ўлка халқлари миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги. Жадидчилик, ўлка жадид намоёндаларининг маданий-оқартувчилик фаолияти. Қадимчилар ва миллий тараққиյпарвар-ислоҳотчилик оқими.

### **6 - Мавзу: Шўролар даври. Тараққиётнинг инқилобий ва тадрижий йўллари таҳлили.**

Туркистанда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Инқилобнинг “экспорт” қилиниши ва анъанавий ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий анъаналарининг заволи. Истиқлолчилик ҳаракати. Социаллаштириш, жамоалаштириш ва саноатлаштириш сиёсатининг салбий оқибатлари. Қатағон сиёсати (“Катта террор”) ва ундан кўзланган мақсад. Қарамлик даври ва унинг тарихшунослиги.

### **7 - Мавзу: Мустақиллик йилларида тарих фани: изланишлар ва инновациялар.**

Тарих фанининг Ўзбекистон мустақиллигини ғоявий, назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари ва унда илгари сурилган концептуал масалалар. Истиқлол йилларида

тариҳий хотира, тариҳий мерос ва холисона тарихимизни таклаш борасидаги амалий ҳаракатлар. Ютуқлар ва муаммолар.

## **8 - Мавзу: Ахборотлашган даврда тарих фанининг долзарб масалалари.**

Глобаллашган даврнинг ўзига хос тариҳий мазмун-моҳияти. Ахборотлар глобаллашган даврда тингловчиларда ахборот маданиятини шакллантириш. Тингловчиларнинг глобал тариҳий фикрлашини шакллантириш. Ёшлар онгидаги тариҳий-ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг концептуал асослари.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот:**

##### **Ибтидоий давр тарихи ва унинг босқичлари**

Цивилизацион жараёнлар. Ибтидоий давр ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Антропогенез жараёнлари. Тош даври ёдгорликларининг ўрганилиш даражаси ва замонавий археологик тадқиқотлар.

#### **2-амалий машғулот:**

##### **“Авесто” китоби – ноёб тариҳий манба сифатида.**

“Авесто” пайдо бўлган тариҳий ҳудуд хусусида мунозаралар. “Авесто” тариҳий-географик, диний-фалсафий ва муҳим маданий мерос сифатида. Мустақиллик йилларида “Авесто” меросининг қайта тикланиши.

#### **3-амалий машғулот:**

##### **Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари.**

Давлатчилик тушунчаси. Давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий-тариҳий омиллари. Илк шаҳарсозлик маданияти. Дастребки давлат бирлашмалари. Тариҳий-маданий ҳудудлар. Археологик тадқиқотлар.

#### **4-амалий машғулот:**

##### **Қадимги ва ўрта асрлар даврида Ўзбек давлатчилиги тарихи масалалари**

Турон ва Эрондаги қадимги давлат бирлашмалари. Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши курашлари тарихининг манбавий асослари. Антик даврда ўзбек давлатчилигининг тадрижий ривожланиш масалалари. Илк ва ривожланган ўрта асрларда ўбек давлатчилиги тараққиёти. Амир Темур даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Замонавий тадқиқотлар.

#### **5-амалий машғулот**

##### **Ўрта Осиёning қадимги аҳолиси ёзма манбаларда**

Авесто ва Аҳамонийлар даври қоятош битикларида Ўрта Осиё аҳолиси ҳақидаги маълумотлар. Ўрта Осиёning қадимги аҳолиси ҳақида юнон

муаллифлари ва хитой манбаларидаги маълумотлар. Маҳаллий ёзма манбаларда Ўрта Осиёning қадимги халқлари.

### **6-амалий машғулот**

#### **Ўзбек халқнинг этник шаклланиши ва унинг босқичлари.**

Ўзбек халқи этник асосини ташкил этган ўтроқ дехқон ва қўчманчи чорвадор қабилалар. Антик даврда Ўрта Осиёда этник жараёнлар. Илк ва ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиё ахолисининг этник холати, ижтимоий-иктисодий ва этномаданий ривожланиши. Ўзбек элатининг таркиб топиш босқичлари ва унинг халқ сифатида шаклланиши. “Ўзбек” этнонимининг келиб чиқиши хусусида.

### **7-амалий машғулот**

#### **Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти**

Марказий Осиёда Шарқ уйғониш даврини юзага келтирган тарихий шарт-шароитлар. Ўрта аср Шарқ алломаларининг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссалари. Марказий Осиёда ислом маданияти равнақи. Истиқлол йилларида буюк алломаларимиз маънавий меросининг тикланиши ва унинг тарихий аҳамияти.

### **8 – амалий машғулот**

#### **Туркистонда жадидчилик ҳаракати**

Жадидчилик ҳаракатини вужудга келтирган тарихий шарт-шароитлар. Мустамлака туркий халқлар орасида маърифатчилик ҳаракатининг ёйилиши ва бу ҳаракат намояндалари. Туркистон жадидлари илгари сурган ғоялар ва уларнинг прогрессив аҳамияти.

### **9 – амалий машғулот**

#### **Шўролар даврида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий вазият.**

Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Асрий хўжалик анъаналарининг барбод бўлиши. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган қатағон сиёсати. Ўзбекистон халқларининг фаизм устидан эришилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Турғунлик ва социалистик тузумнинг инқирози йилларида Ўзбекистон. Шароф Рашидов давлат арбоби.

### **10 – амалий машғулот**

#### **Марказий Осиё тарихига оид замонавий тадқиқотларнинг долзарб масалалари**

Марказий Осиё тарихининг айрим масалаларини афсонавийлаштириш, давлатчиликни ўта қадимиylаштириш, бирон бир алоҳида халқнинг келиб чиқиши, тарихи ва маданиятини улуғлаш, бошқалардан юқори қўйиш, қадимги давлатларнинг тарихий ўрнини сунъий бузиб кўрсатиш

тенденциялари. Муаммонинг тарихий-археологик ва манбашунослик тахлили.

### **11-12 – амалий машғулот**

#### **Мустақиллик йилларида тарих фани: изланишлар ва инновациялар.**

Давлатчилик, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласидаги янгича ёндашувлар. Тарих фанининг Ўзбекистон мустақиллигини ғоявий, назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда тутган ўрни. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида илгари сурилган концептуал масалалар ечими. Истиқлол йилларида тарихий хотира, тарихий мерос ва холисона тарихимизни таклаш борасидаги амалий ҳаракатлар. Инновациялар, ютуқлар ва муаммолар.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Тест топшириқлари		1 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	1 балл
3	Амалий топшириқлар		0.5 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Буганги кунда ўқитишининг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиши-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиши шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим оловчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-куватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.



### **“Кичик гурухларда ишлаш” методи**

**“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ** - таълим оловчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Куйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



**“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қўидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гурухлар баҳоланади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзаллиги:**

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим оловчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим оловчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим оловчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим оловчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ** – айланада стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айланада бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашишига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра сухбати” методининг тузилмаси келтирилган.

**Давра столи тузилмаси**

Ёзма давра сухбатида ҳам стол-стуллар айланада жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади. Конвертни олган таълим оловчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим оловчига узатади. Барча конвертлар айланада бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йифиб олиниб, таҳлил қилинади.

**“Давра сухбати” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таниширади.
3. Ҳар бир таълим оловчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим оловчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади.

Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варажалари”га ўз исми-шарифини ёзади.


4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варажаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варажалари”дан бирига жавоб ёзди ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варажалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.



Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида мухокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларининг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага

жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим оловчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим оловчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Куида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



### Методнинг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим оловчилардан бирини котиб этиб тайинлади. Бу босқичда таълим берувчи таълим оловчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим оловчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласида.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



## "ФСМУ" методи

“ФСМУ”-(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундейди.

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки гоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки грухий тартибда тақдимот қилинади.

**Ф**

- фикрингизни баён этинг

**С**

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

**М**

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

**У**

- фикрингизни умумлаштиринг

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “Тарих фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

**1-Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

**2-Топшириқ:** Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Кўқон хонлиги давлат бошқарувининг асосий фарқлари?



## **"ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:

Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



Нвбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар.

Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурый ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуя якунланади.

### Намуна:

#### Тарих фанидан Давлат таълим стандарти

Собиқ стандарт		Янги стандарт	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

### Хуноса:



## “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

**S – (strength)**

- кучли томонлари

**W – (weakness)**

- заиф, кучсиз томонлари

**O – (opportunity)**

- имкониятлари

**T – (threat)**

- тўсиқлар

**Намуна:** Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методидан фойдаланишининг кучли томонлари	
<b>W</b>	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методидан фойдаланишининг кучсиз томонлари	
<b>O</b>	Тарих ўқитишида “Хулосалаш” методдан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	

**Намуна:** Анъанавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

<b>S</b>	Оддий дарсда ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди	Замонавий дарсда камроқ маълумот берилади, бироқ улар тингловчилар онгига сингдириб берилади
<b>W</b>	Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли тингловчилар қамраб олинади	Замонавий таълимда дарсда кўп сонли тингловчилар қамраб олинади
<b>O</b>	Оддий дарсда фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Замонавий дарсда муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туғилиши мумкин
<b>T</b>	Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари



## "Инсерт" методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



## “Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув сұхбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гурухлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуктаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий хужумнинг бошланишини ташкил қиласди (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиласдилар, муҳокама қиласдилар, баҳолайдилар ва энг оптималь (самарали)

фирки танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фирм (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва маҳсус қоғоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фирмлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фирмларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фирмларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фирмларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;

4) шу белгилар асосида доскадаги барча фирмларни (қоғоз ва варакларида) гуруҳларга ажратадилар;

5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқлади.

### Маданият

моддий маданият	маънавий маданият



## “Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фирмлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Тингловчилар мавзу ва методдан фойдаланиш қоидаси билан таништирилади

Тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади

Гуруҳлар ўзларига берилган топшириқни бажаради

Гуруҳлар ечимни гуруҳ жамоаси ҳукмига ҳавола этади

Гуруҳларнинг ечимлари гуруҳ жамоасида муҳокама қилинади

Үрганилаётган моҳиятини жихатлар	мавзу ёритувчи	Мухим белгилар, тавсифлар		
		1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жихат				
2-жихат				
...				

**Намуна:**

Тарих дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жихатлари	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
“Ассесмент”			
“Инсерт”			
“Тушунчалар”			
“Брифинг”			
“Бахс-мунозара”			
“Муаммоли вазият”			



## "Тушунчалар" методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тарихий манба		
Тарихий адабиёт		
Тарихий хужжат		
Тарихий харита		
Тарихий сурат		
Тарихий фонограмма		
Тарихий хат		
Тарихий макон		

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

#### “Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим оловчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим оловчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим оловчиларнинг қизиқишлири сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим оловчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Кўйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



## **“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурухларга ажратади.
4. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурух тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини мухокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.
7. Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурух таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



## **"Т-жадвал" технология**

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини қўядилар.

**Изоҳ:** Ўқитувчи: Янги мавзуни баён қиласди ва тингловчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни якка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

**Тингловчи:** - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;
- якуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;
- регламентга риоя қиласи.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар мавзу юзасидан зарурый билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

### “Т-жадвал” технологияси

<b>Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)</b>	
<b>+ (ҳа, ижобий) афзаллиги (ютуғи)</b>	<b>- (йўқ, салбий) камчилиги</b>
1.	1.
2.	2.
...	...

### “Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”

<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
“Қайтар алоқа”нинг таъминланиши	кўп вақт талаб этилиши
мотивациянинг юқори даражада бўлиши	тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги
ўтилган материалнинг яхши эсда саклақолиниши	объектив баҳолашнинг қийинлиги
мулоқатга киришиш қўнимасининг такомиллашиши	ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш қўнимасига эга бўлишининг талаб этилиши
ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш қўнимасининг шаклланиши	ижодий шовқин бўлиши
мустақил фикрлаш	қайтар алоқанинг таъминланмаслиги
<b>ХУЛОСА</b>	

### *T-схема қўринишида вазифа*

<b>Ҳа</b>	<b>Фикр-мулоҳазалар</b>	<b>Йўқ</b>
	Ўзбекистонда "Ташсельмаш", "Ўзбексельмаш", "Красний двигатель", "Подъемник" ва бошқа заводлар пахтачиликни ривожлантириш мақсадларига мослаштирилди.	
	1950 йил Ўзбекистонда 2.220 минг тонна пахта тайёрланди.	
	Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди.	
	XX асрининг энг йирик экологик - "Орол фожеаси" вужудга келди.	
	Ўзбекистон мамлакати пахта хом-ашё базасига айлантирилди.	
	Ўзбекистон "Оқ-олтин"дан катта манфат кўрарди.	



## “Блиц-ўйин технологияси”

Сана ва воқеаларни түғри хронологик кетма-кетликада жойлаштиринг.

Саналар – 395, VI аср, 527-565, 534, VI асрнинг ўрталари, VII аср, X-XI аср, IX-XI асрлар.

**Тарихий воқеалар** – Рим империяси икки мустақил давлатга бўлинди, Константинополь, Юстиниан I императорлиги даври, Юстиниан I Велисарийни шимолий Африкага жўнатди, Византияning заифлашуви славян қабилалари истилоларига йўл очди, Араб ҳалифалиги хужумлари натижасида Сурия ва Миср кўлдан кетди, императорлар амалдорлар, ибодатхоналар ва монастирларга кўплаб ер-мулклар инъом этадилар, феодал муносабатларнинг узил-кесил ўрнатилишига олиб келди.

Йил, сана	Содир бўлган воқелик

### “Вени диаграммаси” стратегияси

Стратегия тингловчи (тингловчи)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айrim қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурӯхларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (тингловчи)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



## “Ҳамкорликда ўқитиш” методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишdir!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бир-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоқи, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чукур мазмунга эгалиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гурӯх аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга

эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишида ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гурух бажарган топшириқни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишининг асосий афзаликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиласидилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;

- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;

- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга харакат қиласидилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва қўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушкини қўшишга олиб келади;

- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чукурроқ киришишга ундейди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва қўникмаларни шакллантиради;

- тингловчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига кўмаклашади. Ўқишида ўртоқларига ёрдам бераётган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;

- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гурух аъзолари ўртоқларига таъсир этишининг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиқлар;

- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;

- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гурух аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиши тамойиллари сифатида қуийдагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топшириқ;
- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффакияти хар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- хар бирининг ўз муваффакияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффакияти учун шахсий масъулияти;
- ҳамкорликдаги фаолият: гурухий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуслари асосида ташкил топади;
- муваффакиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

#### **Гуруҳда ишлаш қоидалари:**

Ҳар ким ўз ҳамкаслари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;

Ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириқка масъулияти ёндашиши зарур;

Ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;

Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;

Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.

- Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

#### **Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:**

1. Гуруҳ лидерини сайланг.
2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланинг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гуруҳ ишини баҳоланг.

#### **1-босқич**

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини

кўришлари ва эштишилари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

## 2-Асосий босқич

**1.** Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

**2.** Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қиласди, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини мухокама қиласди, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қиласди. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

**3.** Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзди ёки тарқатади.

**4.** Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани мухокама қиласди; ҳаммалари уни тушунгандарига ишонч ҳосил қиласди.

**5.** Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қиласди; Гуруҳ ишини назорат қиласди. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш, вазифани бажариш бўйича якка тартибда ишлаш, якка тартибда топилган ечимларни мухокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, қўникмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбех қиласди.

**6.** Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

## 3-Назорат –якуний босқичи

Якун ясаш – натижалар текширувни ўтказади: гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гуруҳ ишини таҳлил қиласди, топшириқ бажарилишининг якунини қиласди, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

### Ҳамкорликда ўқитишининг самарадорлиги

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошка вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-Мавзуу: Тарих фаниннинг замонавий концепциялари.**

Режа:

1. Модулнинг ғоявий-назарий асослари. Мақсад ва вазифалари
2. Марказий Осиё халқлари узоқ ўтмишининг айрим концептуал масалалари.

**Таянч тушунчалар:** Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари. Тарихни даврлаштириш.

Тарихга кириб бораётган бугунги ҳар бир кун ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ўнлаб ийлларга tengdir. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳар куни узоқ давр мобайнида тўпланиб, ўз ечимини кутиб ётган кўпгина муаммолар ҳал қилинмоқда. Айрим жабҳаларда юзага келган мураккаб вазиятни ижобий йўналишга буриш ва ундан жамият манбаатлари йўлида фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бу ўринда тарих фани соҳасида тўплangan масалаларни ҳал қилиш ҳамда халқнинг қалби ва хотираси бўлмиш бу қадим фаннинг нуфузини кўтариш, масъулияти ва вазифаларини белгилаб олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Махкамаси Қарорлари катта аҳамият касб этмоқда. 1998 йилдан бошлаб Ватан тарихини янгича йўсунда ўрганиш иши янада жадаллашди. Тарихимизнинг кўплаб муаммоли масалаларига бағишланган республика ва халқаро миқёсда илмий конференциялар ўтказилди. Қатор илмий мақолалар, тўпламлар ва фундаментал монографиялар эълон қилинди.

Бугунги тарих фаниннинг замонавий муаммолари ва долзарб масалаларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув курсининг бош мақсади буюқ ўтмишимизни холисона тарихини янада чуқур таҳлил қилишга қаратилган. Модел ўз мазмун моҳиятига кўра ноанъянавий бўлганлиги сабабли унинг илмий методик ишланмасини яратиш чуқур тадқиқот ва изланишларни талаб этади. Модул доирасида танлаб олинган мавзулар ва улар доираси ниҳоятда кенг қамровли эканлигини инобатга олиб белгиланган масалаларнинг холисона ечимини топиш максадида ҳар бир тарихий давр ва соҳанинг мутахассилари бўлган тарихчи археолог олимлар, манбашунослар, филолог ва шарқшуносларнинг фундаментал асарлари, монографиялари ва илмий мақолаларидан фойдаланилди. Бальзи ўринларда муаллифлик хуқуқига заррача даъво қилмаган холда уларнинг мақола ва рисолалари тўлалигича ҳақола этилди. Модулнинг ички мазмунини илмий жиҳатдан бойитишда хусусан мамлакатимиз ва хорижда кўзга кўринган олимлар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиклари А.Аскarov, К.Шониёзов, Ю.Ф.Буряков, Э.В.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев, тарих фанлари докторлари Р.Сулаймонов, Д.Алимова, Қ.Ражабов, Азамат Зиё, Г.Аъзамова, Д.Зияева, А.Иброҳимов, Ш.И.Асадоваларнинг ишларидан кенг фойдаланилди.

1. Яхлит олиб қаралганда, тарихни халқ яратади. Уни яратишда фаол қатнашган, халқ рухида, онгида ва қалбida ўзларидан чуқур ва ўчмас из қолдирган тарихий шахслар ҳам халқ фарзандлари бўлганликларига асосланиб шундай хулоса қилишимиз мумкин. Шу сабабли рамзий маънода **тарихни уни яратган ва яратадиган** (тарих, худди вақт сингари бир зум бўлса-да, тўхтаб турмайди) **халқнинг таржимаи ҳоли** дейиш мумкин. Шу боисдан қадим тарих, ўрта асрлар тарихи, замона тарихи каби ибораларни ишлатамиз. Буларни жамласак, яхлит тарих келиб чиқади. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларидан биронтасини “Бу менинг ўғлим эмас” ёки “Бу менинг қизим эмас” деёлмайди, деса-да бу ёлғон бўлади. Чунки ота-она ҳеч қачон ўз фарзандларини инкор этолмайди, чунки ўзлари

уларни дунёга келтириб қўйганлар. Шунга ўхшаш ҳалқ ҳам гарчи яхшидир, гарчи яхши эмасдир, укувлидир, укувсиздир бу фарзандларини инкор этолмайди, инкор этиши мумкин ҳам эмас. Яхисини олқишлияди, ёмонини қоралайди, укувлисидан мамнун бўлади, укувсизига ачинади. Яхисини “баҳтим” дейди, ёмонини “пешонамнинг шўри” дейди.

Бундай ҳолатни ўзбек давлатчилигини бошқариб ўтган сулолалар ва улар ҳар бирининг вакилларига нисбатан ҳам қиёс этиш мумкин. Маълумки, шўролар замонида чиқарилган китобларда ва матбуотда ўзбек давлатчилигини бошқарган сулолаларнинг бари тилга олинмас, бири тилга олинса, иккинчиси ҳақида индамай ўтилар, бирини иккинчисига қарама-қарши қилиб қўйилар, сулолаларимиз вакиллари фаолиятидан факат нуқсон қидирилар, кичик нуқсонлар ҳам катта қилиб, бўрттириб кўрсатилар эди. Нима қилиб бўлмасин, қандай йўллар билан бўлмасин, ишқилиб ўзбек давлатчилиги камситилар эди. Бухоро шахрининг 2500 йиллиги юбилейида (1997 йил октябр) бундай нохолисликка илк бор чек қўйилиб айтилдики, **ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадими хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналиклар, сомонийлар, қораҳонийлар, ануштегинлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, мангитлар** сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар. Бу тарихан тўғри баҳодир. Давлатчилигимиз тарихини яратишда ўтмишда ҳокимиятни бошқарган барча сулолаларга уларнинг ўз даврида келажак авлод учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларига қараб тарихан холис баҳо бериш лозим. Зотан, **инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди.** Амир Темурни назарда тутиб айтилган бу хулоса айни пайтда темурийларга, улардан олдин ва кейин ўтган деярли барча ўзбек сулолалари га ҳам тегишлидир, десак бўлади

Алишер Навоий ўзининг саккиз мажлисдан иборат “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”) асарининг еттинчи мажлисини соҳибқирондан бошлаб темурийлардан чиқсан шоир, шоирсифат, шеършунос, олим ва фозил кишиларга, саккизинчи мажлисини буткул Султон Ҳусайн Бойқарога – шоир Ҳусайний ижодининг таҳлилига бағишлияди. (Асада жаъми 459 шоир ва адабиёт аҳли ҳақида маълумот берилган). Навоий Улугбек Мирзо ҳақида сўз юритиб, жумладан, бундай дейди: “Донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди ...”

Буни қарангки, Бобур “Бобурнома”сида ўзининг сиёсий мухолифи бўлмиш Муҳаммад Шайбонийхон худди шундай фазилат соҳиби эканини эътироф этади. Ёки бўлмаса, шайбонийлардан кейин ҳокимият тепасига келган аштархонийлар сулоласининг вакили бўлган Субхонқулихонни олиб кўрайлиқ. Шўролар даврида чиқарилган мактаб дарсликларида факат қора бўёқ чапланган бу аждодимиз ўз замонасининг етук олимларидан бўлиб, илми нужум – астрономия билан ҳам шуғулланиб, Бухорода Улугбек ишини давом эттирган экан.

Ўтмишда давлатларимизни бошқарган сулолаларга тарихан холис ва адолатли баҳо бериш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Қолаверса, барча хонзодалару амирзодалар ҳам тожу таҳт даъвосини қиласвермаганлар, шижаатли ва довюракларигина майдонга чиқканлар. Чунки давлатни бошқариш осон иш эмас.

Ҳалқ ўз тарихини асосан ўз давлатини қуришдан бошлаб яратишга киришади. Маълумки, туркий ҳалқ ўз тарихида 18 та буюк ва шавкатли салтанат қурган ҳалқдир. Инсоният тарихида бошқа ҳеч бир ҳалққа бундай давлатчилик баҳти ёр бўлмаган. Салтанатлар тарихи айни пайтда бу сулолалар тарихи ҳамдир. Шунинг учун ҳам ўтмишда давлатларнинг номлари уларга асос солган сулолабошининг номи ёки унинг унвони билан аталган. Масалан, хоразмшоҳлар давлати, ғазнавийлар давлати, темурийлар давлати, шайбонийлар давлати, бобурийлар давлати ва ҳоказо.

Келтирилган бу далиллар ҳам тарих – ҳалқнинг таржимаи ҳоли, деган таърифимизни тасдиқлаб турибди. Истиқлол шарофати билан ҳалқимизда маънавиятнинг туб моҳиятини – негизини билишга, тагига етишга иштиёқ кучайиб бормоқда. Турмушда

күча-күйларда, оддий ва жидций сүхбатларда, илмий анжуманларда, мухбирлар билан бўлган мулоқотларда, китобхон, томошабин ва тингловчилар томонидан йўлланган мактубларда “Хўш, маънавиятнинг ўзи нима?” деган саволга тез-тез дуч келасиз. Кейин баҳоли қудрат тушунтиришга киришасиз: “Маънавият дегани бу...” Бироқ жавоб кутаётган тараф жавобингиздан қоникиш ҳосил қилмаётганини илғаб қоласиз. Назарингизда “Соддагина қилиб, бир оғиз сўз билан ифодаланг, ахир, тушуниб етайлик-да” деган эътиroz бўлаётгандек туюлади. Шундай ғойибона эътиrozларга жавоб ўлароқ бизда бундай фикр туғилди: “Маънавият – бу маънавиятсизликнинг, яъни бемаъниликтин аксиидир. Маънавиятни ифодалаш учун маънавиятсизликни кўрсатиб бериш шарт экан. Бунинг учун эса қиёс керак”.

Юртимиз сиёсий тутқунликка тушгач, чоризм маъмурияти VIII аср бошларидан амалда бўлган вақф тизимини иложи борича чеклаган бўлса, шуро ҳукумати уни умуман барбод этди. Натижада осори атиқалар доимий моддий таъминотсиз қолди, умумий ва жорий таъмирлаб туришлар, қайта тиклашлар тўхтатилди. Минг йиллик моддий-маданий ёдгорликлар қаровсиз қолиб, нурай бошлади. 1917 йилдан то ўттизинчи йилларнинг бошларигача давом этган миллий-озодлик учун бўлган жангларда халқимиз қанчалик талофат кўрган бўлса, моддий-маданий ёдгорликларимиз бошига тушган йўқотишлар ҳам бундан кам эмас. Лекин сиёсий жилови Москванинг қўлида бўлган республикамизнинг ўша пайтдаги ҳукумати кураш жараёнларига томошабин бўлиб туришдан нарига ўтолмади. Чунончи, моддий-маданий ёдгорликлар кун сайин нураб бораётгандиги масаласи Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1931 йилнинг 19 январида бўлиб ўтган йифилишида кўрилганида вилоятлар ижроия комитетларига тарихий ёдгорликларни таъмир этиш эмас, балки суратга тушириб қўйиш тавсия этилади. Бу тавсия амалда обидалардан воз кечишни буюарди. Бундай муносабат маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас эди.

Бинобарин, тарихимизни чалғитиб кўрсатишга, ёлғон гапларни кўтаришга ҳаракат қилаётгандар тўғри баҳосини олишлари керак, бу борада тарихий ҳақиқатни билиш, уни мухрлаш, ёш авлодга холисона етказиш чуқур маънога эга.

Узбек халқининг тарихи ёзма манбалар билан бир қаторда осори атиқаларимизда ҳам мухрланиб қолган. **Китоблар ўқиладиган далиллар бўлса, ёдгорликлар кўрилладиган далиллардир** атиқалар тарихини билиш ҳам ўтмишимиз ҳақидаги таассуротларимизни бойитади ва аниқлаштиради. Халқни тарихии моддий-маданий меросни ўрганиш билан тарбиялаш мухим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир катта-кичик ёдгорлик ўзбек халқи ва ўзбек давлатлари тарихидаги мухим бир воеа ёки сана билан боғлиқ, ёки бўлмаса давлат аҳамиятига молик бирор зарурат туфайли бунёд этилган. Бу фикримизнинг исботи учун Бухорои шарифда уч даврда XII, XVI ва XX асрларда қурилган ёдгорликни мисол қилиб келтирамиз. Булар яхлит бир меъморий мажмуани ташкил этувчи ҳозирги кунда Улуғ минор (Минораи Калон) деб юритилиб турган Арслонхон минораси, Жоме масжид, Мир Араб ва Саидолимхон мадрасаларидир. Бу муқаддас ер аслида тарихий жой ҳисобланиб, Бухоро Аркидан сал жанубий шарқдадир. Илк бор бу ерда милодий 713 или амир Кутайба ибн Муслим даврида жоме масжид қурилган. Бироқ йиллар ўтиши билан бу бино вайронга ҳолига келган. 1102-1130 йилларда қораҳонийлар давлатини бошқарган амир Арслонхон 1121 или худди шу вайронга масжид ўрнида янги ва улуғвор жоме масжидини қурдиради. Бухоро атрофидаги сувсиз сахроларда карvonлар йўлдан адашиб ҳалок бўлиши ҳоллари учраб турарди. Шунинг олдини олиш мақсадида Арслонхон шаҳарда баланд бир иншоот қурдиришни ният қиласи. Иншоот лойиҳалари бўйича танлов эълон қилишади. 1124 или машхур меъморлар томонидан тақдим этилган лойиҳалар билан Арслонхон шахсан ўзи танишади ва уста Бақонинг лойиҳасини маъқуллайди. Шу тариқа 1124 йилнинг 22 март кун ийл боши байрами айёмида минора қурилишига оқ фотиҳа берилади ва биринчи фиштни тамал тошини ҳоқон Арслонхоннинг ўзи кўяди. Қурилиш уч ярим йилча давом этади. 1127 или баландлиги 47 ярим метр бўлган минора қуриб битказилади. Унинг энг юқори қисмida 16 та даричалар (яъни мезана қисмida) қўйилиб, тунда ҳамма даричалар ёнида шамчироқлар ёниб турган. Натижада тунлари 50-60 чақирим масофадан чироқлар ёругини мўлжал қилиб,

савдо карвонлари Бухорога адашмай келгандар. Бухоронинг Буюк ипак йўлидаги йирик савдо марказларидан бири бўлиб қолишида бу миноранинг аҳамияти каттадир.

Албатта, миноранинг асосий вазифаси аzon айтиш диний аҳамиятидир. Минора билан ёнма-ён жойлашган бош жоме масжиднинг муаззини ҳар куни беш маротаба шу минорага чиқиб аzon айтган. Шундан кейин шаҳардаги бошқа масжидларда аzon айтила бошлаган, намозхонлар ибодатга ошиқканлар.

Миноранинг яна бир вазифаси шуки, ташки хужумдан ўз пайтида огоҳ бўлиш учун дурбин орқали теварак-атроф кузатиб турилган, бу унинг ҳарбий аҳамиятга ҳам эга эканлигидир. Миноранинг тўртинчи вазифаси салобати, гўзаллиги, ажойиб нақшларга бойлиги билан кишиларга завқ-шавқ бағишлишидир. У айниқса чет элликлар элчилар, савдогарлар, сайёҳларни ҳам мафтун этган. Бу ҳол ўз навбатида давлатнинг куч қудрати, шукухи ва шавкатини, пойтахт Бухоронинг донғини олисолисларга етказарди.

Шарқдаги биринчи Уйғониш даврида, яъни IX-XII асрларда Бухорода ҳам кўпгина буюк обидалар қурилган эди. Уста Бақо шу обидалардаги энг гузал нақшлардан кўчирма олиб, минорада 24 та катта-кичик ҳалқалар яратган. Асосан Чингизхон босқини даврида, қисман кейинги асрларда бузилиб кетиб, бизгача етиб келмаган биноларнинг нақшлари шу минорадагина сақтаниб қолган. Шу боис бу минорани Бухоро меъморчилигининг қомуси дейиш мумкин. Шуниси алоҳида тарихий аҳамиятга эгаки, миноранинг энг юқори ҳалқаларидан бирида нақшли ғиштлар билан бўртма қилиб “Уста Бақо амали”, “Арслонхон минораси” деган сўзлар ёзилган. Бинобарин, Улуғ минорнинг асл номи Арслонхон минорасидир. То шўролар замонигача барча ёзма манбаларда ҳам шундай деб тилга олинган. Тарихий ҳақиқатлар тикланиб, унугилаётган ёки атайин унугтирилган номлар яна муомалага киритилаётган замонамизда бу кўхна ёдгорликни ўз оти билан атаб, Арслонхон минораси дейишни русумга киритсан,adolatли иш қилган бўлур эдик. Бундан буюк аждодимиз Арслонхон бобонинг руҳи ҳам шод бўлса ажаб эмас. Бу миннатдор авлоднинг ўз аждоди хотираси олдидаги бурчи ҳамдир.

Арслонхон минораси не-не тарихий воқеаларнинг, қанчадан-қанча синоатларнинг, табиий оғатларнинг, жангу жадалларнинг гувоҳи бўлмади, дейсиз. У ҳатто 1220 йилги Чингизхон босқинидан ҳам омон чиққан эди. Бироқ орадан роса етти юз йил ўтгач, 1920 йилнинг 1 сентябрида босқинчи Фрунзе буйруғига кўра қилинган бомбардимон натижасида Арслонхон минораси қаттиқ зарар кўрди: ёдгорликнинг 5, 16, 33, 40, 46 метрларига снарядлар келиб урилган эди. Кейинчалик у уста Абдуқодир Бокиев томонидан моҳирона таъмирланган бўлсада, синчков кўз, ўткир нигоҳ билан қаралса, ўша жароҳатларнинг изларини илғаш мумкин.

Шўролар даврида Улуғ минор маънавий жароҳат ҳам кўрди. Уни ёлғон-яшиқ китобларда, олди-қочди фильмларда “Улим минораси” деб талқин қилишга уринишлар ҳам бўлди. Шундай нотўғри таассуротлар ҳосил қилган айrim китобхонлар, томошибинларга ҳақиқатни билдириш учун Улуғ минорни қуришдан мақсад бўлган унинг тўртта вазифасини айтиб, улуғлаб ўтдик.

Шўролар замонида ўзбек давлатларидан бири Бухоро амирлигига асос солган ва уни 260 йил бошқариб келган сулола манғит сулоласи фаолиятидан факат нуқсон қидириб, бўрттириб кўрсатиш русум бўлганди. Ваҳоланки, Бухоронинг 2500 йиллигига айтиб ўтганидек, бу сулола вакиллари ҳам тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдиришган. Шундай ўзига яраша ном ва из қолдириштан тарихий шахслардан бири амир Сайдолимхондир. У замонаси ўта нотинч бўлишига қарамай Бухорода мадраса, петербурглик мусулмонларнинг илтимосига кўра бу ерда улкан жоме масжид, Ялтада истироҳат сарой қурдиришга ултурган. Шунингдек, отаси амир Абулаҳадхон даврида курилиши бошланган “Ситораи моҳи хоса” саройини охирига етказган.

Ўкувчидаги хўш, амир шундай мадраса, масжид ва саройларни қайси маблағ ҳисобидан қурдиришган? Фуқаролардан олинган солиқлар ҳисобига қурдириш-да!” деган фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Йўқ, ундан бўлмаган. Солиқлардан келган тушум давлат хазинасига тушган. Амирнинг эса ўз ер-суви, мол-мулки бўлган, улардан келган даромад ўз хазинасига тушган.

Амирлик хазинасининг кирим-чиқим дафтарлари бўлган. Ўша кирим-чиқим дафтарида амир хонадонининг кундалик сарфиёти кичик амалдор бўлмиш меҳтар томонидан ёзилиб борган. Унда нондан тортиб хўл меваларгача, қандолатлик маҳсулотлари – ҳолваю новвоту пашмаккача, кийим-кечакдан тортиб упа-эликкача қайд этиб қўйилган. Ҳаммаси ҳисобкитобли бўлган. Аркка ўрта ҳисобда 3 минг атрофида киши яшаб, хизмат қилган. (Хозир Аркнинг 20 фоизи сақланиб қолган, 80 фоизи 1920 йилнинг сентябрь ойида М.Фрунзе буйруғига кўра бомбардимон қилиниб, ёндириб юборилган). Лекин амир хонадонининг сарфиёти давлат хазинасидан эмас, балки амирнинг ўз хусусий маблағидан ишлатилган. Бу тарихий маълумотларни келтиришдан мақсадимиз шуки, шўролар даврида тўқиб чиқарилган гўё “амирликда амир хазинаси билан давлат хазинаси умумий бўлган” деган сохта гапларга бироз бўлса-да аниқлик киритиш, ўз давлатчилик тарихимиз ҳакида тўғри таассурот беришдир. Зоро, тарихини билмаганнинг келажаги йўқ. Бухоронинг бугунги қутлуғ айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюк аждодларимиз хотирасига хурматимиз намойишидир. Буни амалга ошириш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шуни унутмайликки, шўро тузумининг Бухоро амирлигининг турли йўллар, ёлғон-яшиқ билан бадном қилишдан ғаразли мақсади қандай бўлмасин ўзбек давлатчилигини камситиши орқали ўз ҳокимиятини улуғлаш, ҳалқимизда миллий давлатчилик туйғусини сўндириш эди

Адид Садриддин Айний амирнинг 1912 йилги кирим ва чиқими ўша давр курси бўйича 30 миллион сўм бўлганини ёзади. Амирликнинг, қисман бўлса-да, давлат мустақиллигини ифодаловчи далиллардан бири унинг ўз мустакил пул бирлигига эгалиги, амир сиймоси туширилган танга ва бошқа пулларнинг зарб қилиниши эди. Сайдолимхон амирликнинг мустақиллигини сақлаб қолиши учун ўз даромадлари ҳисобига оқпошшога ҳар йили турли “совға-салом” қилишдан ташқари завод-фабрикалар қуришга, ташқи савдони кенгайтиришга, олтин конларини ишга солишга, қоракўл савдосига ва бошқа шу каби тадбирларга алоҳида эътибор берган. Амир ҳиссадорлик жамиятларига аъзо ҳам бўлган, ҳиссадорлик жамиятларига ўтказган маблағи 100 миллион сўмдан ошган. У ўз сармоясидан 27 миллион сўмини Россия давлат банкида, 3 миллион сўмини хусусий банкларда сақлаган.

Шариатга кўра ҳар бир мулқдор киши тасарруфидаги маблағини ушлаб турмай, ҳаракатга солиши раводир. Мұхаммад Мустафо саллолоҳу алайҳи вассаллам ўз ҳадиси шарифларида марҳамат қиласидарки, мулқдор одам ўз бойлигини ишга солиб туриши, ўзи буни эплай олмаса, омонатга хиёнат қилмайдиган тужжор орқали ҳаракатлантириб туриши, бундан ўзи ҳам, ўзгалар ҳам манфаат қўришлари лозим, акс ҳолда бойлик йиллар оша закотга бера бориш туфайли охирида йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкинdir. Шариат кўрсатган тарзда тижорат билан шуғуланиш ҳалол қилинган. Бу шаръий тадбирдан мулқдор сифатида амир Сайдолимхон ҳам фойдаланиши табиий эди. Умуман, унинг – Сайдолимхоннинг шахсий бойлиги 35 миллион фунт стерлингни ташкил қилган экан.

Бухоро “куббатул ислом”, яъни “ислом динининг гумбази” ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, “куввати дини ислом” деб тан олиниши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бутун Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлишидан эътирофдир. Бас шундай экан, давлат бошлиғи бўлмиш амир ҳам ислом арконлари, жумладан закот амалини бажариши табиий эди. Маълумки, ҳар бир мусулмон киши бойлиги нисобга етгач, ҳар йили бойлигининг қирқдан бири ҳисобига закот бериши фарзdir. Агар ҳисоблаб чиқсан, амир ўша 35 миллион фунт стерлинглик бойлигидан ҳар йили 875 минг фунт стерлингни закотга ажратиши шарт эди. Закот эса муҳтоjlарга ёрдам, толиби илмларга кўмак тариқасида садақаи хайрия мақсадларида ишлатилган. Масжиду мадрасалар, хонақою работлар, қўиригу сардобалар ва шу кабиларни қуришга, сув чиқариш, ер ўзлаштиришга, боғ-роғлар яратишга сарфланган садақаю хайриялар шундай яхши амаллардан ҳисблanganки, Уни амалга оширган киши вафотидан кейин ҳам шу муассасалардан унинг руҳига савоб ёзила боради. Шунинг учун ҳам охиратини ўйлаган мулқдор ёки ўзига тўқ ҳар бир мусулмони комил садақаи хайрияга сидқидилдан ёндошган.

Кўхна Туркистонимизда, жумладан, Бухорои шариф тупроғида иморатсозликнинг равнақ топишининг, буюк осори атикаларининг қад кўтаришининг шаръий асоси ана шу

закотлардадир ҳам. Масжиду мадрасалар, кўпригу тўғон кабиларнинг уларни қурдирган шахсларнинг номлари (Улуғбек мадрасаси, Абдулахон банди сингари) билан аталиши бежиз эмас, албатта. Умуман, бутун Туркистондаги, хусусан, Бухоро тупроғидаги осори атиқаларнинг ҳар бири ҳалқимиз фарзандларининг ҳимматли бунёдкорлик фаолиятидан ёрқин далолатдир. Ҳиммат ҳам маънавият белгиларидан биридир.

Бинобарин, ёдгорликларни билиш, улар ким томонидан, қачон, нима муносабат билан ёки қайси воқеа шарафига, ёки бўлмаса ким томонидан қайси сиймо хотирасини абадийлаштириш мақсадида қурилган, асли номи қандай аталган. Мана шуларни аниқлаш зарурдир. Шу асосда ҳар бир бинонинг “таржимаи ҳоли” аниқланади, мазкур “таржимаи ҳол”лардан ўзбек меъморчилиги тарихи таркиб топади. Ўзбек меъморчилиги тарихи ўзбек ҳалқи умумтариҳининг олтин саҳифаларидан ҳисобланади. Бухоро осори атиқалари эса бунда алоҳида ўрин эгаллади. **Моддий-маданий ёдгорликларимизда ҳалқимизнинг заковати, салоҳияти, бунёдкорлиги билан бирга яратганини асрлар давомида сақлаб, ҳимоя қила олиш қобилияти ҳам ўз ифодасини топгандир.** Ана шу қобилият бўлмагандан эдими, умуман бутун Туркистон миқёсидаги, хусусан, Бухородаги буюк обидалар бизнинг давримизгача етиб келмасди, албатта. Бундай қобилиятнинг ҳам асоси давлатчиликдир. Давлат ҳалқни ва у яратган ёдгорликларни ҳам бош ҳимоячисидир.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳозир республикамида ўша анъана давом эттирилиб, бунёдкорлик ишлари икки йўналишда олиб борилмоқда, яъни кўхна осори атиқалар жиддий таъмирланиб, асл ҳолига келтирилмоқча ва янги ёдгорликлар қурилмоқда. Фикримизнинг исботи учун Амир Темурнинг Самарқанддаги мақбараси жиддий таъмирланганини ҳамда Тошкентда темурийлар тарихи давлат музеи қурилганини ва шунга ўхшаш кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Демак, давлатимиз ҳалқимиз ва у яратган ёдгорликларнинг бош ҳимоячисидир: **ҳалқимиз яратганини давлатимиз ҳимоя қилиб келаяпти.**

Бухоро воҳасида яшаган эркесвар аждодларимиз ҳар қандай истибодод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қаҳрамонона курашиб келганлар. Кармана, Вобкент, Шоғиркон, Ромитан, Гиждувон кентларини яратганлар. Бу кўхна кентлар ҳар бирининг ўз бой тарихи бор, ёш жиҳатдан бири Бухорога оға бўлса, иккинчиси инидир. Бу кентлар тарихини билмай туриб, Бухоронинг умумий тарихини тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди.

Масалан, Кармана тарихини олиб кўрайлил. Агарда Аштархонийлар замонида Балх шаҳри валиаҳд шахзоданинг қароргоҳи деб тайинланган, бир неча вилоятлардан иборат Балх ўлкаси унинг тасарруфида бўлса, манғитлар даврида Кармана шундай мақомга эга бўлган. Тахт вориси валиҳад то тахт соҳиби бўлгунга қадар Карманада ҳокимлик қилган. Ҳатто амир Абдулаҳадхон ҳукмронлик қилган 1885-1910 йилларда Кармана норасмий тарзда амирлик марказига айланган. Амир Абдулаҳадхон 13 йил давомида муттасил Карманада яшаб, бирор марта ҳам Бухорога қадам ранжида қилмаган, давлатни шу ердан туриб бошқарган. Пойтахт билан узлуксиз равишда ҳар куни учқур отлиқ чопарлар орқали боғланиб турган. Шуниси қизиқарлики, бу давр мобайнида бош вазир мақомидаги лавозим эгаси қушбеги мудом Арқда бўлган, ижроия ҳокимиятини бошқарган. Манғит амирлигига жорий қилинган давлат қонун-қоидалари, тартиб-интизомга кўра амир пойтахтда бўлмаган кезларда қушбеги Арқда бўлиши шарт эди, ҳатто Арқ дарвозасидан ташқарига чиқиши ҳам мумкин эмасди. Амир Абдулаҳадхон 13 йил Карманада яшаганида қушбеги шунча вақт Арқда бўлган. Бухоро ва унинг кентлари тарихига оид ҳозирги китобхонларимизга деярли таниш бўлмаган асарлар кўп. Бу ўринда марҳум тарихчи олим Маҳкам Абдураимовнинг Бухоро хонлигидаги аграр муносабатларга доир икки жилдли китобини, қушбеги архивига мансуб 7 мингдан ортиқ ҳужжат тадқиқ этилган монографиясини, шўролар даврида қатағонга учраган тарихчи олим Мусожон Сайджоновнинг илмий пухта мақолаларини эслатиб ўтишни истардик. Шунингдек, ҳукуқшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Отабой Эшоновнинг Бухоро тарихига оид асарлари ҳимматли манбалардандир.

Ўзбек давлатчилигига Бухоронинг аҳамияти ва мавқеи юқори бўлиб келган. Бухорога туркий қабилалар асос солган, энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш Алп Эр

Тўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорога дағн этилган. **Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади, келажак авлодлар, Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар. Ватанимизни озод ва обод қилиш учун курашда қурбон бўлганларни, мустақиллик иморати пойдеворига биринчи гишт қўйган ота-боболарини сира унутмайдилар.**

Давлат тузумининг қандайлиги унинг умуман тарихга, хусусан, моддий-маданий ёдгорликларга бўлган муносабатида ҳам яққол кўринади. Сўнгти мустамлака замонида Бухорога бўлган муносабат маънавиятсизликдан иборат эди. Инқилоб баҳонасида шаҳар обидалари яна бир бор вайрон этилди, унинг асл фарзандлари бир неча марта, чунончи, 1920 йилда амирга яқин кишилар сифатида, 1929-1933 йилларда колхозлаштиришга қарши ёт унсурлар сифатида, 1937-1938 йилларда халқ душманлари, чет эл айғоқчилари, миллатчилар сифатида қатағон қилинди. Ваҳшийлик шу даражага бориб етди, 1920 йил сентябрь ойида М.Фрунзе қўлига тутқунликка тушиб қолган амир хонадони аъзолари унинг буйруғига кўра икки қисмга тақсимланиб, гўдак шаҳзодалар оналарининг иссиқ бағридан тортиб олиниб Россияга олиб кетилди, оналари, опа-сингиллари ва бошқа қари-қартанг кишилар мол-мулки тортиб олинган ҳолда мамлакатдан четга чиқариб юборилди. Бу ҳам шўролар тузумининг қанчалик ғайриинсоний ва адолатсиз эканини кўрсатади.

2. Ҳар бир халқнинг ўз ўтмишини ўрганишга қизиқиши объектив тарихий жараён хисобланади. Тарих фанининг муҳим аҳамияти шундаки, ўтмиш мерос, умуминсоний қадриятларни ўрганиш орқали инсонда бунёдкорлик ва эзгулик ғояларини шакллантиради.

Ҳар бир инсон ўз халқининг тарихини билиши билан бир қаторда бошқа халқлар тарихи ва маданий меросига ҳам хурмат билан қарashi лозим. Марказий Осиё халқлари азалдан умумий тарих ва ўтмишга эга. Ва табиийки уларнинг келажаги ҳам умумий. Жаҳон цивилизацияси ва умумжаҳон тарихий-маданий мероси фақат алоҳида бир халқнинг фаолияти натижаси эмаслиги бугунги кунда тан олинган ҳақиқат. Тарихий-маданий мерос чегера билмайди ва у бутун инсоният фаолияти ҳосиласи ва ифтихори хисобланади.

Афсуски, сўнгги йилларда баъзи бир хорижий тадқиқотчилар томонидан Марказий Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар тарихий воқеликка зид равишда қайта талқин қилиниб, ўз халқининг ўтмишдаги фаолиятини бошқа халқлардан устун қўйиб идеаллаштиришга уринишлар кузатилмоқда. Тарихий-илмий тадқиқот усул-методлари, моддий ва ёзма манбаларни инкор этиб, бундай тарихчилар тарихни мақсадга йўналтирган ҳолда сохталаштиришга очиқдан-очиқ йўл қўйишмоқда.

Маълумки, XX аср давомида археологлар Марказий Осиёнинг илгари номаълум бўлган қадим ўтмишини қайта кашф қилдилар. Тарих ва археология фанида Бақтрия, Суғдиёна, Марғиёна, Хоразм цивилизациялари каби тушунчалар пайдо бўлди. Аммо бу кашфиётларнинг тарихий талқини 70 йил мобайнида Ғарб ва Ўрта ер денгизи бўйларига хос ижтимоий-иктисодий тузумга хос ва мос бўлмасада, марксистик ёндашувда тадқиқ этилди. XX аср охирида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва эски ғоялардан воз кечилиши билан бирга борди. Гўёки Ўрта Осиё халқларининг қадимий ва ўрта асрлар тарихини холисона ўрганишга йўл очилгандек эди. Аммо афсуски, жараён турли давлатларда турлича кеча бошлади. Тарихий воқеаларни ҳар томонлама холисона талқин этиш ўрнига бир томонлама, алоҳида бир халқ миллий манбаатлари нуқтаи-назаридан келиб чиқиб қайта ёзишга киришилди. Тарихий тадқиқотлар билан фақат соҳа мутахассислари эмас, балки тамомила ўзга касб эгалари ва хатто давлат раҳбарлари шуғуллана бошладилар. Сохта тарихчилар урчиб кетди. Фан оламида ўзини кўрсатмоқчи бўлган бу “олимлар” фақат дастурхон атрофида эмас балки, оммавий нашрлар, иирик мақолалар ва монографиялари билан “ўзларини” кўрсата бошладилар. Ачинарлиси, давлат раҳбарлари томонидан яратилган ва асл ҳақиқатдан йирок асарлар сиёсий мавқеи туфайли қисқа муддат ичida омма ўртасида кенг ёйилиб, ўзига бос “муқаддас китоб”га айланди.

Шу билан бир қаторда маҳсус маълумотга эга бўлмаган, илмий-тарихий мактаб кўрмаган, тарихий тадқиқот методлари бўйича ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган “дилетант (ҳаваскор-ишиқбоз) тарихчилар” пайдо бўлди, улар қадим тарихнинг мураккаб

масалаларини ечишга енг шимардилар. Бу каби ғайриилмий тадқиқот ишлари таҳлили шуни күрсатадики уларни бирлаштириб турган ягона ғоя ўз халқи ўтмишини улуғлаш, унинг ўзига хослигини ва тарихдаги ўринини кўкларга кўтариш. Улар асосан, қуидаги йўналишларда тарих фанига “янгиликлар” киритишиди:

**1.Қадимги давлатчилик.** Муаллифнинг этник мансублигидан келиб чиқсан холда унинг томонидан яратилган асарларда ўзи мансуб халқ ва давлатнинг ўта қадимилигига урғу бериш бошланди. Масалан, Туркман давлатининг асосчиси сифатида тарихий ва ёзма манбаларда учрамайдиган, ўрта аср халқ оғзаки ижодида эслатиладиган Ўғузхон шахси гавдалантирилди. Муаллиф даъвоси бўйича Ўғузхон давлати мил.авв. III-II минг йилликларда мавжуд бўлган. Ўғузхон ўз давлатини пойтахти Олтинтепадан туриб идора қилган.

Тадқиқотчи Қосим Масими тарихий жараёнлардан янада илгарилаб кетди. У ўзининг “Племенное объединение Уйгур”. История Уйгурской державы” асарида Уйғур давлатчилигининг бошланишини мил.авв. 12 минг йиллик қилиб белгилайди. Тарихий давратлаштиришда бу давр ўрта тош даври Мезолит бўлиб, ишлаб чиқариш хўжаликлари ҳали узил-кесил қарор топмаган ўзлаштирувчи хўжалик хукмрон, давлатчиликдан анча йироқ давр эканлиги кундай равшунку? Хатто дунёнинг бирон бир нуқтасида давлатчиликка ўтилиши ҳақида ҳали гап ҳам бўлиши мумкин эмас ...

Қирғизистоннинг собиқ давлат раҳбари А.Акаевнинг қирғиз халқи давлатчилигини 2300 йил билан белгилаш ташаббуси ҳам илмий методик ва археологик жиҳатдан ўз тасдигини топмайди.

### **2.Халқ ва халқ номи келиб чиқишининг қадимилаштирилиши.**

Мархум Сапармурод Ниёзовнинг “Рухнома” асарида “туркман” номини олган этнос бронза давридаёқ мил.авв. III-II минг йилликларда мавжуд бўлган. Бироқ замонавий тарих Анов даври (энолит-бронза)га оид уруг ёки қабила номи ва унинг тили ҳақида маълумот келтирилган бирон бир манбани билмайди. Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақидаги энг дастлабки манба фақат Авесто. Авесто китобининг пайдо бўлиши мил.авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагидан нари ўтмайди. Марказий Осиё халқларининг бугунги номи пайдо бўлиш санаси ўрта асрлар билан боғлиқлиги шубҳасиз.

### **3.Қадимги давлат ва халқ яшаган ҳудуднинг ҳаддан ортиқ катталаштирилиши.**

Қосим Масимининг юқорида тилга олинган асари 313 бетида Уйғур давлатининг харитаси келтирилиб, унда бу давлатнинг ҳудуди Тинч океанидан тортиб то Шарқий Европа ерларини ҳам тўлиқ ўз ичига олганлитини кўришмиз мумкин ...

Ушбу китобнинг 310-311 бетларида таъкидланишича, Америка ҳиндулари бу уйғурлар бўлиб асарда уларнинг Беринг бўғози орқали Америкага ҳаракатланиш схемаси ҳам келтирилади.

“Рухнома” китобида туркман халқнинг буюк ўтмиши улуғланиб, улар томонидан 26 та туркий давлатга асос солингланлиги қайд қилинади. Улар орасида туркманларга умуман алоқаси бўлмаган Қораҳонийлар ҳоқонлиги, Ғазнавийлар давлати ва Мисрдаги Мамлюклар давлатини кўриш мумкин.

Н.Нигматовнинг “Таджикский феномен: теория и история” (Душенбе. 1997 г.) китобида “тарихий Тожикистан” тушунчаси “илмий муомалага” киритилган бўлиб, унинг ҳудуди бутун Ўрта Осиё минтақасини қамраб олган (21 бет). Муаллиф даъво қилишича, бу афсонавий “тарихий Тожикистан” қадимги Шарқ цивилизациялари замонида мил.авв. III-II минг йилликларда мавжуд бўлган ва қадимги Бобил, Хетт ва финикийлар билан яқин алоқада бўлган.

Умуман тарих фанида юзага келган бундай ғайриилмий, тарихий ҳақиқатдан анча йироқ асарларни ўқиб, наҳотки ушбу ишларнинг илмий муҳаррири бўлмаган бўлса? деган хаёлга ботасан. Йўқ, китоб бошида ёки охирида уларнинг исми-шарифи келтирилган. Бироқ улар фикримизча ўта ёмон мутахассис. Нима бўлганда ҳам бу каби “тарих яратувчиларга” машҳур француз шоири Пол Валерининг сўзларини эслатиб қўйиш жоиз: “Тарих – интеллектуал кимё йўли билан яратилган энг хавфли маҳсулот. У орзу килишга мажбур

қилади, халқларни маст қилади, уларда ёлғон таассуротларни туғдиради ... такаббурлик, тақиб, серзардалик, тоқатсизлик ва манманлик ҳиссини шакллантиради”.

### **Назорат саволлари**

1. Тарих фанининг жамият тараққиётида тутган ўрни ва ролини қандай баҳолайсиз?
2. Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов асарларида тарих фанининг концептуал масалалари.
4. Мустақиллик йилларида тарих фани тадқиқотларида ва уни ўқитишдаги ўзгаришларга баҳо беринг.
5. Тарих фани манбашунослиги ва тарихшунослигининг бугунги ахволи. Мавжуд муаммолар ечимиға янгича ёндашувларга сизнинг муносабатингиз.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент., 2008.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 488 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
5. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 315-сон қарори.
6. Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар. Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллари. Тошкент, 2009.
7. Абдурахмонов А. Саодатга элтгувчи билим. 1-2 китоб. –Т., “Мовароуннахр”. 2004.

## **2- Мавзу: Ибтидоий давр ва илк цивилизациялар тарихининг долзарб масалалари.**

### **Режа:**

1. Цивилизация тушунчаси ва унинг тарихи талқини.
2. Атропогенез жараёнлари ва унинг долзарб масалалари.
3. Ўрта осиё халқлари тарихини янгича даврлаштириш масаласи

**Таянч тушунчалар:** Цивилизация тушунчасига замонавий ёндашувлар. Илк цивилизациялар (хорижий таҳлил). Тарихий ва археологик даврлаштириш масалалари. Атропогенез жараёнларининг замонавий талқини.

1.Кейинги йилларда тарихимизнинг баъзи бир долзарб муаммоларини янгича қарашлар асосида ёрита бошлаган бўлишимизга қарамай, Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларидан то ҳозирги кунимизга қадар бўлган жараёнини даврлаштириш масаласи ҳозиргача ўзининг тўлиқ илмий ечимини топа олгани йўқ. Тўғри, баъзан илмий анжуманларда, олимлар орасидаги ўзаро бахс ва сұхбатларда тарихни даврлаштириш масаласида цивилизацион методни қўллаш мақсадга мувофиқдир, деган ғоялар олға суримоқда. Аммо, бу масалада ҳам хали аниқ бир тўхтамга келингани йўқ.

Маълумки, инсоният тарихи доимо бир текисда ривожланмаган. Тарихда юз берган даврий маданий юксалишлар цивилизациялар тарихини ташкил этган. Кишилик тарихи ўз таракқиёт йўлида 5 марта йирик цивилизация юксалишларини бошидан кечирди. Биринчи цивилизация дастлаб, милоддан аввалги III минг йилликда Ефрат ва Дажла, Нил, Хинд ва Хуанхе дарёлари ҳавзаларида юз берди. Шунинг учун у тарихга «Қадимги шарқ цивилизация» номи билан кирди. Унинг таъсир доираси милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларида Ўрта Шарқ минтақаларига ва II минг йиллик бошларида Мовароуннаҳрга ёйилди. Айниқса, бу мил. аввалги II минг йиллик давомида қадимги Бақтрия ва Марғиёна минтақаларининг бронза даври маданиятлари – Шўртугай, Даштли, Номозгоҳтепа, Олтинтепа, Келели, Гонур, Тўғолок, Аучин, Тохирбой-3, Саразм, Сополлитепа, Жарқўтон каби ёдгорликлари мисолида яққол кўзга ташланади.

Археолог олимлар ҳатто уларнинг моддий маданиятида ўз аксини топган этномаданий юксакликларга қараб, бирламчи цивилизациянинг “Бешинчи Окс цивилизация ўчғи” сифатида қарамоқдалар. Ана шу Окс цивилизацияси асосида Ўрта Осиёда, илк темир даврига келиб, унинг қатор маҳаллий марказлари (Шимолий Бақтрияда – Қизилтепа II, Кучуктепа II, Жондавлаттепа, Бандиҳон I, Гозтепа каби ёдгорликлар; Суғдиёнада - Даратепа, Сангирутепа, Узунқир, Кўктепа II, Афрасиёб I, Лолазор каби ёдгорликлар; қадимги Хоразмда - Кўзалиқир, Қальвалиқир, Хумбустепа, Хозарасп каби ёдгорликлар базасида) таркиб топди. Уларнинг ҳар бири алоҳида микровоҳа доирасида дастлаб шаҳар-давлат – микроовоҳалар бош шаҳрига, пойтахтига айланди. Улар аста-секин воҳа (занту) давлатчилиги марказига, кейинчалик уларнинг айримлари эса тарихий-маданий вилоят (даҳъю) марказига айланди. Айнан мана шу аҳоли пунктлари, уларни ўраб олган воҳалар доирасидаги қишлоқлар асосида минтақанинг шарқий эроний тилларда сўзлашувчи ўтрок аҳолиси - сұғдийлар, боҳтарийлар, хоразмийлар, яъни Амударё ҳавзалари вилоятларининг ўтрок аҳоли қатлами таркиб топди.

Ана шу ўтрок этник қатлам таркибида бронза давридан эътиборан (мил. авв. II минг йилликда) Евроосиё даштларидан чорвадор қабилаларнинг катта тўлқини кириб келадилар. Улар Авестода турлар ва уларнинг аслзода қатлами эса орийлар (эркин, озод суворийлар) деб аталган. Европоцентрик назария қарашларига зидли ўлароқ, улар қадимги Хитой ёзма манбаларида туркий тилли қабила ва уруғ жамоалари сифатида қайд этилади<sup>1</sup>.

Турлар Эрон Аҳамонийларининг қоятош китобаларида саклар, юонон-рим ёзма манбаларида сак-массагетлар сифатида тилга олинади. Уларнинг шимолий минтақаларда истиқомат қилувчи этник гурухлар эса, скифлар сифатида тилга олинган<sup>2</sup>. Юон тарихчиси

<sup>1</sup> Дуан Лянчин. Динглинглар, қанқилар ва туролар. I-жилд, Уримчи, 1996; Хитой тили катта лугати. III-жилд, 2057-б; Хўжаев А. Қадимги хитой манбаларидаги туркий халкларга оид айрим этнонимлар. «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият» Т.: 2003, 176-184 бетлар; Асқаров А. Мустакиллик йилларида тарих, археология ва этнология. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», № VI, Т.: 1996. 71-б; Ўша муаллиф, Об исконной родине расселения древних тюрков. ИМКУ, вып.32, Т.: 2001. с. 69-72; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, № IV, Т.: 2002, 55-б; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халқининг келиб чикиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. Т.: 2004. 4-6 бетлар; Его же. Арийская проблема: новые подходы и взгляды. «История Узбекистана в археологических и письменных источниках». Т.: 2005, с. 81-91.

<sup>2</sup> Геродот. История в девяти книгах. Перевод Г.А. Стратановского, 2001, кн. 1, 5, 6.(Геродотнинг ёзишича, одамзод оёги босмаган ўлкада Тарғитой исмли киши пайдо бўлади. Ривоятга кўра, Тарғитойнинг ота-оналари

Геродот ўзининг 9 китобдан иборат “Тарих” асарида “сакларнинг кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари скифларнига ўхшаб кетади. Аслида, “саклар скиф қабилаларидир. Форслар барча скифларни саклар деб атайдилар”<sup>1</sup>. Массагетлар масаласида эса, “Улар шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида иссадонларга рўпарасида жойлашганлар. Баъзилар уларни скиф қабиласи, деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>, дейди. Демак, скифлар сакларнинг ўзгинаси, уларнинг азалий ватани Осиё даштлари бўлган. Уларнинг бронза давридаги чорвадор аждодлари Авестода турлар деб аталиб, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан Ўрта Осиё ва Кавказ орқали жанубга – Эрон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларига ва жанубий – ғарбга – Фрот ва Дажла дарёлари куйи ҳавзаларигача кириб борганлар. Уларнинг айрим гурухларини Африканинг Нубия даштларигача кириб борганликлари хақида маълумотлар бор.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, уларни бронза давридан эътиборан, айниқса, Ўрта Осиё ҳудудларига кенг кўламда кириб боришининг чеки бўлмаган. Улар дастлаб маҳаллий эронзабон аждодларимиз (Номозгах, Даштли, Шўртугай, Келели, Аучин, Тўғолоқ, Гонур, Сополли, Жарқўтон каби ёдгорликлар аҳолиси) билан ёнма-ён жойлашиб, яқин ижтимоий-иктисодий ва этномаданий алоқада бўлдилар, сиёсий-ҳарбий етакчиликни қўлга киритиб, буюк Абу Райхон Беруний айтганидек, “турк подшолиги”га асос соладилар<sup>3</sup>. Илк темир даврига келганда (мил. авв. IX-IV асрлар), уларнинг дастлабки интеграцияси, ўзаро қоришуви асосида маҳаллий шаҳар-давлат, ҳавза давлатчилигининг таркиб топишига олиб келади. Сўнг, уларнинг секин-аста шаҳар-давлатлар атрофида бирлашиши туфайли минтақавий цивилизация марказлари (Бахди, Маури, Гава Суғуда, Нисайя, Харайва, Кангха ва бошқалар) таркиб топади. Айнан мана шу даврда ўзбек халқи ва унинг ilk давлатчилигига асос солинди. Аҳамоний подшолари хукмронлигига қадар Ўрта Осиё ҳудудий доирасида “Қадимги Бақтрия подшолиги”, “Катта Хоразм”, Сак-массагетлар конфедерацияси каби даҳью типидаги ilk давлат ўюшмалари ташкил топади.

Иккинчи жаҳон цивилизацияси милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Греция ва Римда юз берди. У тарихда «Антик давр цивилизацияси» номи билан машҳур. Унинг таъсир доираси Македониялик Искандарнинг Қадимги Шарққа ҳарбий юришларидан сўнг Ўрта Осиёга кириб келди ва у «Осиё-Европа эллинизм цивилизацияси»ни шаклланишига олиб келди<sup>4</sup>. Буни биз Қадимги Бақтриянинг Ойхонум, Кампиртепа, Тахтисангин, Эски Термиз ва Жондавлаттепанинг антик давр қатламлари, Холчаян, Далварзинтепанинг куйи қатламлари, Зартепа, Хотинрабод, Фаёзтепа, Қоратепа, Оққўрғон, Айртом, Ҳайрабодтепа ва бошқа юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида, Жанубий Суғдда Еркўрғон, Қалай Захоки Марон (Қарши воҳасининг шу даврга тегишли 31 та ёдгорликлари), Марказий Суғдда Афросиёб III, Кўктепа III, Рабиджон, Тали-Барзу, Кушонтепа, Кофирқала, Ғарбий Суғдда Бухоро, Пойкент, Сеталактепа, Ромиштепа, Кўргони Ромитан, Қизилкир, Нортепа каби юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида, Қадимги Хоразмда Кўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Жонбосқалъа, Аязқалъа, Бозорқалъа, Ахчахонқалъа, Тўққалъа, Бурлиқалъа каби юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида биламиз. Улар ўз даврининг юксак даражада ривожланган санъат асарлари, скульптура ва рангли монументал деворий суратлари, қадимги ёзув ва меъморий қурилиш обидалари, яъни диний ва дунёвий

Зевс ва Борисфон дарёсининг қизи бўлган. Геродот бу афсонага ишонмасада, ривоятни баён этишда давом этади: «Тарғитойнинг уч ўғли бўлган. Уларни Липоксой, Арпоқсой ва энг кичиги Қолаксой деб аталган. Уларнинг тегишли қабилалар устидан сардорлик даврида осмондан олтин омоч, ёргучок, болта ва коса тушган. Бу буюмлар ва улар кўл остидаги (авхат, катиар, траспий ва паралата) қабилалар бирлашмасидан ташкил топган “сколота” подшолиги эса кенжа ўғилга насиб этади. Ривоятга кўра, бу подшоликни юононлар “скифлар подшолиги” деб номлаганлар).

<sup>1</sup> Геродот. История в девяти книгах. Перевод Г.А.Стратановского, 2001, кн. VII, 64.

<sup>2</sup> Геродот. “История в девяти книгах”, книга I, 2001.

<sup>3</sup> Беруний Абу Райхон .Памятники минувших поколений . Пер. С арабского М.А. Салье. Избранные произведения. Том I, Т.: 1967, с 47.

<sup>4</sup> История Востока. Том I, стр. 17-24.

характердаги архитектура комплекслари билан жақон цивилизацияси хазинасига улкан хиссаларини қўшдилар. Антик давр цивилизацияси таъсир доираси Мовароуннахрнинг Чоч, Уструшона ва Қадимги Фарғона худудларигача кириб борди. Оқибат натижада, Ўрта Осиё худудларида ўзига хос синкетик моддий ва маънавий маданият яратилди.

Учинчи цивилизация ўчоғи Мовароуннахр ва Хурросон бўлиб, ушбу худудларда у милодий IX-XIII аср бошларида юз берди ва унинг таъсирида Европа уйғонди<sup>1</sup>. Бу давр ижтимоий ва этномаданий ҳаёти жақон илм-фан дунёсига Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Юғнакий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қашғарий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Исмоил Журжоний, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий каби алломаларни бердики, уларнинг буюк қашфиётлари туфайли жақон илм-фани ва маданияти ривож топди.

Масалан, буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий ўзи яшаб келаётган феодал тузумининг иқтисодиёти учун астрономия, геодезия, геометрия каби фанларни ривожлантириш зарурияти туғилганини тушина билди. У алгебра фанига асос солди. У таклиф қилган бирдан ўнгача рақамлар асосида арифметика фанини туғилишига олиб келди. Муҳаммад Хоразмийнинг “Зиж”и Шарқ ва Ғарбда астрономияни ривожланиш йўлини очиб берди<sup>2</sup>.

Аҳмад Фарғонийнинг астрономия, математика ва география билимларининг мажмуаси асосида яратган “Астрономия асослари ҳақидаги китоб”и XII асрдан лотин ва Оврўпа тилларига таржима қилиниб, Европа мамлакатлари университетларида XVI асргача дарслик сифатида ўқитилиб келинган.<sup>3</sup>

Буюк файласуф, қомусий олим Абу Наср Форобий номи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожи билан боғлиқ. У ўзининг баркамол ижодида фалсафий билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари, категориялари, ижтимоий - сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалалари, одоб - ахлоқ, тарбия масалалари, табиий-илмий фанлар, уларнинг келиб чиқиши ва таснифи, уларнинг амалий фаолияти ҳақида теран фикрлар ва амалий таклифларни тавсия этади.

Форобийнинг фалсафий таълимоти моҳият-эътибори билан анъанавий илоҳиёт - каломдан тубдан фарқ қилиб, илмий ғоялар билан йўғрилгандир. Форобий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари – давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ ва одоб, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат каби масалалар қамраб олинган<sup>4</sup>.

Ривожланган ўрта асрлар даврининг қомусий олими Абу Райҳон Беруний эса астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, қадимги тарих ва этнография фанлари бўйича теран фикрлар, янгидан-янги ғояларнинг изчиллиги, илмий асослиги билан замонасининг дахоси эди. У ўз асарларини илмий тажрибалар, теварак муҳитни кузатишлар, ўзига қадар ўтган олиму-фузалоларнинг асарларини чуқур ўрганиш, илмий таҳлил этиш, қиёсий солиштиришлар асосида яратган. Беруний “ҳар бир олим ўз илмий фаолиятида амалиётга асосланиши, ўз тадқиқотида аниқ бўлиши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини қидириб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдурма, юзакичиликка қарши кураш олиб бориши зарур”, деб ҳисоблайди.

Академик В.Р. Розен “Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ва сифмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби” га юксак баҳо бериб, “Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрлардаги бутун илмий адабиёти орасида бунга teng келадиган асар йўқ”, деган холосага келади.

<sup>1</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I-китоб, Т.: 1995.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар....9-12 бетлар.

<sup>3</sup> Буюк сиймолар....16-20 бетлар.

<sup>4</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I-китоб, Т.: 1995. 32-40 бетлар.

Замонасининг етакчи олимларидан Ёқут эса, унинг “Масъуд қонуни” асарини математика ва астрономия бўйича унгача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган” деган фикрни айтган. Берунийнинг “Минералогия” асари илм дарғаларининг умумий баҳосига кўра, ўз замонаси учун Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, хатто Оврўпада ҳам минералогия соҳасида энг яхши, тенги йўқ асар ҳисобланади.

Беруний Коперникдан бир неча аср аввал Ерни коинотнинг маркази деб билувчи геоцентрик ва Қуёшни қоинот маркази деб ўргатувчи гелиоцентрик тизим тенг кучга эга, деган холосага келади. Беруний “Геодезия” асарида геоцентризм билан боғлиқ бўлган баъзи бир назарияларнинг туғилишига шубҳа билан қараганини очиқ баён этади. У жойларнинг географик узунлигини, кенглигини аниқлаш йўлларини танлаб олишда новатор ҳисобланади. Берунийнинг фойдали қазилмалар қатламишининг пайдо бўлиши, жинслар емирилишининг аҳамияти, тоғ жинсларининг нураши кабилар хақидаги холосалари катта илмий аҳамиятга эга.

Беруний ўз ижодини ижтимоий масалалар ечимини топишга ҳам қаратган. У инсон ва унинг жамиятини юзага келиши масаласида сўз юритиб, “Қадимги тарихларнинг энг қадимгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир” дейди. У “инсоннинг қадр-қиммати унинг меҳнати билан белгиланади, инсон ўз хохишига меҳнат туфайли эришади”, дейди. Беруний “мамлакат равнақи фан равнақи билан узвий боғлиқ” деб билади<sup>1</sup>.

Ривожланган ўрта асрлар даврий доирасида тўртинчи жаҳон цивилизацияси Мовароуннаҳрда Амир Темур ва темурийлар салтанатидан бошланиб, XV-XVII асрлар давомида бутун Европа ва Осиёга ёйилди<sup>2</sup>, яъни Амир Темур салтанатининг шон-шуҳрати Овропага буюк уйғониш даври маданиятини олиб келди. Ниҳоят, бешинчи цивилизация жамият ривожининг барча жабҳаларини қамраб олган XX аср цивилизациясидир.

Цивилизациялар оралиғида нотекис ривожланишлар, узоқ йиллар давом этган турғунликлар ва тез-тез даврий инқизоллар юз бериб турган. Демак, кишилик тарихи узлуксиз давом этган цивилизациялар тарихидангина иборат эмас. Шундай экан, тарихни даврлаштириш учун тарихий жараёнларни объектив акс эттирувчи омиллар асос қилиб олинмоғи керак.

Истиқлол йилларида Республикамиз Олий ўқув юртларида, айниқса, тарих фанидан дарс берётган ёш педагог-кадрлар, дарс жараёнида талабаларга турли даврларда жамиятда юз берган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар моҳиятини аниқ бир даврий тизим асосида баён этишга эҳтиёж сезганлиги ҳеч кимга сир эмас.

2. Олимларнинг илмий фаразларига кўра, биз яшаб турган она ер беш миллиард йил, муқаддам пайдо бўлиб, дастлаб унда ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган. Ер тарихи геологик жиҳатдан архей, палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига бўлинади. Архей эрасининг охирида ерда жуда оддий тирик мавжудотлар, палеозойда сувда ва қуруқда яшовчи ҳайвонлар, мезозойда судралиб юрувчилар пайдо бўлади. Ер тарихининг кайнозой эрасида эса сут эмизувчи ҳайвонлар тарқалади. Бу эра, ўз навбатида, учламчи ва тўртламчи босқичларга бўлинаб, учламчи босқич 50-60 миллион, тўртламчи босқич 3,5-3 миллион йилни ўз ичига олади.

Ер тарихидаги энг буюк воқеа ҳайвонот дунёсидан одамзоднинг ажralиб чиқишидир. Олимларнинг илмий фаразларига кўра, одамзод тўртламчи босқич бошларида пайдо бўлган. Шуни айтиш лозимки, тарих фанида инсонни келиб чиқиши ва ривожланиши археологик ва антропологик материаллар, мавжуд турли манбаларга асосланиб ўрганилади. Олимлар берган маълумотларга кўра энг қадимги одамлар Ер юзида бундан 2-3 миллион йил аввал яшаганлар. Улар дастлаб Африка, жанубий ва жануби-шаркий Осиёда яшаб, кейинчалик Осиё ва Европа қитъасининг ички ҳудудларига кириб борган.

<sup>1</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). I-китоб, Т.: 1995. 48-52 бетлар.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). II-китоб, Т.: 1995.

Тўртламчи босқич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Периней яриморолидан Хитойгача бўлган майдонлар субтропик, Осиёнинг жануби ва Африканинг катта қисми эса тропик минтақалар эди. Учламчи босқичнинг охири ва тўртламчи босқичнинг бошларида яшаган одамнинг энг қадимги аждодлари фанда дриопитек, рамапитек, австралопитек номлари билан маълум.

Инсоннинг энг қадимги аждоди 6-3 млн. йил олдин яшаган Дриопитек ва Австралопитеклар хисобланади. Дриопитек (дараҳтда юрувчи маймун) 1856-йил француз археологи Ларте томонидан Австрияning Юқори Горонна ҳавзасидан топилган. Миясининг ҳажми 600-680 см<sup>3</sup>. Австралопитек (жануб маймуни) 1924-йил Р.Дарт томонидан Жанубий Африкадан топилган. Миясининг ҳажми 700 см<sup>3</sup>. Дриопитек ва Австралопитеклар олий типдаги одамсимон маймунлар хисобланиб, ҳайвонот оламидан одамзод оламига ўтиш босқичи хисобланади. Улар икки оёқда тик юрган, ўсимлик ва гўштни овқат сифатида истеъмол қилган.

Австралопитеклар “Ҳомо ҳабилис” ва “Парантхропус” одамлари учун асос бўлдилар. “Ҳомо ҳабилис” одамларининг дастлабки вакили Зинжантроп ва Питекантроплар хисобланади. Парантроплар эволютсион жараёнда қирилиб кетганлар.

1959-1960-йилларда Шарқий Африкадаги Олдувой дарасида инглиз олими Л. Лики зинжантроп («ишбилармон одам») қолдиқларини, дара ёнидан эса оддий тош қуролларини топган ва улар бундан 1.750.000 йил муқаддам ясалган, деган фикрни билдирган эди. Л.Ликининг ўғли Ричард Лики Кения ва Эфиопия территориясидан қидиув ишлари натижасида австралопитекларнинг жуда кўп суюқ қолдиқлари ва меҳнат қуролларини топишга муваффақ бўлган. Эфиопия презнжантроплари хам «ишбилармон одамлар» деб аталиб, бу мавжудодлар бундан 2,5-3 миллион йил муқаддам яшаганлар. Бу «ишбилармон одамлар» - архантроплар (грекча архаёс – қадимги, антропос – одам) тошдан меҳнат қуроллари ясаш қобилиятига эга бўлганлар. Тадқиқотчиларнинг мулоҳазаларига кўра, Африка архантроплари ер юзидағи энг қадимги қазилма одамларнинг дастлабки вакиллари хисобланади.

Агар шимпанзе маймуни мия қутисининг ҳажми 350-400 см<sup>3</sup> ни ташкил этса, «ишбилармон одам» мия қутисининг ҳажми ўртacha 670-680 см<sup>3</sup> ни ташкил этган.

Питекантроп (маймун одам) 1890-йил голланд археологи Е.Дюбуа томонидан Индонезияning Ява оролидан топилган. 1 млн йил олдин яшаган. Миясининг ҳажми 900 см<sup>3</sup>. Зинжантроп ва Питекантроплар тошдан меҳнат қуроллари ясай бошлаганлар. Меҳнат одамларни ҳайвонот дунёсидан узил-кесил ажратди.

Одам ҳайвонот дунёсидан узоқ давом этган ривожланиш жараёни оқибатида ажralиб чиқкан. Машҳур инглиз табиатшунослари Ч.Дарвин ва Т.Гексли одамсимон маймунлар одам аждодлари эканини таъкидлаб, эволютсион жараён натижасида одам худди шу одамсимон маймундан келиб чиққанини исбот қилганлари ҳолда диний афсоналарга қаттиқ зарба бердилар. Дарвин маймуннинг одамга айланишидаги асосий омил жинсий танланишdir, деган эволютсион таълимотни яратди. Лекин у маймуннинг одамга айланиши жараёнидаги буюк сотсиал омил – меҳнатнинг ўзгартирувчилик моҳиятини пайқамаган эди. Ф.Енгелс «Маймуннинг одамга айланиши жараёнида меҳнатнинг роли» деган асарида Дарвиннинг эволютсион назариясига юксак баҳо берди, маймуннинг одамга айланишида асосий, бош омил меҳнат эканлигини таъкидлаб, ўзининг оламшумул тарихий аҳамиятга молик меҳнат назариясини яратди. 1891-1892-йилларда голландиялик олим Э.Дюбуа Индонезиядаги Ява оролидан питекантроп (грекча питекос – маймун, антропос – одам) маймун-одамнинг суюқ қолдиқларини топишга мусассар бўлди. Питекантроп мия қутисининг ҳажми 800-900 см<sup>3</sup> бўлиб, олимларнинг фикрича, бу мавжудод бундан 700-800 минг йил илгари яшаган. 1950-1980-йилларгача олимлар уни меҳнат қуроллари ясай олиш қобилиятига эга бўлган илк одам деб ҳисоблаб келдилар. Кейинги вақтда Осиё, Африка ва бошқа жойлардан питекантропларнинг жуда кўп қолдиқлари топиб, ўрганилди. Эндиликда питекантроп Африканинг «ишбилармон одами»дан кейинги босқичда турувчи энг қадимги одам эканлиги

аниқланди. Улардан энг қадимгисининг санаси бундан 1,5-1,9 миллион йилга бориб тақалади.

Гейделберг одами 1907 йилда Германиянинг Гейделберг конидан топилган. Даврий жиҳатдан синантропларга замонадош бўлган. Синантроп (хитой одами) 1929-йил Пекин яқинидаги Чжоукотян ғоридан топилган. 600-700 минг йил олдин яшаган. Миясининг ҳажми 1100-1200 см<sup>3</sup>.

Хитой олими Ву 1963-йилда Хуанхе дарёси ўрта оқими ҳавзасидаги Лантяндан топган қазилма одам қолдиғини ҳам архантропларга киритиш мумкин. Олимларнинг фикрича, Лантян архантропи синантропга нисбатан ҳам қадимийроқ экан. Энг қадимги қазилма одамларнинг қолдиқлари Европада Германиянинг Гейделберг, Венгрияниг Будапешт шаҳарлари яқинидан ҳам топилган. Олимларнинг таъкидлашича, улар питекантропларга анча яқин турган. Сўнгги вақтда Осиё, Африка, Европанинг кўпгина жойларидан ҳам архантроплар яшаган манзилгоҳлар кўплаб топилмоқда.

Узлуксиз меҳнат жараёнида архантроплар жисмоний жиҳатдан ривожланиб, қадимги одамлар – неандерталларнинг шаклланиши учун замин ҳозирлаганлар.

Архантроплардан кейинги босқич кишилари фанда қадимги одамлар номи билан машхур бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, улар замонамидан 100-50 минг йил муқаддам яшаганлар.

Қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари дастлаб 1856 йилда Германиянинг Дюсселдорф шахри яқинидаги Неандертал қишлоғидан топилган. Улар 100-40 минг йил олдин яшаган. Миясининг ҳажми 1300-1400 см<sup>3</sup>. 1948, 1964-йилларда Испаниянинг Гибралтар бўғози раёнидан ҳам шу типдаги ибтидоий одам излари топилади.

Неандертал типидаги одамларнинг қазилма қолдиқлари сўнгги вақтда ер юзининг турли бурчакларидан топилди ва топилмоқда. Қадимги одамлар жисмонан анча бақувват бўлиб, уларнинг бўйи ўртача 165 см бўлган. Улар тошдан хилма-хил меҳнат қуроллари ясаганлар.

Неандертал қиёфадаги одамларнинг қазилма қолдиқлари Африкадан, Ўрта денгизининг шарқий қирғоқларидан, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари территориясидан, Кора денгиз бўйларидан, Шарқий Европадан ва Осиё ерларидан кўплаб топилган.

Неандерталларнинг ташқи қиёфаси ва фикрлашида соддалиқ, маймунга хос белгилар сақланиб қолган бўлиб, уларнинг бош мияси у қадар ривож топмаган эди. Лекин улар архантроплардан жуда узоқлашиб кетиб, ҳозирги қиёфадаги одамларга жуда яқинлашиб қолган эдилар.

Ибтидоий жамоа тузумининг ўрта тош асридаги объектив ва субъектив сабабларга кўра биринчи навбатда меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфадаги одамлар ҳозирги қиёфадаги кишиларга айлана бордилар. Улар ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди, шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига етди. Худди шу даврда европоид, негроид ва мўғил каби дастлабки ирқлар вужудга келди.

ИНСОННИЯТ ЎЗИНИНГ ҲОЗИРГИ ҚИЁФАСИГА ЕТИБ КЕЛГУНИЧА 10-15 МИЛЛИОН ЙИЛЛИК КАТТА ТАРИХИЙ ДАВРНИ БОСИБ ЎТДИ. БУ КИШИЛАР ФАНДА ХОМА САПИЙЕНС – АҚЛ-ИДРОКЛИ ОДАМЛАР, ДЕБ АТАЛАДИ.

Одамнинг пайдо бўлиши Ердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий чўқмор ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, интилиш ва қайта қуриш натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди.

Ўрта Осиёниг қулай географик шароити ибтидоий даврнинг ilk босқичлариданоқ кишилар дикқат-эътиборини ўзига жалб қилган. Жанубий Қозогистоннинг тоғ ва тоғолди раёнларида, Қирғизистоннинг тоғ водийларида, Тожикистонда, Туркманистоннинг Копетдоғ этакларида, Каспий денгизи бўйларида инсон яшashi учун қулай табиий мухит мавжуд бўлган.

Яқин йилларга қадар Ўзбекистон худудлари энг қадимги одамлар томонидан 100 минг йиллар илгари ўзлаштирилган деб ҳисобланиб келинар эди. Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта

Осиё палеолити ҳақидаги баҳсларда бу жараённи асосан Европа палеолити билан боғлаб келар эдилар. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистон археологлари томонидан олиб борилган кўпгина тадқиқотлар бу масалага анча ойдинлик киритди.

1980-йил археолог Ў.Исломов бошчилигидаги тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги Селунғур (Сўх тумани) ғоридан палеолит даври маконини очишга муваффақ бўлдилар. Сўнгги тадқиқотлар натижаларига қараганда Селунғур илк палеолит даврига оид бўлиб, 13 маданий қатламдан иборат. Бу қатламлардан жуда кўплаб ибтидоий тош қуроллар топилган. Бу қуроллар кўп ҳолларда Олдувой қуролларига ўхшаб кетади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Селунғур топилмаларининг ёши 1 млн. йилдан зиёдроқдир. Селунғур топилмалари орасидан энг аҳамиятлиси қадимги одам жағ суяклари, тишлари ва елка суякларидир. Фанда «Фарғона одами» (Фергантроп) деб номланган бу қазилма одам қолдиклари энг қадимги одам ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтириш билан бирга Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг инсоният пайдо бўлиб ривожланган ўчоклардан бири эканлигини узил-кесил исботлайди.

Бундан ташқари фанга 1963-йиллардан бери маълум бўлган Кўлбулоқ маконидан (Шимоли-шарқий Ўзбекистон, Тошкент вил.) ҳам кўп қатламли ёдгорлик очилган бўлиб, унинг энг пастки қатламлари илк палеолит (ашел) даврига, юкори қатламлари эса ўрта ва сўнги палеолит даврларига оиддир. Шунингдек, Қизилолмасой ва Тошсой (Оҳангарон) маконларидан ҳам илк палеолит қатламлари очилган ҳамда бу ердан 100 дан зиёд чоппер, нуклеус, қирғич ва тарашлиғич тош қуроллар топилган.

Антропогенез жараёнининг сўнгиги босқичи юкори палеолит даврига тўғри келиб, бу даврда замонавий қиёфадаги одам шаклланди. Фанда Кроманон одами номи билан маълум бу одам тури 1868-йил Франциянинг Дордони вилояти Кроманон қишлоғидан топилган. Олимларнинг хисоблашларича Кроманон одами 40-12 минг йилликда яшаган. Миясининг ҳажми 1590 см<sup>3</sup> бўлиб бу замонавий одам мияси ҳажми билан бир хилдир.

3.Кейинги йилларда тарихимизнинг баъзи бир долзарб муаммоларини янгича қарашлар асосида ёрита бошлаган бўлишимизга қарамай, Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларидан то ҳозирги кунимизга қадар бўлган жараёнини даврлаштириш масаласи ҳозиргача ўзининг тўлиқ илмий ечимини топа олгани йўқ. Тўғри, баъзан илмий анжуманларда, олимлар орасидаги ўзаро баҳс ва суҳбатларда тарихни даврлаштириш масаласида цивилизацион методни кўллаш мақсадга мувофиқдир, деган ғоялар олға сурилмоқда. Аммо, бу масалада ҳам хали аниқ бир тўхтамга келингани йўқ.

Маълумки, инсоният тарихи доимо бир текисда ривожланмаган. Тарихда юз берган даврий маданий юксалишлар цивилизациялар тарихини ташкил этган. Кишилик тарихи ўз таракқиёт йўлида 5 марта иирик цивилизация юксалишларини бошидан кечирди. Биринчи цивилизация дастлаб, милоддан аввалги III минг йилликда Ефрат ва Дажла, Нил, Хинд ва Хуанхе дарёлари ҳавзаларида юз берди. Шунинг учун у тарихга «Қадимги шарқ цивилизация» номи билан кирди. Унинг таъсир доираси милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларида Ўрта Шарқ минтақаларига ва II минг йиллик бошларида Мовароуннаҳрга ёйилди. Айниқса, бу мил. аввалги II минг йиллик давомида қадимги Бақтрия ва Марғиёна минтақаларининг бронза даври маданиятлари – Шўртугай, Даշтли, Номозгоҳтепа, Олтинтепа, Келели, Гонур, Тўғолок, Аучин, Тоҳирбой-3, Саразм, Сополлитепа, Жарқўтон каби ёдгорликлари мисолида яққол кўзга ташланади.

Археолог олимлар ҳатто уларнинг моддий маданиятида ўз аксини топган этномаданий юксакликларга қараб, бирламчи цивилизациянинг “Бешинчи Окс цивилизация ўчғи” сифатида қарамоқдалар. Ана шу Окс цивилизацияси асосида Ўрта Осиёда, илк темир даврига келиб, унинг қатор маҳаллий марказлари (Шимолий Бақтрияда – Қизилтепа II, Кучуктепа II, Жондавлаттепа, Бандиҳон I, Гозтепа каби ёдгорликлар; Суғдиёнада - Даратепа, Сангиртепа, Узункир, Кўктепа II, Афрасиёб I, Лолазор каби ёдгорликлар; қадимги Хоразмда - Кўзалиқир, Қальалиқир, Хумбустепа, Хозарасп каби ёдгорликлар базасида) таркиб топди. Уларнинг ҳар бири алоҳида микровоҳа доирасида дастлаб шаҳар-давлат – микроовоҳалар

бош шаҳрига, пойтахтига айланди. Улар аста-секин воҳа (занту) давлатчилиги марказига, кейинчалик уларнинг айримлари эса тарихий-маданий вилоят (даҳъю) марказига айланди. Айнан мана шу аҳоли пунктлари, уларни ўраб олган воҳалар доирасидаги қишлоқлар асосида минтақанинг шарқий эроний тилларда сўзлашувчи ўтрок аҳолиси - суғдийлар, боҳтарийлар, хоразмийлар, яъни Амударё ҳавзалари вилоятларининг ўтрок аҳоли қатлами таркиб топди.

Ана шу ўтрок этник қатлам таркиби бронза давридан эътиборан (мил. авв. II минг йилликда) Евроосиё даштларидан чорвадор қабилаларнинг катта тўлқини кириб келадилар. Улар Авестода турлар ва уларнинг аслзода қатлами эса орийлар (эркин, озод суворийлар) деб аталган. Европоцентрик назария қарашларига зидли ўлароқ, улар қадимги Хитой ёзма манбаларида туркий тилли қабила ва уруғ жамоалари сифатида қайд этилади<sup>1</sup>.

Турлар Эрон Аҳамонийларининг қоятош китобаларида саклар, юонон-рим ёзма манбаларида сак-массагетлар сифатида тилга олинади. Уларнинг шимолий минтақаларда истиқомат қилувчи этник гуруҳлар эса, скифлар сифатида тилга олинган<sup>2</sup>. Юонон тарихчиси Геродот ўзининг 9 китобдан иборат “Тарих” асарида “сакларнинг кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари скифларникига ўхшаб кетади. Аслида, “саклар скиф қабилаларидир. Форслар барча скифларни саклар деб атайдилар”<sup>3</sup>. Массагетлар масаласида эса, “Улар шарқда, куёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида иссадонларга рўпарасида жойлашганлар. Баъзилар уларни скиф қабиласи, деб ҳисоблайдилар<sup>4</sup>, дейди. Демак, скифлар сакларнинг ўзгинаси, уларнинг азалий ватани Осиё даштлари бўлган. Уларнинг бронза давридаги чорвадор аждодлари Авестода турлар деб аталиб, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида Ўрта Осиё ва Кавказ орқали жанубга – Эрон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларига ва жанубий – ғарбга – Фрот ва Дажла дарёлари қуи ҳавзаларигача кириб борганлар. Уларнинг айрим гуруҳларини Африканинг Нубия даштларигача кириб борганларни ҳақида маълумотлар бор.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, уларни бронза давридан эътиборан, айниқса, Ўрта Осиё ҳудудларига кенг кўламда кириб боришининг чеки бўлмаган. Улар дастлаб маҳаллий эронзабон аждодларимиз (Номозгах, Даشتли, Шўртугай, Келели, Аучин, Тўғолоқ, Гонур, Сополли, Жарқўтон каби ёдгорликлар аҳолиси) билан ёнма-ён жойлашиб, яқин ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий алоқада бўлдилар, сиёсий-харбий етакчиликни қўлга киритиб, буюк Абу Райхон Беруний айтганидек, “турк подшолиги”га асос соладилар<sup>5</sup>. Илк темир даврига келганда (мил. авв. IX-IV асрлар), уларнинг дастлабки интеграцияси,

<sup>1</sup> Дуан Лянчин. Динглинглар, қанқилар ва туролар. I-жилд, Уримчи, 1996; Хитой тили катта лугати. III-жилд, 2057-б; Хўжаев А. Қадимги хитой манбаларидаги туркий халкларга оид айрим этнонимлар. «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият» Т.: 2003, 176-184 бетлар; Аскаров А. Мустакиллик йилларида тарих, археология ва этнология. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, № VI, Т.: 1996. 71-б; Ўша муаллиф, Об исконной родине расселения древних тюрков. ИМКУ, вып.32, Т.: 2001. с. 69-72; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, № IV, Т.: 2002, 55-б; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халкининг келиб чикиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. Т.: 2004. 4-6 бетлар; Его же. Арийская проблема: новые подходы и взгляды. «История Узбекистана в археологических и письменных источниках». Т.: 2005, с. 81-91.

<sup>2</sup> Геродот. История в девяти книгах. Перевод Г.А. Стратановского, 2001, кн. 1, 5, 6.(Геродотнинг ёзиича, одамзод оёги босмаган ўлкада Таргитой исмли киши пайдо бўлади. Ривоятга кўра, Таргитойнинг ота-оналари Зевс ва Борисфон дарёсининг кизи бўлган. Геродот бу афсонага ишонмасада, ривоятни баён этишда давом этади: «Таргитойнинг уч ўғли бўлган. Уларни Липоксой, Арпоқсой ва энг кичиги Қолаксой деб аталган. Уларнинг тегишли қабилалар устидан сардорлик даврида осмондан олтин омоч, ёргучок, болта ва коса тушган. Бу буюмлар ва улар кўл остидаги (авхат, катиар, траспий ва паралата) қабилалар бирлашмасидан ташкил топган “сколота” подшолиги эса кенжা ўғилга насиб этади. Ривоятга кўра, бу подшоликни юононлар “скифлар подшолиги” деб номлаганлар).

<sup>3</sup> Геродот. История в девяти книгах. Перевод Г.А. Стратановского, 2001, кн. VII, 64.

<sup>4</sup> Геродот. “История в девяти книгах”, книга I, 2001.

<sup>5</sup> Беруний Абу Райхон .Памятники минувших поколений . Пер. С арабского М.А. Салье. Избранные произведения. Том I, Т.: 1967, с 47.

ўзаро қоришуви асосида маҳаллий шаҳар-давлат, ҳавза давлатчилигининг таркиб топишига олиб келади. Сўнг, уларнинг секин-аста шаҳар-давлатлар атрофида бирлашиши туфайли минтақавий цивилизация марказлари (Бахди, Маури, Гава Суғуда, Нисайя, Харайва, Кангха ва бошқалар) таркиб топади. Айнан мана шу даврда ўзбек халқи ва унинг илк давлатчилигига асос солинди. Аҳамоний подшолари ҳукмронлигига қадар Ўрта Осиё худудий доирасида “Қадимги Бактрия подшолиги”, “Катта Хоразм”, Сак-массагетлар конфедерацияси каби даҳъю типидаги илк давлат уюшмалари ташкил топади.

Иккинчи жаҳон цивилизацияси милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Гречия ва Римда юз берди. У тарихда «Антик давр цивилизацияси» номи билан машхур. Унинг таъсир доираси Македониялик Искандарнинг Қадимги Шарққа ҳарбий юришларидан сўнг Ўрта Осиёга кириб келди ва у «Осиё-Европа эллинизм цивилизацияси»ни шаклтанишига олиб келди<sup>1</sup>. Буни биз Қадимги Бактриянинг Ойхонум, Кампиртепа, Тахтисангин, Эски Термиз ва Жондавлаттепанинг антик давр қатламлари, Холчаян, Далварзинтепанинг қуи қатламлари, Зартепа, Хотинрабод, Фаётепа, Қоратепа, Оққўрғон, Айрот, Ҳайрабодтепа ва бошқа юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида, Жанубий Суғдда Еркўрғон, Қалаи Захоки Марон (Қарши воҳасининг шу даврга тегишли 31 та ёдгорликлари), Марказий Суғдда Афросиёб III, Кўктепа III, Рабиджон, Тали-Барзу, Кушонтепа, Кофирқала, Ғарбий Суғдда Бухоро, Пойкент, Сеталактепа, Ромиштепа, Кўрғони Ромитан, Қизилқир, Нортепа каби юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида, Қадимги Хоразмда Қўйқирилганқалъя, Тупрокқалъя, Жонбоскалья, Аязқалъя, Бозорқалъя, Ахчахонқалъя, Тўққалъя, Бурлиқалъя каби юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида биламиз. Улар ўз даврининг юксак даражада ривожланган санъат асарлари, скульптура ва рангли монументал деворий суратлари, қадимги ёзув ва меъморий қурилиш обидалари, яъни диний ва дунёвий характердаги архитектура комплекслари билан жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан хиссаларини кўшдилар. Антик давр цивилизацияси таъсир доираси Мовароуннахрнинг Чоч, Уструшона ва Қадимги Фарғона худудларигача кириб борди. Оқибат натижада, Ўрта Осиё худудларида ўзига хос синкетик моддий ва маънавий маданият яратилди.

Учинчи цивилизация ўчоғи Мовароуннахр ва Хурсон бўлиб, ушбу худудларда у милодий IX-XIII аср бошларида юз берди ва унинг таъсирида Европа уйғонди<sup>2</sup>. Бу давр ижтимоий ва этномаданий ҳаёти жаҳон илм-фан дунёсига Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, И мом ал-Бухорий, Аҳмад Юғнакий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қашғарий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Исмоил Журжоний, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий каби алломаларни берди, уларнинг буюк қашфиётлари туфайли жаҳон илм-фани ва маданияти ривож топди.

Масалан, буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий ўзи яшаб келаётган феодал тузумининг иқтисодиёти учун астрономия, геодезия, геометрия каби фанларни ривожлантириш зарурияти туғилганини тушина билди. У алгебра фанига асос солди. У таклиф қилган бирдан ўнгача рақамлар асосида арифметика фанини туғилишига олиб келди. Муҳаммад Хоразмийнинг “Зиж”и Шарқ ва Ғарбда астрономияни ривожланиш йўлини очиб берди<sup>3</sup>.

Аҳмад Фарғонийнинг астрономия, математика ва география билимларининг мажмуаси асосида яратган “Астрономия асослари ҳақидаги китоб”и XII асрдан лотин ва Оврӯпа тилларига таржима қилиниб, Европа мамлакатлари университетларида XVI асрдагча дарслик сифатида ўқитилиб келинган.<sup>4</sup>

Буюк файласуф, қомусий олим Абу Наср Форобий номи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожи билан боғлиқ. У ўзининг баркамол ижодида фалсафий билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари,

<sup>1</sup> История Востока. Том I, стр. 17-24.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I-китоб, Т.: 1995.

<sup>3</sup> Буюк сиймолар....9-12 бетлар.

<sup>4</sup> Буюк сиймолар....16-20 бетлар.

категориялари, ижтимоий - сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалалари, одоб - ахлоқ, тарбия масалалари, табиий-илмий фанлар, уларнинг келиб чиқиши ва таснифи, уларнинг амалий фаолияти ҳакида теран фикрлар ва амалий таклифларни тавсия этади.

Форобийнинг фалсафий таълимоти моҳият-эътибори билан анъанавий илоҳиёт - каломдан тубдан фарқ қилиб, илмий ғоялар билан йўғрилгандир. Форобий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳакида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари – давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ ва одоб, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат каби масалалар қамраб олинган<sup>1</sup>.

Ривожланган ўрта асрлар даврининг қомусий олими Абу Райҳон Беруний эса астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, қадимги тарих ва этнография фанлари бўйича теран фикрлар, янгидан-янги ғояларнинг изчиллиги, илмий асослиги билан замонасининг даҳоси эди. У ўз асарларини илмий тажрибалар, теварак мухитни кузатишлар, ўзига қадар ўтган олиму-фузалоларнинг асарларини чуқур ўрганиш, илмий таҳлил этиш, қиёсий солиштиришлар асосида яратган. Беруний “ҳар бир олим ўз илмий фаолиятида амалиётга асосланиши, ўз тадқиқотида аниқ бўлиши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини қидириб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдурма, юзакичиликка қарши кураш олиб бориши зарур”, деб ҳисоблади.

Академик В.Р. Розен “Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби” га юксак баҳо бериб, “Шарқ ва Фарбнинг қадимги ва ўрта асрлардаги бутун илмий адабиёти орасида бунга teng келадиган асар йўқ”, деган хulosага келади. Замонасининг етакчи олимларидан Ёқут эса, унинг “Масъуд қонуни” асарини математика ва астрономия бўйича унгача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган” деган фикрни айтган. Берунийнинг “Минералогия” асари илм дарғаларининг умумий баҳосига кўра, ўз замонаси учун Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, ҳатто Овропада ҳам минералогия соҳасида энг яхши, тенги йўқ асар ҳисобланади.

Беруний Коперникдан бир неча аср аввал Ерни коинотнинг маркази деб билувчи геоцентрик ва Куёшни қоинот маркази деб ўргатувчи гелиоцентрик тизим teng кучга эга, деган хulosага келади. Беруний “Геодезия” асарида геоцентризм билан боғлиқ бўлган баъзи бир назарияларнинг туғилишига шубҳа билан қараганини очиқ баён этади. У жойларнинг географик узунлигини, кенглигини аниқлаш йўлларини танлаб олишда новатор ҳисобланади. Берунийнинг фойдали қазилмалар қатламининг пайдо бўлиши, жинслар емирилишининг аҳамияти, тоғ жинсларининг нураши кабилар ҳақидаги хulosалари катта илмий аҳамиятга эга.

Беруний ўз ижодини ижтимоий масалалар ечимини топишга ҳам қаратган. У инсон ва унинг жамиятини юзага келиши масаласида сўз юритиб, “Қадимги тарихларнинг энг қадимгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир” дейди. У “инсоннинг қадр-қиммати унинг меҳнати билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади”, дейди. Беруний “мамлакат равнақи фан равнақи билан узвий боғлиқ” деб билади<sup>2</sup>.

Ривожланган ўрта асрлар даврий доирасида тўртинчи жаҳон цивилизацияси Мовароуннаҳрда Амир Темур ва темурийлар салтанатидан бошланиб, XV-XVII асрлар давомида бутун Европа ва Осиёга ёйилди<sup>3</sup>, яъни Амир Темур салтанатининг шон-шуҳрати Овропага буюк уйғониш даври маданиятини олиб келди. Нихоят, бешинчи цивилизация жамият ривожининг барча жабҳаларини қамраб олган XX аср цивилизациясидир.

Цивилизациялар оралиғида нотекис ривожланишлар, узок йиллар давом этган турғунликлар ва тез-тез даврий инқирозлар юз бериб турган. Демак, кишилик тарихи узлуксиз давом этган цивилизациялар тарихидангина иборат эмас. Шундай экан, тарихни

<sup>1</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I-китоб, Т.: 1995. 32-40 бетлар.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I-китоб, Т.: 1995. 48-52 бетлар.

<sup>3</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). II-китоб, Т.: 1995.

даврлаштириш учун тарихий жараёнларни объектив акс эттирувчи омиллар асос қилиб олинмоғи керак.

Истиқлол йилларида Республикаиз Олий ўқув юртларида, айниқса, тарих фанидан дарс берәтган ёш педагог-кадрлар, дарс жараёнида талабаларга турли даврларда жамиятда юз берган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар моҳиятини аниқ бир даврий тизим асосида баён этишга эҳтиёж сезганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мен ҳам Низомий номидаги ТДПУ тарих факультетида талабаларга дарс ўтган кезларимда бунга эҳтиёж борлигидан хабардорман. Шу боис, узоқ фикр-мулоҳазалардан сўнг ушбу масалада ўз қарашларимни баён этишни лозим топдим.

Аввалом бор, Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг таркибий қисмидир. Бу заминда юз берган тарихий жараёнларни жаҳон тарихидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жамият тараққиёт қонуниятларининг маҳсулидир. Ҳар бир халқ ер куррасининг қайси минтақасида яшамасин, тараққиётнинг барча босқичларини у ёки бу даражада босиб ўтиши шарт. Аммо, жамият ривожланиши ҳамма ерда бир текисда кечмайди. Жамиятнинг нотекис ривожланиш қонунияти эса қадимги замонларда кўпроқ минтақанинг табиий-географик ва экологик имкониятларига боғлиқ бўлган. Масалан, Қадимги Шарқни олайлик. Бу заминда кишилик цивилизацияси бошқа минтақаларга нисбатан анча олдин ривожланган. Бу ерда минтақанинг табиий-географик шароити ва унинг экологик имкониятлари жамият тараққиётининг маданий-хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш йўлларини белгилаб берди, яъни Қадимги Шарқ ривожланишнинг “Осиёча ишлаб чиқариш усули”дан ўсиб чиқкан қулдорлик шаклидан борди. Демак, инсоният тарихининг ҳар бир давр ва босқичларини мазмун ва моҳияти унинг ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш характеридан келиб чиқади. Аммо, Совет даври мафкураси, гўёки ана шу принципдан келиб чиқиб, собиқ Совет даври тарихшунослигида Ўрта Осиёда ҳам қулдорлик ижтимоий-иқтисодий формацияси бўлган эди, деган қараш асосида Ўрта Осиё ҳалқлари тарихини даврлаштириди. Бироқ, Ўрта Осиё Қадимги Шарқ цивилизациясининг таркибий қисми бўлишига қарамай, бу ерда қадимги Шарқнинг Миср ва Месопотамия давлатларидағидек қулчилик ривож топмаган. Чунки Ўрта Осиё шароитида дастлабки синфий жамиятнинг шаклланиш арафасида жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари эркин дехқон жамоалари - кашоварзлар, озод шахар хунармандлари-озодкорлар ва савдо-сотиқ жамоалари - гувакорлардан иборат эди. Бу она заминимизда қулчилик патриархал оила қулчилиги характерида эди. Шунинг учун жамият ҳаётида юз берган туб ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар, Ўрта Осиё тарихининг ривожланиш даражаси ва ана шу минтақа тарихи тақазо этган ҳолатдан келиб чиқиб, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш мумкин. У ҳолда, Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда қуйидаги уч омил таклиф этилаётган янги даврий тизимнинг асосини ташкил этишда энг муҳим омил бўлади, деб ўйлайман. Бунинг учун жамиятда юз берадиган туб ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда, биринчидан, ҳар бир улкан тарихий даврда жамият иқтисодий асосини ҳаракатлантирувчи кучлари кимлар эди? Иккинчидан, жамият ижтимоий ҳаётининг маънавий асосини қандай мафкура ташкил этган? деган саволлар қўйилиб, кишилик жамияти тарихи даврлаштирилиши керак, деган фикрдамиз.

Ана шу уч омилга таянган ҳолда, Ўрта Осиё тарихи даврлаштирилса, унинг юраги, ажralmas таркибий қисми хисобланган Ўзбекистон тарихини қуйидаги хронологик даврий тизимда қўриш мумкин:

I. Ўзбекистонда “Ибтидоий тўда даври”. Бу даврнинг даврий чегараси одамзоднинг Фергантроп-Неандертал аждодлари яшаган даври билан

белгиланади (мил. авв. I миллион – 40 минг йиллликлар)<sup>1</sup>. Аммо, совет даври тарихшунослигида одамзоднинг пайдо бўлишидан дастлабки синфий жамият таркиб

<sup>1</sup> XX асрнинг иккинчи ярми давомида жаҳон фанида Шимолий-Шарқий Африканинг Олдувай водийсида олиб борилган археологик ва антропологик изланишларга кўра, одамзоднинг илк аждодлари бундан 2,5-3 миллион

топгунига қадар ўтган давр «Ибтидоий жамоа тузими» номи билан юритилиб келинди. Аслида, одамзод қўлига тош қуроли олиб, биринчи бор меҳнат қила бошлаганидан то дастлабки уруғ жамоалари бўлиб таркиб топганига қадар «ибтидоий тўда» даврини бошидан кечирди.<sup>1</sup> Бу давр одамзоднинг ўзини шаклланиш босқичи бўлиб, бу даврда одамзоднинг аждодлари – Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп ва Неандерталлар табиатдан ўз ризқи - рўзини термачилик ва йирик ҳайвонларни ов қилиш йўли билан топган ўлжаси хисобига яшаганлар. Улар дастлаб, миллион йиллар давомида иссиқ иқлим шароитида дайди ҳаёт тарзини бошидан кечирганлар (Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп, Фергантроплар замони). Қачонким, ер курраси совий бошлаб, буюк музликлар бошланган кезларда ғорларда яшашга, уларни эгаллаб олган йиртқич ҳайвонлар билан курашиб, совуқдан жон сақлашга мажбур бўлганлар (Гейделберг, Неандерталлар замони).

Кишилик тарихининг «Ибтидоий тўда даври» археологик даврлаштиришда қадимги тош (палеолит) даврининг олдувай, шелл, ашель ва мустеъ босқичларига тўғри келади. Бу даврда мулкчиликнинг ҳеч бир шакли бўлмаган. Одамзод ўзининг илк ибтидоий ҳолатидан том маънодаги одам ҳолатига ўтиш, фикрловчи одам бўлиб шаклланиш жараёнини бошидан кечирган. Тошдан меҳнат қуроллари ясаш ва улар ёрдамида ижтимоий меҳнат қилиши билан бошқа жонзодлардан тубдан фарқ қилган. Уларнинг мафкуравий дунёси тартибсиз «никоҳ» нормалари асосида курилган эди. Бу давр одамларида хали жамоа бўлиб яшаш кўнималари шаклланмаган эди<sup>2</sup>.

Кишиларнинг жамоа-жамоа бўлиб яшаш даври археологик ва этнографик маълумотлар таҳлилига кўра, қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичидан бошланди, яъни одамзод тарихида «ибтидоий уруғчилик жамоаси даври» бошланди. Ибтидоий уруғчилик жамоасининг илк босқичи тарихда матриархат, яъни уруғ жамоаларини оналар бошқарган давр сифатида фанда тан олинган<sup>3</sup>. Уруғчилик жамоаси даврида одамзод туб маънодаги, мукаммал одам ҳолатига келади. Шунинг учун ҳам бу давр одамини «*homo sapiens, sapiens*» одами, яъни ақлли одам, деб юритилади. Бу давр “Ибтидоий тўда даври”дан, яъни одамзодни шаклланиш давридан тубдан фарқ қиласди.

II. Ўзбекистонда «Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври». Унинг даврий чегараси – уруғ жамоаларининг таркиб топишидан (бундан 40 минг йил аввал)<sup>4</sup> то милодий III-IV асрларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр жамиятида аста-секин юз берган ўзгаришлар туфайли бир неча босқичларни бошидан кечирган. Бу босқичлар меҳнат қуролларининг ашёвий асоси ва уларнинг ишлаш техникасига кўра, юқори палеолит, мезолит (ўрта тош даври), неолит (янги тош даври), энеолит (мис-тош даври), бронза ва илк темир даврлари деб аталади, тарихий нуқтаи назардан эса, уруғчилик жамоасининг матриархат босқичи, уруғчилик жамоасининг патриархат босқичи ва уруғчилик жамоасининг ҳарбий демократия босқичларига бўлиб ўрганилади.

Бу даврнинг илк босқичида, яъни юқори палеолит даврида (мил. авв. 40-12 минг йиллар) кишилик тарихида қатор ихтиrolар юз берди: юқорида таъкидлаганимиздек, одамзоднинг илк жамоаси, жамиятнинг дастлабки куртаги - матриархат, яъни она уруги, уруғчилик жамоаси таркиб топди; оналарга жамоани сардори, уруғни давом эттирувчи илоҳ сифатида қараш пайдо бўлади. Шунинг учун бу даврда биринчи бор оналарнинг сиймоларини чизиш, ҳайкалларини ясай бошлаш, яъни ибтидоий санъат кашф этилди; одамзод буюк музликлар эрий бошлаб, шимолга чекиниши билан ғор ва унгурларда яшаш

ийл аввал Африка қитъасида яшай бошлаган. “*Homo sapiens, sapiens*” (ақлли одам) эса, ер куррасида мил. авв. I миллион йилдан бошлаб яшай бошлаган, деган тасаввур пайдо бўлди.

<sup>1</sup> Першиц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. Москва, 1982, стр. 60-69-бетлар.

<sup>2</sup> Борисовский П.И. Древнейшее прошлое человечества. Москва, 1980, стр. 19-173; Першиц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. Москва, 1982, стр. 60-60.

<sup>3</sup> Першиц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. Москва, 1982, с.74-85.

<sup>4</sup> Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, юқори палеолит бундан 60-50 минг йил аввал бошланди, яъни Ўзбекистон тарихида “илк юқори палеолит”номи остида юқори палеолит даврини қадимийлаштириш масаласи кун тартибиага қўйилмоқда.

холатидан чиқади; биринчи бор ўзига кулба қуришни ўрганадилар ва ниҳоят, айнан шу даврга келиб, инсониятнинг уч ирқи шаклланади. Демак, «ибтидоий уруғчилик жамоаси» деб аталган кишилик жамияти тарихи бошланади.

Матриархатда мулк ижтимоий характерда, уруғ жамоасиники эди. Чунки, жамоанинг иқтисодий асосини ўзлаштирувчи хўжалик ташкил этган. Қачонким, ибтидоий аждодларимиз дехқончилик ва чорвачилик ҳамда ҳунармандчиликни кашф этишгач, жамоани иқтисодий асосини ишлаб чиқарувчи хўжалик ташкил этадиган бўлди, хусусий мулкчиликнинг келиб чиқишига кенг имкониятлар яратилди. Энди оналарнинг жамоада тутган мавқеи секин-аста пасайиб, жамоага барқарор, мўмай даромат келтирувчи оталар бош бўлиб қолди. «Ибтидоий уруғчилик жамоаси» заминида юз берган биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти (дехқончилик ва чорвачилик хўжаликларининг ихтисослашуви) ва ундан кейин юз берган иккинчи ижтимоий меҳнат тақсимоти (ҳунармандчиликнинг дехқончиликдан ажраб чиқиши), ота уруғининг (патриархатнинг) узил-кесил қарор топишига олиб келди. Патриархатда мулк матриархатнинг қатор ижтимоий хуқукий нормаларини сақлаган ҳолда, хусусийлаша бошлади.

Хусусий мулкнинг куртаклари дехқончилик ва чорвачилик хўжаликларининг кашф этилиши, жамиятнинг иқтисодий асоси ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиши билан боғлиқ эди. Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий минтақаларида ибтидоий дехқончилик ва чорвачилик неолит давридан (Жойтун маданияти) бошланди. Минтақанинг марказий ва шимолий-ғарбий ҳудудларида неолит даврида хали ўзлаштирувчи хўжалик ҳамон давом этар эди (Калтаминон маданияти).

Кенг кўламли археологик изланишлар натижаларига кўра, Ўрта Осиё жанубининг шимолий Копеттоғ этакларида бободехқонларнинг қадимги дехқончилик маданияти (Анов-Номозгоҳ маданияти) энеолит ва илк бронза даврида (Номозгоҳ I-IV босқичлари) жадал ривожланишда давом этсада, аммо мулкнинг ижтимоий характеристири сақланишда давом этарди. Бронза даврига келганда (сўнгги Номозгоҳ V босқичи), ибтидоий жамоалар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар туфайли мулкчиликнинг аввалги ижтимоий характеристири ўзгариб, биринчи навбатда, ерга ва чорвага бўлган хусусий мулкчилик келиб чиқади. Ерга хусусий эгалик қилишнинг келиб чиқиши дастлаб, бронза даврида, қадимги дехқончилик минтақаларида, чорвага хусусий мулк эгалигининг келиб чиқиши эса, дастлаб дашт минтақаларида юз берди.

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охирлари ва II минг йилликнинг бошларига келганда, қадимги дехқончилик маданияти метрополияларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар туфайли демографик портлаш юз беради, яъни сув ресурслари ва экинбоп ер майдонларининг танқисланишиб бориши туфайли метрополия ахолисининг бир қисми унумдор, экинбоп ерлар қидириб, йириқроқ дарёлар қуи ҳавзаларига бориб ўрнашадилар. Ана шундай янги дехқончилик марказлари Мурғоб водийсида ва Қадимги Бактрияда бронза даврида шаклланади. Чунки, Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкалари (Марғиёна, Бақтрия) биринчидан, Ўрта Шарқ минтақаларида яқин ва чегарадош эди; иккинчидан, улардаги табиий – географик иқлим шароити бу ўлкаларда қадимги сугорма дехқончилик маданиятининг эртароқ ривожланишига олиб келди.

Метрополияларда сугорма дехқончилик тажрибасига эга дехқон жамоалари янги ерларни ўзлаштиришда уруғчилик жамоаси анъаналарини маълум кўринишда сақлаган ҳолда, жуфт оила бўлиб, оиласи ўзлаштирган ерга жамоавий эгалик қилишдан фарқли ўлароқ, патриархал жуфт оила, моногомик оила мулки сифатида ўзлаштирган ерларга хусусий эгалик қила бошлайдилар. Йириқ дарёларнинг қуи ҳавзаларида, шундай тартибда таркиб топган патриархал жуфт оиласи секин-аста катта патриархал оиласи даражасига, яъни Авесто тили билан айтганда, нманаларга ўсиб чиқади. Катта патриархал оила жамоаси эса патриархлар, яъни катта ота томонидан (патриарх, нманапат) бошқарилган. Катта патриархал оила - нмана жамоа хўжаликлари Авесто жамиятининг “вис” кўринишидаги қишлоқ жамоалари бўлиб, уларни кадхудотлар, яъни виспатилар бошқарган. Виспатилар катта патриархал жамоа бошлиқлари орасидан вис анчумана (ханчамана?)сида (жамоа

ийгинида) сайланган. Давлатчилигимизнинг энг дастлабки бўғини, бошланғич куртагини ана шу вислар, яъни қишлоқ жамоалари ташкил этган.

“Вис” жамоаларининг таркиб топиши эса тахминан қўйидагича кечган: яъни ҳар бир жамоанинг ўз уруғидан ажраб чиқкан жуфт оила аъзоси ўз кучи ва имкониятидан келиб чиқиб, тегишли миқдорда ер ўзлаштириб, хусусий ер-мулк эгасига айланади. Бу хусусий мулк эгалари хаётда озод, эркин дехқон жамоаларини (кашоварзларни) ташкил этган. Ҳар бир дарё қўйи ҳавзасини ўзлаштиришда бир неча эркин ва озод кашварзлар уруғаймоқчилик анъаналарини сақлаган ҳолда, эркин дехқонлар (кашварзлар) қишлоқ жамоасини ташкил этадилар. Шундай тартибда ташкил топган қишлоқ жамоаси, унинг мулки она уруғи давридагидек, энди ижтимоий характерга эга эмас, балки хусусий характерга эга бўлади, яъни “вис” жамоасида илк бор хусусий мулк, ўзлаштирган ерга хусусий эгалик қилиш пайдо бўлади. Жамоада хусусий мулкни пайдо бўлишида эркакларнинг хизмати катта бўлган. Энди, болалар ҳам ўз отасини яқиндан таниб, бола тарбияси жуфт оила қўлига ўтганлиги боис, болалар ўртасидаги оила мулки тақсимотида оталарнинг роли ортиб боради.

Шундай қилиб, оиласа, жамоада эркаклар нуфузи ортиб, секин – аста ота уруғи (патриархат) қарор топади. “Вис”ларнинг иқтисодий хўжалик асосини ташкил этишда ташаббускор кашварлар орасидан жамоа аъзолари ўз оқсоқолларини сайлаб оладилар. Одатда, оқсоқол, жамоа сардори – кадхудот юксак ижтимоий-сиёсий мавқега эга уста миришкор ва омилкор дехқон ёки мохир ҳунарманд, шахсий ахлоқ ва одоби, маънавий-ахлоқий юксаклиги билан ўз жамоаси оғзига тушган пиру-устоз бўлиб, бу сифатларга ўз вақтида ҳалол меҳнати, турмуш тажрибаси туфайли эришган жамоа аъзоларидан бўлган. Ўша давр уруғ жамоалари кундалиқ ҳаёт қонунига айланган сардорликка талаб айнан кадхудотдан, Авесто тили билан айтганда, виспатидан, зантупатидан, даҳьюпатидан шундай шахсий сифатларга эга бўлишиликни талаб қилган. Бу ўзбек ҳалқи давлатчилик тарихининг илк босқичларига хос бошқарув тизимининг демократик принциплари эди.

Археологик материаллар таҳлилига кўра, чорвадорлар жамоасида мулк эгалигининг пайдо бўлиши бронза даврида ёқ юз берган. Чунки, бронза даври чорвадорлари кенг тарқалган ҳудудлардан бири жанубий-шарқий Ўрол тоғ ёнбағирлари ва шимолий Қозогистон чўллари бўлиб, бу ҳудудларда ўрганилган Андронова маданиятининг Синташта мозор қўрғонларидан топилган ашёвий далиллар жамоа аъзоларини бадавлат чорвадор аслзода ҳарбийларга, камбағал овом чўпон ва хизматкорларга бўлинишини тақазо этади<sup>1</sup>. Кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва уларнинг антропологик ва лингвистик таҳлилига кўра, айнан бронза давридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларига Евроосиё даштларининг туркий тилли чорвадор этник гурухларнинг кириб келиши билан боғлиқ ўзбек ҳалқининг илк этногенетик жараёнлари бошланади.

Кейинги йилларда Россия олимлари бунга жуда катта эътибор бермоқдалар. Чунки, бу топилмалар туфайли орий қабилаларининг дастлаб таркиб топган ҳудудлари масаласига аниқликлар киритилди. Синташта мозор – қўрғонларидан топилган ҳарбий аслзодалар мозорлари, унга бир неча от ва енгил ҳарбий араваларни қўшиб қўмилиши чорвадорлар орасида мулкий табақаланишни жадал кечаетганидан ҳамда отдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилганидан далолат беради. Археологлар Синташта комплексининг йил санасини милоддан аввалги XVIII-XVI асрлар билан белгиламоқдалар. Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми давомида, археологик топилмалар таҳлилига кўра, чорвадорлар жамоасида мулкий табақаланиш янада чуқур илдиз олади. Йилқичилик чорвачилик хўжалигининг муҳим тармоғига айланади. Натижада, кўчманчи чорвачилик хўжалиги таркиб топади. Кўчманчи чорвачиликнинг ташкил топиши

<sup>1</sup> Генинг В.Ф., Зданович Г.Б., Генинг Б.В., Синташта. Археологические памятники арийских племен Урало-Казахстанских степей. Челябинск., 1992; Зданович Д.Г. Могильник большекараганский (Аркаим) и мир древних индоевропейцев Урало-Казахстанских степей, Челябинск, 1995; Зданович Г.Б. Батанина И.М. «Страна городов» - укрепленные поселения эпохи бронзы XVIII-XVI вв. до н.э. на Южном Урале. Челябинск, 1995; Зданович Г.Б. Бронзовый век Урало-Казахстанских степей. Свердловский, 1988.

чорвадорлар жамоаларида мулкий табақаланишнинг жадал кечатгандигидан гувоҳлик беради. Бу жараёнлар Ўрта Осиё чорвадор дашт қабилалари маданиятида ҳам яққол кўзга ташланади.

Ерга, чорвага ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгалик қилишиликнинг келиб чиқиши ўзбек давлатчилиги бошқарув тизими йўлида қўйилган дастлабки қадамлар эди. Унинг жамият ижтимоий-иктисодий ҳаётига кириб келиши эса мулкий табақаланишни юз беришига олиб келди. Бронза давридан бошланган бу жараён, яъни эркин дехқон жамоаларининг таркиб топиши (кашоварз мулк эгалигининг таркиб топиши) ва сак-массагет қабилалари орасида юз берган мулкий табақаланиш жараёнлари уруғчилик жамоасининг ҳарбий демократия босқичида, яъни илк темир даврида, айниқса, антик давр давомида жадал кечади. Кашоварзлар хўжалиги асосида илк темир даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудларининг қадимги дехқончилик минтақаларида Авестонинг даҳью даражасидаги Марғиёна, Бақтрия, Парфиёна, Суғдиёна, Қадимги Хоразм каби цивилизация марказлари шаклланади. Уларнинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан уюшиши асосида кавийлар бошлиқ “Қадимги Бақтрия подшолиги” ва “Катта Хоразм” давлат уюшмалари ташкил топади.

Бу жараён антик даврига келиб Чоч, Паркан, Уструшона ҳудудларига ҳам ёйилиб, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ҳудудларида ярим ўтрок, ярим кўчманчи Қанғ давлатини таркиб топишига олиб келди. Қадимги Фарғонада эса, озод ва эркин дехқон жамоаларининг, қадимги Хитой манбаларида тилга олинганидек, Даван (Дайюан) подшолиги вужудга келди. Антик даврда Қадимги Бақтрия ҳудудларида ташкил топган дастлабки сулолавий туркий давлат – Кушонлар империяси ҳам шулар жумласига киради.

Аммо, жамият хали узил-кесил синфларга ажралмаган, жамият ижтимоий-иктисодий асосини эркин жамоалар, майда мулк эгалари ташкил этарди. Антик даврининг охирларига келганда мулк эгаларининг орасида мулкий табақаланиш фаоллашади. Бу тарихий жараён айниқса, сўнгги антик даврда, яъни милодий III-IV асрлар давомида жуда жадал кечади. Дехқончилик воҳаларининг кашоварзлари орасидан омилкор, миришкор, ўз ишининг усталари ажралиб чиқиб, катта мулк эгаларига – дехқонзодаларга айланадилар. Кашоварзларнинг ер-мулкидан ажралган, дехқонзодаларга қарам бўлиб қолган қисми эса ижарачилар – кадиварларга айланади. Бу жараён илк ўрта асрларда ўз якунини топиб, жамият катта мулк эгалари ва уларга қарам – ижарачи мулксизларга ажралади. Бундай мулкий табақаланиш ҳунармандлар орасида жуда секинлик билан кетсада, аммо чорвадор ва савдо ахли орасида жадал кечади.

Совет даври тарихшунослигига бу туб ижтимоий-иктисодий ва этномаданий ўзгаришлар қулдорлик даври ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғланиб, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг мил. авв. III милодий IV аср охирига қадар давом этган даври қулдорлик формацияси сифатида характерланиб келинди. Ўрта Осиё ҳалқларининг давлатчилиги Греция ва Рим давлатчилигидан андоза олиниб, сунъий равишда қулдорлик жамияти билан боғланиб ўрганилди. Қадимги Хоразм давлати, Юонон-Бақтрия, Қанғ давлати, Даван давлати ва ниҳоят, Кушон давлатлари қулдорлик даврининг давлатлари сифатида таърифланди. Уларнинг ижтимоий, иктисодий асослари ва характеристи, бошқарув таркибининг туб моҳияти очилмади. Шарқ давлатчилигининг, жумладан, Ўрта Осиё ҳудудларига хос давлатчиликнинг тарихий илдизлари “Осиёча ишлаб чиқариш усули” билан боғлиқ патриархал характеристига эга эканлиги аҳён-аҳёнда эслаб ўтилсада, аммо амалда фундаментал асарларда, дарслкларда Ўрта Осиёда қулдорлик тузими бўлганлиги қайд этилди. Аслида, амалда Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида ижтимоий – иктисодий ҳаётнинг ривожланиши бошқача кечган эди.

Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даврининг дехқонзодалар тоифаси, яъни катта мулк эгалари аслида Европа феодалларининг айнан ўзгинаси эди. Феод-феодал катта мулк эгасидир. Демак, Ўрта Осиё қадимий дунёсининг сўнггида кашоварзлар орасидан ўсиб чиқсан дехқонзодалар янги жамиятнинг мулқдорлар синфи бўлган. Улар янги жамиятнинг кашоварзлар ва кадиварлари билан биргаликда янги даврни бошлаб берди. Бу давр ўз ички

мазмун ва моҳиятига кўра, бизнинг даврий тизимда “Илк ўрта асрлар даври” сифатида феодализм жамиятининг илк босқичини бошлаб берди.

Шундай қилиб, “Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври” уч босқичдан иборат. Биринчи босқич – матриархат уруғ жамоаси босқичи. Бу босқичда мулкка эгалик қилиш ижтимоий характерда; иккинчи босқич - патриархал уруғ жамоаси босқичи. Бу босқичда жамиятнинг эркин дехқон жамоаларига (кашоварзлар, озодкор ва гувакорларга) тегишли хусусий мулк шакллана бошлайди. Учунчи босқич уруғ жамоаларининг ҳарбий демократия босқичи. Бу босқичда қабила ва жамоа сардорларининг жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мавқеи, нуфузи кўтарилиб, мулкка эгалик қилишнинг хусусий шакли, мулкий табақаланиш жадаллашади. Жамият мафкуравий асосини дастлаб табиат ҳодисаларига сифиниш: тотемистик, анимистик, сеҳгарлик (матриархатда), оташпаратлик диний қарашлар (патриархатда), сўнг эса зардуштийлик ва буддавийлик, монийлик, насронийлик ва шаманизм ташкил этади.

III. Ўзбекистонда «Илк ўрта асрлар даври». Унинг хронологик чегараси - милодий III-IV асрлардан то IX аср охирги чорагига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда феодал мулкчиликнинг бадавлат дехқонзодалар тимсолида шаклланиши ва ривожланиши, эркин дехқон жамоа аъзолари-кашоварзларни кадиварларга айланиш жараёнининг жадал кечиши кузатилади. Ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш узил-кесил хусусийлашади. Жамият ижтимоий таркибини кашоварзлар – ўрта ва майда мулк эгалари, бадавлат дехқонзодалар – катта мулк эгалари – феодаллар ва уларга қарам кадиварлар – ижараби қўшчилар ташкил этади. Мулкчиликда хусусий мулк, жамоа мулки, вағнзе мулки (зардуштийлик ибодатхоналари тегишли мулк) таркиб топади. Мовароуннаҳр ва унинг теварак-атрофида туркий этник қатламнинг қалинлашиши билан боғлиқ этномаданий жараёнлар жадал кечади. Давлатчиликнинг муҳим босқичларидан ҳисобланган маҳаллий ҳокимиятчилик бу давр давлат тизимининг асосига айланади. Уларнинг мудофаа таянчи сифатида ёлланма чокарлар таркиб топади. Бу заминга IV-VI асрлар давомида бирин-кетин кириб келган хиёнийлар, кидарийлар, эфталийлар, турк хоқонлиги маҳаллий давлатчиликнинг илдизларига путур етказмай сақлаб қолади ва ниҳоят маҳаллий давлатчилик қурилмалари базасида марказлашган феодал сомонийлар давлати асослари яратилади.

Жамиятнинг маънавий асосида эса, аввалгидек диний бағрикенглик (зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, насронийлик ва шомонизм диний эътиқодлари) давом этади. Араблар босқинидан кейин эса, жамиятнинг маънавий, ахлоқий ва мафкуравий асосини ислом эътиқоди эгаллайди. Зардуштий ибодатхоналари тегишли «вағнзе» мулки ислом масжид ва мадрасалари мулкига айланади. Мулкчиликнинг савдо ва хунармандчиликдаги табакавий шакллари кузатилади. Катта патриархал оилалар таркибида уларнинг кичик аъзолари сифатида хизматкорлар -“қуллар” пайдо бўлади.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган далиллардан маълумки, Ўзбекистон тарихининг илк ўрта асрлар даври маҳаллий ҳокимликларнинг иқтисодий асоси ва бошқарув тизими билан характерланади. Марказлашган феодал давлат бошқарув тизими эса Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даврида таркиб топади.

IV. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг «Ўрта асрлар даври». Унинг хронологик доираси – сомонийлар давлатини ташкил топишидан то XIX аср ўрталаригача ўтган даврни ўз ичига олади. Бу давр икки босқичдан иборат. Унинг биринчиси ривожланган ўрта асрлар (IX асрнинг охири – XV аср). Бу даврда феодал муносабатларининг узил-кесил шаклланиши ва ривожланиши, юксакликларга кўтарилиши ва ниҳоят, ўзаро ички ва ташқи феодал жанг-жадаллар туфайли жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётида турғунлик ва инқирозлар кузатилади, мамлакат 1,5 аср давомида мӯғул босқинчилари асоратига тушиб қолади, туркий халқларнинг асл фарзанди Амир Темурдек даҳонинг тарих саҳнасига кўтарилиши туфайли мамлакатда тинчлик, иқтисодий ва этномаданий ривожланишлар юз беради. Бу даврда жамият иқтисодий ҳаётини давлат мулки, катта хусусий мулк эгалари ва асосан коранда - ижарабачилар ташкил этади. Мулкка эгалик қилишликнинг хусусий ва вақф

мулк тартиби мустаҳкамланади, мулкчиликда давлат (амлок) ва “икто” (давлат олдиғаги буюк хизматлари учун подшолик томонидан инъом этиладиган мулк) мулки шакллари пайдо бўлади ва мустаҳкамланади, жамият маънавий ҳаётининг мутлоқ асосини ислом мафкураси қамраб олади.

Ўрта асрлар даврининг биринчи босқичида (Сомонийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшохлар даврида) ўзбек элати халқ сифатида узил-кесил шаклланади. Буюк турк хоқонлигидан бошлаб кенг кўламда минтақа бўйлаб ёйилган қадимги туркий тил, бу даврга келиб, алоҳида этнослар тилига айлана бошлайди. Жумладан, ўзбек этносига хос жонли халқ тили қадимги умумтурк тили таркибидан ажралиб чиқиб, эски ўзбек тилига айланади.

Амир Темур ва темурийлар салтанати даврида эски ўзбек тилининг ривожланишига кенг имкониятлар очилиб, XIV-XV асрлар давомида унинг асосида форсий ва арабийлашган ўзбек адабий тили шаклланади. Шайбонийлар ва Аштархонийлар (XVI-XVII асрлар), айниқса, Абдуллахон II даврида мамлакатда иқтисодий ва этномаданий ҳаётда ривожланишлар давом этади. Аммо, XVI аср бошларида Даشتி Қипчоқдан Мовароуннахр ва Хурсонга кириб келган “жўқчи” дашт қабилалари ва улар ўртасида келиб чиқкан тўхтовсиз феодал урушлар мамлакатни парчаланишига, кўчманчи ўзбек сулолалари етакчилигига учта хонликнинг вужудга келишига (Хоразмда қўнғиротлар, Бухорода мангитлар, Кўқонда минглар) олиб келади. Бу кейинги тарихий жараёнлар Ўзбекистонда ўрта асрлар даври тарихининг иккинчи – сўнгги босқичини характерлайди. Бу эса қадимдан давом этиб келган Туркистон худудий бирлигини ва унинг туркийгўй аҳолисини уч феодал давлатлар таркибида парчаланишига олиб келди. Оқибат натижада, қадимий Туркистон диёри Чор Россияси мустамлакасига айланди.

Ўзбекистоннинг ўрта асрлар даври тарихига бироз назар ташлайдиган бўлсак, “Ўзбек социалистик миллати” китобининг муаллифи, таниқли тарихчи олим М.Г.Ваҳобовнинг манбалар асосида таърифлашича, куйидаги манзарани кузатиш мумкин: Тарихий манбалар, археологик материаллар ва этнографик кузатувларга қараганда, ўзбек элатининг асосий қисми қишлоқларда ўтроқ дехқонлар, уларни ўраб олган теварак-атроф адирлар ва тоғли сой ҳавзаларида ярим ўтроқ чорвадорлардан, шаҳарларда эса хунарманд-косиблардан иборат бўлган. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёти XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларига қадар Россия ва Европа давлатларида юз берган ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлардан четда эди. Давлат хонлар, беклар, амирлар кўлида бўлиб, кўчмас мулк, мамлакатнинг барча бойлиги уларнинг ихтиёрида эди. Аҳолининг оиласи муносабатлари ҳам ислом шариат қонунлари асосида қурилган эди.

XVI-XVII асрлардан бошлаб шимолдан Россия, жанубдан Ҳиндистон ва Афғонистон орқали Англия молларининг Ўрта Осиёга кириб келиши маҳаллий экономиканинг нақадар орқада қолганлигини ва илмий техниканинг жуда заифлигидан далолат берар эди. Ўрта Осиё Россия ва Европа давлатлари учун тенги йўқ арzon бозор эди. XVII-XVIII асрларда, айниқса, XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёни ўз таъсир доирасига киритиш илинжида Россия ва Англия ўртасида рақобат кучайди. Нихоят, XIX аср ўрталаридан бошлаб рақобатда Россия ғолиб чиқиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россиянинг вассалига, Кўқон хонлиги худудлари эса унинг Туркистон генерал - губернаторлигига айланди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёда феодал жамиятнинг иқтисодий ҳаёти асосан сунъий суғоришга асосланган дехқончилик таянар эди. Суформа дехқончилик эса магистрал каналлар қуриш ва суғориш тизимини яратишни талаб этар эди. Бундай асосда қурилган хўжаликнинг маҳсулдорлиги жуда юқори бўлиб, у Ўрта Осиё шароитида лалми дехқончилик ва ярим ўтроқ чорвачиликка нисбатан серунум эди.

Ўрта Осиё шаҳарлари ҳам катта карvon йўллари бўйлаб жойлашган, транзит савдо учун жуда қулай шароитга эга эдилар. Шаҳарларда бронза давридан бошлаб, бир неча асрлар давомида хунармандчиликнинг қатор тармоқлари таркиб топган ва юксак даражада ривожланган. Аъло сифатли кулолчилик, шишасозлик, зардўзлик, мисгарлик, нақошлик,

<sup>1</sup> Ваҳобов М.Г. Ўзбек социалистик миллати. Т.: 1960, 12-бет.

дурадгорлик, күнчилик, шохи-атлас, металлургия ва қурол – аслаҳалар ишлаб чиқариш шунчалар ривожланган эдикі, аммо, уларнинг барчаси халқ хунармандчилиги доирасидан чиқа олмаган, индивидуал қўл меҳнатига асосланган эди.

Феодал саройларида тез-тез бўлиб турадиган тўнтаришлар ташки савдонинг ривожланишига, экономика, маданият ва илм-фаннынг юксалишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсата олмаган бўлса-да, аммо феодал биқиқлик мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг кескин ривожланиши ва янги ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлишига олиб келмади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи Ўрта Осиёning бошқа халқлари сингари феодал жамият бағрида миллат даражасига кўтарила олмай, то XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар ўзининг элат-халқ босқичи даражасида қолиб кетди. Бунинг сабаби шундаки, Ўрта Осиёда ҳокимият феодал ва ҳарбий олигархия қўлида жамланиб, ҳамма ер олий ҳоким-хонлар, амирлар ва беклар мулки бўлиб қолди. Давлат унумдор ерларнинг ҳақиқий хўжайинига айланган эди. Давлат ернинг олий хўжайини сифатида, уни алоҳида шахслар ёки қишлоқ жамоаларига фойдаланиш учун бериб, улардан хирож шаклида тушадиган ер солиги ҳисобига бойиб борди.

Олий ҳокимлар - хонлар, амирлар, беклар ва ҳоказолар шу шароитда катта мулк эгалари - феодаллар табақасига айланадилар. Ҳар хил солик йигувчи амлоқдорлар, закотчилар, аминлар, қишлоқ сардорлари жойлардаги давлат амалдорлари сифатида фаолият олиб бориб, дехқонлар яратган бойлиқларнинг катта қисмини давлатга топширмай, ўзиго олиб қолар эдилар. Шарқ феодализмига хос ана шу хусусият Ўрта Осиё учун ҳам характерли эди.

Сомонийлар хонадонидан бошлаб унумдор ерларнинг катта қисми “султония мулки” сифатида сулолавий ҳукмдорлар қўлида тўпланган. “Султония мулки”нинг бир қисми дехқонларга ижарага берилса, бошқа бир қисмини давлат амалдорлари ва диний ислом намоёндаларига мулк ва вақф шаклида, уларнинг давлат олдидаги катта хизматлари учун тортиқ қилинган. Бундай ерга эгалик қилиш “икто” номи билан аталган.

“Икто” қилинган ерлар маҳсус ёрлик билан соликдан озод қилинган. “Мулки султоний”дан қишлоқ жамоалари ҳам фойдаланишган. Аммо, улар давлат хазинасига тегишли миқдорда хирож тўлашга мажбур эдилар. Ерга эгалик қилишликнинг қандай шакли бўлмасин, ривожланган ва сўнгти ўрта асрларда қишлоқ хўжалигининг асосий негизини дехқонларнинг майда хўжаликлари ташкил этган.

Майда дехқон хўжаликлари, кимни ерини ижарага олишидан қатъий назар, хирож тўлаш мажбуриятидан озод этилмаган. Ерни суғориш, канал ва ариқлар қазиш, уларни тозалаш ҳам уларнинг зиммасида эди. Катта мулк эгалари бундай мажбуриятлардан озод эдилар. Уларни фақат дехқонларга ижарага берган ердан рента олиш қизиқтираш эди. Шунинг учун катта мулк эгалари учун ерни бутунлай дехқонларга ижарага топшириб қўйиш фойдалироқ эди.

Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда минг йилдан ортиқ давом этган феодализм даврида дехқончиликнинг асоси майда дехқон хўжаликлардан иборат бўлиб келди, йирик феодал хўжалиги илмий техника асосида ривожланмади, дехқончилик эса турғунликка тушиб қолди.

Шаҳарларда иқтисодий ҳаёт халқ хунармандчилигининг катор тармоқлари бўйича қанчалар ривожланмасин, индивидуал қўл меҳнати доирасидан чиқа олмади. Бутун феодал жамияти давомида ҳар бир дехқон, айни замонда, хунармандчилик тармоқларининг у ёки бу соҳаси билан ҳам машғул эдилар. Бу Ўрта Осиё феодализмига хос характерли хусусият эди.

Ўз навбатида, шаҳар аҳолисининг дала ҳовлилари мавжуд бўлиб, у жойларда хунармандларнинг боғ-роғлари, сабзавотчилик учун экин майдонлари бўлган. Бундай анъанавий ҳаёт ривожланган ва сўнгти ўрта асрлар даври ўзбек халқи учун характерли эди. Иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига ўхшаш қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг натурал хўжалик устуворлигига таркиб топиши капиталистик муносабатларнинг ривожланишига имкон бермас эди. Дехқон хўжаликлари ва шаҳар аҳолиси бозордан фақат ўз хўжаликлида етиширилмайдиган маҳсулотни, қўпинча металл асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари ва уй-рўзғор буюмларинигина сотиб олишга мослашган эди.

Ана шундай тизимда қурилган хукмрон натурал хўжалик шаҳар ва қишлоқларда капиталистик табақаланишга имкон бермайди. Бундай ҳолатда маҳсулот асосан оммавий товар сифатида эмас, балки жамоанинг бевосита истемоли учун индивидуал ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилади. Дехқонларнинг асосий қисми эркин ижараби майда хўжаликлардан иборат бўлган. Чунки, улар ўтирган ер - амлок ери давлат мулки ҳисобланган, хирож эса солиқ характеристидаги тўлов эди.

Ўрта Осиё шароитида “бегар” деб аталган дехқонларни сув иншоотлари қурилишида, шаҳар қалъаларини тиклашда, кўпприклар ва йўллар қурилишида ва ҳоказоларда бекорга ишлаб бериш мажбурияти бўлган. Бу мажбурий ҳашар типидаги мажбурият бўлиб, ҳашарни ташкил этиш ва бошқариш қишлоқ оқсоқолларига, миробларга, аминларга, шаҳарларда маҳалла бошқармасига юклатилган. Шу йўл билан давлат аҳамиятига эга бўлган магистрал каналлар қурилиши, шаҳар қалъаларини тиклаш ва таъмир қилиш, ташки душманга қарши мудофаа иншоотларини қуриш каби катта ишлар мажбурият солиги сифатида бажарилган.

Ўзаро феодал урушлар, ташки душман ҳужуми, айниқса, Чингизхон истилоси мамлакат экономикасига жуда катта зарар келтирди<sup>1</sup>. Ҳар бир истило вақтида кўпгина феодал мулклар йўқотилиб, ерлар олий ҳокимлар-давлат қўлига ўтди. Истилочилар томонидан хусусий мулк эгаларининг ерлари тортиб олиниб, давлат ерига айлантирилди. Бу дехқонлар ҳаётига ҳеч бир ижобий ўзгаришлар киритмаган, аммо, аввалгидек, асосий ишлаб чиқариш ўзаги майда дехқон хўжалиги бўлиб қолаверган.

Истилочи кўчманчиларнинг камбағал қисми вакт ўтиши билан аста-секин ўтроқлашиб, дехқонларга айланар эдилар. Бироқ, бу кўп вақтни талаб қиласар эди. Натижада, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиш суръати бирмунча пасаяди. Агар бунга тинимсиз давом этиб келган ички феодал урушларни қўшсак, ўзбек халқининг суформа дехқончиликка асосланган хўжалиги ва узлуксиз ривожланишда давом этиб келган ҳунармандчилиги бўлишига қарамай, кейинги минг йилликда Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи натурал хўжалик юритишдан чиқа олмай, Европа халқидан камида 100 йилга орқада қолди.

Натижада, Ўрта Осиёнинг биронта ҳам вилояти ёки ўлкаси XX аср бошларигача ўз атрофига бутун ўзбек ерини жисплаштира оладиган даражада иқтисодий ва сиёсий кучга, марказга айланади, унда миллий буржуазия муносабатлари туғилиб, ўса олмади. Бу Ўрта Осиёда феодал тарқоқликнинг жуда узок давом этишига сабаб бўлди<sup>2</sup>. Ўрта Осиёда шундай вазият вужудга келди, то XIX аср охиригача капиталистик тараққиёт йўлига дадил ўтиб кетиши мумкин бўлмади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё ўрта асрларда ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жиҳатдан феодал бикиклигига яшаб келишига қарамай, унинг халқлари, жумладан, ўзбек халқи шу феодал муносабатлар доирасида иқтисодий-хўжалик ва анъанавий маданиятни бирмунча ривожлантира олдилар. Шаҳарларда халқ ҳунармандчилиги ва савдо тараққий этиб, дунёвий саройлар, масжид ва мадрасалар қуриш давом этади. Санъат гўзаллигига бурканган меъморий ёдгорликлар Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Хива ва бошқа шаҳарларда қад кўтаради. Уларнинг ҳайратомуз сахобати ва салоҳияти ҳозиргacha қишини лол қолдириб келмоқда.

Бой маънавий маданият, оғзаки ва ёзма адабиёт, илм-фан, мусиқа ва тасвирий санъатда прогрессив анъаналар шакллана боради. Ўзбек халқининг ўрта асрлар даври тарихи ва этник ҳаёти ана шундай анъаналар, ривожланишлар, турғунликлар ва иқтисодий ва сиёсий қалоқликнинг мавжудлиги билан характерланади.

V. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг бешинчи даврини «Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври» деб аташ мумкин. Унинг даврий чегараси – Чор Россияси босқинидан то 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар давом этган даврни ўз ичига олади. Бу даврда уч хонликка бўлинган Ўрта Осиё ҳудудларининг Кўқон хонлиги ўрнида Россиянинг Туркистон ҳарбий - генерал губернаторлиги ташкил топади. Туркистон ҳарбий-генерал

<sup>1</sup> История Узбекской ССР. Том I, первая книга, Т.: 1955. с. 295-300.

<sup>2</sup> Вахобов М.Ф. Ўзбек социалистик миллати. Т.: 1960. 27-бет.

губернаторлиги таркибида мулк эгалигининг давлат ва хусусий мулк тартиби сақлаб қолинади. Шулар қаторида маҳаллий аҳоли хонаки уй-хайвонларини боқиши учун ўтлов – анъанавий қишлоқ жамоа ерлари сақланади.

Губернаторлик худудларига Россия капиталининг кириб келиши муносабати билан ўлқада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб боради, ишлаб чиқаришдаги янги муносабатлар туфайли клерикал феодал тартиблари ва анъанавий халқ ҳунармандчилигининг заминига зил кетиб, жамият ижтимоий таркибида ёлланма меҳнат ресурслари ва маҳаллий буржуалар ҳамда миллат ва ватан тақдири тӯғрисида қайғурувчи миллий зиёлилар табақаси (жадидлар) пайдо бўлади. Бу даврда маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётининг мафкураси сифатида ислом ортолдоксал йўналишида давом этади. Жадидчилик тимсолида ўрта асрлар даври феодал биқиқлигидан чиқишга интилиш, Ғарб дунёси билан алоқа қилиш, улар таъсирида овом халқни маърифатга тортиш ҳаракатлари бошланади. Мамлакат ер ости ва ер усти бойлик заҳираларини шаклланиб келаётган маҳаллий ишбилармонлар ташаббусида капиталистик ишлаб чиқариш йўналишига солиб юбориш фойдадан холи эмаслигига тушуниб етиш ҳаракатлари кўзга ташлана боради.

Бироқ, Ўрта Осиёни арzon хом ашё бозорига айлантириш, унинг ер ости ва ер усти бойликларига эгалик қилиш мақсадида Чор Россияси бирин-кетин Бухоро амирлиги (1868 йил) ва Хива хонлигини (1873 йил) ўзига тобе давлатларга айлантиради, Туркистон ҳарбий-генерал губернаторлигини эса бошқариш тизимини ишлаб чиқади. Бунга кўра, ўлкага темир йўл олиб кириш, рус дехқонларини кўчириб, янги посёлкалар ташкил этиш, пахта хом ашёсининг янги навини олиб кириш, суғориш тизимини тубдан ўзгартириш учун каналлар қуриш, янги ерларни ўзлаштириш ва у ерларда пахта плантацияларини ривожлантириш режалари ишлаб чиқилади ва улар амалга оширилади.

Асосий мақсад йўлида бутун феодал жамият даврида хукм суриб келган руҳонийларга тегишли вакф ерлари ва амлок ерларини бекор этиб, уларни ҳам давлат мулкига айлантирилади. Маҳаллий аҳоли қўлида фақат ерга эгалик қилиш хуқуқий ҳужжати бор бўлган ер эгаларининг кўчмас мулки мусодара қилинмай, сақлаб қолинади. Йирик феодал ерлари, одатда ерсиз дехқонларга ижарага берилиб, улар жамият ишлаб чиқариш кучларининг асосини ташкил этган. Эндиликда у ерлар ижараки майда дехқонларнинг хусусий мулки деб эълон қилинади.

Мақсад, уларни иқтисодий манфаатдор қилиб, у ерлардан пахтадан юқори ҳосил олишилик кўзда тутилган эди. Чунки, дехқонлар у ерлардан олган пахта хом ашёсини фақат Чор Россияси буржуалари ва савдо магнатларига сотиш хуқукига эга эдилар. Хом ашёга баҳо белгилаш эса мустамлакачилар қўлида эди. Ҳатто, эндигина ўсиб келаётган маҳаллий буржуалар ҳам ўз ерида етиштирган хом ашёсини бевосита жаҳон бозорига олиб чиқиш ҳақ-хуқуқидан маҳрум эдилар. Ижарага олган ердан фойдаланиш йўлидаги анъанавий феодал ва исломий тартиблар қон-қонига сингиб кетган овом халқ, ҳатто бу борада давлат томонидан майда дехқон хўжаликларига берган кичик имтиёзлардан ҳам фойдалана олмайдилар. Улардан Россиядан кўчириб келтирилган рус мужиклари ва маҳаллий феодаллар фойдаланиб, майда дехқон хўжаликлари зарарига судхўрлик яна авж олади. Чоризм сиёсатини тӯғри тушинган, аммо, мулкдор сифатида ҳақ-хукуқлари мустамлакачилар томонидан топталган маҳаллий буржуалар ва уларнинг илғор зиёлилар қатлами – жадидлар қанчалар халқ орасида маърифий ва маданий ишлар олиб бормасинлар, маҳаллий аҳолини иқтисодий жиҳатдан миллат атрофида жиспласhtiриш, ҳеч бўлмагандан Туркистон генерал – губернаторлиги доирасида ҳам сиёсий жиҳатдан мустақил давлат ҳокиятини барпо этиш имконияти бўлмади. Уч ҳокимиятга бўлинган ўзбек элати ягона халқ сифатида миллат даражасига ўсиб чиқа олмади. Давлат ҳокимияти Чор Россияси ҳарбийларидан сўнг динсиз Советлар ҳокимияти қўлига ўтиб кетди. Буларнинг барчаси Ўрта Осиёда феодал биқиқлик турмуш тарзининг халқ ҳаётига, унинг қон-қонига, маънавий онгига сингиб кетиши бўлди.

VI. Ўзбекистон тарихининг олтинчи даври «Советлар ҳокимияти даври» бўлиб, бу даврда Туркистон генерал – губернаторлиги худудий доирасида дастлаб, Туркистон муҳтор автоном республикаси ташкил топди. Сўнг, Россия империясидаги барча эзилган миллат,

элат ва этник гурухларнинг гўёки миллий манфаатларини тўла қондириш баҳонасида миллий давлатлар барпо этиш компанияси бошланиб кетди. Ленинча миллий сиёсатга кўра, Россия фуқаролигидаги ҳар бир миллат ва элат ўз миллий этномаданий ва маънавий анъаналари, иқтисодий-хўжалик омиллари асосида мустақил давлат тизимини шакллантириш ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлларини танлаб олишлари керак эди. Шу мақсадда Ўрта Осиёда 1924 йилда миллий давлат чегаралаш сиёсати амалга оширилиб, уч давлат ҳудудий доирасида парчаланган ўзбек ҳалқи Ўзбекистон социалистик Республикаси таркибида бирлаштирилди. Ўша кезларда ўтказилган миллий-худудий чегаралаш амалиётида кўйилган қатор ҳатоларга қарамасдан, бу тадбир ўзбек ҳалқининг ягона миллат бўлиб шаклланишида прогрессив воқелик эди. Аммо, ленинча миллий сиёсат шиори остида олиб борилган бу тадбир, оқибатда берилган баландпарвоз ваъдаларнинг акси бўлиб чиқди. Жамият ҳаётининг барча жабҳалари коммунистик мафкура ғоялари асосида қурилди, жамият ижтимоий таркиби ишчи ва деҳқон синфи ҳамда уларнинг авангард отряди зиёлилар табақасидан иборат бўлди. Мулкчиликнинг анъанавий шаклларига хос мазмун ва маъно тубдан ўзгариб кетди. Мулкчиликда табақаланиш барҳам топиб, унинг ижтимоий характеристи таъкидланса-да, аммо амалда мулкчиликнинг давлат монополистик капитализми ҳукмронлик қилган. Давлат қонунлар мажмуасида (конституцияда) дин эркинлиги қайд қилинса-да, амалий ҳаётда атеистик дунёқараш жамият маънавий ва мафкуравий асосини ташкил этди.

Тўғри, иқтисодий хўжалик ва этномаданий соҳаларда олиб борилган мунтазам қаттиқ сиёсат туфайли қатор ютуқларга эришилди. Йўқсиллар учун кенг йўл очилиб, миллатнинг ишбилармон саралари йўқ қилинди. Серқуёш диёrimizning меҳнаткаш ҳалқи туфайли барча қийинчиликлар, қувғин ва қатағонликларга қарамасдан, ўзбек жамияти ривожланишдан тўхтамади. Ўзбек ўғлонлари ҳукмрон жамиятнинг барча жабҳаларида доимо олдинги сафда бўлиб келдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек ҳалқи фронтларда жасорат кўрсатиб, ўзга юртларда қолиб кетди. Ўзбек ҳалқи иқтисодий қийинчиликларга қарамай, миллионлаб етимларни ўз бағрига олди, миллат манфаатига хизмат этмайдиган юзлаб оғир саноат ва ҳарбий заводларни кисқа муддатда ишга тушириб, фронт оғирлигини енгиллаштиришда собиқ Иттифоқда намуна бўла олди. Соғлиқни сақлаш, таълим тизимида олдинги даврларга нисбатан улкан ютуқларга эришилди. Буларнинг барчаси собиқ СССР жамияти, мафкураси доирасида амалга оширилди. Охир оқибатда, пахта якка ҳокимлиги учига чиққан кезларда ҳам тиним билмай, ҳукмрон жамиятга садоқат билан хизмат қилган ўзбек ҳалқи “пахта иши” номи остида мамлакат иқтисодиётини бошқаришда ожиз бўлиб қолган марказ сиёсатининг қурбонига айланди. Ўзбекистон тарихининг собық “Советлар ҳокимияти даври” мана шулар билан характерланади.

VII. Ўзбекистон тарихининг еттинчи даври ўз мазмун ва моҳияти билан «Миллий истиқлол, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш даври» деб аташликни тақоза этади. Бу давр ўзбек ҳалқи ва давлатчилигининг янги саҳифаси, миллий бойликлар ва ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари бўйича эришилган ютуқларни ҳалқ манфаатига йўналтирилган даври, миллий истиқлол ва миллий қадриятларининг қайтадан тиклаш даври, дунё ҳаритасида «Ўзбекистон Республикаси» деб аталувчи суверен давлатни жаҳон ҳамжамияти ва жамоатчилиги томонидан тан олинган даври сифатида тарихга киради. Ижтимоий йўналтирилган сиёсат, майда ва ўрта хусусий мулк эгалигининг жамият ижтимоий таркибини мутлоқ асосига айлантириш, мустақиллик мафкураси ва уни жамият аъзолари томонидан чуқур идрок эттириш қурилаётган ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамият мазмунини ташкил этади. Ўзбекистон фуқаролари учун диний эркинлик, диний бағрикенглик, нафақат қонунда, балки амалий ҳаётда ҳам ўз аксини топади.

### **Назорат саволлари:**

1. Цивилизация тушунчасига таъриф беринг

2. Илк цивилизацияларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган ижтимоий омилларни санаб беринг
3. Илк цивилизацияларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган табиий омилларни сананг.
4. Ч.Дарвиннинг эволюцион назариясига сизнинг муносабатингиз қандай?
5. Қадимги Шарқ ва Ғарб цивилизацияларидаги мумумий жаҳатларни санаб беринг.
6. Қадимги Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг хусусий жиҳатларин нималардан иборат.
7. Тарихни даврлаштиришнинг синфий ва тадрижий турларига муносабатингиз қандай?
8. Марказий Осиёнинг ибтидоий маданиятлари ва уларнинг қўшни маданиятлар билан ўзаро алоқадорлиги нималарда кўринади?

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдурахмонов А. Саодатга элтгувчи билим. 1-2 китоб. –Т., “Мовароуннахр”. 2004.
2. Аванесова Н.А. Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. Ташкент, 1991.
3. Аванесова Н.А. Эпоха бронзы Средней Азии. Самарканд, 1989.
4. Жўраев У., Сайджонов Й. Дунё динлари тарихи. – Т., “Тошкент ислом университети”, 2002. – Б. 27-35.
5. Аскаров А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. Ташкент, 1983.
6. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
7. Аскаров А.А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зарафшана // ИМКУ. Вып.3.1962.
8. Аскаров А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
9. Бунак В.В. Род Номо, его возникновение и последующая эволюция. Москва, 1980.
10. Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскаров А.А. Первобытная культура и возникновение орошающего земледелья в Низовьях Зарафшана. Ташкент. 1966.
11. Средняя Азия в древние времена. Ч. I-III. Москва-Ленинград, 1950.
12. Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик). 1-жилд. –Т., “Янги аср авлоди”, 2014. –Б. 29-92.

**3 - Мавзу: Илк давлатчилик масалалари. Қадимги ва ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги. Замонавий ёндошувлар.**

**Режа:**

1. Илк давлатчиликнинг тарихий илдизлари
2. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари.
3. Амир Темур даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Уйдирма ва хақиқат.

**4. Сўнгги ўрта асрлардаги ўзбек хонликлари:** нотекис ижтимоий-иктисодий ривожланиш омиллари.

**Таянч тушунчалар:** Илк давлатчилик шаклланиши масалаларининг методологик аспектлари. Давлатчилик тушунчаси ва унинг типлари. Ғарб ва Шарқ давлатчилиги, “Шарқона мустабидлик” муаммоси. Ўрта Осиёдаги илк давлат бирлашмалари пайдо бўлишининг ижтимоий-тарихий омиллари. Давлатчилик типологияси, тарихий-географик локализациялаш ва даврлаштириш масалалари. “Турон” ва “Эрон” асотирлари. Қадимги ва ўрта асрларда ўзбек давлатчилигининг тараққиёт босқилари.

**1. Маълумки,** Ўрта Осиёнинг катта ва кичик дарёлари, сойлари бир неча минг йилликлар давомида ўзининг юқори оқимларидан лойқа сув аралаш чиринди ва кимёвий элементларни куий ҳавзаларига оқизиб келиб, унумдор пастекислик-қоқ ерларни ҳосил қилган. Бу жойларда ҳосил бўлган кўл ёқаларида ўз вақтида неолит даврининг овчи қабилалари, дарё ва сой сувлари ҳосил қилган кенг яйловларда эса кейинрок, энеолит даврининг маҳаллий уруғ жамоалари хонаки чорвачилик ва мотига дехқончилик билан шуғулланиб келганлар. Бронза даврига келганда ибтидоий жамоалар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар туфайли мулкчиликнинг аввалги ижтимоий характери ўзгариб, биринчи навбатда, ерга ва чорвага бўлган хусусий мулкчилик келиб чиқади.

Ерга хусусий эгалик қилишликнинг келиб чиқиши дастлаб бронза даврида, қадимги дехқончилик минтақаларида юз берди. Ўрта Осиё ҳудудий доирасида илк дехқончилик маконлари Копетдаг тоғ ёнбағирларида, унинг сойлари этакларида пайдо бўлди. Улар Жанубий Туркманистон ҳудудларида жойлашган Ановтепа, Оқтепа, Номозгоҳтепа, Қоратепа, Олтинтепа каби ўнлаб археологик ёдгорликлар бўлиб, уларнинг таркиб топиши ва ривожланиши энеолит ва илк бронза даврига тўғри келади. Шунинг учун уларда маданий қатламлар жуда қалин, 10-20 метргача боради. Уларнинг абсолют (мутлоқ) йил санаси милоддан аввалги IV-III минг йилликларни ўз ичига олган.

Милоддан аввалги III-минг йилликнинг охирлари ва II-минг йилликнинг бошларига келганда, қадимги дехқончилик маданияти метрополияларида ижтимоий-иктисодий ривожланишлар туфайли демографик портлаш юз беради, яъни сув ресурслари ва экинбоп қоқ ер майдонларининг танқисланиб бориши туфайли метрополия аҳолисининг бир қисми ўзлаштириш учун янги ерлар қидириб, йирикроқ дарёлар куий ҳавзаларига бориб ўrnашадилар. Ана шундай янги дехқончилик марказлари Мурғоб водийсида ва Қадимги Бактрияда бронза даврида шаклланади. Чунки, Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкалари (Марғиёна, Бақтрия) биринчидан, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида яқин ва чегарадош эди; иккинчидан, улардаги табиий – географик иқлим шароити бу ўлкаларда қадимги суғорма дехқончилик маданиятининг эртароқ ривожланишига олиб келди.

Метрополияларда суғорма дехқончилик тажрибасига эга бобо дехқонлар янги ерларни ўзлаштиришда уруғчилик жамоаси анъаналарини маълум қўринишда сақлаган ҳолда, жуфт оила-оила бўлиб, оилавий ўзлаштирган ерга жамоавий эгалик қилишдан фарқли ўлароқ, патриархал жуфт оила, моногомик оила мулки сифатида хусусий эгалик қила бошлайди. Йирик дарёлар куий ҳавзаларida, шундай тартибда таркиб топган патриархал жуфт оилалар секин-аста катта патриархал оилалар даражасига, яъни Авесто тили билан айтганда, нманаларга ўсиб чиқади. Катта патриархал оила жамоаси эса патриархлар, яъни катта ота томонидан бошқарилган.

Катта патриархал оила – нмана жамоа хўжаликлари Авесто жамиятининг “вис” кўринишидаги қишлоқ жамоалари бўлиб, уларни кадхудотлар, яъни виспатилар бошқарган. Виспатилар катта патриархал жамоа бошликлари орасидан вис анчуманасида, яъни қишлоқ

жамоаси йиғинида сайланган. Давлатчилигимизнинг энг дастлабки бўғини ана шу Вислар, яъни қишлоқ жамоалари бўлган.

“Вис” жамоаларининг таркиб топиши эса куйидагича кечган: яъни ҳар бир жамоа аъзоси ўз оиласи кучи, харакати имкониятига кўра, тегишли миқдорда ер ўзлаштириб, хусусий ер мулк эгаси-озод, эркин дехқон жамоаларига (кашоварзларга) айланадилар. Ҳар бир дарё куйи ҳавзасини ўзлаштиришда бир неча эркин ва озод кашоварзлар уруғ-аймоқчилик анъаналарига кўра бирлашиб, эркин дехқонлар (кашоварзлар) қишлоқ жамоасини ташкил этадилар. Шундай тартибда ташкил топган қишлоқ жамоаси, унинг мулки она уруғи давридагидек, энди ижтимоий характерга эга эмас, балки хусусий характерга эга бўлади, яъни “вис” жамоасида илк бор хусусий мулк, ўзлаштирган ерга хусусий эгалик қилиш пайдо бўлади. Жамоада хусусий мулкни пайдо бўлишида эркакларнинг хизмати, роли катта бўлган. Энди, болалар ҳам ўз отасини яқиндан таниб, бола тарбияси жуфт оила қўлига ўтганлиги боис, болалар ўртасидаги оила мулки таксимотида оталарни роли орта боради.

Шундай қилиб, оилада, жамоада эркаклар нуфуси ортиб, секин-аста ота уруғи (патриархат) қарор топади. “Вис”ларнинг иқтисодий хўжалик асосини ташкил этишда ташаббускор кашоварлар орасидан жамоа аъзолари ўз оқсоқолларини сайлаб оладилар. Одатда, оқсоқол, жамоа сардори – қадхудот юксак ижтимоий-сиёсий мавқеига эга уста миришкор ва омилкор дехқон ёки моҳир хунарманд, шахсий аҳлоқ ва одаби, маънавий-аҳлоқий юксаклиги билан ўз жамоаси оғзига тушган пиру-устоз бўлиб, бу сифатларга ўз вақтида ҳалол меҳнати, турмуш тажрибаси туфайли эришган жамоа аъзоларидан бўлган. Ўша давр уруғ жамоалари қундалик ҳаёт қонунига айланган сардорликка талаб айнан қадхудотдан, Авесто тили билан айтганда, виспатидан, зантупатидан, даҳъюпатидан шундай шахсий сифатларга эга бўлишликни талаб қиласи эди. Бу ўзбек ҳалқи давлатчилик тарихининг илк босқичларига хос бошқарув тизимининг демократия принциплари эди. Ўрта Осиё ҳудудий доирасида ташкил топган Қадимги Бақтрия подшолиги, Катта Хоразм, Қанғ давлати, Даван подшолиги ана шу бошқарув принциплари асосида ташкил топган илк давлатчиликнинг айнан ўзгинаси эди.

Йирик дарёларнинг куйи ҳавзаларининг сертармоқ ўзанлари бўйлаб ташкил топган “вис”лар протоشاҳар ёки йирик шаҳармонанд қишлоқларни (мас. Қадимги Бақтрияниң Сополлитепа протошаҳри каби) ташкил этса, уларнинг сиёсий-маъмурий ва диний бошқарув жиҳатдан бирлаштирган бир неча микровоҳаларнинг бош шаҳри (масалан, Жарқўтон) шаҳар-давлат мақомида бўлган. Шаҳар-давлатлар “вис” типидаги қишлоқ жамоаларидан қатор жиҳатлари билан фарқ қилиб, у худудий жиҳатидан кенг, шаҳар майдони икки қисмдан, яъни ҳоқим қасри-сарайи ва унинг хусусий хўжалиги жойлашган кухандиз (Арки Аъло) ва аҳли хунар уй-жой комплекслари, турли хил хунармандчилик маҳаллалари ҳамда диний марказ, яъни шаҳар ибодатхонаси жойлашган шаҳристондан иборат бўлган. Бундай аҳолиси зич пунктларда хунармандчилик ривож топиб, унинг ихтисослашуви жадал кечади.

Бундай илк шаҳар таркиби, юқорида таъкидлаганимиздек, Жарқўтонда яхши кузатилади. Аммо, ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида дастлаб жамоани бошқарув тизимида диний-илоҳий курдат катта нуфузга эга бўлганлиги туфайли маҳкамачилик ишлари шаҳар бош ибодатхонаси қошида мужассамлашган.. Шунинг учун ҳам илк шаҳарларнинг бош ибодатхоналари монументал ҳарактерда бўлиб, шаҳарнинг **Бош Оташгоҳи** ибодатхона комплексини ташкил этган.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудларида ҳам илк шаҳарлар ҳали архаика, антик ҳатто илк ўрта асрларда ҳам тўлиқ хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи шаҳар ҳарактерини олмаган эди, уларнинг иқтисодий ҳаётида дехқончилик хўжалиги кучли бўлиб, уларни аграр ҳарактеридаги шаҳарлар сифатида тасаввур этиш мумкин. Ана шундай иқтисодий асосга ва диний-сиёсий мавқеига эга шаҳар-давлат ўзбек давлатчилигининг тарихий негизини ташкил этган.

Мана шундай ёки шунга яқин урбанизация жараёни, яъни қадхудотлар бошлиқ висларнинг ташкил топиши ибтидоий жамоачилик негизида хусусий мулкчиликнинг келиб чиқишига олиб келган. Бу мулк дастлаб ўтрок дехқончилик маданияти ривожланган

минтақаларда содир бўлгани боис, туғилган янги жамоанинг асосини айнан эркаклар бошлиқ эркин дәхқон жамоалари, яъни суғдий тили билан ифода этганда, кашоварзлар ташкил этган. Демак, бу давр жамиятида эркакларнинг меҳнати катта бўлиб, улар моногомик оила мулкининг яратувчилари сифатида оиласа, жамоада нуфузи катта бўлган, яъни ибтидоий жамоа патриархал характеристини олган.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг барча вилоятларида жамиятнинг урбанизациялашув жараёни бир вақтда, бир даврда юз бермаган. Чунки, жамият тараққиётининг нотекис ривожланиш қонуниятига кўра, бу жараён минтақаларнинг табиий-географик, ҳамда ички ва ташки омилларининг таъсиридан келиб чиқсан холда юз берган. Масалан, бу жараёнлар Ўрта Осиё ҳудудий доирасида Мурғоб водийси-Марғиёнада ва Кўкчадарё, Балхоб ва Шеробод дарёлари куйи ҳавзалари-Қадимги Бақтрияда дастлаб бронза даврида юз берган бўлса, Висларнинг омилкор дехконлари томонидан йирик дарёлар ва сойларнинг куйи ҳавзаларини кенг кўламда ўзлаштирилиши сўнги бронза ва илк темир даврида нафақат Бақтрия ва Марғиёнада давом этди, балки бу жараён Жанубий ва Марказий Суғд ҳудудларигача кириб боради. Бу ҳақда Даратепа, Узунқир, Кўктепа, Афрасиёб, Лолазор каби ёдгорликлар гувоҳлик беради.

Урбанистик жараёнлар илк темир даврининг ўрта босқичидан (мил.авв. VI асрнинг иккинчи ярмидан) Ғарбий Суғд (Бухоро воҳаси) га ва Хоразм воҳасига (мил.авв. VI асрнинг охирги чорагидан) кириб боради. Бу ҳақда Хўжабўстон шаҳар ҳаробасининг куйи қатламлари, Қалқонота мозор-кўргонлари (Бухоро воҳаси), Кўзалиқир, Қалалиқир, Хумбустепа, Дингилжа, Хозарасп (Хоразм воҳаси) ёдгорликлари гувоҳлик беради.

Юқорида номлари зикр этилган ҳар бир ёдгорлик алоҳида микровоҳа доирасида дастлаб шаҳар-давлат - микроаазислар бош шахрига, пойтахтига айланган. Сўнг улар аста-секин воҳа (туман) давлатчилиги сиёсий-иктисодий ва этномаданий марказига айланган.

Айнан ўхшаш урбанистик жараёнлар Сирдарё ҳавзаси районларида ҳам юз берди. Аммо, Чоч ва қадимги Фарғона бу тарихий жараёнларга анча кейинроқ, антик даврида кириб борди. Давр жиҳатидан уларнинг кейинроқ урбанистик жараёнларга тортилиши маҳаллий анъаналарнинг мустақил, табиий равишда ривожланиши билан боғлиқ эди.

Бу урбанистик жараёнларни қадимги Хоразм мисолида кўрадиган бўлсак, у қўйидагича эди: Куйи Амударё ҳавзаларида кенг тармоқ отиб, Орол ва Каспий денгизлари томон йўналган унинг ўзанлари этакларида ҳосил бўлган сернам, унумдор қоқ ерларда илк давлатчиликнинг куртакларини ниш уриши Амиробод маданияти (милоддан аввалги X-VIII асрлар) мисолида яққол кўзга ташланади, яъни Хоразм воҳасига суғорма дехқончиликнинг илк асослари яратилади. Бу манзара Амиробод маданиятининг Якка-Парсон 2 манзилгоҳи мисолида яхши ўрганилган. Бироқ, хали Амударё куйи ҳавзасига туб маънодаги такрорий суғорма дехқончилика асосланган Хоразм воҳаси ташкил топмаган эди.

Таъкидлаш жоизки, Амударё куйи ҳавзаларининг бошқа районларида Амиробод маданиятининг Якка-Парсон 2 типидаги илк суғорма дехқончилик хўжалигига асосланган ёдгорликлар комплекси учрамайди. Бу минтақанинг унумдор қоқ ер массивлари Куйисой маданияти тимсолидаги чорвадор қабилаларнинг чорва яйловлари бўлиб хизмат қилган. Эҳтимол, қадимги Хоразм тарихининг чукур билимдони С.П.Толстов, шу боисдан, бу минтақани орийларнинг ватани Аръянам Вайчаҳ деб бежиз айтмаган.

Амударё куйи ҳавзасининг қадимги Хоразм воҳасига айланиш жараёнининг жадаллашиши, қачонким, бу ўлкага “Катта Хоразм” хорасмийларининг миграциясидан бошланди. Бронза давридан қадимги Шарқ цивилизациясининг маҳаллий ўчокларидан бирига айланган Хилменд водийси ва унинг омилкор дехқонлари суғорма дехқончилик бобида бронза даври марғушлари ва боҳтарийларидан қолишмас эдилар. Хорасмийларнинг Эрон аҳамонийлари империясига қадар “Катта Хоразм” давлат конфедерациясига бош бўлиши, унинг таркибида Марғиёна, Сейистон (саранглар юрти), Арахосия (фаманейлар юрти), парфлар ва Гирканиянинг бўлиши, бир томондан, “Катта Хоразм”нинг шимолий чегараси Амударёнинг ўрта ҳавзари билан чекланганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, бу қадимги вилоятлар ҳудудлари, аллақачон, қадимги Хоразм суғорма дехқончилик маркази

ташкыл топмасдан роса минг йил бурун, қадимги Шарқ цивилизациясининг маҳаллий марказларига айланиб бўлган эди.

Суғорма дехқончилик хўжалигини юритишда бой тажриба ва малакага эга бўлган хорасмийларнинг Амударёни куйи ҳавзаларида пайдо бўлиши, уларнинг омилкор дехқонлари томонидан Амударё дельтасидаги ҳар бир дарё ва дарёчалар тармоқлари-ўзанлари бўйлаб ерларни ўзлаштириши, янгидан-янги қишлоқ жамоаларини (Авестода «вис»ларни) ташкыл топишига олиб келди. Ҳар бир дарё ўзанлари бўйлаб дастлаб қад кўтарган аҳоли пункти-«вис» атрофида секин-аста бошқалари пайдо бўла бошлади.

Якуний хулоса: 1). Археологик ёдгорликлар ва уларнинг даврий кетма-кетликда таркиб топиш жараёнлар тахлилига кўра, Ўрта Осиё, жумладан ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалади; 2). Айнан шу даврда мулкчиликнинг ерга, чорвага эгалик қилишликнинг хусусий шакли пайдо бўлади. Ерга хусусий эгалик қилиш моногомик жуфт оиланинг катта патриархал оила даражасига ўсиб чиқишидан бошланади. Айнан шу шароитда жамоа мулкчилигининг ижтимоий характеристи тагига зил кетиб, унинг ўрнини патриархал хусусий мулкчилик эгаллади. Ерга ва чорвага хусусий эгалик қилишликнинг пайдо бўлиши давлатчиликнинг келиб чиқишига олиб келади. Давлатчиликнинг дастлабки, илк куртаклари катта патриархал оилалардан бошланиб, уларнинг мужассамлаштирган қишлоқ жамоалари-вислар даражасидаги кўриниши илк давлатчиликнинг тарихий илдизларини ташкыл этади.

Кадхудотлар, яъни виспатилар давлатчиликнинг илк куртаги бўлса, Авество жамиятининг занту босқичида, вислардан ташкыл топган илк шаҳар шаҳар-давлатчилигининг асосини ташкыл этган. Шаҳар-давлат амалда бир неча микровоҳа доирасидаги висларни диний ва сийсий жиҳатдан бирлаштирган воҳа давлатчилигининг бош шаҳри, сиёсий ва диний қароргоҳидир. Масалан, Жарқўтонни шу мақомда тахлил этиш мумкин. Демак, Жарқўтон нафақат шаҳар-давлат, балки Шеробод воҳаси доирасидаги воҳа давлатчилигининг диний бошқарув марказидир. Бу илк давлатчилик тизимининг иккинчи бўғини. Бу бўғинни Марказий ва Жанубий Суғдда рустак доирасида шаклланган ихридлик ва ихшидликлар, Фарбий Суғдда таркиб топган Бухорхудодлар, Чочда чоч маликлари, Уструшонада афшинликлар, Илокда дехқонзодалар мисолида тасаввур этиш мумкин.

Давлатчиликнинг учунчи бўғини-бутун бир водий доирасида қатор туман, рустак, афшин, малик, худод, аслзода дехқон мулклари асосида таркиб топган тарихий вилоят давлатчилигидир. Улар тарихда бизга Суғдиёна, Бақтрия, Марғиёна, Парфиёна, Хоразм, Фарғона, Чоч, Уструшона каби этногеографик топонимлар тимсолида маълум. Бу уч босқич давлатчилигининг иқтисодий хўжалик асосини ўтрок дехқончилик ва сертармоқли хунармандчилик ташкыл этади.

**2.Ўзбекистон** худудида, умуман, Ўрта Осиё минтақасида энг қадим замонлардан кечган давлатчилик тарихи масаласи ҳеч қачон махсус ўрганилмаган. Ҳеч қачон шу тарзда мавзуу ва мақсад қўйилмаган. Шунинг учун ҳам биз мазкур йўналишда илгари амалга оширилган бирор махсус ишни келтира олмаймиз. Аммо мамлакатимиз доирасида, минтақада давлатчилик тизими бўлгани ҳеч қачон инкор этилмаган.

Худди шунингдек, мазкур давлатчилик тизимлари тўғридан-тўғри ўзбек жамияти билан боғлиқ тарзда ва шу юртда узулуксиз кечган бир жараён сифатида ҳеч қачон қаралмаган. Бунинг камида учта сабаби бор.

Биринчи сабаб тўғридан-тўғри евроцентризм билан боғлиқ. Сўнгти асрларда сиёсий-иктисодий марказнинг Шарқдан Фарбга «кўчиши», халқаро муносабатларда Фарб давлатлари, улар намояндаларининг илфор, ташаббускор, тажовузкор бўлишлари каби омил ва сабаблар натижасида гўёки ғарбий (европавий) ва шарқий тарихшунослик фанлари вужудга келгандай бўлган эди. Шу маънода «тарих» тушунчасига бағишлиланган академик тадқиқотлардан бирида берилган қўйидаги фикрлар диққатни тортмай қолмайди: «Умуман олганда қадимги давр (Европанинг қадимги давр тарихи назарда тутилмоқца) тарих (фани) ривожида муҳим босқич бўлиб, замонавий Европа тарихшунослиги унинг бевосита меросхўриди. Европалик бўлмаган

халқлар – Хитой, Ҳиндистон, Колумб давригача бўлган Америка, Яқин ва Ўрта Шарқ ёзма ёдгорликлари уларда ҳам тарихшунослик қарашлари тараққий этганидан далолат беради. Бироқ европавий тафаккур мазкур маданий ўлкалар ютуқяри билан ниҳоятда кеч танишгани сабаб, улар (Европа тарихшунослик қарашларига) бирон-бир сезиларли таъсир кўрсата олмадилар<sup>1</sup>. Мазкур тадқиқот билан танишар экансиз, унда Шарқдаги тарихшунослик фани тўғрисида бирон сўз айтилгани, киёсий фикр қилинганини кўрмайсиз. Ваҳоланки, мавзу умуман «тарих» тушунчаси, тарихшунослик фани тарихи, соҳалари, йўналишлари, тадқиқот усуслари ҳақида. Гўёки фақат европавий тарихшунослик якка-ягона мавжуддай. Бошқача айтсан, давлатчилик мавзуси у ёқда турсин, умуман тарихшуносликда евроцентризм кучли намоён бўлган. Тарихий мавзуларга ёндашувлар ҳам шунга яраша. Машҳур рус тарихшуноси В.В.Бартольд (1869-1930) сўzlари билан айтганда, Европа «мактабининг олими Шарқ тарихи баёнига Европа илми зиёсини олиб киради ... Шарқ халқлари бизнинг маданиятимиз устунлигига шундагина ишонадиларки, қачонки биз уларни улар ўзларини билганларидан кўра яхшироқ билишимизга тан берсалар»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, Европада вужудга келган шарқшунослик фанининг амалий жиҳатлари кучли бўлган. Европаликлар Осиё, Шимолий Африкадаги мустамлакаларни бошқаришда қарам халқлар тарихи, маданияти, урф-одатлари, диний қарашлари, феъл-авторини ҳар томонлама пухта билиш фақат ва фақат фойда келтиришини яхши тушунганлар. Буни нафақат сиёсатчилар, балки олимлар ҳам жуда яхши англағанлар. Яна Бартольдга мурожаат қиласидан бўлсан, у «(қарам) мамлакат тарихини билишлик маъмурлар ва дипломатларга тўғридан-тўғри амалий наф беришини» ўз пайтида таъкидлаб ўтганинг гувоҳи бўламиз.

Хуллас, мазкур амалий жиҳатлар орқали ҳам арабшунослик, мисршунослик ривожида Франция, хиндшуносликда Англия, туркистоншуносликда Россия каби давлатларнинг ўрни яққол кўриниб туради. Мустамлака шароитида қарам мамлакат олимларининг метрополия ижтимоий-илмий қарашлари таъсирида қолишлари ҳам турган гап. Буни биз Россия империясида бўлган давримиздан яхши биламиз. Очигини айтганда, бу касалдан бугун ҳам узил-кесил қутилингани йўқ.

Иккинчи сабаб Россиянинг шовинистик ва улуғ давлатчилик сиёсати билан боғлиқ. Уни бизнинг мавзуга алоқадор томонини Бартольдинг қўйидаги айтганларидан топамиз: «Шарқ халқларининг Россия билан тинч йўсинда яқинлашишларида, бизнинг буюк шоиримиз орзу қилган, бироқ ҳали ҳозир жуда узоқ бўлмиш кунни, яъни Россиянинг барча халқлари, жумладан, «ва бугунги ваҳшний тунгус, ва дашт кезувчи қалмок» ҳам, рус маданиятининг улуғ вакилига бош эгиш учун бирлашадиган куннинг келишида рус шарқшуносларининг камтарона меҳнатлари, балким, рус маданиятининг бошқа ютуқларига нисбатан кўпроқ фойда келтирар»<sup>3</sup>.

Бир сўз билан айтганда, империя таркибидаги бошқа халқлар олдида рус тарихи, рус маданиятининг устунлигини кўрсатиш, шуни тан олдириш. Бунга ҳеч бир ажабланмаса ҳам бўлади. Зеро, «буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмаслиқдан келиб чиқади»<sup>4</sup>.

Давлатчилик тарихи масаласида ҳам ёндашув шундай бўлган. «Қадимги Рус давлати» IX асрда шаклланганидан келиб чиқилиб, империянинг бошқа бирон-бир ҳалқи (арманлар ва грузинлардан ташқари) давлатчилик тарихи мазкур кўрсаткичдан (IX аср) қадимроқ бўлмаслиги керак эди. Бу каби муносабатни империя халқларининг этник тарихи ва этногенези масаласида ҳам кўриш мумкин. Яъни ўзбеклар, озарбойжонлар, украинлар, туркманлар ва бошқа халқларнинг тарихий шаклланиши рус халқи шаклланган асрлардан (IX-XII) эртароқ асрларга бориб тақалиши мумкин эмасди.

Учинчи сабаб эса Россия империясини коммунистлар бошқарган даврлардаги хукмрон мафкура моҳияти орқали белгиланади. Давлат, давлатчиликка муносабат коммунистик

<sup>1</sup> Ерофеев Н.А. Что такое история. –М., 1976. С.10.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Т.1. –М., С.607-608.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ... –Т., 1997. 53-бет.

мафкура «доҳийлари» қарашлари асосида қуриб келинган. Масалан, «давлат умуман ва асосан ишлаб чиқаришда ҳоким бўлган синфнинг иқтисодий эҳтиёжини концентрациялашган шаклда ифода этишдир» (Энгельс). «Давлат бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронлик қилиши учун хизмат қиладиган машинадир» (Ленин).

Кўриб турганимиздек, давлат тушунчасига синфиийлик нуқгаи назаридан ёндашилган. Тарихга муносабат ҳам шу кабидир: «тарих синфий курашнинг бир қатор лавҳаларидан иборатдир». Бу ерда ҳам синфиийлик. Давлатчилик тараққиёти босқичларига ҳам баҳо беришда синфиийлиқдан келиб чиқилган, яъни «қулдорлик» давлати, «феодал» давлат, «капиталистик» давлат, «социалистик» давлат. Коммунизмга бориб эса давлат деган тушунча гўё йўқолиб кетади. Хуллас, бундай қарашларда ҳамма нарса бор, аммо энг асосийси, давлатчиликнинг манбаи ҳалқ эканлиги тушунчаси йўқ. Натижада ўзбек давлатчилиги милоддан аввалги VII асрдаёқ қарор топган бўлса-да, аммо марксизм-ленинизм таълимоти бўйича юртимиздаги ижтимоий-сиёсий тузум милодий VI асрга қадар қулдорлик, 1924 йилга қадар феодал, 1991 йилгача эса социалистик мазмунга эга бўлиб келганлиги совет тарихшунослигида доимо уқтириб борилган.

«Социалистик давлат синфий давлат бўлиб, ишчилар синфи раҳбарлигидаги ишчи-дехқонлар давлатидир»<sup>1</sup>. Демак, у бирон ҳалқа тегишли эмас, балки миллати ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, ишчи, дехқонларнинг, хуллас, синфларнинг манфаатини ўзида акс эттирган. Миллат деган моҳият умуман йўқолиб кетган, аникроғи, шу йўл билан йўққа чиқарилган. Аммо пировардида коммунистик таълимотнинг ўзи чилпарчин бўлиб, унинг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатлардан асоссиз эканлигини тарих исботлади. «Капиталистик» давлатлар яшамоқда, бироқ СССР типидаги «давлатлар» йўқ бўлиб кетди.

Совет тарихшунослиги мактаби тадқиқотчилари минтақамизда умуман давлатчилик анъаналари бўлганлигини ҳеч қачон инкор қилмаганлар, қиломасдилар ҳам. Аммо жараённи бирон миллат ва жамият билан узвий боғлиқликда эмас, формациялар ва синфиийлик нуқгаи назаридан баҳолаганлар. «Социалистик» давлатни қўкка кўтариш ниятида унгача бўлган давлатчилик жараёнидаги барча босқичларни салбий деб хисоблаганлар. Шунинг учун ҳам масала моҳиятидан ва мавзуга ўзгача ёндашишлар ҳам борлигидан бехабар киши кўз ўнгидаги бирданига бир қатор давлатлар намоён бўлиши турган гап эди: Буюк Хоразм давлати, Бактрия давлати, Кушонлар подшоҳлиги, Эфталийлар давлати, Амир Темур давлати, Темурийлар давлати, Абдуллахон давлати, Бухоро амирилиги ва ҳоказо. Уларнинг баёни, шарҳида ҳукмдорлар, сиёsatчилар, лашкарбошилар, олимлар, шоирлар ва бошқалар бор, аммо ўзбек жамияти, ўзбек ҳалқи, ўзбек давлатчилиги йўқ. Яъни барча-барчасига манба бўладиган моҳият йўқ, йўққа чиқарилган. 1924 йили «ЎзССР» барпо этилиши муносабати билан қабул қилинган мурожаатномадаги «ўзбек ҳалқи улуғ Октябрь инқилоби ғалабаси натижасида илк бор ўзининг миллий ўзбек давлатчилигини кўриш имконига эга бўлди. ... Аммо янги республика улуг Совет Иттифоқининг қўшни ҳалқлари билан тинч меҳнатда ва қардошларча ҳамкорликда яшashi керак ва яшайди ҳам» фикри, аникроғи, кўрсатмаси ўзбек заминида кечган давлатчилик тарихини ўрганиб, оммалаштиришга совет тарихчилари учун асос бўлган. Яъни 1924 йилга қадар ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлмаган, унгача мавжуд давлатчилик жараёни кушонларга, хоразмшоҳларга, Амир Темурга (ва ҳоказо) тегишли, зинҳор-базинҳор ўзбекка эмас. Фақат Октябрь туфайлигина ўзбеклар ўз давлатига эга бўлди, энди эса улар совет иттифоқи, яъни Россия билан бирга, ундан ажralмасдан яшашлари керак ва шарт, деган фикр тарих китоблари орқали омма онгига қўйилиши керак эди. Кўряпсизми, бу ерда империяпарастлик, шовинизм, коммунистик мафкура талаблари усталик билан «уйғунлаштирилган». Аслида эса Россиянинг худди шу босқинчилик сиёсати туфайли ўзбек давлатчилиги тараққиётiga болта урилган эди.

Мустақиллик шарофати билан биз ўтмиш тараққиёт йўлини ҳеч бир мафкуравий ақидасиз ўрганиш ва ёритиш имконига эга бўлдик. Чунки «тарих хотираси, ҳалқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳақиқий тарихини тиклаш, миллий

<sup>1</sup> Марксча-ленинча философия асослари. –Т., 1976. 400-бет.

ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади<sup>1</sup>. Хусусан, давлатчилигимиз тарихи масаласида ҳам. Шу ўринда ўзбек давлатчилигининг 2700 йиллик тараққиётида 1991 йилнинг алоҳида тарихий ўрни борлигини уқтириб ўтиш лозим. Яъни айнан ушбу санадан бошлаб давлатимиз миллатимиз номи билан атала бошлади.

3. Амир Темур шахсини холис ўрганиш масаласи шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, унинг ташабbusи билан Амир Темур тарихини ҳар томонлама чукур ўрганиш ва тадқиқ қилиш кераклиги, тарихий адолатни қарор топтириш замонавий темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги эътироф этилиб<sup>2</sup>, – Амир Темур мустақил Ўзбекистоннинг маънавий қудрати рамзи сифатида баҳоланди.<sup>3</sup>

Жаҳонда эса Амир Темурнинг дунё тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси, тарихдаги буюк хизматлари ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиб, унинг 660 йиллик юбилейи 1996 йил Парижда кенг нишонланди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихи, ундаги илм-фан, маданият жаҳон тамаддунидан ўрин олган ва уни ўрганиш тарихшуносликнинг йирик йўналишларидан бири сифатида доимо олимлар диққат эътиборида бўлиб келган. Француз темуршунос олими Л.Керэннинг тадқиқотларида Соҳибқироннинг Европадаги ўрни ва хизмати, унинг музafferар саркарда, моҳир дипломат ва илм-фан ҳомийси эканлиги эътироф этилган. Унинг фикрича, Амир Темур Шарқдаги Буюк ипак йўлида жойлашган ўлкаларнинг барчасини бирлаштирган, фақат Хитойгагина қўли етмаган. “Агар Амир Темур фақатгина жангу жадал, ёхуд ашаддий истилолар ишқида ёнган буюк фотиҳ бўлганида, у тарихни кўп ҳам қизиқтирмасди”<sup>4</sup>.

Шон -шуҳрати жаҳонга ёйилган инсон. Ҳа шундай. Буюк Амир Темурдан жаҳонда бунёдкор деган яхши ном қолди. Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихи ҳеч қандай бўрттириш, мақтовга ва бўяб кўрсатишга муҳтож эмас.

Биз Соҳибқирон Амир Темур – деб атамиз, жаҳонда Буюк Темурбек, Европада Тамерлан, ёзма манбалар<sup>5</sup> ва тадқиқотларда<sup>1</sup> Амир Темурнинг 1391 йили март ойида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ... –Т., 1997. 140-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тошкентда Амир Темур хайкалини очилишига бағишлиланган тантанада сўзланган нутқ. 1993 йил 31 август / Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мағкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. I. – Б. 360-362; Ўша муалиф. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин // ЮНЕСКО қароргоҳидаги “Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гулаб яшнаши” кўргазмасининг очилиш маросимида сўзланган нутқ. 1996 йил, 24 апрель. Париж / Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т IV. – Б. 340-343; Ўша муалиф. Ҳалқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ. 1996 йил, октябрь. / Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т. V. – Б. 166-170; Ўша муалиф. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлиланган ҳалқаро илмий конференциядаги маъруза, 1996 йил 24 октябрь // Ҳалқ сўзи. 1996, 25 октябрь; Ўша муалиф. Азалий буюклик маскани. Самарқанд шаҳрида Амир Темур хайкалини очилиш маросимида сўзланган нутқ / Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби... – Б. 171-174; Ўша муалиф. Соҳибқирон камолга етган юрт / Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби... – Б. 175-178; Ўша муалиф. Адолат ва қудрат тимсоли / Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби... – Б. 179-180.

<sup>3</sup> “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1994 йил 29 декабрь // Ҳалқ сўзи. 1994, 30 декабрь; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 1995 йил 26 декабрь // Ҳалқ сўзи. 1995, 27 декабрь.

<sup>4</sup> Кэрэн Л. Амир Темур салтанати / Б. Эрматов таржимаси. – Т: Маънавият, 1999. – Б. 7.; 78. Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция. – Т.: Адолат, - 84 б.

<sup>5</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўғиравчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Изоҳлар ва лугатларни тузувчи Ҳ. Кароматов, О. Бўриев; Ҳофизи Абронинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и – (“Илова”)ни форсийдан ўғиравчи ва изоҳларни тузувчи О. Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 158; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткич муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 130.

Тўхтамишхон устига юриш қилиб, Улуг Тоғда (Улу туу) Харсангтошга уйғур алифбосида ўйиб ёздирган матнда ўзини “Турон султони” деб атагани эса эътиборга лойикдир<sup>2</sup>. 1930-йилларда Қозоғистоннинг Карсакпай маъдани ёнида топилган, унга 11 сатр ёзув битилган, унинг 8 сатри уйғур ёзувида ва 3 сатри араб ёзувида, - “Турон султони Темурбек 200 минг кишилик ўрдуси билан Тўхтамишхонга қарши юриш қилди” – деб ёзилган. Ҳозирда бу тош Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланади<sup>3</sup>. Бундай эътибор унинг буюклигидан далолат эмасми?

Демак, биз Амир Темурни ҳеч иккиланмай Турон султони деб аташимизга илмий асосимиз бор. Аммо Амир Темурнинг камтаринлиги ва ўша пайтдаги 150 йиллик мұғулларга қарамлиқдан чиқиб кетишнинг қийинчилиги туфайли ўзини ҳарбий атама “амир” (амирул-умаро яъни ҳарбий қўшинлар бошлиғи) деб атади. Чунки ҳокимият Оллоҳ томонидан фақат мұғулларгагина тегишли деган қарашиб устун эди.

Мана 7 аср давомида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш дунё олимларининг дикқат марказида бўлиб келмоқда. Амир Темур жаҳон илм-аҳлини нега бунчалар қизиқтиради? Унинг шуҳрати ва хизматлари нимада? Бунинг сабабини том маънода шундай ифодалаш мумкин: Амир Темур жаҳон тарихига XIV асрда мустамлакачиликнинг энг оғир таҳликали даврида кириб келиб, Осиё ва Европа қитъасининг тақдирини юксак тараққиёт – ренессанс томон ўзгартирган шахс, XIV-XV асрлардаги Ўрта Осиёдаги иккинчи ренессанснинг асосчиси сифатида эътироф этилган.

Амир Темурнинг Ватанимиз ва Жаҳон халқлари тарихи олдидаги хизматлари қўйидагилардан иборат:

- Амир Темур Мовароуннаҳрни мұғуллардан тозалаб, мустақил давлат барпо этди, салтанатни тараққиёт сари бошлайдиган жамиятнинг барча соҳаларида кенг ислоҳотларни олиб борди. Соҳибқирон томонидан анъанавий давлатчилик бошқаруви тикланиб такомилга етказилди;

- Ватан хавфсизлигини сақлаш мақсадида ҳарбий бошқарув, ҳарбий қўшин ривожлантирилди. Ҳарбий ишни санъат даражасига қўтарди;

- ички ва ташқи савдони ривожлантириди. Юртда тўкин сочинлик бўлди. Халқ фаровон яшади. Шаҳарсозлик, меъморчилик йўлга қўйилди;

- XIV- асрнинг 2-ярмида Осиёнинг Хурросон, Эрон, Ироқ ҳудудларини умумий бир маконга ягона давлатга бирлаштириди. Амир Темурнинг Ўрта, Жанубий, Фарбий Осиё, шунингдек Кавказ, Волгабўйи ва рус давлати тарихида муҳим ижобий роль ўйнаган;

- Олтин Ўрдани тор-мор қилиб, Рус князликларини татар-мұғул истибодидан қутқарди ва ягона Рус давлатига бирлашишига имкон яратиб берди. 1395 йили Тўхтамишнинг тор-мор этилиши Олтин Ўрда, Туркия ва Миср ўртасидаги ҳарбий сиёсий иттифоқнинг шаклланишига, уларнинг бирлашишига йўл қўймади. Бу билан катта жаҳон урушини олдини олди;

- Турк султони Боязидни енгиб Европани унинг асоратидан қутқарди;

- Буюк ипак йўлида хавфсизликни таъминлади ва бу эса коммуникацияни тараққиётни таъминлашга қаратилди. Илмий билимлар ривожига олиб келди;

Фарб тарихшунослигига Амир Темур шахсига эътибор XVIII асрданоқ бошланган<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Мухаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Тарихий очерк. Тузатилган ва тўлдирилган иккинчи нашр. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.. – Б. 15.

<sup>2</sup> Шомий. Зафарнома ... – Б. 429.

<sup>3</sup> Ўринбоев А. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарига кириш сўзи / Шомий. Зафарнома ... – Б. 429.

<sup>8</sup> Гибbon Э. История упадка и разрушения Римской империи // Перевод с английского В.Н. Неведомского. – М.: Изд-во К.Т. Солдатенкова, 1888. Ч. VII. – С. 170-172; Шлоссер Ф. Всемирная история. – Спб., 1876. Т. III. – С. 503-504; Вебер Г. Всеобщая история. – М., 1887. Т. VIII. – С. 541-549; Ру Жан Поль. Амир Темур. Француз тилидан А.Кўчибоев таржимаси // Жаҳон адабиёти. – Т., 2002. – №. 1. – Б. 10-32.

ХХ аср жаҳон шарқшунослигига мустақил илмий йўналиш – “Темуршунослик” шаклланди<sup>9</sup>, 1948 йилда Францияда “Амир Темур ва темурийлар даври тарихини” ўрганувчи алоҳида илмий марказнинг ташкил этилиши ҳам Соҳибқироннинг инсоният цивилизациясида тутган бекиёс ўрнидан далолат беради.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг тарихчи олимлар томонидан ўрганилиши ва амалга оширилган тадқиқотлар янги, аввалгига нисбатан юқори босқичга кўтарилганини кўрсатади. Уларда ҳарбий юришлардан кўзланган асосий мақсад совет тарихшунослигига қайд этилганидек, “талончилик” ва “босқинчилик” эмас, балки эзгу ният, яъни Буюк ипак йўлини, коммуникацияни тиклаш, бу орқали эса савдо-сотиқ, илм-фан тараққиётини ривожлантириш учун саъй-ҳаракатлар қилгани, бунёдкорлик ишларини кенг масштабда олиб боргани илмий асослаб берилди.

Замонавий тарихшуносликни ривожини тезлаштираётган оммага тез этиб борадиган интернет материаллари ҳам борки, уларни таҳлил этиш бугунги кунда темуршуносликдаги долзарб вазифасидир. Куйида айримларига фикр-мулоҳазаларни билдирамиз:

Россиялик тарихчи А.Воробьевнинг “Ажойиб Тимур” номли мақоласида Соҳибқиронни “саводсиз”га чиқариб қўйган тарихчилар танқид қилиниб, уларнинг камчилиги сифатида тарихни ёритишга мантиқий ёндашмаганликлари таъкидланади. Фикрининг далили сифатида йирик аллома, Миср қозиси ва фиқҳ олими Ибн Халдуннинг “Таржимаи ҳол” асарида Соҳибқирон маънавиятидан ҳайратланиши каби мисолларни келтиради. Олимнинг Амир Темур шахси ва унинг саводхонлиги масаласидаги фикрини асослаши унинг шарқ манбаларининг билимдони эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, Амир Темурни “каллакесар” деган тухматларга қаратади, шу пайтгача “миноралар”га тегишли ҳеч бир археологик ашёвий далиллар топилмаганини ва тарихий мантиққа сигфаслигини қайд этиб ўтади<sup>10</sup>.

Совет даври тарихшунослигига Амир Темур “саводсиз”, “ваҳший” умуман бир “босқинчи” одам этиб талқин қилинган эди. Чунончи, ўз даврининг йирик олими, Шарқ методологиясининг асосчиси, фиқҳунос олим Ибн Халдун билан сухбатидан Соҳибқироннинг илмий дунёқараши кенглигини англаш мумкин.

Маълумки, араб тарихчиси Ибн Халдуннинг (1332 – 1406) “Таржимаи ҳол” асарида Амир Темурнинг шахсияти ва илмий салоҳиятига юксак баҳо берилган. Ибн Халдун 1400 йили Дамашқда Соҳибқирон билан учрашади ва бу ҳақда “Ат-таъриф би Ибн Халдун” (“Ибн Халдун билан танишув”) асарида батафсил ёзади. (Ўзбекистонда Ибн Халдуннинг асари билан ўзбек китобхонларини илк бор М. Қаюмов таништирди<sup>11</sup>. Ибн Халдуннинг “Китоб ал-ибор” (“Насиҳатомуз мисоллар китоби”) номли асарининг еттинчи жилди охирига “Таржимаи ҳол” киритилган бўлиб, унда олимнинг Амир Темур билан учрашуви тафсилотлари баён этилган<sup>12</sup>.

Ибн Халдун Амир Темурнинг илмий салоҳияти, иқтидори хусусида: “У ўта ақлли, билимдон, фаросатли, кўп баҳслашадиган, фикрларга далил талаб қиласидиган, сўзида қаттиқ турадиган киши эди. Унинг фикрича, Амир Темур география, тарих, фиқҳ илмининг забардаст билимдонидир. Бу ҳақда у билан ҳеч ким баҳслаша олмайди.

Ибн Халдун Амир Темурнинг машҳур тарихчи Муҳаммад Жарир ат-Табарийнинг “Тарихи Табарий” асарида подшоҳлар ҳақидаги баъзи фикрларида ноаниқлик борлигини бошқа тарих китоблари асосида исботлаганига, яъни Амир Темур барча йирик шарқ давлатлари подшоҳлари биографияси, подшоҳлар шажарасига оид маълумотларни чуқур билиши нафақат Ибн Халдунни балки, ҳозирги тарихчиларни ҳам ҳайратга солиши табиий. Жумладан, Амир Темур Ибн Халдундан тарихчи Ат-Табарийнинг подшоҳларнинг мақоми

<sup>9</sup> Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир Ҳ. Кароматов. Илмий муҳаррир О.Бўриев. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 214-215.

<sup>11</sup> Қаюмов М. Соҳибқирон билан учрашув / Сомон йўли. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 143-155.

<sup>12</sup> Ҳабибуллаев А. Ибн Халдун “Таржимаи ҳол”дан / Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 35-57.

масаласида фикрини сўраши ва бунга ўзининг муносабатини билдириши қизиқарлидир. Яъни, Бобил подшоси Бухтансарни Қайсар (Юлий Цезарь) ва Искандар (Александр) билан бир қаторга қўйиб бўлмаслиги, чунки у Бобилнинг ҳарбий қўмондони экани, уни Табарий нотўғри жойлаштирганини айтгани қизиқарлидир.

Шунингдек, Ибн Халдун араб ва ажам мамлакатларининг тарихий географиясини чукур билишига қойил қолади<sup>13</sup>. Ибн Халдундан у яшайдиган ўлкаси, хусусан Фас, Сабата, Тажа, Силжимос шаҳарларининг тарихи ва географиясини гапириб беришини сўрайди. Аммо Ибн Халдуннинг жавоби уни қониқтирмаслигини айтади ва Соҳибқиронинг ўзи бу шаҳарлар тўғрисида бундан ҳам кўп билишини айтади.

Савол туғилади. Асадаги маълумотларга кўра, Амир Темур ўз туркий она тилидан ташқари форс ва араб тилларини мукаммал билган бўлса, Қуръон ва ҳадисларни ёддан билса - саводлиликнинг мезонлари нима билан белгиланишини ўйлаб қоламиз.

“Таржимаи ҳол” асарида Соҳибқироннинг тафаккури қаърининг кенг бўлганлигини англаш мумкин. Миср подшоси Фараж томонидан Амир Темурга мактуб билан Байсақ исмли элчи юборилганда, Соҳибқирон ундан бу хунук исм нима маънони англатишини сўрагани, Байсақ эса бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганини айтганида, бунда унинг айби йўқлигини, айб уни элчиликка тайин этган Фаражда экани, аммо Фаражнинг ҳам айби йўқлиги, чунки у ҳам фаросатидан нари ўтаолмаслигини айтгани Соҳибқироннинг элчилар салтанатнинг кўзгуси эканлигига катта эътибор берганини кўрсатади.

Новосибирск давлат университети олимни, т.ф.д. Леонид Бобров раҳбарлигига рус олимлари Амир Темур библиографияси, фаолияти тарихи хусусида илмий тадқиқотларни олиб бормоқдалар. Хусусан, “Новосибирские историки первыми в мире восстановили биографии полководцев Тамерлана” номли мақоласида<sup>14</sup> яратилаётган катта фундаментал нашр 2016-2017 йилларда чоп этилиши, унда нафақат Амир Темур балки салтанатга сидқидилдан хизмат қилган 12 та ҳарбий лашкарбошиларнинг таржимаи ҳолини ёритиб беришга эришгани ёритилади. Олим Амир Темурни доимо “Буюк” деб тилга олади, уни ўзбек ҳарбий саркардаси, “ҳарбий санъат даҳоси” деб атагани тарихшуносликда муҳим воқеадир. Шунингдек, “Темурланг” (хромой) лақабини ҳақоратомуз деб хисоблаб, илмий тадқиқотларда бундай аталишини нотўғри хисоблайди. Л.Бобров, Амир Темурнинг ҳарбий лашкарбошиларини шартли равишда уч гурухга ажратган:

Биринчиси – ҳарбий қобилият ва маҳоратга эга бўлган амирлар;

иккинчиси – лавозим ва унвонига қараб, улар отасининг касбини мерос орқали давом эттираётган лашкарбошилар;

учинчиси – туғма лашкарбошилар бўлиб, уларга Амир Темурнинг ўзи тарбиялаган ўғил ва набиралари кирган.

Муаллифнинг фикрича, Амир Темур ўз даврининг замонавий қўшини билан Олтин Ўрда хонлиги устидан бир неча бор кетма-кет ғолиб бўлиб, уни бутунлай тор-мор этган, бу билан эса Рус давлатини мўғул-татар зулмидан озод этишга хизмат қилган. Бу фикр рус тарихшунослигига (дастлаб А.Ю.Якубовский томонидан таъкидланган эди) такрор ишлатилсада, муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Яъни, А.Ю.Якубовскийнинг Амир Темур ҳарбий юришларининг Россия ва Европа халқлари учун ижобий таъсири ҳақидаги фикри яна бир бор тасдиқланган<sup>15</sup>.

Тарихчи А.Ю.Якубовский асари кенг тарихий манбалардан фойдалангани, илмий савиянинг юқорилиги билан ажralиб туради, шу билан бирга қатор баҳсли ўринлар ҳам мавжуд, рус шовинизмининг таъсири маълум даражада сақланганини ҳам сезиш мумкин.

<sup>13</sup> Хабибуллаев А. Амир Темур ва Ибн Халдун. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт нашриёти, 2004. – Б. 9.

<sup>14</sup> Қаранг батафсил ТАСС: <http://tass.ru/sibir-nevs/2691051>

<sup>15</sup> Якубовский А.Ю. Из истории падения Золотой Орды//Вопросы истории. М., 1947, №2, С. 30-45. Темур ва Тўхтамиш

Шунга қарамай, А.Ю. Якубовский бошқа Россия тарихчиларидан фарқли ўлароқ, Амир Темур билан Тўхтамиш муносабатларини тўғри кўрсата олган эди.<sup>16</sup>

Л.Бобровнинг мазкур тадқиқоти мавзуга оид ҳаққоний билимлар ривожини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Свердловск вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходими Николай Неуймин ҳам музейда Амир Темур мақбарасига тегишли бўлган ёзувли мармар тош топилгани, бу экспонат минглаб музей ашёлари орасида аҳамиятга эга эканлиги, чунки у Буюк турк ҳарбий саркардаси Темурийлар салтанати ва сулоласи асосчиси Амир Темурга тегишли экани, унинг Ўрта, Жанубий, Фарбий Осиё, шунингдек Кавказ, Волгабўйи ва Рус давлати тарихида муҳим роль ўйнагани ҳақида илмий паспорти ҳам тайёрлангани тарихий ҳақиқатнинг қарор топганидан далолатdir<sup>17</sup>.

Аммо ҳанузгача жаҳонда нашр этилаётган аксарият нашрлар, турли энциклопедиялар ва интернет маълумотларида Амир Темурнинг шахси ва фаолиятига салбий баҳо бериб келинмоқда. Жумладан Константин Кудряшовнинг 2016 йил 28 мартағи “Аргументы и факты” газетасида “Незаконченный путь Великого Хромого. Почему Тамерлан не пошел на Москву?”<sup>18</sup> номли мақоласи ўзлон қилинган. Афсуски мақолани илмий тадқиқот натижаси деб қарай олмаймиз. Сабаби мақолада илмий янгиликнинг ўзи йўқ. Яъни, мақола Совет даври адабиётларидағи Амир Темур фаолиятига бир томонлама, синфий ёндашувни акс эттирган мавжуд барча салбий қарашларининг шундоққина жамланмаси бўлиб, муаллифнинг уларга муносабат билдирамаган. Албатта бунинг сабаби муаллифнинг асосий тарихий манбалар ва хорижий тадқиқотлардан мутлақо бехабарлигини шундоққина кўрсатиб турибдики, муаллифнинг тарихчи бўлиши даъвосига киши фақат ачиниши мумкин. Сабаби илмий мақолада ҳар бир фикрини асослаш учун аввал биринчи даражали манбалардан илмий изоҳлар келтирилиши ва муаллифнинг ўзининг муносабати билдирилиши зарур. Бу мақолани оммабоп мақола сифатида бир шахснинг субъектив фикри холос деб қарашимиз мумкин.

Шуниси қизикки, Ватани тарихининг “куюнчак тарихчиси” Константин Кудряшовни Рус князликларини мустамлакачилик гирдобида ушлаб турган Олтин Ўрда хонлари ҳақидаги масала унча қизиқтиримайди, аксинча Амир Темур Тўхтамишни қувиб келганида Рус давлати ҳам азият чекиши мумкинлиги ни муаллиф томонидан қайд этилиши, унинг Тўхтамишга нисбатан хайриҳоҳ бир одамга чиқариб қўяди, муаллифни кўпроқ нима учун Амир Темурнинг Москвага юриш қилмаганини кўпроқ қизиқтиради.

К.Кудряшовнинг фикрларига қарши мақоланинг давомида интернетда онлайн мулоқотда билдирилган муносабатларда албатта Олтин Ўрда хонларининг Рус князликларидаги сиёсатига эътибор қаратилган. Бу ҳам муаллифнинг масалага бир томонлама қараганлигини кўрсатади.

Тарихий воқеликларни таҳлил қиласи эканмиз, Амир Темурнинг дипломатик сиёсати ва ҳарбий юришлари нима учун рус князликлари учун буюк аҳамият касб этганининг аниқ жавобини излаймиз. Бунинг учун тарихни мантиқий ва илмий мушоҳада эта олган ҳар бир инсон тушунадики, мисол тариқасида Амир Темур билан Миср сultonлари ўртасида йигирмадан ортиқ мактублар ёзилгани, уларда асосан, Мисрга юборилган элчи Отломишни\* озод этиш масаласи кўтарилигани, шунингдек, Боязид Йилдирим, Султон Барқук ва Тўхтамишхон ўртасида Амир Темур давлатига қарши учлик иттифоқи тузилгани

<sup>16</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Усмонов Б. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши (XVII – XX асрлар).: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 165 б.

<sup>17</sup> <http://tas.ru/ural-news/2362337>

<sup>18</sup> [http://www.aif.ru/Nezakonchenniy\\_put\\_Velikogo\\_Xromogo](http://www.aif.ru/Nezakonchenniy_put_Velikogo_Xromogo). Pochemu Tamerlan ne poshel na Moskvu.

\* Отломиш – Амир Темур томонидан Арзирум (Туркияни шимоли-шарқида) шахри яқинидаги Авник қалъасига ҳукмдор этиб тайинланган. Уни Озарбайжонда ҳукмронлик қилаётган Қоракуюнлилар ҳукмдори Қора Юсуф (1388 – 1420) жанглардан бирида асир олиб Миср мамлуклари саройига жўнатиб юборган.

тўғрисидаги маълумотлар келтирилган<sup>19</sup>. Агар бу иттифоқ юзага келганида янги жаҳон уруши ва унинг оқибатлари албатта даставвал Рус князликлари оғир қисматига битилган бўлар эди.

Бу дипломатия соҳасидаги масалаларни К.Кудряшевнинг ўша давр тарихини ўзи билганча ўзлаштирганидан далолатdir.

Тарихий воқеларни мантиқан таҳлили ва тадқиқотлар тарихшунослигидан маълум бўладики, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, Олтин Ўрдага берган қақшатқич зарбаси фақатгина Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек Рус князликлари учун буюк аҳамият касб этди, деган фикр ҳамон устун ҳисобланади<sup>20</sup>.

Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик маҳоратига, жаҳон тарихида тутган ўрнига мунособ баҳо бериш учун “ҳарбий юришлар”нинг сабаб ва моҳияти, тарихий аҳамиятига бағишланган алоҳида фундаментал тадқиқот амалга оширилиши, хорижий тилларга таржима қилиниши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб, ушу тадқиқот юқоридаги ёки шу кунгача умумий аҳборот шаклида тўхталиб ўтилган ёки бир томонлама субъектив қарашларга тамомила барҳам беради.

Замонавий тарихшуносликда Амир Темур шахсига нисбатан адолатнинг қарор топишини тарихни хаққоний ўрганишдаги ютуқ сифатида айтишимиз мумкин. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг тарихчи олимлар томонидан ўрганилиши ва амалга оширилган тадқиқотларнинг аввалгига нисбатан янги, юқори босқичга кўтарилганини кўрсатади. Уларда Амир Темурнинг ҳарбий юришларидан кўзланган асосий мақсад совет тарихшунослигига қайд этилганидек, “талончилик” ва “босқинчилик” эмас, балки эзгу ният, яъни Буюк ипак йўлини, коммуникацияни тиклаш, бу орқали эса савдо-сотиқ, илм-фан тараққиётини ҳам ривожлантириш учун саъй-ҳаракатлар қилгани, бунёдкорлик ишларини кенг миқёсда олиб боргани исботлаб берилди.

Шунингдек, тарихшунослигининг ютуқли жиҳатларидан яна бири, тадқиқотларда Амир Темур салтанатининг халқаро муносабатлари тарихи ва бу дипломатия муносабатлари тарихининг энг ёрқин сахифаси бўлгани, бунда дипломатия этикетларига амал қилингани, Соҳибқироннинг мазкур соҳадаги маҳорати юқори баҳолангандигидир. Тадқиқотларда Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги хизматларидан бири сифатида дунё ҳаритасига сиёсий, географик ўзгаришлар киритиб, ягона сиёсий ва иқтисодий ҳудуд юзага келтиргани ва дипломатик муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бергани алоҳида таъкидланган ва Хоразм, Мўғулистан, Олтин Ўрда Миср, Туркия, Хитой, Европа давлатлари билан олиб борилган дипломатик муносабатлардан кўзланган асосий мақсад савдо-сотиқни ривожлантириш эканлиги эътироф этилган. Мазкур йилларда амалга оширилган ишларнинг яна бир муҳим жиҳати бу маданият ва санъат тараққиётida Амир Темурнинг ўрни ва хомийлигига алоҳида эътибор берилгандигидир.

4. Сўнгги ўрта асрларни ўз ичига олган XVI-XIX асрнинг биринчи ярми Ўрта Осиё худудида шаклланган Бухоро, Хива ва Кўён хонликларида кечган суронли, қарама-қаршиликларга бой жараёнлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда кўплаб номутаносибликларни келтириб чиқарди. Бу давлатлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрилаётган давр мобайнида нотекис кечди. Айниқса, бу ҳолат сиёсий ҳаётнинг фаол ривожланиб бориши ва унинг инқирозли даврларининг тез-тез ўрин алмашиниб

<sup>19</sup> Гуломов С. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. – № 8. – Б. 196-200.

<sup>20</sup> Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати ... – Б. 15-16; Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 28-31; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (Тарихий-географик лавҳалар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 100-101; Кэрэн Л. Амир Темур салтанати / Б. Эрматов таржимаси. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 63-68; Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 50; Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Ташкент: Университет, 1999. – С. 45. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул мухаррирлар: Д.А. Алимова., Э.В. Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 101.

туриши билан характерланади. Сиёсий нотекис ривожланиш жараёни барча Ўрта Осиё хонликлари тараққиёт йўлига мансуб бўлиб, унинг асосида ерга бўлган мулкчилик шакллари ўрта аср тузуми асосида таркиб топган бошқарув тизими ётар эди. Олий хукмдор – хон ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда олий табақа вакилларининг ҳукмронлигини таъминлаган бу тизим Ўрта Осиё хонликлари сиёсий тараққиётини издан чиқарган кўпдан-кўп қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар манбаи эди. Ҳокимият учун кураш ва марказлашган бошқарувнинг сусайиши, ўзаро келишмовчиликлар ва урушлар, баъзи маҳаллий ҳукмдорларнинг қўшни мулкларга тажовузкорона юришлари ва бошқалар сўнгги ўрта асрлар ўзбек хонликларидағи сиёсий ҳаётни яққол намойиш этувчи асосий мезонлардан эди. Сиёсий ҳаётда кечган бу жараёнлар Бухоро, Хива ва Кўқон хонликларидағи ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ривожига салбий таъсир кўрсатди, кўп ҳолларда уни издан чиқариб юборди ва тарихий тараққиётнинг айрим даврларида уларнинг нотекис ривожланишини таъминлади. Аксинча, марказлашган давлатнинг салоҳияти кучли бўлган, нисбатан сиёсий барқарорликка эришилган йилларда эса ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланиш белгилари кўзга ташланади.

Сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёда шаклланган ўзбек хонликлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекис кечишига таъсир кўрсатган баъзи омилларга батафсил тўхтаб ўтиш лозим. Уларни ажратиб кўрсатиш сўнгги ўрта аср жамияти воқелигини тўғри англашга, «инсонни ҳушёрликка» ўргатувчи «тарих сабоқлари»дан изчил илмий хуносалар чиқаришга хизмат қиласди. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг қўйидаги сўзларини келтириш жоиздир: «Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма ватқт шолини курмақдан ажратади»<sup>1</sup>.

Ўрта аср жамиятининг моҳиятидан келиб чиқувчи ва унга хос ҳарбий ҳаракатлар оқибатида биринчи навбатда қишлоқ ҳўжалиги қаттиқ азият чекар эди. Қишлоқлар ва яйловлардан турли ҳукмдорлар қўшинининг ўтиши бу ҳудудлар иқтисодиётини ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келар эди. Бу ўринда XVII аср муаррихи Ҳожа Самандар Термизийнинг қўйидаги сўзлари ҳарактерлидир. «Илгариги ҳукмдорларнинг қаттиқ зулми, дала ҳашоратларининг ҳалокатли ҳаракатлари (ҳашорати арази) туфайли дехқонлар (ерларини ташлаб) қоча бошладилар», - деб ёзар экан, тарихчи қўйидагиларни алоҳида қайд этади: «Айниқса кўп сонли қўшинларнинг ўтиши ... ҳам дехқончиликнинг пасайиши ва аҳолининг тарқаб кетишига сабаб бўлди»<sup>2</sup>.

Бундай ҳоллардан яна бири ҳақида XVII аср муаллифи Муҳаммад Козим ҳам гувоҳлик беради. Ҳусусан у: «Йомутларнинг қабила бошлиқлари Кўҳна Урганч атрофига тўпланиб, ҳар куни у ердан Хива, Ҳазорасп, Хонқа ва Янги Урганчга босқинчилик қиласар эдилар. Шу сабабдан бу мамлакатнинг ишлари бузулди, унинг аҳолиси ўз экинлари ва боғлари, бошқа ишлари билан: машғул бўла олмадилар ва ҳаттоқи бирор ерга чиқа олмас эдилар», - деб ёзади<sup>3</sup>.

Маълум бир вилоят ёки шаҳар ҳудудига ҳукмронликни даъво қилган шахслар ўртасидаги ўзаро низо урушлар кўп ҳолларда мазкур вилоят пойтахт шаҳар ёки қўргонининг қамал қилиниши билан бирга кеча эди. Ҳукмдорлар ўртасидаги бу кураш қамал ҳолида шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг кескин ёмонлашувига олиб келар эди. Бу ҳолат кўпинча шаҳарлар ва қишлоқлар иқтисодий алоқаларининг издан чиқишига, улардаги ҳаётнинг вақтинчалик турғунлик ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлар эди. Одатда, бир неча ойлар мобайнида қамал ҳолига тушган шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт издан чиқиши оқибатида аҳолининг турмуш даражаси жуда пасайиб, кўп ҳолларда очарчилик ҳолатлар келиб чиқсан. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида XVI аср бошларида уч ой давом этган Андижон қамали ҳақида шу аср муаллифи Муҳаммад Солиҳнинг сўзлари келтириш мумкин. Бу ҳодисанинг муаррих томонидан адолатли қайд

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ... –Т., 1997. 22-бет.

<sup>2</sup> Ҳоджа Самандар Термези. Дастур ал-мулук. Факсимиле старейшей рукописи, перевод с персидского М.А.Салаҳетдиновой. –М. 1974. С.134.

<sup>3</sup> Муҳаммад Казим. Надир-намэ. Т.3. \ Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т.2. –М.-Л., 1938. С.170.

этилган воқелигига кўра, қамал ҳолининг учинчи ойи бошланиши билан аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари кўпайган, шаҳарликларнинг баъзилари ўзларини қалъа деворларидан ташлаганлар, аҳоли қамал ойлари мобайнида «нон юзини кўрмаган», «нон сўзини ҳеч ким ишлатмаган»<sup>1</sup>.

Айрим ҳукмдорларнинг ҳарбий юришлари баъзи ҳолларда шаҳар ва қишлоқлар тинч аҳолисини талаш билан бирга олиб борилар эди, оқибатда бу ҳолат аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топарди. Бундай ҳодисаларнинг бири Тошкентнинг Шайбонийхон қўшинлари томонидан забт этилиши ҳақида гувоҳлик берган XVI аср муаллифи Камалиддин Биноий қўйидагиларни алоҳида қайд этиб ўтган. Тарихчининг ёзишича, узокдан Шайбонийхон қўшинларининг шаҳарга яқинлашаётганлигидан хабар топган тошкентликлар шаҳар томон чопиб, унинг дарвозаларини беркитганлар. «Минг бир хийла билан шаҳарга олиб кириб кетган болаларидан ташқари, - деб қайд қиласи тарихчи, - ҳамма нарсалари шаҳардан ташқарида қолди, (Муҳаммад Шайбонийхоннинг) аскарлари (буни) кўриб, ўз қўлларини талон-торожликка узатишга шайландилар»<sup>2</sup>.

Ҳукмдорликка даъвогар айрим шахслар ўз мақсадларига етишиш йўлида турли усусларни қўллаганларки, улар охир-оқибатда шаҳар ва қишлоқлар иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 1555 йили Самарқанд таҳтига ўтирган Тошкент ҳокими Наврӯз Аҳмадхон томонидан Бухорога қилинган юришларни келтириш мумкин. Муаррих Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича: «... (Наврӯз Аҳмадхон) Бухорога юриш қилди, душманлик оловини аллангалатди ва буғдой заҳираларини ёқди... ».<sup>3</sup>

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг издан чиқиши ва нотекис ривожланишида сўнгги ўрта асрларнинг айрим даврларида ўзбек хонликларида кузатилган баъзи мураккаб ички сиёсий вазият ҳам катта роль ўйнаган. Бунга Бухоро хонлигига оид бир маълумот орқали амин бўлишимиз мумкин. XVIII аср биринчи ярми бу ерда сиёсий парокандалик авж олган ва хўжалик тамоман издан чиқкан бир давр бўлиб, бу воқеликнинг гувоҳи – рус элчиси Флорио Беневенининг 1722 йил шоҳидлигига кўра, сиёсий кучларнинг қарама-қаршилиги ҳукмрон доира айрим вакилларининг мамлакатдан кетишига ва ташқаридан туриб унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жиддий путур етказишларига олиб келган. Бундай шахслардан бири «Кўр-оталиқ» бўлиб, у чўлда «ўзбекларнинг бошқа партизан отрядлари билан дўстлашиб, бутун атрофда (Бухоронинг ўзига қадар) катта талончиликларни амалга оширган». Элчининг алоҳида қайд қилишича, номи зикр этилган шахс «ҳеч бир қишлоқни бутунлигича қолдирмади, ҳамма нарсани талаб олиб кетди. Бундан ташқари шаҳар озиқовкат ва бошқа заҳиралардан маҳрум бўлди»<sup>4</sup>.

Ўзаро низолар ва қарама-қаршиликлар сиёсий ҳаётни издан чиқариб, қонуний равишда бошқарув тизимининг таназзулга юз тутишига, бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт инқизозига олиб келар эди. Буни бошқа бир Ўрта Осиё давлати – Хива хонлиги мисолида кузатишими мумкин. Хусусан, XIX аср тарихчиси Муниснинг ёзишича, XVIII аср иккинчи ярмида Хивада олий ҳукмдор тез-тез алмаштирилиб турилган - «хон бўлиш ўйини» авж олган бўлиб, ана шундай «хонлардан» бири Жаҳонгирхон даврида «Беш-Қалъада очлик келиб чиқиб (ва) аҳоли ит ва эшакларни еди, - деб қайд қилган муаррих фикрини давом эттириб, - болаларини қозоккларга сотиб, (шу билан) ўзини боқди. Шу сабабдан ўзбеклар ва сартларнинг кўплари ... Орол ва Бухорога кетдилар», — деб ёзади<sup>5</sup>.

Сўнгги ўрта асрларда сиёсий ҳаётнинг нотекис ривожланиши оқибатида иқтисодий ҳаёт ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиши Хожа Самандар Термизийнинг қўйидаги сўзлари билан ҳам тасдиқланади. Унинг ёзишича, ўзаро феодал низолар оқибатида

<sup>1</sup> Муҳаммад Солих. Шайбонийнома. –Т., 1989. 239-бет.

<sup>2</sup> Камалиддин Бинаи. Шайбани-намэ. –Алма-Ата. 1969. С.123.

<sup>3</sup> Ҳофиз-и Таныш Бухари. Шараф-наме-и шахи. Перевод с персидского М.А.Салахетдиновой. Ч.2. –М., 1983. С.190.

<sup>4</sup> Писланник Петра 1 на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. –М., 1986. С.66.

<sup>5</sup> Фирдавс ал-икбол \ Материалы по истории казакских ханств. –Алма-Ата., 1969. С.474-475.

айрим вилоятлар аҳлининг турмуш тарзи жуда ёмонлашиб кетган. Жумладан, муаррих қуидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: «Самарқанд вилоятида очлик ўзининг сўнгги чегараларига етганида ҳаддан ташқари қийинчиликлар келиб чиқди, (хамма) аҳоли қатламларининг ҳеч бирида арпа ёки буғдойдан қилинган нон йўқ эди ... Бахтсиз одамлар кўкрагида очлик алангаси ёнган пайтларда улар ҳамма ерда ўз ҳаётларини нон учун беришга (тайёр эдилар), (лекин) ҳеч ким олмас эди»<sup>1</sup>.

Ҳарбий ҳаракатлар кўп ҳолларда айрим шаҳарлардаги ҳаётнинг таназзулга юз тутишига олиб келар эди. Шундай шаҳарлар жумласига Хўжандни ҳам киритиш мумкин. У ҳақда XVII аср муаррихи Маҳмуд ибн Вали қуидагича ёзади: «Эндиликда, доимий ғалаёнлар, ундан кўплаб ... қўшинлар ... ўтиши оқибатида унга катта зарар келтирилди ва у бузулиб кетди. Ундан фақат бир нечта қишлоқ ва яшаш жойларигина қолди»<sup>2</sup>.

Айрим феодал ҳукмдорларнинг қўшни давлатларга қилган тажовузкорона юришлари ҳам хўжаликнинг нотекис ривожланишини таъминлаган омиллардан бири бўлган. Хиваликлар амалга оширган ана шундай босқинчилик ҳаракатларидан бири ҳакида XVII аср муаллифи Муҳаммад Юсуф Мунший қуидагича маълумот беради: «Урганч ҳокими Абулғозихон ибн Асфандиёрхон ибн Арабхон кўп сонли қўшин билан Мовароуннахрни талон-торож қилди, бутун аҳолисини тарқатиб юборди». Тарихчи маълумотининг давомидан аён бўладики, ҳайдаб юборилган Хива қўшини «...яна тўпланиб, иккинчи марта босқинчилик юришини амалга оширди, (Мовароуннахр қўшинини) мағлубиятга учратди ва орқага қайтди. Шу тарзда (хиваликлар Бухорога) ўн саккиз маротабагача босқинчилик килиб, бухороликларни ҳадсиз муҳтожлик ва ғам-аламга ботирдилар»<sup>3</sup>.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тараққиётига кўрилаётган давр мобайнида кўп ҳолларда турли ҳалқлар вакилларининг ўзбек хонликларига қарши қилган босқинчилик ҳаракатлари ҳам салбий таъсир кўрсатган. Хусусан, шундай ҳоллардан бири русларнинг 1603 иили Урганчга қилган босқини ҳакида хон ва муаррих Абулғозий (1643-1663) қуидагиларни маълум қиласди. Унинг қайд қилишича, шаҳарда хон бошлиқ ҳарбийларнинг йўқлигидан хабар топган «мингта рус» шаҳарга кириб, «мингта» аҳолини кирган, «мингта» аёл ва қизларни асир олганлар, Хоразм моллари билан тўла «мингта» аравани олиб кетганлар. Тарихчининг ёзишича: «Бўз ва бўёғли ва палос ва тўн ва тўшак-ястуқ мундағ нимарсаларнинг барчасини ўтга ёқди»<sup>4</sup>.

Иқтисодиётнииг нотекис ривожланиши ва ижтимоий ҳаёт тараққиётига салбий таъсир кўрсатган омиллардан бири - солиқлар ва турли мажбуриятларнинг бетартиб тизими эди. Ҳукмрон доира айрим вакилларининг бу борадаги ўзбошимча хатти-ҳаракатлари аҳоли турмуш даражасининг пасайишига, унинг баъзи қатламларининг камбағаллашувига олиб келар эди. Шундай хусусий ҳоллардан бири ҳакида Ҳожа Самандар Термизий келтирган бир маълумот дикқатга сазовордир. Унинг ёзишича, Қарши яқинидаги Пуран қишлоғидан ўтган Насаф ҳокими Муҳаммаджон бий юз бир кишининг буғдой экилган даласини кўриб: «(шу даладан) ҳар куни менинг отларимга (озик берилсан», - деб амр этади. Муаллифнинг таъкидлашича, бу далага ишлов берган чол талон-торож этилиб «... у томонидан экилган буғдой (амир) отларига ем бўлди»<sup>5</sup>.

Ўзаро низолар оқибатида шаҳарлар, қишлоқлар ва кичик шаҳарлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар узилиб қолар эди. Бу ҳолат, айниқса, савдо соҳасида яққол кўзга ташланади. Алоҳида таъкидлаб ўтмоқ даркорки, ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлган баъзи шаҳарларда савдо мунтазам эмас, балки хафтанинг маълум бир кунларида амалга оширилган. Қишлоқлар ва кичик шаҳарлар турли тоифадаги олиб-сотарлар, катта савдогарлар кўрсатмасига биноан хом ашёнинг ялпи харидини амалга оширувчи шахслар

<sup>1</sup> Ҳоджа Самандар Термези. Дастан ал-мулук ... с.165.

<sup>2</sup> Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей блогородных (География). Введение, перевод Б.А.Ахмедова. –Т., 1977. С.40.

<sup>3</sup> Муҳаммад Юсуф Мунший. Мукимханская история \ Перевод А.А.Семенова. –Т., 1956. С.103.

<sup>4</sup> Абулғозий. Шажараи Турк. –Т, 1992. 159-бет.

<sup>5</sup> Ҳожа Самандар Термизи. Дастан ал-мулук ... с.104.

томонидан тез-тез қатнаб, савдо-сотиқ қилинадиган ерлар бўлиб, улар ўз фаолияти билан товар айрибошлаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш тараққиётiga катта ҳисса қўшганлар. Айрим даврлар мобайнода кузатилган сиёсий ихтилофлар натижасида бу алоқалар издан чикиб, иқтисод равнақининг сусайишига олиб келган.

Аҳоли турмуш даражасининг пасайиб бориши натижасида кўп ҳолларда қимматчилик келиб чиқар эди. 1677 йили Хивадан Россияга қайтган Василий Даудов, жумладан, қўйидагиларни қайд этган эди: «мадад пули ва нон ва от-улов йўқ эди, уруш ва катта ўзаро низолар сабаб Бухоро ва Хивада нон ва ҳар қандай овқатни жуда қиммат нархда сотиб олдик». Рус кишиси томонидан билдирилган бу фикр Абулғозийнинг бошқа бир маълумоти билан ҳам тасдиқланади. Унинг баён этишича, ҳокимият учун авж олган курашлар оқибатида XVI аср пойтахт шаҳар ҳаёти инқирозга юз тутди. Муаррих: «Урганч улуғ шаҳр. Тез-тез қаҳатлик бўла қолди. Бир эшакнинг калласи қирқ-эллик танга бўлди, топилмади», - деб қайд қиласди<sup>1</sup>.

Сиёсий ихтилофлар иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ривожига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Бундай соҳалардан бири тоғ-кон қазиш соҳаси эди.

XVII аср муаллифи Маҳмуд ибн Валининг қўйидаги маълумоти бу ўринда характерлидир: «Фарғона тоғларида кўплаб олтин, кумуш, мис, нефть, ложувард ва шунга ўхшашларнинг конлари бор. Лекин ҳозир, доимий ўзаро низолар оқибатида (улар) ишлатилмайди»<sup>2</sup>.

Ўзаро урушлар ва сиёсий келишмовчиликлар оқибатида Ўрта Осиё хонликларининг ташки иқтисодий алоқалари ҳам қаттиқ азият чекар эди. Ички ва ташки нотинч сиёсий вазият худудий ва ҳалқаро карvon йўлларида турли тартибсизликларни келтириб чиқарган. Бу ҳолат ўз навбатида ички, транзит ва ташки савдонинг ривожига салбий таъсир этиб, ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг нотекис ривожланишини таъминлаган омиллардан бири вазифасини ўтар эди. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида турк адмирали Сейди Али Раиснинг қўйидаги маълумотини келтириш мумкин. Муаллифнинг ёзишича, XVI аср 50-йилларида Хоразм йўли орқали ватанлари Румга (Туркия) йўл олган Сейди Али Раис ва унинг ҳамроҳлари бўлган савдогарлар улар йўлидаги Астраханни руслар босиб олганлиги (1554) боис орқага қайтишга мажбур бўладилар. Шу муаллифнинг бошқа бир хабарига кўра, турли хил тартибсизликлар Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг бошқа карvon йўлларида ҳам кузатилган. Улардан бири «Туркистон» йўли бўлиб, «қозоқ ва қозоқчилари мусулмонларнинг мол-мулкларини талон-торож этганликлари ҳақидаги хабарлари унга етиб келган» Сейди Али Раис бу йўлдан юришни маъқул кўрмайди<sup>3</sup>.

Ташки иқтисодий алоқаларнинг издан чиқишига баъзи ҳукмдорлар даврида қўшни давлатлар билан юзага, келган душманлик муносабатлари ҳам катта роль ўйнаган. Баъзи ҳолларда қўшни давлатлар билан низоли муносабатда бўлган айрим ҳукмдорлар шу мамлакатлар аҳолиси билан ҳар қандай иқтисодий алоқаларни таъқиқлаб қўйган ҳоллар ҳам баъзи манбаларда учраб туради. Ҳусусан, XVI аср муаллифи Фазлуллоҳ ибн Рузбехоннинг ёзишича, Мухаммад Шайбонийхон томонидан чиқарилган фармонда «Туркистон аҳли қозоқ савдогарлари билан ҳеч қандай савдо операцияларини амалга оширмасинлар ва улар ва бу ерларнинг аҳолиси ўртасида ҳеч қандай ўзаро борди-келди ва савдогарларнинг сафари бўлмасин», - деб кўрсатма берилган эди<sup>4</sup>.

Иқтисодиёт тараққиётiga кўп ҳолларда табиий-иқлимий шарт-шароитлар ҳам салбий таъсир кўрсатар эди. Ҳарбий юришларнинг оғир асоратларини бошидан кечирган аҳолининг ҳаёти табиат ва об-ҳаво инжиқликлари оқибатида бирмунча оғирлашиб, иқтисодий ҳаёт издан чиққан даврлар Ўрта Осиё тарихида кўп кузатилган. Жумладан, XVI аср бошларида Шайбонийхон томонидан Самарқандни забт этиш чоғида қиши ҳаддан ташқари қаҳратон

<sup>1</sup> Абулғозий. Шажараи турк. ... 125-бет.

<sup>2</sup> Маҳмуд ибн Вали. Море тайн ... с.65.

<sup>3</sup> Сейди Али Раис. Миръотул мамолик (Мамлакатлар кўзгуси). Таржима ва изохлар Ш.Зунуновники. –Т., 1963. 106-бет.

<sup>4</sup> Фазлиллаҳ ибн Рузбехон Исфахани. Михман-наме-иي Бухара\ Перевод Р.П.Жалиловой. –М., 1976. С.101.

келиши оқибатида, шоҳидларнинг гувоҳлигига кўра, Мовароуннахрнинг «Самарқанд, Кеш, Қарши, Бухоро» ва бошқа ерларида юз минг аҳоли ҳаётдан кўз юмган эди.

Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётининг кўпгина воқеликларига эътибор қаратган Хожа Самандар Термизий ҳам Қарши ҳакида ёзар экан қуидагиларни қайд этади: «Тақдир тақозоси билан бир минг юзинчи йили (1689) ўз ҳаётларини сақлаш учун зарур бўлган оз миқдор овқатга эгаликлари сабабли хурсанд одамлар юзидан табассум йўқолди ... Катта дарёлардаги сув кучизлигидан етимлар қўли сингари хеч қаерга етиб бормади: шамол сув ўрнига (уларни) чанг ва қум билан тўлдириб ... булоқ ва ҳовузлар... қуриб қолдилар»<sup>1</sup>.

Барқарор бўлмаган сиёсий вазият ва ўзаро урушлар даврида асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган аҳоли сонига қаттиқ зарба берилар эди. Урушлар ва низолар оқибатида шаҳар ва қишлоқлар аҳлининг сони кескин камайиб кетарди. Баъзи ҳолларда, айrim ҳукмдорларнинг иродасига кўра, кўплаб кишилар ҳаётдан кўз юмар эдилар. Бу ҳолатни ёрқин ифодаловчи бир лавҳа Тошкент тарихига мансуб бўлиб, бу ҳақда муаррих Муғаммад Юсуф Мунший қуидагиларни баён этади: «XVII аср бошларида (1613) Бухоронинг олий ҳукмдори И момқулихон (1611-1642) тошкентликлар томонидан ўлдирилган ўғли Искандархоннинг хуни учун шаҳарни олганидан сўнг аҳоли қони отининг узангисига қадар чиқмагунича уларни қириб ташлашини эълон қиласди». Тарихчи яна қуидагиларни ёзади: «Ўша куни пешин намозига қадар ўлим бозори жуда жонланиб кетди ва юз ёшлик чол бир ёшлик гўдак билан бир нархда кетди. Ўлдирилганлар сони ўйлаш ва тасаввур қилиш доирасидан чиқиб кетди. Ҳарбийлар бошлиқлари бечора ва айбсиз аҳолига раҳм қилиб (қон тўкиши) тўхтатишни илтимос этиб мурожаат қилдилар»<sup>2</sup>.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг нотекис ривожланишида босиб олинган ҳудудлар аҳолисининг бошқа ҳудудларга кўчирилиши ҳам катта роль ўйнаган. Ишлаб чиқарувчи кучлар бўлган аҳоли асосий қатламлари вакилларининг бошқа ерларга кўчириб олиб кетилиши бир ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир этса, бошқасининг ривожига ижобий таъсир кўрсатар эди. Оқибатда уларнинг тараққиёти бир маромда эмас, балки нотекис ривожланарди. XVII асрга оид бир манбада қайд этилишича, шайбонийлардан бўлган Убайдуллахон (1534-1540) «Урганчни олиб элни Мовароуннахрга элтган»<sup>3</sup>. Тинч аҳолининг ўз еридан кўчириб кетилишини Ўрта Осиёнинг бошқа хонликлари мисолида ҳам кузатишимиш мумкин.

Ўзаро урушлар оқибатида нафақат шаҳарлар, балки қишлоқ аҳли ҳам бошқа ерларга кўчириб олиб кетилган. XIX аср муаллифи Мирза Шамс Бухорийнинг кўрсатишича, Амир Ҳайдар даврида (1800-1826) «Урганчлик Элтузархон» (1804-1806) «икки-уч минг кишилар билан Бухоро ҳудудига бостириб кириб, мамшкатни талаб, қишлоқ аҳлини хотинлари ва болалари билан биргаликда асирга олиб кетдилар. Шу тарзда, икки-уч йил мобайнида улар Урганчга 40 мингдан 50 минггача бўлган Бухоронинг қишлоқ аҳлини олиб кетдилар»<sup>4</sup>.

Сўнгги ўрта асрлар мобайнида тез-тез амалга оширилиб турилган ҳарбий ҳаракатлар ва ўзаро феодал ихтилофлар нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, балки маданият ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатган. XVII асрга оид маълумотларга кўра, Андижонда «... мукаммаллик ва им олиш излари бу вилоятда умуман йўқолиб кетишга бориб тақалди ва урушлар қилиш, навкарликка ёлланишга мойиллик, аскар сақлашга (эҳтиёж) одатлари равнақ топди. Душманнинг кўплигидан бу вилоят аҳолиси хеч қачон қуролларини қўймайдилар. Қишлоқ оқсоқоллари ва дехқонлар далада ишлаган вақтларида ҳам ўқ-ёйни ўз ёнларида ушлаб турадилар»<sup>5</sup>.

Сиёсий қарама-қаршиликлар авж олган йилларда қаттиқ талафот кўрган маданият ҳакида Маҳмуд ибн Валининг Тошкентга оид ушбу маълумоти ҳам диққатга сазовордир.

<sup>1</sup> Ходжа Самандар Термези. Дастур ал-мулук ... с.133.

<sup>2</sup> Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история ... с.87.

<sup>3</sup> Абулғозихон. Шажараи турк ... 149-бет.

<sup>4</sup> О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Записки Мирзы Шамса Бухари. Изд. В.В.Григорьевым. – Казань. 1861. С.6.

<sup>5</sup> Махмуд ибн Вали. Море тайн ... с.17.

Баён этилишича, «Шош»дан «Ўтган замонларда кўплаб асил шайхлар, таниқли олимлар ва турли ҳунар соҳиблари этишиб чиққанлар. Лекин ҳозирда, доимий ғалаён ва фитналар оқибатида, Оллоҳга хуш келадиган расм-русларни амалга ошириш ва илм олиш ниҳоятда қийинлашган»<sup>1</sup>.

Қайд этиб ўтиш лозимки, ўзбек хонликлари тарихида кучли марказлашган давлатнинг борлиги билан характерланувчи даврлар ҳам бўлиб, бу давлатлар тепасида турган айрим олий ҳукмдорлар кўп ҳолларда ижтимоий-иктисодий ҳаёт тараққиёти ҳақида қайғургандар. Шундай ҳукмдорлардан бири XVI аср иккинчи ярмида Бухоро тахтида ўтирган забардаст Абдуллахон II бўлиб, унинг даврида ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча соҳаларида катта силжишлар кузатилади. Хусусан, бу даврда ҳунармандчилик ва савдо кенг ривожланади. Шаҳарларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Биргина Бухоронинг ўзида бозорларнинг турли хиллари - тим, тоқ, ҷоҳарсук, расталар, кўплаб карвонсаройлар, сардобалар ва ҳ. к. қурилади. Ўша давр тарихчиси қўйидагиларни қайд этган эди: «Унинг (Бухоро) атрофлари ... ҳар қандай йўналишда ҳам, йўлда ҳам, даштда ҳам тунашга тўхтаган саёҳатчилар учун очиқ ҳавода (тунашлари) тўғри келган ер қолмади»<sup>2</sup>:

Сиёсий ихтилофлар кучли бўлган йилларда айрим ҳукмдорлар томонидан амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам талончилик ва зўравонлик билан қўшиб олиб борилмаган. Айрим ҳолларда, баъзи ҳукмдорлар иқтисодиётнинг аҳамиятини, ҳарбий ҳаракатларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётда акс этиши мумкин бўлган салбий оқибатларини яхши тушунган ҳолда ва баъзи бошка сабабларга кўра маҳсус буйруқ билан тинч аҳоли ва унинг хўжалигини талашни ман этганлар. XVIII аср муаллифи Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг ёзишича, Бухоронинг олий ҳукмдори Убайдуллахон аштархоний (1702-1711) Балх яқинидаги Одина мачит деган жойда ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик кўрган аскарларга «ўз отлари билан аҳолининг экинларини топтамасликлари», кимда-ким ердан «биргина бошоқ узса, ҳаётининг ҳосили ўлим ўроғи остида нобуд бўлади», - деб эълон қиласди<sup>3</sup>:

Ўрта Осиё хонликлари тарихий тараққиётининг айрим давларида, айникса, XVII аср охири - XVIII аср 70-80-йилларида кузатилган сиёсий парокандалик ва тарқоқлик, ҳокимиятнинг номарказлашуви ва сиёсий тизим инқирози ижтимоий-иктисодий ҳаёт тараққиётига асосан салбий таъсир кўрсатса-да, сўнгти ўрта асрлар жамиятида баъзи ижобий силжишларнинг уйғонишига ҳам сабаб бўлди. Жумладан, сиёсий ҳаётнинг нотекис ривожланиши натижасида қишлоқ ва шаҳарлар алоқасининг узилиб қолиши оқибатида кўпгина савдо-ҳунармандчилик марказларидаги ҳаёт таназзулга юз тутди. У ердаги асосий ишлаб чиқарувчи кучлар - ҳунармандлар, савдогарлар ва бошқалар ўзга ерларга қўчиб ўтиб, янги савдо-иктисодий марказларга асос солдилар ва уларнинг равнақ топишига катта ҳисса қўшилар. Шу тарика узилган хўжалик алоқалари янги марказларнинг вужудга келишига хизмат қилди.

Шундай қилиб, ўзбек хонликларида сўнгти ўрта асрлар мобайнида кузатилган сиёсий ҳаётнинг барқарор бўлмаган шарт-шароитлари, қарама-қарши кучлар фаоллигининг ўсиши, айрим давларда марказлашган ҳокимиятнинг сусайиши ва ўзаро феодал урушлари билан боғлиқ равишда рўй берган нотекис ривожланиш Бухоро, Хива ва Кўқон хонликларининг кенг ҳудудларида ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёт ривожига таъсир кўрсатиб, унинг нотекис тараққиётига олиб келди.

### Назорат саволлари

1. Ўрта Осиё шаҳарларининг жаҳон шаҳарсозлик маданиятида тутган ўрни қандай?

<sup>1</sup> Ўза асар. 57-бет.

<sup>2</sup> Хоғиз Таниш Бухари. Шараф-наме-йи шахи. Ч.2 ... с.222.

<sup>3</sup> Мир Муҳаммад Амин Бухори. Убайдулла-наме. Перевод с таджикского А.А.Семенова. –Т., 1987. С.117.

2. Давлат тузилмаларининг шаклланиши шарт-шароитлари ва омиллари нималардан иборат?
3. Илк шаҳарлар ва давлатчилик тараққиёти ўртасидаги диалектик боғлиқлик нималарда кўринади?
  4. Ватанимиз ҳудудларида дастлабки бошқарув тизимининг шаклланиши.
  5. Илк давлатчилик шакллари хусусидаги бугунги мунозаралар.
  6. Давлатчилик хусусидаги замонавий қарашлар ва концепциялар.
  7. Қадимги Хоразм давлати. Хоразм ҳақидаги ёзма ва археологик маълумотлар, ҳудудий чегаралари масалалари.
  8. Қадимги Бақтрия давлати. Ёзма ва археологик маълумотлар.
  9. Суғд (Суғдиёна) ва унинг ҳудуди. Суғд археологик ва ёзма манбаларда.
  10. Эрамиздан аввалги VI-II асрларда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва уларнинг тарихий манбаларда акс этиши.
  11. Фарғона водийсида давлат тузилмасининг шаклланиши. Хитой манбаларида Фарғона водийси ҳақидаги илк маълумотлар. Довон давлати.
  12. Қанғ давлатининг ташкил топиши. Давлат бошқаруви тизими.
  13. Афригийлар сулоласи даврида Хоразм.
  14. Кушонлар салтанатининг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнига баҳо беринг (сўнгти тадқиқотлар асосида)
  15. Илк ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги ва унинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
  16. Туркий ҳоқонлик даврида Ўрта Осиё.
  17. IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт.
  18. Амир Темур даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши.
  19. “Темур тузуклари” – давлат бошқаруви тўғрисида муҳим манба.
  20. XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилиги. Масалани ўрганишнинг бугунги даражаси қандай?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Азamat Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000. –Б. 27-63.
3. Аскаров А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. Ташкент, 1983.
4. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
5. Аскаров А.А. Новые находки Андроновской культуры в низовьях Зарафшана // ИМКУ. Вып. 6.1965.
6. Аскаров А.А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зарафшана // ИМКУ. Вып.3.1962.
7. Аскаров А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
8. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982.
9. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. Москва-Ленинград, 1962.
10. Заднепровский Ю.А., Матбабаев Б.Х. Основные итоги изучения Чустского поселения в Фергане (1950-1982 гг.) // ИМКУ. Вып. 19. 1984.
11. Заднепровский Ю.А. Спорные вопросы истории культуры древней Ферганы // КСИА. Вып. 209.1993.
12. Заднепровский Ю.А. Эйлатанская культура // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Москва, 1985.
13. Зеймаль Е.В. Кушанская хронология. Москва, 1968.
14. Пидаев М. Сирли Кушон салтанати. –Т., “Фан”. 1990.

15. Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. Тўлдирилган бешинчи нашри. – Т., “Ўзбекистон”, 2012. –Б. 22-43.
16. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Birinchi kitob (qayta ishlangan ikkinchi nashri). –Т., “Sharq”, 2010. –В. 31-88.
17. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғликлар. –Т., “Фан”. 1991.
18. Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик). 1-жилд. –Т., “Янги аср авлоди”, 2014. –Б. 110-194.
19. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: (Очерклар) / Маъсул муҳаррирлар: Д.Алимова, Э.В. Ртвеладзе. –Т., “Шарқ”, 2001.

#### **4- Мавзу: Этник жараёнлар. Ўзбек халқининг этник шаклланиши масалалари.**

**Режа:**

- 1.Миллий автохтонизм концепциясининг назарий-методологик асослари.
- 2.Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи акс эттан илмий адабиётлар.
- 3.Ўзбек элатининг таркиб топиш босқичлари ва унинг халқ сифатида шаклланиши.

**Таянч тушунчалар:** Этнос ҳақида фандаги мавжуд қарашлар. Миллий автохтонизм концепцияси. Замонавий этнология фанида этнос назариясига муносабатлар. Туркий қабилаларнинг илк ватани ва орийлар муаммоси. Ўзбек халқининг этник шаклланиш босқичлари. Ўзбек миллий менталитети ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Совет даврида тўпланган археологик ва антропологик материалларни қайта кўриб чиқиши, улар таҳлилига холислик асосида янгича ёндашиш, мустақиллик берган ғоявий эркинликдан фойдаланган ҳолда, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси роса минг йилга қадимилаштирилди. “Ўзбек халқи тарихи З минг йилдан кам эмас”, “ўзбекларнинг икки хил тилда сўзлашувчи илк аждодларининг нафакат иқтисодий ва маданий, балки этник жиҳатдан ҳам бир-бирига яқинлашиш, аралашиш, қоришиш жараёнлари сўнгти бронза давридан бошланди”, деган хulosага келинди<sup>1</sup>. Бу биринчидан. Иккинчидан, ҳеч қачон этнос аждодларининг антропологик типи ва тили этнос тили ва типи билан бир вақтда юз бермайди. Чунки, этногенез тарихининг илк босқичларида этник бирликлар, айниқса уларнинг тили ва типи ҳали шаклланмаган. Тил, тип ва этник бирлик тушунчалари ҳар хил давр воқелиги бўлиб, уларнинг шаклланиш жараёни бир даврда содир бўлмайди<sup>2</sup>.

Учинчидан, этнос бу биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий борлиkdir. У кишилик тараққиёти маълум бир босқичининг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар хил тарихий сабабларга кўра, унинг таркибида янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради. Бу табиий хол. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, у ўз шаклланиш жараёнининг илк босқичларидан то миллат даражасига кўтарилигунича бошқа этник бирликлар аралашмаларисиз ривожланган бўлса. Демак, ер юзининг барча халқлари келиб чиқиши жиҳатидан кўп этник компонентлидир. Ўзбек халқининг келиб чиқиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

<sup>1</sup> Аскаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. “Ўз.ИФ” журнали, № 6, Т.: 1996. 71-бет; Аскаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, № 4, Т.: 2002. 55-бет.

<sup>2</sup> Аскаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, Т.: 2002, № 4, 55-бет.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи этногенезининг илк босқичларидан то халқ сифатида шаклланиб бўлгунига қадар, унинг асосий таркибини ташкил этган автохтон сүғдий ва хоразмий, боҳтарий ва сак-массагет, шунингдек, қадимги туркийзабон этник қатламлардан ташқари, турли даврларда ҳар хил миқдорда маҳаллий ва теварак-атрофдан келиб қўшилган этник гуруҳларни ўзига сингдириб борди<sup>1</sup>.

Тўртинчидан, ҳар бир халқнинг этник тарихини ўрганиш этник бирликнинг шаклланиш жараёнини илк босқичдан бошлашни тақазо этади. Этник бирликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг этносга айланиши жуда қадим-қадим замонлардан бошланиб, то унинг халқ бўлиб шакллангунига қадар давом этадиган бутун бир тарихий жараёндир. Этнос тарихининг муҳим босқичларидан бири эса унинг узил-кесил шаклланиш жараёнининг ниҳоясига етишидир.

Агар этнос шаклланиши ниҳоясига етган бўлса, унга кейинроқ қўшилган этник компонентлар шаклланган этнос таркибини ўзгартириб юбора олмайди, балки унинг таркибида этнографик гуруҳлар сифатида узоқ вақтлар яшаб, маълум бир тарихий воқелик таъсиридан сўнг, этнос таркибига сингиб кетади. Масалан, шундай ҳолат ўзбек халқининг этник тарихида юз берган.

XI-XII аср биринчи ярмида узил-кесил шаклланган ўзбек халқи таркибини XIII асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, мўғул истилолари туфайли, бу заминга кириб келган турк-мўғул қабилалари ва XVI аср бошларида Ўрта Осиёда 92 бовли кўчманчи Шайбоний уруғларининг пайдо бўлиши ўзбек халқи этник таркибининг асосини ўзгартириб юбора олмади, аксинча улар жанубий Сибир антропологик типининг вакиллари сифатида Зарафшон водийси, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг тоғ олди ва чўл минтақаларида, шимолий Хоразмда узоқ вақт алоҳида этнографик гуруҳлар бўлиб яшайвердилар. Уларнинг бадавлат аслзода табақаси шаҳарларга ўрнашиб, Ўрта Осиё ўзбек хонликларини бошқарсалар ҳам, уларнинг маҳаллий туб жойли аҳолиси таркибига сингиши жуда секин кечди<sup>2</sup>.

Бешинчидан, ҳар бир халқнинг этник тарихи билан шуғулланганда нафақат этник бирликнинг бошланғич жараёнини, балки унинг кейинги даврларини, унга хос этник белги ва алломатларни аниқлаб, ўрганиб боришлик талаб этилади. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, этник бирлик белгилари бир вақтда пайдо бўлмайди, балки этногенез жараёни давомида босқичма-босқич таркиб топиб боради. Этнос белгилари орасида тил бирлиги, этномаданий бирлик ва ўзликни англаш бирлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Кўтарилган масалалар бўйича этнос шаклланишининг назарий асослари билан шуғулланган қатор олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан, археолог В.Ф Генинг этник белгиларни этноснинг уюштирувчи омиллардан фарқ қилиб, этник белгиларнинг муҳим томони шундаки, улар доим этник маъно ва мазмун касб этади,<sup>3</sup> дейди. Этносни уюштирувчи объектив омилларга у худудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлигини киритиб, булар этник муносабатлар ва этник онгни туғилишига асос беради, дейди.

Этнограф Л.П.Лошук ва П.К.Козловлар эса, тил этник бирлик шаклланишининг муҳим шартидир, тил нафақат этник омил, балки этник белги ҳамдир,<sup>4</sup> дейдилар. Аммо, этногенез масалалари билан шуғулланувчи қатор олимлар тилни этник омилга киритмайдилар, тил фақат этник белгидир<sup>5</sup>, дейдилар.

<sup>1</sup> Аскаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, Т.: 2002, № 4, 55-бет.

<sup>2</sup> Ошанин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез его народов. Часть 1-3, Ереван-1957-1959. стр. 59.

<sup>3</sup> Генинг В.Ф. Этнический процесс в первобытности. Свердловский-1970, стр. 23.

<sup>4</sup> Лошук Л.П. О формах донациональных этнических связей. «Вопросы истории» № 4, Москва., 1967, стр. 80; Козлов В.И. Динамика численности народов. Москва. 1969. стр. 26-28.

<sup>5</sup> Крюков М.В., Софонов М.В., Чебоксаров Н.М.. Древние Китайцы. Проблемы этногенеза. Москва. 1978, стр.4.

Этник белгилар ичида ўзликни англаш бирлиги ўта мухим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида этнографлар алоҳида таъкидлайдилар. Этнограф В.В.Мавродин тил ва ўзликни англаш бирлиги элатни халқ сифатида бирлаштирувчи мухим омилdir, дейди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, этногенез ва унинг этник ривожланишини ўрганишда этник белгилар ва этник омилларнинг таркиб топиш жараёнини қузатиб бориши этногенетик илмий тадқиқотларнинг тўғри йўналишда эканлигини таъминлайди. Этник омиллар таркибини ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги ва сиёсий уюшма бирлиги, яъни этноснинг маълум бир давлат доирасида уюшқоқлиги ташкил этади. Этник белгиларга эса тил бирлиги, этник ном ва ўзликни англаш бирлиги, яъни тарихий қисматнинг умумийлиги киради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди, балки улар узоқ давом этган тарихий жараёнда бирин-кетин шаклланиб боради. Қачонким, уларнинг асосий қисми таркиб топгач, элат- халқ сифатида шаклланади, этногенетик жараён яқун топиб, этник тарихи, халқ тарихи бошланади<sup>2</sup>.

Олтинчидан, этногенетик жараённи ўрганишда масалага комплекс ёндашиш, яъни этногенезга алоқадор фан ютуқларидан фойдаланиш муаммо ечимиға илмийлик бағишлиди<sup>3</sup>. Этногенез муаммоларини ҳал этишда фойдаланаётган бирламчи манбаларнинг нисбати ва хусусиятини билиш мухимдир. У бирламчи манбаларни этнография, антропология, археология, топонимика, тарихий лингвистика, ёзма ёдгорликлар, нумизматика, эпиграфика ва бошқалар ташкил этади. Уларнинг ҳар бири этногенез ва этник тарих учун қимматли маълумот беради.

Еттинчидан, этногенетик жараённи ўрганишда учта масалага ойдинлик киритиб олиш зарур. 1) Ўрганилаётган этнос туб жойлими ёки келгинди? 2) Ўрганилаётган этнос асоси бир компонентлими ёки кўп компонентли? 3) Ўрганилаётган халқ этник уюшмасининг ўзаги дастлаб қаерда таркиб топган?

Тадқиқотчи ўз олдига ана шу саволларни қўяр экан, доимо бир нарсани ёдда тутиш керакки, яъни ҳеч қачон этник уюшманинг “моногенези” бўлмайди. Дунёда бирор халқ йўқки, у кўп компонентли бўлмаса. Бу назарий ва илмий-методологик қарашнинг туб мазмуни юқорида таъкидланган миллий автохтонизм назариясида ўз аксини топган бўлиб, бу концепция тарафдорлари ўзбек ва токик халқларининг келиб чиқиши илдизлари икки этник компонентларнинг асрлар давомида қоришуви асосида курилганлигини қаттиқ ҳимоя қилиб чиқдилар.

А.Ю. Якубовскийнинг ёзма манбалар ва бирламчи археологик материалларни қиёсий ўрганиш асосида қурилган бу ғояси Ўрта Осиё халқлари қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи, археологияси ва этнографиясининг чуқур билимдонлари, атоқли академиклар С.П. Толстов ва Я.Ф.Гуломов, таникли антрополог олимлар Л.В. Ошанин ва В.В. Гинзбург, Т.Қ. Хўжаев ҳамда этнография фанининг назариячилари П. Книшев, С.А. Токарев, Н.Н. Чебоксаров, Ю.В. Бромлей, В.И. Козлов ва бошқаларнинг асарларида кенг илмий исботини топди ва ривожлантирилди.

Ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихини назарий масалалари билан таникли элшунос олим, академик К.Ш. Шониёзов ҳам шуғулланган. У ушбу масалада 1998 йилда “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида “Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар” номли мақола эълон қилди. Мана шу мақолани тўлдирилган вариантини 2001 йилда чоп этилган “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” китобида қайта чоп этди<sup>4</sup>. Ушбу асарда ўзбек этногенези ва этник тарихига доир қатор атамаларга, жумладан этнос, этник бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гурух (субэтнос) ва этник

<sup>1</sup> Мавродин В.В. К вопросу о складывании Великорусской народности и русской нации. СЭ, № 1, 1947, стр.89.

<sup>2</sup> Аскаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари.

“Ўзбекистон тарихи” журнали, Т.: 2002, № 4, 57 бет.

<sup>3</sup> Крюков М.В., Софонов М.В., Чебоксаров Н.М. Древние китайцы . Проблемы этногенеза. Москва. 1978. стр.11.

<sup>4</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001. 74-102 бетлар.

гурухларга таъриф берилган ва уларнинг мазмун ва моҳияти мисолларда яхши очиб берилган.

Халқларнинг келиб чиқиши тарихини ўрганишда ижтимоий-гуманитар фанларида “этник бирлик” ва “этнос” атамалари ишлатилади. “Этник бирлик” маълум бир ижтимоий тузимда, табиий-тариҳий тараққиёт жараённида вужудга келган ижтимоий ва этник ўюшмадир. Унинг синоними “этнос” бўлиб, у юонча “халқ” демакдир. Аммо, “этник бирлик” (русчада этническая общность) “халқ” атамасига нисбатан маъно жиҳатидан аниқ тушунчадир<sup>1</sup>. Этнос атамаси, яъни халқ жуда кенг ва тор маънода ишлатилади. Масалан, кенг маънода: Россия халқи, Ўзбекистон халқи, дунё халқи; тор маънода: ўзбек халқи, кирғиз халқи, тожик халқи. Кичик бир гурух кишиларига нисбатан ҳам “халқ” ибораси қўлланилади.

Фанда этник бирликнинг уч босқичи, яъни уч тури мавжуд: қабила, элат (халқ) ва миллат. Кетма-кет алмасиб келган бу атамалар турли даврларда вужудга келган, улар ўз даврларига хос хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қиласидилар. “Элат” атамаси туркий ва форсий тилли аҳоли ўртасида қабила, қабила иттифоқи, давлат ёки маълум худуд фуқароларига нисбатан “халқ” атамаси ўрнида ишлатилиб келинган. Шунинг учун “элат” туркий ва форсий тил муҳити ҳукмрон доирада яратилган оғзаки ва ёзма манбаларда учрайди. “Халқ” атамасини “эл”, “элат” ўрнида, аллақачон ўтроқ ҳаёт кундалик турмуш тарзига айланган этник бирликлар ўюшмасига нисбатан ишлатилиб келинмоқда.

**2. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида турли хил талқин ва тасаввурда жуда кўп мақолалар чоп этилган.** Аммо, у ҳақда тўлақонли чуқур илмий тадқиқотлар ва улар ҳақида ёзилган фундаментал асарлар кўп эмас.

Бу асарларда ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида уч хил ёндашув мавжуд. Уларнинг биринчисида ўзбек этноси қадимдан шу заминда яшаб келган туркий қабила ва элатлардан таркиб топган. Бу заминнинг маҳаллий суғдий ва хоразмий, боҳтариҳ ҳамда сак-массагет қабилалари ҳам қадимдан туркий тилда сўзлашувчи элатлар бўлган, деган руҳиятда ёзилган асарлар. Иккинчиси, ўзбеклар бу заминга сўнгги ўрта асрларда кириб келган Шайбоний ўзбекларидан таркиб топган, деган мазмунда ёзилган асарлар. Учунчиси, XX асрнинг 40 йиллари бошларида академик А.Ю.Якубовский томонидан ишлаб чиқилган миллий автохтонизм концепцияси асосида ёзилган асарлардир.

Биринчи қараш қаламкашларининг асарлари кўпроқ сўнгги ўрта асрлар даврида ёзилган, тарихий далиллар ва диний мифологик қарашларнинг қоришувида битилган асарларга асосланади. Собиқ совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида уларга зидли ўлароқ, иккинчи қараш руҳиятида ёзилган асарлар пайдо бўлди, бу қараш тарафдорлари Ўрта Осиёning туб жойли аҳолиси қадимдан эроний тилларда сўзлашган. Туркий этнос вакиллари эса, бу заминга XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида Даҳти Қипчоқдан Шайбонийхон билан бирга кириб келган. Шунинг учун ўзбеклар “келгинди” бўлиб, маҳаллий туб жойли халқ суғдийлар, боҳтариҳ ва хоразмийлар, маргуш ва парфиёналиклар ҳам тожикларнинг аждодидир, дейдилар.

Ўрта Осиё халқларининг, хусусан ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида ана шундай концепцияни ишлаб чиқиш шарқшунос-археологлар, этнографик-элшунослар зиммасига тушди. Бу масалада биринчи бўлиб, ўзининг чуқур илмий асосли ғояси билан чиқсан таникли шарқшунос-археолог олим А.Ю. Якубовский бўлиб, у С.П.Толстов, Л.В.Ошанин, Я.Ф.Ғуломов каби қатор шарқшунос, археолог, этнограф ва этнologлар билан биргаликда миллий автохтонизм концепциясини кўтариб чиқдилар. Бу концепция ғоялари асосида пантуркистик, панэронистик ва панисломистик қарашларга қаттиқ зарба берилди.

А.Ю.Якубовский Даҳти Қипчоқнинг 92 бовли сахрои ўзбеклари Шайбонийхон бошлиқ Ўрта Осиёга кириб келганларида, бу заминда қадимдан яшаб келаётган туркий аҳолини учратадилар, деб панэронистларнинг ноҳақлигини фош этса, бу турғун туркий аҳоли Ўрта

<sup>1</sup> Чебоксаров Н.Н. Проблемы происхождения древних и современных народов. Труды VII Международного конгресса антропологических и этнографических наук. Том V, Москва. 1970. стр.746.

Осиёнинг икки азим дарёлари (Амударё ва Сирдарё) оралиғида энг қадимдан бошлаб яшаб келаётган эроний тилли халқлар билан аралашиб, қоришиш натижасида Қорахонийлар даврига келганда бу қоришмадан янги этнос, яъни ўзбек халқи шаклланди, деган илмий концепция ишлаб чиқилди. Даشت Қипчоқдан бу заминга кўчиб келган кўчманчи қабилалар эса, уларнинг келишидан роса 5 аср олдин шаклланган янги этнос таркибига қўшилган компонентлар бўлиб, тарих тақазосига кўра, улар ўзбек халқига ўз номини берган холос, деган хулосалари билан пантуркистларни миintaқадаги этносиёсий вазиятни илмий таҳлил эта олмаслиқда айблади.

Биз юқорида этнос ва унинг омиллари, этнос ҳақида мавжуд қарашлар ҳақида сўз юритганда, булар тўғрисида китобхонларга кенг кўламли маълумотлар бериб ўтдик. Эндиликда, ушбу бобда, ана шу қарашлар асосида ёзилган айрим мақолалар ва асарлар ҳақида китобхонларга тегишли маълумотлар бериш кўзда тутилган.

Собиқ совет даври тарихшунослигида ўтган асрнинг 40 йиллари бошларида А.Ю.Якубовский томонидан ишлаб чиқилган миллий автохтонизм назариясининг ғоявий йўналиши фундаментал асарларда, масалан, 1950 йилда илк бор чоп этилган “Ўзбекистон халқлари тарихи” китобининг 1-жилдига А.Ю.Якубовскийнинг сўзбошисида<sup>1</sup>, 1955 йилда чоп этилган «Ўзбекистон ССР тарихи» китобида маҳсус бандда<sup>2</sup> ўз аксини топган. Мана шу концепция руҳида 1962 йилда чоп этилган “Жаҳон халқлари” тарихининг “Ўрта Осиё ва Қозоқистон халқлари”ни келиб чиқишига бағишиланган серияси чоп этилди<sup>3</sup>. Айнан мана шу концепция асосида 1967 йилда кўп жилдли “Ўзбекистон ССР тарихи” китоби нашр этилди<sup>4</sup>. Аммо, 1974 йилда рус тилида нашр этилган бир жилдлик “Ўзбекистон тарихи”да “ўзбек халқининг шаклланган вақтини X аср билан белгиланди.

Таниқли элшунос академик К.Шониёзовнинг нуқтаи назарига кўра, ўзбек халқи элат бўлиб олдинроқ, яъни IX-X асрларда шаклланган<sup>5</sup>. Аммо, бу фикр ўзбек халқи ҳозирда эгаллаб турган ҳудудлар билан боғлиқ эмас. Шу боис, у этнология фанининг илмий методологик талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки, ўзбек элатининг ўзаги IX-X асрларда ҳозирги Ўзбекистон сарҳадларидан ташқарида, Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудларида таркиб топган эди. Бу ҳақда кейинроқ сўз боради.

Б.Ғ.Ғафуров 1949 йилда чоп этилган “Тожик халқининг тарихи” номли асарида Ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласига маҳсус тўхталиб, “туркий тилли қабила ва элатларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши VI асрдан янада кучайди. Бу жараён туркий тилли қабилаларнинг Ўрта Осиё туб жойли аҳолиси билан яқинлашишига олиб келди. Турклар суғдийлар билан биргалиқда ташқи душманга қарши курашдилар.

Узоқ давом этган асрлар ичра, биринчи навбатда, чорвадор туркларнинг камбағал қатлами ўтроқ ҳаётга ўтиб, дехқончилик қила бошлайдилар. Уларнинг суғдийлар ва хоразмийлар, сак-массагет қабилалари билан аралашиши кучаяди, натижада туркий тилда сўзлашувчи аҳоли миintaқада кўпайди. Мана шу асосда ўзбек халқи ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби қадимги аждодларнинг маданий меросидан баҳра олиб шакллана бошлади.

Б.Ғ.Ғафуров қаламига мансуб мана шу ўзбек халқининг келиб чиқишига доир илмий тезис, унинг “Тожик халқининг тарихи” китобини иккинчи<sup>6</sup> ва учинчи<sup>7</sup> нашрларида ҳам ҳеч бир ўзгаришсиз такрорланади.

1963-1964 йилларда “Тожик халқининг тарихи”ни кўп жилдли нашри чоп этилди. Унинг II-том 1-китобида “Тожик халқининг шаклланиши” номли бандининг охирида

<sup>1</sup> “История народов Узбекистана”, т I. Т.: 1950, с.3-11.

<sup>2</sup> “История Узбекской ССР”, том, I кн. I. Т.: 1955, с. 260-261.

<sup>3</sup> Народы Средней Азии и Казахстана. (серия «Народы мира»). Том I. Москва-1962, с.82.

<sup>4</sup> История Узбекской ССР, том I. Т.: 1967, с. 380-381.

<sup>5</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001, 23-24 бетлар.

<sup>6</sup> Гафуров Б.Г. История таджикского народа. Том I. издание второе. Москва-1952, с. 213.

<sup>7</sup> Гафуров Б.Г. История таджикского народа. Том I. издание третье. Москва-1955, с. 235-236.

Б.Ф.Фафуровнинг миллий автохтонизм назарияси асосида қурилган ўзбек халқининг этногенези хақидаги концепциясидан бир неча сатрлар келтирилади<sup>1</sup>.

1972 йилда академик Б.Ф.Фафуровнинг “Таджики” (древнейшая, древняя и средневековая история) номли асари Москвада чоп этилди. Асарда келтирилган бирламчи ёзма ва моддий маданият манбаларининг қамровига кўра, Б.Ф.Фафуровнинг ушбу асари фундаментал характерга эга. Бирок, уларнинг тожиклар тарихи номи остида баён этилиши илмий ва методологик жиҳатдан мутлақо хато ва гаразгўйлик характер касб этар эди. Шунинг учун ўз даврида Ўрта Осиё олимлари орасида бу китоб норозиликларга сабаб бўлган.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек халқининг этногенези масаласида сабиқ совет даври расмий тарихшунослигида миллий автохтонизм концепцияси рухиятида илмий изланишлар олиб борилди, бу концепция “пантуркизм”, “панэронизм” “панисломизм”га қарши сабиқ тузим мағкурасининг кучли сиёсий химоясида бўлди.

Миллий автохтонизм концепцияси йўналишида ёзилган фундаментал характердаги асарлар сирасига проф. М.Ф.Ваҳобовнинг 1960 йилда Тошкентда чоп этилган “Ўзбек социалистик миллати” номли китобини ҳам киритиш мумкин.

Асарнинг “Муқаддима”сида муаллиф қисқа қилиб ўз концепциясини баён этган. Китоб номидан келиб чиқкан ҳолда, ўз олдига, биринчи галда, асосий вазифаси қилиб, ўзбекларни миллат сифатида шаклланиш жараённинг кузатишни мақсад қилганини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Шунингдек, ўзбек миллатининг этник таркиби, этник хусусиятлари: тили, этномаданияти, этнографик қиёфаси хақида китобхонга тегишли маълумотлар бермасдан масалани ҳал қилиб бўлмаслигини қайд қиласди. Шу боис, асар “Муқаддима”сида этник тарихнинг уч босқичга (этногенез, этник тарих ва миллат тарихи) бўлинишини эътироф этади.

Аммо, муаллиф социалистик жамиятда СССР халқларининг миллий белгилари бартараф бўлади, миллат, элат ва этник гурӯҳ тушунчаси йўқолади<sup>3</sup>, деган тезисни олға суради. Бу марксча-ленинчча таълимотнинг миллий этнослар хақидаги асосий ғояси бўлиб, ушбу асар объектив этник жараёнларни илмий таҳлили асосида эмас, балки ўз замонасининг мағкураси руҳида ёзилган тадқиқотлиги билан ажralиб туради.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва унинг энг мураккаб этногенези масаласида расмий тарихда бир тўхтамга келинишига қарамасдан, матбуотда бу масалада турлича қарашлар ва таҳлилий талқинлар акс этган монографиялар чоп этила бошлади. Ана шундай монографик асарлардан бири М.Эрматовнинг “Этногенез и формирование предков узбекского народа” номли асари 1968 йилда “Ўзбекистон” нашриётида 3 минг нусхада чоп этилди.

Асарда муаллиф ўзбек этносининг асоси суғдий, хоразмий, сак-массагет, даи-канғуй қабилалардан таркиб топгани хақида ёzsада, аммо этногенетик жараёнлар тафсилини фақат чорвадор қабилалар асосида курган. Асар икки бўлимдан иборат.

Муаллиф китобнинг икки бўлимдан иборат 1-бобида Кичик Авесто (Зент-Авесто), Аҳомоний подшоларининг қоятош китобалари, юонон-рим ва армян ёзма манбалари ҳамда қисман археологик ёдгорликларга асосланиб, ўзбек халқининг этногенезида сак-массагет, даи-канғуй, суғдий ва хоразмийларнинг этник асоси ва тили масаласида фикр юритади. Матн мазмунига кўра, у ўз қарашларини В.В.Григорьевнинг 1871 йилда СПБда чоп этилган “О скифском народе саках” асари асосида баён этган. Шу боис, ўзбек этногенезининг ilk босқичлари чорвадор қабилалар ҳаёти асосида қурилган. Тарихий воқеалар баёнида мантиқий боғланиш, тизимли таҳлилий анализ ва хулосалар кўзга ташланмайди. Археологик объектлар асосан қадимги Хоразм мисолида олиниб, уларнинг хронологиясида чалкашликлар, қабила ва этник гурӯҳларнинг тили масаласида қарама-қаршиликлар учрайди. Масалан, муаллиф С.П.Толстовнинг археологик қидирув вақтида 400 га яқин ёдгорликлар очилгани, улардан 14 тасида қазишмалар олиб борилгани, уларнинг хронологияси мил. авв.

<sup>1</sup> История таджикского народа. Том II. книга первая. Москва-1964, с. 225.

<sup>2</sup> Ваҳобов М.Ф. Ўзбек социалистик миллати. Т.: 1960, 5 бет.

<sup>3</sup> Ваҳобов М.Ф. Ўзбек социалистик миллати. Т.:1960. 4 бет.

IV-III минг йилликлардан то милодий XIV асрغا тегишли эканлиги ҳақидаги иборасини бир қисмини юлиб олиб, антик давр ёдгорликлари - Жонбас қалъа, Аяз қалъа, Тупроқ қалъаларнинг даврий санаси мил. авв. IV-III минг йилликлар билан белгиланади<sup>1</sup> деб, С.П.Толстовга тухмат қилган. Бронза даври ёдгорликлари Зомонбобо (Бухоро) ва Тозабогёб (қадимги Хоразм) ёдгорликлари қаторига антик давр ёдгорлиги Қовунчитеپани (Тошкент вилояти) тақаб, уларни ўзбек ҳалқининг ўтрок дехқончилик маданияти ёдгорликлари сифатида изоҳлайди<sup>2</sup>. В.В.Григорьевнинг саклар, массагетлар, хоразмийлар, суғдийларни эроний тилли қабилалар қаторига киритишини асоссиз деб танқид қиласди<sup>3</sup>. Муаллиф араб географи Мақдисийнинг хоразм ҳалқини келиб чиқиши ҳақида келтирган ҳалқ ривоятини тарихий ҳақиқат сифатида қабул қилиб<sup>4</sup>, қуйидаги хulosага келади: «Бундан маълум бўлдики, хоразмийлар қадимдан ўз она юртларида яшаб келган. Уларга турк қизлари кўшилгач, хоразмликлар турли этник қоришмалардан ҳосил бўлган ҳалқ бўлиб шаклланди. Бу ҳалқ, яъни Хоразмнинг туб жойли ҳалқи - турклар Беруний келтирган ривоятга кўра, турклардан сўнг Хоразмга Сиёвуш билан бирга турк бўлмаган одамлар, яъни босқинчи форслар кириб келгач, Хоразмда форсийлар пайдо бўлди. Бу далиллар Хоразм ҳалқининг аждодлари сак-массагет ва кангуйлардан таркиб топғанлиги ҳақидаги бизнинг фаразимизни тўлиқ тасдиқлади<sup>5</sup>, дейди. Матн баёнидан маълумки, муаллиф М. Эрматов, ўз хulosаларида илмий далилларга эмас, балки кўпроқ ривоятларга асосланади. Шунингдек, қадимий эроний тиллар оиласини жанубий-ғарбий (форс) ва шимолий-шарқий (суғдий, хоразмий, боҳтари, парфиёний, сак) тиллар гурухларига бўлинишини фарқига бормай, антик даврнинг шарқий эроний тилларига нисбатан форс атамасини ишлатишда давом этади. Муаллиф форс тилини Ўрта Осиёда сомонийлар давридан бошлаб кенг ёйилишини, қадимий туркий ва форсий тиллар маҳаллий суғдий тилларни IX асрдан эътиборан муомаладан сиқиб чиқарганидан хабарсиз бўлган кўринади.

Ўзбек ҳалқининг шаклланиш масалаларига Б.Х.Кармишева ҳам ўз муносабатини билдириб, у ўзининг “Ўзбекистон ва Тожикистон жанубий районлари этник тарихининг очерклари” номли асарида ўзбек элатининг ўтрок ўзагига IX-X асрларда асос солинди. Лекин, ўзбек элатининг алоҳида этнос сифатида шаклланиши, қачонким, Мовароуннаҳр Қораҳонийлар давлати таркибига қўшиб олингач, XI-XII асрларда юз берди<sup>6</sup>, деган тўғри хulosага келади. “Энди, дейди муаллиф, туркий тилли ўтрок аҳоли Мовароуннаҳр воҳаларида алоҳида “оролчалар” сифатида эмас, балки бутун бир туркий массив бўлиб таркиб топди. Улар орасида қарлуқлар ва уйғурлар етакчи рол ўйнадилар, ўзбек ҳалқининг тили эса уларнинг тили асосида таркиб топди”. “Ўзбекларнинг уюшиш жараёни Қораҳонийлар давлати доирасида ўғузларнинг Сирдарё қуий ҳавзаларидан Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига, Иртиш бўйларидан Орол денгизи жанубий сарҳадларига кириб келиши, айниқса, татар-мўғул истилолари даврида туркий тилли қабилаларнинг келиб ўрнашиши

<sup>1</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968, с. 40.

<sup>2</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968, с. 11 бет.

<sup>3</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968, с.16.

<sup>4</sup> Ривоятда айтилишича, қадимда Хоразм подшоси ўз тобеларидан 40 киши қилмишидан ғазабланиб, уларни аҳоли пунктларидан нарига, ҳеч ким яшамайдиган чўли-биёбонга олиб бориб ташлашни буюради. Подшо бир қанча вакт ўтгач, яна ўз мулозимларини чақириб, улар ҳаётми, ҳаёт бўлса, улар нима билан шуғулланиб, тирикчилик ўтказишмоқда, шуни билиб келишликни топширади. Мулозимлар подшо хузурига қайтиб, улар ҳаёт эканликлари, ўзларига кўл бўйларига чайла қуриб, балиқ ови билан шуғулланишлари, улар балиқ гўшти билан тирикчилик қилишлари ва у ерларда ўгин жуда қўп эканлиги ҳақида сўзлаб берадилар. Шоҳ хабарчи мулозимлардан: улар балиқ гўштини нима деб атар эканлар деб сўраганида, “хвар” деб аташларини, ўтинничи, деганида “разм” деб аташларини айтадилар. Шоҳ чукур ўйга ботиб, сўнг “майли, у жой энди “Хваразм” бўла қолсин” деган экан. Шундан сўнг, шоҳ топшириги билан уларга 400 та турк қизларини хотинликка юборишини буюрибди. Улардан туғилиб, кўпайган аҳолида туркларга ўхшашлик пайдо бўлибди. Кейинчалик у жойда Кас шахри кад кўтариб, Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлган экан (Аль-Мақдиси. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том I, Москва, 1939, с. 185-186).

<sup>5</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968, с. 71-72.

<sup>6</sup> Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М.-1976, с. 162.

давом этиб, туркий этник қатламни янада қалинлашига олиб келди”<sup>1</sup>. Аммо, Б.Х.Кармишева ўзбек тилининг алоҳида этнос тили сифатида шаклланиш даврини айрим туркологлар изидан бориб, XIV-XV асрлар билан белгилайди<sup>2</sup>.

Ўзбек халқининг шаклланиши масаласида тилшунослар орасида ҳам тушунмовчиликлар талайгина. Масалан, Ф.Абдураҳмонов ва Ш.Шукуров биргаликда чоп этган “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси” номли китобда ўзбек халқи ва унинг тилини шаклланиши XI-XV асрларда амалга ошди<sup>3</sup>, дейилган. Бироқ, муаллифлар ушбу китобнинг бошқа бир жойида, ўзбек тилининг шаклланиш хусусиятларини таҳлил этиш жараёнида, унинг умумтурк тилидан алоҳида элат тили сифатида ажралиб чиқиши XIV-XV асрларда юз берди. Шунга кўра, ўзбек халқининг XIV-XV асрларда шаклланганлигини қайд қилиш мумкин”, деган хulosага келадилар<sup>4</sup>. Академик Ғанижон Абдураҳмонов истиқлол йилларида ўз қарашларини қайта кўриб чиқиб, “ўзбек халқининг шаклланиши XI-XII асрларга тўғри келади” деган хulosага келган<sup>5</sup>. Академик К.Шониёзов ушбу рисола билан муҳтасар танишиб чиқиб, унинг муаллифи қўпол хатога ҳам йўл қўйган, яъни қипчоқларни бир ерда қирғиз деса, иккинчи ерда печенег деб тилга олади. Шарқий қарлуқларни эса уйғурлар деб атайди. Маълумки, бу этномимлар илк ўрта асрларда алоҳида қабила бирлашмаларининг номлари эди. Шу билан бирга, Ф.Абдураҳмоновнинг ўзбек халқини шаклланиш даврий санаси масаласида ҳам қатъийлик йўқ. Бир жойда ўзбек халқи ва унинг тилини шаклланиши XI-XII асрлар дейилса, иккинчи жойда X-XII асрлар, учинчи жойда эса X асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлади<sup>6</sup> дейилган, деб танқид килади.

Ўзбек халқининг этник тарихига оид масалалар академик Б.Ахмедовнинг ишларида ҳам ўз аксини топган. У ўз илмий асарларида кўпроқ этник тарихга, Шайбоний ўзбекларининг тарихига, ўзбек этник номининг келиб чиқиш тарихига бағишилаган<sup>7</sup>. Даشتி Қипчоқнинг кўчманчи ўзбеклари XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Ўрта Осиёга кириб келгунинг қадар ҳам бу заминда туркий қавм ва қабилалар яшаганлигини тўғри таъкидлайди. Б.Аҳмедов “Қораҳонийлар даврида ўзбек халқи тўла шаклланиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланади”<sup>8</sup> деб ёзади.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи бўйича кейинги йилларда ўтказилган археологик, антропологик, лингво-топоник тадқиқотлар ва чоп этилган кўп сонли мақолалар ва монографиялар миллий автохтонизм назариясининг илмий-методологик йўналишида олиб борилди ҳамда унинг ечимиға қатор аниқликлар киритиб борилди.

Ана шундай фундаментал тадқиқотлардан бири академик Карим Шониёзовнинг 2001 йилда “Шарқ” нашриётида “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” номли монографияси чоп этилди. Ушбу асарда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи бўйича турли қарашлар ва ёндашувлар асосида ёзилган илмий мақолалар, рисола ва монографияларнинг қисқача таҳлили ва муаллифнинг қарашлари баён этилган. Муаллиф бу масалада ўз қарашларидан келиб чиқиб, баъзи бир асар ва илмий мақолаларни пухта ўрганмай, уларни нотўғри талқин ва таҳлил этиганди. Масалан, ушбу сатрлар муаллифининг 1986 йилда чоп этилган «Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишнинг баъзи бир жиҳатлари»<sup>9</sup> мақоласини тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказишида мақолада кўтарилимаган масала юзасида “танқид” қилиб, А.Аскаров “ўзбек халқининг этник жиҳатдан уюшиши милодий эранининг бошларидан бошланди, унинг иккинчи даври эса милодий VI асрнинг иккинчи ярмидан бошланган деб, XIV-XV асрларни эса бу жараённинг янги, тараққий этган даври деб

<sup>1</sup> Кармишева Б.Х. Указ. Сочинение...с.162-163.

<sup>2</sup> Кармишева Б.Х. Указ. Сочинение...с. 163.

<sup>3</sup> Абдураҳмонов Ф.А., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т.: 1973, 16 бет.

<sup>4</sup> Абдураҳмонов Ф.А., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т.: 1973, 18 бет.

<sup>5</sup> Абдураҳмонов Ф.А. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. Т.: 1999, 27 бет.

<sup>6</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001. 32 бет.

<sup>7</sup> Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. Москва - 1965.; Ўша муаллиф. Ўзбек улуси. Т.: 1992.

<sup>8</sup> Ахмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Т.:1994, 199 бет.

<sup>9</sup> Аскаров А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Т.: 1986. с. 3-13.

таъкидлайди<sup>1</sup>, дейди. Аслида, ушбу мақоланинг К.Шониёзов келтирган бетида (яъни 10-бетда, ундан кейинги 11-бетда ҳам XIV-XV асрлар ўзбек этногенезининг янги, тараққий этган даври сифатида тилга олинмаган. Аксинча, “ўзбек этногенези иккинчи босқичининг юқори чўққиси Фарбий турк хоқонлигининг гуллаш даврига тўғри келади”, деб ёзилган. “IX асрнинг 40 йилларида Мовароуннахрнинг шарқида Қарлуқлар давлатининг ташкил топиши муносабати билан ўзбеклар этногенезида учинчи босқич бошланди” дейилади<sup>2</sup>. Матн баёнига мантиқан ёндашилса, мақолада ўзбек этногенезининг босқичлари тўғрисида гап кетаётганилиги яққол кўзга ташланади. Бироқ, танқидчимиз муаллифнинг (русча аслини келтираман) “Если считать рубеж нашей эры начальным этапом формирования этнической общности узбекского народа, то второй этап в этногенезе узбеков, как показывают данные археологических и антропологических исследований с учетом письменных, начинается, на наш взгляд, со второй половины VII в»<sup>3</sup>.

XX асрнинг 80 йилларида ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтаси антик даврида юз берди, деган тасаввур ҳукмрон эди. Расмий тарихда антик давр мил. авв.IV-милодий IV асрлар билан белгиланган. Ўша кезларда мен археологик ва антропологик материаллар илмий таҳлилидан келиб чиқиб, ўзбек этногенезининг бошланиши милодий эра бошларидан бошланди, деган холосага келган эдим. К.Шониёзов эса бу масалада менинг холосамга гўё тузатиш киритиб, “бу санани анча олдинроқ, яъни мил. авв. 1 минг йилликнинг охирларидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди”, дейди. Ҳозирги кунда ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтаси, эски қарашларни янги моддий маданият ва ёзма манбалар илмий таҳлилидан келиб чиқиб, сўнгги бронза давридан бошланди, деган холосага келинган. К.Шониёзовнинг бу “танқидий” қарашлари эндилиқда ўз кучини йўқотган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, академик К.Ш. Шониёзовнинг “Ўзбек ҳалқининг шакланиш жараёни”асари ўз даври тарихшунослигида ҳақиқатда фундаментал характерга эга. Асар тарихий ёзма манбалар, археологик, антропологик, нумизматик, этнографик ва бошқа манбалар таҳлили асосида ёзилган бўлиб, унда ўзбек ҳалқининг асосий негизини Мовароуннахр ва унга туташ ҳудудларда қадимдан яшаб келаётган туркийзабон аҳоли ташкил этганлиги ҳақида фикр юритилади. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашган этник компонентлар, уларнинг этник тарихи, ҳудудий тарқалиш географияси тўғрисида тўхтаб ўтилади. Марказий Осиёда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган илк аждодларимизнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти, маданияти, этник таркиби, қўшни давлат ва уларнинг ҳалқлари билан алоқаси тўғрисида бой материаллар беради.

Академик К. Шониёзовнинг ушбу асари кўп йиллик илмий ижодининг якуний маҳсули сифатида академик тадқиқот услубида яратилган. Демак, ушбу асар тор доирадаги илмий ижод аҳли ва изланувчи мутахассислар учун ўзига хос кенг қамровли манба сифатида ёзилган.

1988 йилда Москва яқинидаги Звенигородда Ўрта Осиё ва Қозоқистон ҳалқларининг этногенез ва этник тарихига бағишлиланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Тожикистон ФА нинг академиги Б.А.Литвинский “Қадимда ва ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Қозоқистон ҳалқларининг этногенези ва этник тарихининг назарий масалалари бўйича катта доклад билан чиқкан. У ўз докладида ўзбек ҳалқи алоҳида этник бирлик (элат) сифатида XVI асрда шаклланган, деган даъво билан чиқади<sup>4</sup>. Маълумки, Б.А.Литвинский ўз даврида академик Б.Г.Гафуровнинг “Таджики”китобига маъсул муҳаррир бўлган ва Интернетнинг “Центр Азия”сайтида Б.Гафуровнинг бу китоби бошидан охиригача унинг қўлидан ўтганлиги, у китобнинг шаклланишида унинг илмий хизмати катта бўлганлини ошқора айтган.

<sup>1</sup> Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001, 30 бет.

<sup>2</sup> Аскаров А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Т.: 1986. с. 10-11.

<sup>3</sup> Аскаров А. Указ. Работа. с.10.

<sup>4</sup> Литвинский Б.А. Проблемыэтногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. 1, М., 1990, с. 32.

Б.Фафуровнинг мазкур китобида ўзбек халқининг шаклланиши XI-XII асрларда ниҳоясига етган<sup>1</sup>, деб ёзилган.

Ўзбекистондан академик К. Шониёзов, проф. И.М. Жабборовлар анжуман ишида фаол қатнашган. Академик Б.Г. Фафуров хаётлигига (Б.Г. Фафуров 1987 йилда вафот этган) ўзбек халқининг шаклланиш даврий санаси масаласида у билан бир фикрда бўлган Б.А. Литвинский орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, фикрини ўзгаририб, ўзбек халқининг келиб чиқиши даврий санасини XV-XVI асрларда кўчманчи Даشتி Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннахр ҳудудларига кириб келиши билан боғлайди. Б.А. Литвинскийнинг бу масаладаги илмий қараши туфайли Тожикистоннинг совет даври тарихининг тарихшуноси Р. Масов номи билан “История топорного разделения”(1991), “Таджики:история под грифом “совершенно секретно”(1995) ва “Таджики: вытеснение и ассимиляция» (2003) каби ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига қарши қаратилган панэронистик руҳда ёзилган қатор монографияларни чоп этилишига олиб келди.

Ана шундай нашрлардан бири “Открытое общество” Институтининг гранти асосида тайёрланган «Этнический атлас Узбекистана» илмий тўплами эди. Ушбу тўпламнинг ташаббускори ва унинг ғоявий йўналишини белгиловчи ва “Археология узбекской идентичности” бош мақоласининг муаллифи ёш тадқиқотчи Алишер Илҳамов бўлиб, мақоланинг “Этногенез” қисмида “ўзбек халқининг таркиб топиши асосида Ўрта Осиёга XVI аср бошларида оммавий равишда кириб келган Даشتி Қипчоқнинг кўчманчи ўзбеклари ётади. Уларга “чиғатойлар” деб аталувчи маҳаллий турк қабилалари ва ўғуз турклари ҳамда “сартлар”, яъни уруғ-аймоқчилик анъаналарини йўқотган туркий тилли шаҳар аҳолиси ҳамда туркийлашган тожиклар келиб қўшилган<sup>2</sup> деган тезисни олға суради.

Ушбу матн баёнидан шу нарса аён бўладики, А.Илҳамов ўзбек халқининг келиб чиқиши асосий ўзагини Шайбонийхон билан бирга келган Даشتı Қипчоқнинг кўчманчи ўзбеклари билан боғлайди. Унга қадар бу заминда яшаб келган улкан туркий этник қатламни қадимий эроний тилларда сўзловчи сүғдийлар, хоразмийлар, бохтарий ва чочликлар, фраганик ва уструшонийлар билан узок асрлар давомида аралашиб, қоришиб кетиши оқибатида XI-XII асрларда алоҳида янги этносни шакллантирган асосий туркий ўзакни иккинчи даражали (примкнувший) этник компонентлар сифатида талқин ётади.

Мақоланинг “Даشتı Қипчоқ ўзбеклари” қисмида “ўзбек” этноними Даشتı Қипчоқ ўзбеклари номидан келиб чиққанлигини таъкидлаб, Даشتı Қипчоқ ўзбеклари таркибида чиғатой, жалойир, барлос каби мўғул қабилалари ҳам бўлган. Улар ўғуз, уйғур, қарлуқ, қипчоқ қабилалари таъсирида аста-секин туркийлашган<sup>3</sup>, дейди.

Аслини олганда, Ўрта Осиёда мустамлакачилик ва миллий уйғониш даврининг жадидлари рус шарқшунослари ва кўчманчи турк-мўғул қабилалари томонидан Туркистоннинг ўтроқлашган, ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий ва этномаданий жиҳатдан юксак турғун, муқим турк сартларига нисбатан “сари-ит” иборасининг ишлатилишини ҳакорат деб билганлар. Чунки, XI асрда этник келиб чиқиши ва тилидан қатъий назар, мўгуллар томонидан “сарт” атамаси остида Туркистон аҳолисининг савдо билан шуғулланувчи савдо аҳли тушинилган. XII-XIII асрларга келганда кўчманчи турк-мўғул қабилалари нафақат Туркистонни савдо аҳлини, балки уларга қўшиб, шаҳар хунармандлари ва қишлоқ дехқонларини ҳам сарт деб атай бошладилар. Ўша кезларда уларнинг қайси тилда сўзлашларига эътибор берилмаган.

XIV-XV асрлар давомида сартларнинг туркий тилда сўзлашувчи қатламининг нуфузи кенг кўламда ортиб, энди улар узок ўтмишдаги уруғ-аймоқчилик ва қабилавий бўлинишни мутлақо унитган эдилар. Улар Туркистоннинг фақат туркий тилда сўзлашувчи шаҳар ва қишлоқ аҳолисига айланган эди. Уларнинг таркибига асрлар давомида эроний ва арабий тилда сўзлашувчи этник гуруҳлар сингиб, улар ўзларини турк халқи ёки муқим турар-жой

<sup>1</sup> Гафуров Б.Г. “Таджики”, М., 1972, с. 542-544.

<sup>2</sup> Этнический атлас Узбекистана. 2002, с.270.

<sup>3</sup> Этнический атлас Узбекистана. 2002, с.273-74.

номлари билан (шоший, урганжий, бухорий, андижоний, нахшобий ва бошқалар) атар әдилар.

Дашти Қипчоқдан бу заминга XVI аср бошларида кириб келган 92 бовли Шайбоний ўзбеклари маҳаллий аҳолига нисбатан ҳақоратловчи “сари-ит” иборасини ишлатишлари миллий ғурури ва инсоний түйгуси баланд маҳаллий туркистонликларга, айниқса, жадидларга оғир ботганлигини тушунса бўлади. Миллат менталитетининг нозик жиҳатларини тушинишдан узоқ бўлган В.В.Бартольд ва унинг издошлари эса, ҳозиргача ҳам ўзга халқлар миллий түйғусидан узоқдирлар.

Ю.Брегел бу масалада В.В.Бартольд изидан бориб, ўз қарашларини манбалар асосида исботлаш учун Абулғози Баҳодирхоннинг “Сажара-и турк” асарига иқтибос қилиб, ушбу асарда “XVII аср охирида Хоразмда ўзбек ва туркманлар билан бир қаторда сартлар аҳолининг алоҳида этник гуруҳи” сифатида тилга олинади<sup>1</sup> деб ёzáди. А.Илҳамов эса, келиб чиқиши жиҳатидан миллати ўзбек бўла туриб, амалда Бартольд-Брегеллар ва Масов-Сагдулаевлар изидан боради.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий давлат чегаралаш сиёсати ўтказилган вақтда туркий тилли сартлар Мовароуннаҳр аҳолининг асосий ўзагини ташкил этсада, янги ташкил топган Республикага Ўзбекистон номи берилгани боис, сарт номи расмий хужжатларда унитилди. Чунки, у алоҳида этник бирлик эмас эди. Аммо, хорижий “жонкуярларимиз” эса, масалан, Америкалиқ этноантрополог Жон Шоберлейн мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бир неча бор бўлиб, зиёлилар орасида учраб турадиган эронпастлар билан учрашиб, “1924 йилгача Ўрта Осиёнинг 1,7 миллионга яқин сартлари бир кунда тарих саҳнасидан ўчирилди”<sup>2</sup>, деб таажжубланди.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида юқорида келтирилган турли хил қарашлардан маълумки, ўзбек халқининг алоҳида этник бирлик (халқ) бўлиб шаклланган вақти масаласида ҳозиргача бир аниқ илмий асосли тўхтамга келинган эмас. Аммо, мустақил Ўзбекистоннинг фундаментал фан вакиллари унитмасликлари керакки, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини илмий асосда, чуқурроқ билишга ҳақли ёш авлод ҳам бор. Ватанимиз ва унинг илм-фан ва таълимнинг келажаги уларнинг зиммасига тушади.

Уларга ўзбек халқининг келиб чиқиши ва унинг халқ, миллат бўлиб шаклланиш тарихий жараёнлари ҳақида илмий асосли тушунча бериш, уларни шу масала билан боғлиқ концепциялар ва уларнинг туб моҳияти билан ҳамда этногенез ва этник тарихнинг назарий ва илмий-методологик асослари билан танишириш, этногенез ва этник тарих ҳақидаги тушунчалар: этник алломатлар ва белгилар, ўзбек халқи этногенетик жараённинг мураккаб кечиш сабаблари ва улар ўртасидаги тарихий ва хронологик тафовутлар ҳақида ёшларга объектив маълумотлар беришдек вазифа турибди. Чунки, Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши масаласида, ҳозиргача фанда давом этиб келаётган турлича қарашлар ва баъзида учраб турадиган ғайри илмий тасаввурлар, ўзбек халқининг тарихи ҳозирда эгаллаб турган ҳудудлар билан азалдан боғлиқ эканлигига соя солмоқда. Айниқса, Юрий Брегель, Раҳим Масов, Сергей Поляков, М.Эрматов, Ўрол Носиров, Илҳом Рашидов қабиларнинг қарашлари фан ютуқларига мутлақо зиддир. Уларнинг қарашлари ёш авлодни миллий ифтихор ва тарихий байналминаллик руҳида тарбиялашга эмас, балки кўп миллатли минтақа аҳолиси ўртасида миллий низоларни келтириб чиқаришга олиб келади. Шунинг учун ҳар бир ёш авлод, ўз халқи ва ватанига содик мутахассис, ўзини, ота-боболари ва аждодларининг келиб чиқишини, узоқ ўтмишда унинг аждоди кимлар эди, шу заминда икки тил соҳиблари (туркий ва суғдий) этнослар ёнма-ён яшаб, узоқ давом этган иқтисодий ва этномаданий алоқалар натижасида бир-бирлари билан аралashiб, қоришиб кетган, турли тарихий тараққиёт босқичларини бирга босиб ўтган, тагли-тугли ўтроқ халқ маданий меросининг соҳибларими ёки тарихни бузиб кўрсатувчи баъзи бирорлар айтганидек, кўчманчилар бўлганми? Мана шу

<sup>1</sup> Yu. Bregel. The sarts in the Khanate of Khiva.

<sup>2</sup> Джон Шоберлейн. Перспективы становления национального самосознания узбеков. Журнал «Восток», Москва - 1997, № 3, с. 55.

муаммо ечимини топиб, кенг китобхонлар оммасига тўғри илмий тасавурлар бериш биз кекса авлоднинг вазифаси, Она-Ватан, унинг меҳнаткаш халқи олдидағи бурчи, қолаверса, қарзи эмасми? Ушбу монографик тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларининг мазмун ва туб моҳияти ҳам айнан ана шу муаммоларнинг илмий ечимиға қаратилган.

3. Ҳозирги замон элат ва миллатларининг келиб чиқиши масаласини ўрганишда, этнология фанининг назарий ва илмий-методологик ишланмаларидан келиб чиқиб, тадқиқотчи биринчи навбатда, ўрганаётган муайян халқ ҳозирда яшаб турган ҳудудлар билан азалдан боғлиқми ёки йўқ? Иккинчидан, ушбу халқнинг тили азалий аждодлари тили билан бирми ёки бир неча тиллар қоришмасининг маҳсулими? Изланувчи-тадқиқотчи аввал бу саволларга аниқлик киритиб олмоғи керак. Чунки, бу саволлар этнология фанида ҳар бир халқнинг этногенетик жараёнлар тарихини ташкил этади.

Этногенетик жараёнлар эса ижтимоий ўрамдаги реал борлик, тарихий кетма-кетликда жуда узоқ давом этадиган ижтимоий ҳодисадир. Муаммога кўпчиллик мутахассис олимлар амал қилиб келган ушбу илмий ишланма нуктаи назаридан ёндашилса, ўзбек халқининг шаклтаниш жараёни икки тилли этник гурухларнинг жуда узоқ асрлар давомида ўзаро қоришуви асосида таркиб топган этнос бўлиб, ўзбеклар халқ бўлиб шакллангунига қадар қатор тарихий ва этномаданий жараёнларни босиб ўтганлигининг гувоҳи бўлади.

Халқларнинг уруғ-аймоқ, қабила, қабила иттифоқи, қавм ва элат ҳолатидан халқ бўлиб шакллангунига қадар давом этган этномаданий жараёнлар этногенез ҳисобланади. Ҳар бир ишни боши ва якуни бўлганидек, этногенетик жараёнларнинг ҳам боши ва якуни бўлади. У ҳолда, ўзбек этногенези қачон бошланди, қачондан бошлаб бу замин аҳолиси туркийда сўзлаша бошлади, яъни аҳолининг асосий қисми туркийлашди. Бу саволга жавоб бериш учун дастлаб, ўзбек халқи этногезининг бошланғич нуктасини, этногенез аввалини аниқлаб олиш керак бўлади.

Дастлаб, ўзбек этногенезининг бошланғич нуктаси турк хоқонлигидан бошланди, деган тезис пайдо бўлди (академик А.Ю.Якубовский ғояси). Кейинроқ, туркий этник гурухлар бу заминга анча аввалроқ, антик даврида кириб келган, шунинг учун ўзбек этногенез тарихини антик даврдан бошлаш керак, деган янги илмий қараш пайдо бўлди (академик С.П.Толстов ғояси). Ва ниҳоят, ушбу сатрлар муаллифи қадимги ёзма ва моддий маданият манбаларининг қиёсий ўрганиш натижасида, ўзбек этногенезининг бошланғич нуктаси сўнгги бронза даврига бориб тақалишини асослайди<sup>1</sup>. Демак, бугунги кунда олиб борилган илмий тадқиқотлар ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуктасини сўнгги бронза даври деб эътироф этилган экан, унинг узил-кесил шаклланиши эса, ривожланган ўрта асрларда юз берди.

Жаҳон тарихидан маълумки, дунёда бирор халқ йўқки, у ўзининг минтақадаги бошқа этник бирликлар билан аралашмаган бўлса. Бу ҳақда Ўрта Осиё халқлари қадимги тарихининг чуқур билимдони С.П.Толстов шундай деган эди: “Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гурухларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли халқлар ва теварак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган”<sup>2</sup>. Бундан ўзбек халқи ҳам мустасно эмас. Шундай экан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида қадимдан яшаб келаётган ўзбек халқининг илк аждодлари икки тил-туркий ва эроний тиллар туркумидаги қабила ва элатлар бўлиб, уларнинг узоқ асрлар давомида аралашуви, қоришуви жараёнида XI-XII асрларга келиб ўзбек элати халқ бўлиб шаклланиб, шундан сўнг унинг этник тарихи бошланади. Мана шу улкан тарихий давр ичida ўзбек халқи қабила ҳолатидан уюшган халқ даражасига ўсиб чиқади. Мана шу

<sup>1</sup> Аскаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. Ўз.ИФ журнали, №6, 1996, 70-71 бетлар; Ўша муаллиф. Тарихимизнинг уч муаммоси ва уларнинг ечими ҳақида янгича мулҳазалар. Ўз.ИФ журнали, №5, 2000 йил, 24-28 бетлар; Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, №4, 2002 йил, 55 бет.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Основные пролемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ, 1947. №VI –VII. Стр. 304.

давр ичидә аждодларимиз бир неча этномаданий босқичларни босиб ўтади. Ҳар бир босқичда элатга хос этник омиллар ва белгилар бириң-кетин шаклланиб боради.

Ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқичи-бошланиши бронза даврига бориб тақалади. Археологик материаллар таҳлилига кўра, бу босқич милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан то Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр, ўз навбатида, қатор тарихий воқеликлар билан характерланади. Қачонким, буюк турк чўлининг (Евросиё чўлларининг) чорвадор аҳолиси ҳаётида от, хўқиз, тuya ва эшакдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилгач, дашт аҳолисининг ўз чорва подалари учун янгидан-янги яйловлар қидириб, жануб ва гарбга томон миграцияси бошланади. Шу муносабат билан бир, гуруҳ дашт аҳолиси милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида (бронза даври) Ўрта Осиёning шимолий-шарқий томонидан Амударёning қуий ҳавзаларига кириб келади. Унгача бу заминда Калтаминар маданияти (неолит даври) ва Сувёрған маданияти (энеолит ва бронза даври) аҳолиси яшаб келар эдилар. Янги этник гуруҳларнинг моддий маданият излари илк бор С.П.Толстов томонидан 1938 йилда Амударёning Оқча дарё ўзанидан тортилган Тозабоғёб канали ҳудудидан топиб ўрганилди. Қадимги Хоразм тарихининг билимдони С. П. Толстов бу янги этник гурухга тегишли ёдгорликларни “Тозабоғёб маданияти” деб атайди. У ушбу археологик маданият материалларини синчиклаб ўрганиб, “бу топилмалар ерли туб жойли аҳолининг моддий маданиятига ўхшамайди, улар қандайдир янги этносга тегишли”<sup>1</sup>, деган хulosага келади. Шу билан бирга, бу топилмаларни атроф минтақалардан топилган ашёвий далиллар билан қиёсий ўрганиб, айнан шунга ўхшашиб материаллар жанубий-шарқий Ўрол тоғ тизмаларидан то Минисинск пасттекислигининг ички ҳудудларигача бўлган ҳудудий кенглика учрашини таъкидлайди.

Демак, юқорида келтирилган далилларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Мовароуннахр ва қадимги Хоразмда туркий этносни биринчи бор пайдо бўлиши мавжуд тасаввурларга зидли ўлароқ, Турк хоқонлиги ёки антик давридан эмас, балки анча аввал, бронза даврига бориб тақалади. Шундай қилиб, агар туркий қабилаларнинг Мовароуннахрга кириб келишини ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқичи деб қаралса, бу жараёнлар билан боғлиқ иккинчи босқич антик даврига тўғри келади.

Ўзбек этногенезининг иккинчи босқичи усун ва хунлар ҳамда Да-юечжи қабилаларининг бу заминда пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу даврда туркий этнос фойдасига туб ўзгаришлар юз беради. Масалан, Сирдарёning ўрта ва қуий ҳавзаларида эллинлар таъсир доирасини кенгайиб боришига қарши оппозицияда Қанғ давлати ташкил топади. Сирдарёning ўрта ҳавзаси ҳудудларида икки тилли аҳоли этник гуруҳлари омухталашган моддий борлиқ-Қовунчи маданияти ва ўзбекларга хос антропологик тип-Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи шаклланади ва ниҳоят ўзбек халқи этник асосларининг дастлаб таркиб топган этномаданий майдон таркиб топади. Бу маданиятга тегишли дастлабки маҳаллий туркий этник қатлам қанғарлар бўлиб, улар хунн ва усунлар тил таъсирида илк бор туркийлашган маҳаллий чочликлар эди<sup>2</sup>.

Ўрта Осиёning жанубий минтақаларида, Бақтрияда ташкил топган Кушонлар давлати мамлакатни бошқаришда қадимдан давом этиб келаётган маҳкамачилик ва унинг эллинлар таъсирида мукаммаллашган тизими билан уйғунлашиб, ўзбек халқи этногенези ва давлатчилик тарихида улкан ютуқларни қўлга киритади. Этносиёсий ва этномаданий ривожланишда илк бор ўзликни англаб этишликнинг илк бор пойдевори қурилади. Кушонлар подшоси буюк Канишка сулолавий аждодларидан фарқли ўлароқ, мамлакатда ҳукм сурган юонон тилини бекор этиб, маҳаллий боҳтарий тилини давлат тили деб эълон қиласи, маҳкамачиликда юонон ёзуви ўрнига боҳтарий ёзувини қўллашга фармон беради, муомиладаги танга пуллар илк бор Канишка сурати (Кушон подшолари) ва туркий халқларга

<sup>1</sup> Толстов С.П. Древнекоразмийские памятники в Каракалпакии. ВДИ, 1939. №3, –С. 174–175; Его же. Древний Хоразм. –М., 1948. –С. 68.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001, 85 бет.

хос символика-самовий тулпор расми билан зарб этила бошлайди. Күшонлар узоқ аждодлари тилини унитиб, эронийлашган бўлса ҳам, ўз келиб чиқиш насли-насабларини унитмаганлар. Рабатак ибодатхонаси ёзувида Канишка ўзи ва аждодларини орий эканлигини эслаб ўтади.

Ўзбек халқи этногенезининг иккинчи босқичи давомида этник омилларнинг камида бештаси юз беради, яъни Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида, биринчидан, Қанғ давлатининг марказий худудларида этнохудудий бирлик таркиб топади; иккинчидан, ана шу этнохудудий бирлик доирасида бир хил ривожланиш даражасидаги иқтисодий – хўжалик бирлиги вужудга келади; учинчидан, таркиб топган худудий бирлик доирасида деярли бир хил ривожланишдаги этномаданий майдони қарор топади; тўртинчидан, ўзбек халқига хос антропологик тип – “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи” шаклланади ва ниҳоят бешинчидан, янги этнос-қанғар элати атрофида жипслашган Қанғ давлат конфедерацияси, яъни сиёсий давлат ўюшмаси таркиб топади<sup>1</sup>.

Бу даврда юз берган тарихий жараёнларга назар солар эканмиз, сұғдшунос олим М.Исҳоковнинг ўша давр сиёсий тарихининг таҳлилига боғлиқ мулоҳазаларини эслаш жоиз кўринади. Унинг таъкидлашича, милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан Ўрта Осиё худудларида Аҳамонийлар давлатининг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилгач, унинг таркибиға кирган эронзабон ва туркий тилли халкларнинг барчасига буюк Эрон давлати фуқароси сифатида қараш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган.

Туркий тилли қабила ва элатларнинг учинчи йирик тўлқини Мовароуннахрнинг ички вилоятларига хионийлар, кидарийлар, эфталийларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Айнан шу кезларда юз берган тарихий жараёнлар ўзбек этногенезининг учинчи босқичини характерлайди. Кўчманчи хионийлар, кидарийлар ва эфталийтларнинг Суғдиёна ва Бақтрия худудларида излари, айниқса IV асрнинг охири ва V аср моддий маданият ёдгорликларида яққол кўзга ташланади. Масалан, туркийзабон аҳолига тегишли Қовунчи маданияти таъсирида Бухоро вилоятининг шимолий-ғарбида “Қизилқир маданияти” ташкил топган. Бу даврга келиб, Суғднинг ўтроқ аҳолисига хос хунармандчилик анъаналари ўрнини ярим ўтроқ чорвадор туркий қавмларга хос моддий маданият дунёси эгаллади. Бундай холат нафақат Суғдда, балки қадимги Хоразм, қадимги Фарғона, ҳатто Бақтрия худудларида ҳам кўзга ташланади.

Туркий этноснинг Мовароуннахр ва Хоразмга катта этник гуруҳ бўлиб кириб келишининг тўртинчи босқичи Буюк Турк хоқонлиги худудининг Амударё ўрта ҳавзаларигача кенгайиши билан боғлиқ. Бу даврда Ўрта Осиёда туркий қавмлар жадал кириб бормаган бирон вилоят ва туман қолмади.

Археологик материалларнинг тасдиқлашича, Фарбий Турк хоқонлиги даврида (568-740 йиллар) Тошкент воҳасида ҳокимиятни турк тудун ва тегинлари (хоқонликнинг жойлардаги ноиблари) бошқарар эдилар. Айнан шу даврда Чоч ҳокимлари суратлари ва қадимги турк тамғалари билан тангалар зарб этилди. Қадимги турк тангалари бундан анча аввал ҳам Чочда топилган. Илк ўрта асрларда турк тангалари нафақат, Тошкент воҳасида, балки қадимги Фарғонанинг археологик ёдгорликларида ҳам тез-тез учраб туради. Бундай жараённинг чўққиси ўзбек этногенезида Фарбий Турк хоқонлигини гуллаган даврига тўғри келади. Бу даврда хоқонлик Ўрта Осиёнинг барча вилоятларини қамраб олган, туркий қабила ва қавмлар эса ерли туб аҳоли билан жадал қоришмоқда эди. Ўзбек этногенезининг мана шу босқичида Мовароуннахрнинг шимолий ва шарқий вилоятлари ва Қадимги Хоразм худудларида икки тил ва икки хўжалик укладининг яқинлашув жараёни кузатилади. Унинг оқибатида, аксарият қўпчилиги туркий тилли дехқон ва хунар аҳлидан иборат йирик худудий этномаданий бирлик ташкил топади. Бу ўзбек халқи этногенез тарихининг тўртинчи босқичига хос муҳим хусусияти сифатида характерланади.

Ўзбек халқи этногенезининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичларига хос этник омилларнинг тарихий кетма-кетликда юз бериши айниқса, Тошкент воҳаси археологик материалларида яхши кузатилади. Ўзбек этносини шакллантирувчи омиллар сифатида

<sup>1</sup> Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, 2007, 231 бет.

худудий бирлик, иқтисодий – хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги ва этносиёсий бирликлар дастлаб Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида антик даврда юз берди. Бу омилларнинг моддий маданиятдаги акс садоси Қовунчи маданиятида ифодаланади. Қовунчи маданияти шаклланган минтақалар айнан Тошкент воҳаси ва умуман Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари бўлиб, ўзбек ҳалқининг этник асоси дастлаб, мана шу маконда таркиб топди ва сўнг ҳозирги Ўзбекистоннинг бошқа худудларига ёйилди. Қовунчи маданияти асосида ўзбек этносининг туркий қатлами шаклланиб борди ва бронза даврига қадар эроний тилли қабила ва элатларнинг макони бўлиб келган Турон замин туркий этник компонентларнинг интенсив ортиб бориши туфайли илк ўрта асрлар охирига келганда, Туркистон аталмиш этнотопоним шакллана бориб, бу заминда турк-суғд этномаданий майдон таркиб топди. Бу ҳолатлар антик ва илк ўрта асрлар давомида ўзбек ҳалқи этногенетик жараёнларининг жадал кечеётганлигидан ва бу жараёнларда Қовунчи маданиятининг ўрни ва роли жуда муҳим аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши туркий қабила ва қавмларни минтақа ички ҳудудларига жадал кириб келишини вақтинча тўхтатди. Натижада, унгача бу ерга келиб, ўрнашиб қолган туркий қавмларинг ерли аҳоли билан аралашиб, қоришиб кетиш жараёни тезлашади. Айниқса, бу жараён Мовароуннахрнинг шимолий ва шарқий худудларида яққол кўзга ташланади. Бу зонада VIII-IX асрларда туркий номдаги шаҳарлар барпо этилади. Масалан, Ангрен дарёси ҳавзасида Намудлиғ, Абрлиғ, Арпалиғ, Сойлиқ, Итлиқ, Хотункат, Барскат, Жабгуват, Арсланкат, Йағузлиғ, Йакалиқ, Ачиғ, Жадғал (Чатқал) ва бошқа ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар қад кўтардики, бу жой номлари Чоч аҳолисининг катта бир қисмини туркийлар ташкил этганлиги хақида гувоҳлик беради.

Энди, Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий худудларининг шаҳарларида эса унинг акси, яъни анча аввал бу томонларга келиб, кучли эроний тил муҳитига тушиб қолган туркий аҳоли эронийлашадилар. Аммо, бу худуд қишлоқ ва даштларида ахвол ўзгача эди. Аҳолининг у ёки бу тилни ўзлаштириб, ўз она тилини унитиб бориш ҳолати қайси тил муҳитининг устунлигига, қабила ва элатнинг ўзлигини англаш даражасига, ҳокимият эгаларининг давлат сиёсатига ҳам боғлиқ эди.

Қарлуқ турклари узок ўтмишда Олтойнинг ғарбий даштларида яшаганлар. Турк хоқонлиги ташкил топиши билан Ғарбий Олтойдан чиқиб, Иртиш соҳиллари, Жунгария, Ила дарёсининг шимолигача бўлган худудларни эгаллайдилар. Қарлуқларнинг катта бир қисми (VI-VII асрларда) Шарқий Туркистоннинг ғарбий вилоятларида, Фарғона водийсининг шимолий-шарқий худудларига, хатто Тоҳаристоннинг айрим туманларида келиб ўрнашадилар<sup>1</sup>.

Қарлуқлар таркибидаги йирик қабилалардан бири чигил қабиласи бўлган. Еттисувга келишдан аввал Иртиш ҳавзаларида, Жунгорияда яшаган. Қарлуқ қабилаларидан яна бири халачлар бўлган. Уларнинг катта қисми VI-VIII асрлар давомида Афғонистон, Покистон ва Эрон худудларигача бориб ўрнашганлар. Уларнинг бошқа қисми қарлуқлар таркибида бўлиб, Ила дарёсининг шимолий даштларида яшаган. 766 йилда қарлуқлар туркеш сиёсий уюшмасини тарқатиб юборгач, улар Чу дарёси водийсида қолиб, Суёб шаҳрини ўзларига қароргоҳ қилиб оладилар. Ана шу санадан бошлаб, қарлуқ ёбғулари Жунғория тоғларидан Сирдарёгача бўлган жуда катта худудда ўз ҳукмронларини ўрнатадилар<sup>2</sup>.

Қарлуқларда, худди Турк хоқонлиги жамоаларида бўлганидек, уруғ бошлиги-бек, қабила бошлиги-жабгу деб аталган, бир канча уруғ аймоқни, аймоқлар уюшмаси элни ташкил этган. Бу қабила-уруғ тузилиш тартиби (тизими) қарлуқларда VIII аср ўрталаригача сақланиб келган. Қарлуқлар Еттисувни эгаллагач (VIII асрнинг 60-йиллари), ябғунинг хизмат вазифаси кенгаяди. Энди ябғу бир қабилани бошлиғи эмас, балки қарлуқлар эгаллаган худудлардаги барча қабилалар ва ўтроқ аҳолини бошқаради. Энди, у қабилалар

<sup>1</sup> Шониёзов К. Узбеки-карлуки. Ташкент, 1964, с.12-36; Он же. О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа. ОНУ, № 6, 1981, с.28-35; Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни...157 бет.

<sup>2</sup> Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни....158-159 бетлар.

иттифоқининг ябғусидир. Авваллари ябғу уруғ ва аймоқлар йигинида сайланса, энди у ябғулар йигинида, яъни қабила бошлиқлари томонидан сайланади. Иттифоқни бошқаришда унга тобе уруғ, аймоқ ва ябғуларга, айниқса ўтроқ вилоятлар хукмдорларига элтабарлик унвони жорий этилади. Бек ва элтабарлар бир вақтни ўзида харбий саркардалар хисобланган. Бу тартиб қарлуқларда то 840 йилгача, яъни қарлуқ давлати ташкил топгунга қадар давом этган<sup>1</sup>.

VIII аср Мовароуннахр ва Хурросон халқлари тарихида арабларга қарши кураш билан ўтди. Уларга қарши тинимсиз маҳаллий аҳоли қўзғолонларининг охири кўринмас эди. Фарбий Турк хоқонлиги Дулу ва Нушиби қабилалари орасидаги ҳокимият учун ички курашлар туфайли таназзулга учрагач (740 й.), Шарқий Туркистоннинг ғарбий вилоятлари (Қашғар, Хўтон, Ёркент), Фарғона водийсининг шимолий-шарқий қисми қарлуқлар кўлига ўтди. 766 йилда қарлуқларнинг зарби билан Еттисувда ташкил топган Туркеш хоқонлиги (707-766 й.) ҳам тугади.

Қарлуқлар Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий вилоятлари ва Фарғона водийсининг шимолий-шарқий ҳудудларини эгаллаганларига қадар, бу жойларда қадимдан туркий арғун, тухси, қарлуқларнинг илк аждодлари, туркеш, аз, уз, яғмо қабилалари тегишли этник гуруҳлар яшаб келардилар. Улар бу заминга қириб келган қарлуқларнинг янги қабила иттифоқи жамоалари билан ёнма-ён ва аралашиб яшай бошлайдилар. IX аср 40 йилларида келиб, юқорида қайд этилган катта ҳудудий доирада Қарлуқлар давлати ташкил топади. Қарлуқлар давлати таркиб топган ҳудудларда (568-740) 200 йил давомида Фарбий Турк хоқонлиги ҳукмронлик қилиб, туркий этник қатламнинг бу ҳудудларда қалинлашишига ва муқимлашишига асос яратиб кетган эди. Араблар истилолари ва ўзаро ички жанжаллар туфайли тақалиб кетган Турк хоқонлигининг тарихда изи ўчиб кетмади. Унинг вайроналарида бир қанча туркий қабилаларнинг бирлашиб бориши натижасида йирик қабила иттифоқлари (Қарлуқ, Кирғиз, Уйғур, Хазар, Ўғуз ва бошқа қабила иттифоқлари) ташкил топди, кичик-кичик давлатлар (Дунхуан, Қорашар, Бешбалиқ, Куча, Қашғар, Турфан, Ёркенд ва бошқалар) вужудга келди<sup>2</sup>. Турк хоқонлиги ҳудудий доирасида яшаган қабила иттифоқларида ва сиёсий уюшмаларда иқтисод, маданият ривожланди. Хоқонликнинг барча ҳудуд аҳолисига тушинарли ёзув ва тил шаклланди<sup>3</sup>. Хоқонликлар даврида ташкил топган айрим этник уюшмалар (ўғуз, уйғур, қарлуқ, қипчоқ, қирғиз, дулу (дүглат) ва бошқалар) ўрта асрлар давомида вужудга келган қатор элатларни (ўзбек, уйғур, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақолпоқ) шаклланишига асос бўлдилар.

Туркий қабилаларнинг Мовароуннахрга тинч ва осойишта кириб келиши арабларгача ҳам, араблар ҳукмронлиги даврида ҳам, ҳатто Сомонийларнинг туркий қабилаларни кириб келишига қарши воҳалар чегараларида мудуфаа деворларини барпо этишларига қарамай узлуксиз давом этар эди. Бунинг оқибатида уларнинг ўтроқ ҳаётга кўчиши ва туб ерли аҳолининг турклашуви тезлашди. Мовароуннахрнинг туркий қавм ва қабилалар кенг тарқалган ҳудудда турк ижтимоий-иқтисодий таркиби ва уларнинг этносиёсий жиҳатдан уюшиши таъминланди. Ҳудди шундай тарихий шароит Ўрта Осиё туркий қавмлари ҳаётида IX асрга келганда ўзининг юқори чўққисига чиқди. Айни вақтда турк этник қатлами орасида феодаллашиш жараёни жадал кечмоқда эди. Бу жараён олий ҳокимиятдан мустақил сиёsat юритиш учун интилаётган юқори табака вакилларининг ўзаро узлуксиз урушлари, талончилик юришлари билан бирга содир бўлмоқда эди. Чорвадор минтақаларда бу феодал бебошликларга барҳам бериш учун кучли давлат ҳокимияти керак бўлади. Ана шундай кучли давлат ҳокимияти маълум бир етакчи қабила асосида таркиб топади. Демак этносларнинг ўзаро яқинлашиш жараёнларида маълум бир этник гуруҳ етакчи роль ўйнайди. Бошқа этник гуруҳлар шу етакчи гуруҳ (қабила) атрофида жисплашиб, у билан тил ва этномаданий, ҳудудий ва иқтисодий-хўжалик жиҳатдан яқинлашиб боради<sup>4</sup>. Этногенетик

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни....160-161 бетлар.

<sup>2</sup> Малявкин А.Г. Уйгурские государства в IX-XIII вв. Новосибирск, 1983, с.215-223.

<sup>3</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни...151 бет.

<sup>4</sup> Шониёзов К.,Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001, 257 бет.

жараён ниҳоясига етганда, аниқ бир худудда жойлашган этник бирликлар маълум ривожланиш поғоналарини ўтиб, бир-бирлари билан қоришиб, бир тилда ёки бир-бирларига яқин лаҗжаларда сўзлашувчи, қарашлари кўп жихатдан умумий бўлган сиёсий уюшма ташкил топади. IX аср турк дунёсида ана шундай сиёсий уюшма Қарлуқ қабила иттифоқи эди. Бу туркий қабилалар иттифоқи худудий доирасида Қарлуқ давлати ахолисининг тили шаклланиб борди. Бу тил таниқли тилшунос Н.А. Басқаков таъбири билан айтганда, айнан қарлуқ шеваси асосида шаклланди<sup>1</sup>.

Таниқли элшунос К.Шониёзовнинг таъкидлашича, қарлуқ шевасига бошқа туркий қабила тилларига қараганда араб, суғдий, форс сўзлари олдинроқ кириб борган. Чунки, Қарлуқ-Қорахонийлар давлати таркибига кирган Еттисув, Шарқий Туркистоннинг ғарбий ўлкалари Мовароуннаҳрга туташ вилоятлар бўлиб, у ерларнинг қадимий ўтроқ ахолисининг иқтисодий ва этномаданий таъсири бу тилда ўз аксини топишига реал ва кенг имкониятлар бўлган. Мовароуннаҳрнинг Шимолий-Шарқий Фарғона қисми эса, унинг таркибида эди. Айнан мана шу тиллар муҳити таъсирида IX-X асрларгага келиб, қарлуқ тили ўзининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари билан қадимги турк (Урхун-Енисей битиклари тили) тилидан бирмунча фарқ қилган ва кейинчалик ўзбек этник номини олган туркий элатнинг тили бўлиб қолади<sup>2</sup>. Айниқса, бу тил Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида янада жадал ривожланиб, эски ўзбек тилининг шаклланишига ва ёзма ўзбек адабиётининг шакллана бошлашига олиб келади.

Қорахонийлар давлатининг илмий-маданий маркази Қашғарда фан, адабиёт ва санъат ривожланди. Юқорида қайд этилган Маҳмуд Қашғарийнинг “Девону луғатит турк” асари Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қудатғу билик” ва Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибатул Ҳақойик” асарлари биргаликда туркий ёзма адабиётнинг тамал тошини қўйиш баробарида, унинг келажагини ҳам белгилаб берди.

Маълумки, Маҳмуд Қашғарийнинг “Девону луғатит турк” асарининг тил хусусиятлари кўпроқ Еттисув, Шарқий Туркистон ва Енисей ҳавзаларида яшаган туркларнинг мақол, ашула ва тилларидан намуналар асосида курилган. Асарда Тошкент воҳаси, Фарғона ва Зарафшон водийсида яшаган турк ахолиси тўғрисида мисоллар учрамайди. Мовароуннаҳр туркларининг қадимги шимолий-шарқий эроний ва арабийлашган тил лаҗжаларидан мақол ва мисоллар олинмаган. Шунга қарамай, ўзбек тилининг туркий ўзаги Маҳмуд Қашғарий асарида тўлиқ ўз аксини топган.

Масалан, Маҳмуд Қашғарий “Девону луғатит турк” асарида келтирилган туркий сўз ва атамалар (от, киши, сўз, юз, кўк, тоғ, темир, ўғил, оғиз, кўз, ёҳоч, ош, туз, кўй, буғдой, арпа, тарик, бош, этик, эшик, юқ, йигит, ёш, ой, бағир, кўнгил, юрак, тун, кун, қуш, қурт каби номлар, узун, қисқа, куруқ, кенг, қора, қизил, қаттиқ, оғир каби сифатлар, бир, икки, минг, каби саноқлар, кес, ўтмас, эгилмас, кўринур, чиқар, тепмас, дема, кўрди, борди, тингла, тизилди каби феъллар) хозирги ўзбек тилида кенг учрайди<sup>3</sup>. Бу атама ва сўзлар туркман, қозоқ, қирғиз бошқирд, уйғур, татар ва бошқа туркий тилларда ҳам учрайди. Аммо, улар ҳар тилда ҳар хил фонетик хусусиятларга эгадир. Бироқ, хозирги туркий тилларнинг биронтаси ҳам қадимий туркий тилнинг бевосита давоми бўла олмайди. Чунки, хозирги туркий тилларнинг деярли ҳаммаси қатор ўзига хос хусусиятлари билан қадимий туркий тилдан фарқ қиласди. Уларнинг ҳар бирини шаклланишида табиий-географик ва сиёсий омиллар ҳамда муомилада бўлиб келган муайян тил муҳити ўз аксини топган. Демак, ўзбек тилининг улардан фарқ қилишида, қарлуқ-чигил лаҗжалари асосида курилган Ҳоқония тилидан ажralиб чиқишида Мовароуннаҳрдаги ўша давр ижтимоий ва сиёсий тил муҳити катта роль ўйнаган.

<sup>1</sup> Басқаков Н.А. Тюркские языки. Москва, 1961, с.170-177; Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана. “Народы Средней Азии и Казахстана”. Москва, 1962, с. 117, 119, 128, 129.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001, 89 бет.

<sup>3</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., 1951, 27Л., 1951, 27-33, 306-311; .....Ўзбек адабиёти хрестоматияси. Тошкент,.....бетлар.

Энг муҳими, XI-XII асрлар давомида Маҳмуд Қашғарийнинг “Хоқония тили” таркибидан ҳозирги замон ўзбек тилининг асослари ажраб чиқди. Шунинг учун ўзбек тили “Хоқония ўлкаси”да яшовчи туркий халқларнинг энг равон ва очиқ қарлуқ-чигил лаҳжаси асосида қурилган тилдан ва кейинроқ шаклланган бошқа қўшни туркий тиллардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қиласи. Бироқ, бу китобхонда ўзбек тилининг асосида туркий тилларнинг қарлуқ-чигил лаҳжаси ётмаган, деган маъно келиб чиқмайди. Чунки, ҳозирги замоннинг барча тиллари, тилнинг ривожланиш қонуниятига кўра, ўзга тиллар хисобига бойиб, мукаммаллашиб боради. Ҳеч бир тил ўзининг қадимий ўзагидан бевосита, бошқа тиллар таъсирисиз ривожланмайди. Бундан қарлуқ-чигил лаҳжаси асосида таркиб топган ўзбек тили ҳам мустасно эмас. Шу боис, XI-XII асрларда муайян элат тили сифатида шаклланган ўзбек тили ўзининг бой луғат фонди билан фарқ қилиб, янги сўзларни яратилиши, яъни ўзга ўзакнинг туркийлашиши билан бойиб борди.

XI-XII асрлар давомида шаклланган ўзбек халқига хос тил ўз даврининг бошқа туркий тилларидан ўзининг луғат таркиби билан ҳам фарқ қиласи. Чунки, унинг таркибида, юқорида қайд қилинганидек, араб ва форс сўз ва атамалари кўпроқдир. Шу билан бирга, араб ва форс суффикс ва аффикслари воситаси билан туркий ўзак сўзлардан янги сўзлар ҳам яратилган. Масалан, ўзбек тилида “одам”, “китоб”, “осмон”, “нон” каби араб ва форс сўзларининг кўпайиши билан бир қаторда, айрим туркий ўзак сўзларга “бे” каби аффикслар, “дор”, “зор” каби форс суффикслари қўшилиб, янги сўзлар яратилди. Натижада, ўзак “сув” сўзидан “бесув”, “қарз” сўзидан “қарздор”, “буғдой”, “арпа” сўзларидан “буғдойзор”, “арпазор” каби янги сўзлар яратилиб, ўзбек тилининг луғат таркиби жуда кўп маънодор сўзлар билан бойиди. Айрим қадимий туркий сўзлар ўрнини, яъни туркий “очун” сўзи ўрнини “олам”, “дунё”, “жаҳон” сўзлари ишғол қиласи, ёки туркча “кўк” сўзи қаторида “осмон”, “фалак”, туркча “қуёш”, “кун” қаторида “офтоб” каби сўзлар ишлатила бошланди.

Шундай қилиб, ўзбек тилининг луғат состави Мовароуннахр ва унга туташ вилоятлар доирасида қарлуқ-чигил туркий ўзакка араб ва форс аффикс ва суффиксларини қўшилиши натижасида бойиб борди ва ўзбек этносига хос тил хусусиятлари шаклланниб борди. Бунга XI-XII асрларда Ғарбий Қораҳонийлар давлати ҳудудий доирасидаги турк бўлмаган этник омиллар таъсир катта бўлган. Ўзбек тарихий тилшунослигига ҳозирги ўзбек тилининг грамматик тузилиши ва фонетикаси, морфология ва лексикасидаги асосий хусусиятлар XIII-XIV асрларда ёзилган асарларда илк бор учраганлигини асос қилиниб, ўзбек тили мустақил элат тили сифатида XIV асрда шаклланди, деган хулосага келинди.

Шундай қилиб, X асрнинг охири – XI асрнинг бошларига келиб, Мовароуннахрнинг барча ҳудудларида туркий Қораҳонийлар хукмронлиги ўрнатилди<sup>1</sup>. Эндиликда, Қашғардан Амударёгача, Шарқий Туркистоннинг катта қисми, Еттисув, Тошкент воҳаси, Қадимги Фарғона, Қадимги Суғд ва Бактрия-Тоҳаристонни ўз ичига олган катта ҳудудий географик кенглиқда Қораҳонийлар давлатини ташкил топиши ўзбекларнинг халқ сифатида узил-кесил шаклланганлигини кўрсатувчи этник белги эди.

Х асрнинг охири ва XI асрнинг бошларида Сомонийлар давлати ағдарилиб, жанубий чегаралари Амударёгача бўлган ҳудудларда Қораҳонийлар давлати барпо этилгач<sup>2</sup>, ўзбек халқи этногенези тарихида унинг халқ сифатида шаклланниши учун зарур бўлган деярли барча этник омиллар ва белгилар содир бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, маълум бир йирик ҳудудий-географик доирада моддий ва маънавий маданият бирлиги, антропологик тип бирлиги, туркий этник асосда таркиб топган ўзликни англаш ва хукмрон туркий этник асос атрофида жипслашган ва икки тиллилик белгилари асосида қурилган сиёсий давлат уюшмаси ташкил топди.

Этнологик назарий қарапарларда давлат сиёсий уюшмасини ташкил топиши муайян халқнинг узил-кесил шаклланганлигидан далолат беришини билдирган. Мана шу назарий

<sup>1</sup> Ибн ал Асир. Китаб ал-Камил фи-тариҳ. Пер. с арабского К.Б. Старковой. «Материалы по истории киргизов и Киргизии». М., 1973. Т.1, с.57.

<sup>2</sup> Ал-Утби. «Тарих-и Йамани». Пер. с перс. М.А. Салахитдиновой. В кн. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. Ташкент, 1988, с. 26-27.

қарашларга асосланган баъзи бир тарихчилар X асрнинг охири – XI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннахр ва Хоразм воҳаси худудларининг Қораҳонийлар давлати таркибига кириши муносабати билан ўзбек элати халқ сифатида шаклланди, деган хуносага келадилар. Аммо, бу йирик сиёсий уюшма, яъни Қораҳонийлар давлати буюк Туркистон элининг барча туркий халқларига тегишли, яъни ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, уйғурларнинг ҳам бирлашган давлат уюшмаси эди.

Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон худудлари ва унинг теварак-атроф худудларида камида бир ярим минг йил давом этган этногенетик жараёнлар натижасида, яъни суғдийлар, хоразмийлар, боҳтариyllар ва сакларнинг шу заминда бронза давридан бошлаб, улар билан ёнма-ён яшаб келаётган туркийзабон қабила ва қавмлари билан аралашуви, қоришуви натижасида, ўзбек халқи XI асрда тўла-тўқис, XII асрда эса узил-кесил шаклланди, дейиш мумкин. Бу этногенетик жараёнлар ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятида ҳамда ҳозирги замон ўзбекларининг жисмоний қиёфасида ўз аксини топган.

Этногенетик жараёнларнинг жадал кечиши баробарида ўзбек тилининг луғат таркиби Мовароуннахр ва унга туташ вилоятлар доирасида қарлук-чигил туркий ўзакка араб ва форс аффикс ва суффиксларини қўшилиши натижасида бойиб борди ва ўзбек этносига хос тил хусусиятлари шаклланиб борди. Бунга XI-XII асрларда Фарбий Қораҳонийлар давлати ҳудудий доирасидаги турк бўлмаган этник омиллар таъсири катта бўлган. Ўзбек тарихий тилшунослигида ҳозирги ўзбек тилининг грамматик тузилиши ва фонетикаси, морфология ва лексикасидаги асосий хусусиятлар XIII-XIV асрларда ёзилган асарларда илк бор учраганлигини асос қилиниб, ўзбек тили мустақил элат тили сифатида XIV асрда шаклланди, деган хуносага келинди.

Тарихий тилшуносликда Фарбий Қораҳонийлар давлати доирасида (Мовароуннахрда), бу даврда фан араб тилида, адабиёт эса анъанавий равишда форс тилида олиб борилгани ҳисобга олинмади. Туркийзабон маҳаллий ўтроқ аҳоли сартлар аталиб, турклар ва туркийлашган суғдийларнинг сарт тилида ёзилган Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибатул хақойик” ва Аҳмад Яссавийларнинг “Ҳикматлари” куриқ жойда пайдо бўлмаган. XIII-XIV асрларда майдонга келган ўзбек тили ёзма асарлари ана шу жонли сарт тилида ўз ифодасини топган. Шу сабабли, ўзбек тилининг шаклланишини ёзма асарлар пайдо бўлган вақт билан белгилаш нотўғридир. Элат тили ёзма асарлар пайдо бўлишидан олдин шаклланиб ривожланиши мумкин, ёзма асарларнинг пайдо бўлиши элат тилининг шаклланиш белгиси бўла олмайди.

Шундай қилиб, ўзбек тили алоҳида элат тили сифатида XI-XII асрларда шаклланди. Бу даврда Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразм воҳаларида яшовчи аҳоли орасида қадимий суғдий, хоразмий ва Хоқония тилларининг ўрнини эски ўзбек тили эгаллади. Бунга XIII асрда Хоразмда туркий тил грамматикаси яратилганлиги, Тошкент шаҳрининг эски суғдийча номи “Бинкет” “Тошкент” атамаси томонидан суреб чиқарилгани, Мовароуннахр ҳудудларида жуда кўп шаҳар ва қишлоқларнинг номи – “Туркистон”, “Намудлиғ, Абрлиғ, Арпалиғ, Сойлиқ, Итлиқ, Хотунқат, Барскат, Жабгуват, Арсланқат, Йағузлиғ, Йақалиқ, Ачиғ, Жадғал (Чатқал), Чимкент”, “Сайрам”, “Ўзган”, “Кумқўрғон”, “Каттакўрғон” каби туркий атамалар билан ифода этилиши далил бўла олади<sup>1</sup>.

### Назорат саволлари:

1. Этнография фанида “уроф” қандай бирлик саналади?
2. “Қабила” этник атамасига таъриф беринг.
3. Тарихий манбаларда массагетлар ва саклар ҳакида қандай маълумотлар мавжуд?
4. Ўрта Осиё халқлари этногенезида туркий ва форсий этник бирликлар симбиози масалалари.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927, с.83.

5. Милоддан аввалги II-I минг йилликларда Ўрта Осиё худудлари этник манзараси қандай эди?
6. Милоднинг IV-VII асрларида Ўрта Осиёда содир бўлган этник жараёнлар ҳақида нималарни биласиз?
7. IX-XII асрларда Ўрта Осиёлик туб аҳоли таркибидаги этник ўзгаришлар ва бу борадаги замонавий тадқиқотлар?
8. Ўзбек халқининг этник шаклланиши босқичлари хусусида фандаги янгиликлар?
9. XVI асрларда Ўрта Осиёда юз берган этник жараёнлар ҳақида мулоҳаза юритинг.
10. “Ўзбек” атамасининг пайдо бўлиши ҳақида замонавий илмий қарашлар.

#### **Адабиётларрўйхати:**

1. Абдурахмонов Ф. Ўзбек халқи ва унинг шаклланиши ҳақида. –Т., 1999.
2. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. –Т., 1992
3. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихидан // Халқ таълими. 1996.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. –Т., O‘zbekiston. 2015.
5. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т., 2007.
6. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. –Т., Нур, 1999.
7. Аширов А., Отажонов Ш. Этнология. Ўқув қўлланма. –Т., 2008. 176 б.
8. Аширов А. Этнология (Дарслик). –Т.: 2013.
9. Бўриев О. Этнография фани бўйича ўқув-методик қўлланма. –Т., 1999. .
10. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. –Т., 2003.
11. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т., 1996.
12. Шаниязов К. Қарлук давлати ва қарлуклар. –Т., 1999.
13. Этнология (Этнография). Учебник. –М. Юрайт, 2014.
14. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. Фарғона. 2013.

#### **5 - Мавзу: Мустамлака даври тарихининг долзарб масалалари.**

##### **Режа:**

1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-маърифий ҳаёт.
2. Россия империясининг Туркистонда юритган таълим сиёсати ва унинг мустамлакачилик мазмуни.
3. Жадидчилик ҳаракатининг ўлка халқлари миллий уйғонишида тутган ўрни.

**Таянч тушунчалар:** XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари. Туркистонда Россия Империяси мустамлакачилик сиёсати ва унинг замонавий талқини. Ўлка халқлари миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги. Жадидчилик, ўлка жадид намоёндаларининг маданий-оқартувчилик фаолияти. Қадимчилар ва миллий тараққийпарвар-ислоҳотчилик оқими.

1. XIX асрнинг 50-80-йиллари давомида Марказий Осиё тўлалигича Россия империяси томонидан босиб олинди. Мавжуд Қўқон хонлиги 1876 йилдаёқ бутунлай тутатилди, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги мустақилликдан маҳрум этилиб, Россия вассалига айлантирилди. 1867 йил 14 июлда Россия подшоҳи Александр II фармони билан Туркистон

генерал-губернаторлиги таъсис этилди, унинг биринчи генерал-губернатори этиб генерал фон Кауфман тайинланди. У чексиз ҳуқуқларга эга бўлиб, фақат Россия подшоҳигагина бўйсунар эди. Номидан кўриниб турганидек, бу ҳукумат ҳарбий кучга асосланган эди, унинг ҳукмдорлари ҳам ҳарбий эди, генерал-губернаторлик тасарруфидаги областлар, уездлар, волостлар началниклари – ҳаммаси ҳарбий хизматчилардан, юқори унвонли зобитлардан тайинланарди, генерал-губернатор албатта генерал унвонига эга бўлар эди. Туркистон ўлкаси катта ҳарбий куч билан занжирибанд этилди. Генерал-губернаторлик Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспий орти вилоятларини ўз таркибида олиб, Тошкент унинг пойтахтига айлантирилди.

Ерли юқори табақа намояндалари давлатни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар, бу уларнинг нафақат сиёсий фаолиятларини, балки иқтисодий имкониятларини ҳам чеклаб кўйди. Улар орасида Ватан, ҳалқ мустақиллигини муқаддас билувчи, унинг озодлиги учун курашга тайёр турган фидойилар ҳам кўп эди. Тарих ҳужжатларига эътибор беринг: “Илгари ҳукмронлик қилган нуфузли табақаларнинг оддий кишиларга айланиш жараёни жуда қийин ва аламли кечмоқда. Шунинг учун тасодифий ҳодисаларнинг бўлишини назарда тутган ҳолда маҳаллий аҳолини қаттиқ назорат остида сақлаб туриш зарур. Янги тартиб ва қонунлар орқасида уларнинг фақат жамиятдаги мавқеига эмас, балки вақф ерларидан олинадиган даромадларининг қисқартирилиши натижасида иқтисодий манфаатларига ҳам зиён етказилди”.

Генерал-губернаторлик айниқса ҳалқўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган ҳурфикрли зиёлиларни, шоирларни ҳамма вақт таъқиб остига олди, уларни ўз манфаатлари учун хизмат қилдиришга тиришди, баъзан очикдан-очиқ мустамлака тузумини мадҳқилувчи, ўтмишни қора бўёқларда тасвирловчи асарлар ёзишни топширди. Бундай асарлар учун губернаторлик муассиси “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларидан мухаррири миссионер Н.Остроумов катта ўрин ажратди. 1880-1890-йилларда ва ундан кейин ҳам маҳаллий зиёлиларнинг ички Россияга – Петербург ва Москва шаҳарларига саёҳатларини уюштирилар. Шу давр “Туркистон вилоятининг газети”ни варақлар экансиз, Сатторхон Абдуғаффоров, Муҳиддинхўжа қози Ҳакимхўжа қозикалон ўғли, Ҳожи Муҳаммад Зухур, Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғли, Сайдрасул Сайдазизов, Камолиддин Қаҳхоров ва бошқаларнинг саёҳат таассуратлари узлуксиз босилиб турганлигининг гувоҳи бўласиз. Булардан асосий мақсад Россиянинг ва марказий шаҳарларининг шаън-шавкатини, қудратини кўз-кўз қилиш, мустамлака ҳалқи онгига Россияга нисбатан тобелик руҳини сингдириш эди.

Уларнинг газета саҳифаларида эълон қилинган сафар таассуротлари билан чуқурроқ танишар эканмиз, зоҳиран, мутаассибликни, феодал қолоқликни кескин танқид қилиб, мустамлакачиларга маъқул бўладиган тарзда Россия шаҳарларини кўкларга кўтариб мақтасалар-да, рус мустамлака сиёсатининг миллатни руслаштиришдек ўта маккор, қабиҳ сиёсатига ўз улушларини қўшаётгандек кўринсалар-да, ботинан мутафаккирлар ўз ҳалқини таракқий этган ҳалқлар даражасида кўришни орзу қилдилар. Бунинг учун замонавий таълим масканлари, ҳатто олий ўқув юртлари (олий мадрасалар) ташкил қилиш кераклигини уқтирилар. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Шарифхўжа қози ҳам, Муҳиддинхўжа қози ҳам, Инъомхўжа оқсоқол ҳам, Саттархон ҳам 1892 йил-Тошкентда юз берган ҳалқ озодлик ҳаракати – “Вабо кўзғолони”нинг раҳбарлари сифатида сургун қилиндилар ва таъқиб остига олиндилар. Демак, уларнинг ҳалқ онгини оқартириш ва шу йўл билан мустамлака исканжасидан озод қилишга қаратилган ҳаракатлари чор мустамлака сиёсатига бутунлай зид эди. Архив ҳужжатларига эътибор беринг: Сирдарё обlastи губернатори Н.Гродеков Туркистон генерал-губернатори А.Вревскийга 1892 йил 24 июн воқеалари бўйича қўйидагиларни хабар қилган: “Жаноби олийларига шуни маълум қилиш шарафига ноилманки, мавжуд маълумотларга кўра 24 июн воқеаларига олиб келган ҳаракатнинг энг асосий бошлиғи ва ҳақиқий сабабчиси эски шаҳарнинг собиқ оқсоқоли Инъомхўжа Умриёхўжаев бўлган... Мазкур ерли кишининг энг яқин шериклари юзбоши Аҳмадхўжа ва унинг кудаси Усмонхўжадан ташқари Шайхованд Тахур даҳасининг қозиси Шарифхўжа ва

бошқалар бўлган. Ана шу барча кишиларнинг заарли агитаторлик таъсирини 24 июн воқеаси содир бўлган куниёқ билдим ва уларнинг барчасини қамоққа олиш тўғрисида буйруқ бердим”<sup>1</sup>.

Маълумки, шўролар даврида Фурқат маърифатпарварлиги, унинг педагогик қарашлари хақида гап кетганда, тадқиқотчилар кўпроқ унинг “Илм хосияти”, “Гимназия”, “Акт мажлиси хусусида”, “Виставка хусусида” каби шеърларидан иқтибослар келтирадилар ва шоирни рус илм-фани, маданияти ва таълим-тарбия тизимини кўкларга кўтариб мақтовчи шоир сифатида баҳолайдилар. Бу билан Фурқат Россия Ўрта Осиёга нисбатан маданийлаштирувчи рол ўйнади, деган хulosага келди, фикрини баён қиласидилар. Албатта, бу фикр шўролар мағкураси андозалари асосида айтилган, у даврда бундан бошқачароқ фикр айтиш мумкин эмас эди. Бу масалани баҳолашда Фурқатнинг 1889-1891 йилларда генерал-губернаторлик доирасидаги мавқенини эътибордан сокит қилиш мумкин эмас, у мустамлакачилар муассиси “Туркистон вилоятининг газети” таҳририятида Николай Остроумов қўли остида ишлар, шунинг учун губернаторлик доирасида бўлган катта йиғинларда ҳам иштирок этар эди. Унинг ўша даврнинг ўзбек тилидаги ягона газетаси “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида эълон қилинган, юқорида номлари тилга олинган шеър ва манзумаларида, мақолаларида рус босқини хақида, унинг ўзбек ҳалки бошига ёғдирган фожиалари хақидаги ўзининг рўй-рост фикрларини айтиши мумкин эмас эди. Кейинги даврларда, айниқса, мустақиллик даврида Фурқатнинг рус босқинига муносабати, умрининг ўн саккиз йили ғурбатда, ватанжудоликда ўтиш сабаблари, Фурқат маърифатпарварлигининг ўзига хос хусусиятлари анча хаққоний далиллар асосида баҳоланмоқда. Шоирнинг янги топилган, унинг тўпламларига кирмаган кўпгина шеърларида Фурқат “сиёсати рус” туфайли “Куффор (кофирлар) банди ичра” қолган бечоралар ахволига Оллоҳдан раҳм-шафқат илтижо қиласиди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги фаолиятини назорат қилиш учун чор ҳукуматининг сийсий агентураси ташкил этилди. Бу билан уларни ҳам ички, ҳам ташки сиёсатда Россияга тўла бўйсундирди.

Россия мустамлакачилик сиёсати Англия, Франция мустамлакачилик сиёсатидан анча фарққилар эди. Улар ички Россиядан юз минглаб оч-яланғоч мужикларни ўлкага кўчириб келтирдилар, ҳосилдор ерларга, ерли аҳолини яшаб турган жойларидан ҳайдаб чиқарип, ўрисларни жойлаштирудилар: ана шу тарзда, 1906-1913 йилларда Туркистонда 116 та рус посёлкаси вужудга келди. Бу посёлкаларни ташкил этган мужикларнинг 36,7 фойизи ҳеч қандай мулксиз, 60,9 фойизи эса, ҳатто сариқ чақасиз келган эди. Бу сиёсат айниқса шўролар даврида авжга чиқди. “Келгинди ўрис мужиклари ерли ҳалқа нисбатан бой бўлиши керак” деган шиор Россия мустамлакачилик сиёсатининг асосини белгилади ва уларга яхши яшаш учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди. Мустамлака ҳукумати ерли аҳолини руслаштириш, ўз нуфусини ўлкада мустаҳкамлаш, ерли аҳолини феодал қолоқликда ушлаб туриш учун шу ўрис келгиндиларга суюнди.

Марказий Осиёнинг Тошкент, Кўқон, Фарғона, Самарқанд, Чимкент, Туркистон каби шаҳарларининг ўрис зобитлари, йирик бошқарув маъмурияти хизматчилари яшайдиган ҳашаматли қисми пайдо бўлди, уларнинг фаровон яшашлари учун ҳамма шароитлар: боғлар, чароғон кўчалар, театрлар, маданият ва маърифат, таълим-тарбия масканлари яратилди. Шаҳарларнинг бу қисмига маҳаллий аҳоли киритилмади, фақат энг қора ва оғир ишларгина маҳаллий аҳолига раво кўрилди. Ота-боболаримизнинг айтишларига қараганда, Тошкентнинг генерал фон-Кауфман хиёбонига (ҳозирги Амир Темур хиёбони) шундай шиор катта-катта ҳарфлар билан ёзиб кўйилган экан: “Сартам-собакам ходить запрехен!”. Бу ҳол Абдулла Қаҳҳорнинг “Томошабоғ” хикоясида ҳам ўз ифодасини топган.

1907 йилнинг охирларида Туркистон ўлкасига саёҳат қиласига, ўлканинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Кўқон каби йирик шаҳарларида бўлиб, уларнинг етакчи зиёлилари билан якин мулоқотда бўлган, чор Россиясининг Туркистонда олиб бораётган даҳшатли мустамлакачилик сиёсатини ўз кўзи билан кўрган татар ёзувчиси, (келиб чиқиши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви. Фонд № 723, д. 4, 7-саҳифа.

ўзбек) маърифатпарвар ношири, Петербургда “Улфат” газетасининг муҳаррири Абдурашид қози Иброҳимов ўз эсдаликларида ёзиб қолдирган эди: “Тошканд бундан ниҳоят қирқ йил муқаддам бир мусулмон мамлакати бўлиб, бугун Русиянинг бир вилояти ва умум Туркистон ҳам Фарғона ва Сирдарё вилоятларининг марказидир. Тошканд хорижда бир шаҳар деб тасаввур қилинса ҳам, бу ерда у икки мамлакат каби икки даҳага бўлинган, бир шаҳар бўлгани ҳолда икки хил идорага бўлинур: яъни у Русия даҳаси, ахли ислом даҳаси деб юритилур. Рус Тошкандида ғоят тартибли бино ва савдо уйлари, текис уйлар, электр нурларида сайр қилиб юришлар Оврўпонинг бир намунасиdir. Аммо ислом Тошканди аксинча, бундан беш юз йил аввал қандай аҳволда бўлган бўлса, ҳамон ўша аҳволдадир, илк баҳорда, баҳор охирида шаҳар ичидаги уйлардан пиёда юриб ўтишнинг ҳам иложи бўлмай қолади. Буни ҳатто сўз билан ҳам таърифлаб бўлмайди, чунки бу йўлларда фақат от-улов билангила юриш мумкин бўлиб қолади. Ҳолбуки, бир шаҳардир. Умум аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардир. Даромад асосан мусулмон қисмидан олинур. Фақат христиан идораларига сарф қилинур. Ҳокимият қуввати русларда, мамлакат даромади ва ерга эгалар ҳам улардир, рус қисмларидағи йўлларга умум даромаддан пул ажратилади, аммо исломий қисмдагиларнинг йўллари нима бўлса бўлсин, бир сўм ҳам сарфламайди, на бир текис йўл, на бир чироқ бор, ҳеч вақо йўқ... Ҳақиқатни яна ҳам очик англамоқ учун бу ерда қуидаги фикрни кўрайлик: Тошканд аҳолиси жами 200000 киши ҳисобидан бўлиб, булардан 18 фойизи христианлар, бошқаси мусулмонлардир. Тошканд шаҳар идорасида жами 72 аъзодир, булардан 24 мусулмонлар, қолганлари христиандир. Шу ҳолда инсонийлик ва тенглик, ўзаро муомала-муносабатлар қаерда қолди”<sup>1</sup>.

Губернаторлик ўлкада мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш учун баъзи бир маърифий-маънавий тадбирларни амалга оширишга киришади. 1870 йилда рус тилида “Туркестанские ведомости”, 1871 йилдан биринчи бор ўзбек тилида “Туркистон вилоятининг газети” чиқарила бошланди. Газетага 1871-1883 йилларда генерал-губернатор таржимони Шоҳимардон Иброҳимов, 1883 йилнинг бошида қисқа муддат Муҳаммад Ҳасан Чанишев, 1883-1917 йилларда-34 йил узлуксиз ашаддий миссионер Николай Остроумов муҳаррирлик қилди. Газетада рус маданияти, урф-одатлари, тарихи зўр бериб тарғиб этилди, бу ишда Н.Остроумов фармонбардорлик қилди. Ушбу газетада узоқ вақт Сатторхон Абдуғаффоров, тарихчи Мулла Олим Маҳдум Ҳожи фаолият кўрсатди. Газета ҳар йили Тошкентни босиб олиш санасини катта тантана билан нишонлаган, маҳаллий аҳолини бу “тантанали байрам” билан табриклигар, истило қатнашчилари, “уруш фахрийлари” билан маҳаллий халқ учрашувларига бағишлиб тантанавор мақолалар эълон қилган.

“Туркистон вилоятининг газети” ерли аҳолини руслаштириш сиёсатида, рус урф-одатларини, рус-тузем мактабларини тарғиб-ташвиқилиш ишида катта фаолият кўрсатди. Газетанинг умумий сиёсий ўйналиши ҳақида Зиё Саид қуидагиларни ёзган эди: “1884 йилда Туркистон генерал-губернатори бўлиб тайинланган Рузенбахнинг фармони билан 1885 йилдан бошлаб газетанинг бир томони русча бўлиб чиқади. Бунинг сабабини газета муҳаррири (бу вақтларда энди Остроумов муҳаррир) бундай деб кўрсатади: “Чунончи, ул баланд даражалик ўтган йил Самарқанд ва Фарғона музофотларига бориб қайтиб келгандан сўнгра мен газет муаллифига меҳрибон бўлуб айтиб эрдиларким, Туркистон вилоятидаги бул газетни ўқуйдурғонлар ва ҳам бир озгина Русия хатини танийдурғон одамларға фойда еткурмоқлиқ учун бул газетни келадурғон йилда Русия тилида таржима қилиб чиқарилса яхшироқ бўладур деб...”. Рузенбах Туркистон генерал-губернатори бўлиб белгилангандан кейин, газета бетида “Ерликлар учун рус мактаблари керак” деган мавзуда ёзилғон мақола ва хабарлар кўрина бошлайди. Яъни руслашдириш сиёсати ва ерлик халқдан чор чиновниклари ҳозирлар масаласи шу Рузенбах келгандан кейин матбуот майдонига яна кескинрок қўйилади. Бу нарса шуни кўрсатадиким, газетанинг бир томонини русча қилиб чиқариш, мана шу масала теварагида килинаётган ишлар ва кўрилаётган чораларнинг мағзини чайнаб кўришдан ибратдир. Бутун сарлавҳаларни русча қўйиш (шу йиллардан бошлаб бутун мақола

<sup>1</sup> Abdurashid Ibrahim, 20 Aşrin Boslarında Islam Dunyasi va Japonya'da İslamiyet. Istanbul, 1987, s. 37-38.

ва хабарларнинг сарлавҳалари русча қўйила боради) рус тилини умумлаштириш учун бўлса керак”<sup>1</sup>.

Мустамлакачилар ўлкага фақат моддий зарап келтириш билан чекланмадилар, унинг маънавиятини, тилини, динини, миллий хис-туйғуларини оёқости қилдилар. Қадимий шаҳарларимиздаги осори-атиқалар, ноёб қўлёзма асарлар Петербург, Москва шаҳарларига бетиним ташиб кетилди. Булар орасида мусулмон дунёсининг муқаддас китоби “Усмон Қуръони” ҳам бор эди. Бу ҳақда маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат қуидагиларни ёзган эди: “Ҳазрати Усмон, разиоллоҳу анҳу, Қуръони қадимий кўфий хати или китобат қилдилар. Ул каломи Оллоҳни соҳиби Қуръон Амир Темур Курагон Исломбулни олганда хазина бўлиб, Самарқанд шаҳрига келтурган, ўз ҳузурида муҳофазат қилиб, фавтидин сўнг Ҳазрат Шоҳизиндагинларига, андин подшо Русия императорлар олдуруб, Петербург шаҳрида сакланмоқда”<sup>1</sup>.

1873 йилда генерал фон Кауфман Хоразм хонлигини истило қилган вақтда, истилочи қўшинлари сафида шарқшунос профессор А.Л.Кун ҳам қатнашган. У истило вақтида қўлга киритилган мингга яқин ноёб қўл ёзма китобларни, хужжатларни рўйхат қилиб, уларни таснифлаган ва Петербургга олиб кетган. Ушбу қўл ёзмалар орасида Абулғози Баҳодирхон, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳийларнинг ўнлаб асарлари бўлган.

Маънавий обидаларимизни ташиб кетишида В.В.Бартолд, Н.И. Веселовский, А.Л.Кун Н.Петровский, А.Н. Самойлович каби шарқшуносларнинг “хизмати” катта бўлган. Этнограф, архиолог Ақрам Аскаровнинг турли даврларга мансуб 14000 танга ҳамда 200 дан ортиқ нодир қўлёзма асарлар коллекциясини Петербургга жўнатишда Н.И.Веселовский бош-қош бўлди. А.Аскаровнинг бу хизматларини Россия археология жамияти кумуш медал билан тақдирлади. Мана шундай арzon-гаров унвонлар, орден-медаллар учун баъзи бир ҳамюрларимиз халқимизнинг ноёб осори-атиқаларини, ўлмас асарлар қўлёзмаларини босқинчиларга кўшкўллаб топширдилар.

Тошкент шаҳар, Себзор даҳаси қозиси Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли ҳамда генерал Жўрабек Додҳоҳ вафот этганда, В.В.Бартолд уларнинг кутубхонасидаги нодир китоблар билан қизиқиб, айниқса Муҳиддинхўжа қози кутубхонасидаги жаҳонда ягона нусха ҳисобланган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, ноёб қўлёзма “Тарихи Табарий” асарларини қандай бўлмасин, хукumat тасарруфига ўтказиш ҳакида Н.Остроумовга ёзган хатларида қайта-қайта таъкидлаган эди.

Ноёб қўлёзма асарларнинг келгиндилар томонидан ташиб кетилишига қарши Оренбургда Фотих Каримий муҳаррирлигига чиқадиган “Вақт” газетаси ҳам катта ташвиш билан қуидагиларни ёзган эди: “Бу ерда (Туркистонда) улкан эски асарлар очкўз мужовур (қўшни)лар тарафиндан Оврупа сайёҳларина йўқ-бор ақчалар баробарина ва рус маъмурларина ҳадя эдиланарак верулуб битмушдур... Азиз ва нодир асарларнинг бўйла равища талоғ үлмоқлари учун таассуф этмояни кимса инсон дагилдур”<sup>1</sup>.

1909 йилда Оренбургда чиқадиган “Шўро” журналининг 2-сонида Аҳмаджон Бектемиров “Туркистон вилояти” номли мақоласида Хива, Бухоро, Самарқанд каби мусулмон оламининг йирик шаҳарларидаги осори атиқа ва маданият обидаларига рус музикларининг муносабати ҳакида куюниб ёзган эди: “Тамоман муҳожир руслар келуб, ерлашуб битгандан сўнг керакли ва осори отқага мансуб шайлар йўғолуб битажагина шубҳа йўқдур. Чунки муҳожир музик руслар мусулмонларга нисбатан мутаассиб ва жоҳиллардр. Шул сабабли тарихга оид ўлган шайлар қадрсиз ўринларда қолажак, ёки бутун-бутун маҳв ўлажаклардур”.

Марказий Осиё чор Россиясининг тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлайдиган асосий хом ашё базасига айлантирилди. Пахтага бўлган эҳтиёжнинг кун сайин ошиб бориши пахта тозалаш, ёғ, совун заводларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ўлкада маҳаллий

<sup>1</sup> ЗиёСайд. Ўзбеквақтлиматбутотитарихигаматериаллар, Самарқанд-Тошкент, 1927, 22-бет.

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Жомеъул-хутут, Наманган, “Матбааи Исҳоқия”, 1912 йил, 16-бет.

<sup>1</sup> “Вақт” газетаси, 1907-йил, 213-сон.

пахтачи, заводчи бойлар, Россиянинг марказий шаҳарлари билан алоқа қилувчи “масковчи” бойлар пайдо бўлди. Рус капиталистларига рақобат қилувчи нисбатан анча заиф бўлса-да, маҳаллий буржуазия пайдо бўлди. Масалан, Фарғона вилоятидаги катта-кичик 157 та пахта тозалаш заводининг 107 таси маҳаллий буржуазия қўлида эди. Ўлкада капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши билан ярамас, ўта салбий иллатларни ҳам олиб келди. Бу иллатлар маҳаллий халқ ахлоқига кучли салбий таъсир кўрсата бошлади: меҳмонхоналарда, ресторанларда ифлос ишлар билан шуғулланиш, “доим фиён” (И.Ибрат) бўлиб юриш ҳоллари вужудга келди. Бу ҳақда академик В.В.Бартолд қуйидагиларни ёзади: “Ерли аҳолининг руслар билан яқинлашиши, рус тилини ўрганиши натижасида рус ҳаётининг асосан ташқи, салбий томонларини ҳам ўзлаштирилар. Фаҳш ҳаёт кечиришга, вино, пиво ичишга ўргандилар...”<sup>2</sup>. Бунинг устига, Россия ҳукумати ҳам мустамлака ўлка халқлари маънавиятини, диний эътиқодини бузиш учун ароқ, вино ва пиво билан савдо қиласидан махсус дўконлар тармоғини кенгайтириди, фоҳиша аёлларнинг ўлкага оқиб келишига катта имкониятлар яратди. Махмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмасидаги фоҳиша аёл Лиза ва ресторан ходими Артур, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Мария Острова, Ойбекнинг “Қутлуғқон” романидаги ресторан фоҳишалари образида Россиянинг ушбу сиёсати фош этилгани тасодифий ҳол эмас.

Мустамлакачилар маҳаллий халқ урф-одатларини, диний ақидаларини менсимаслик йўлидан бориб, ислом дини обидаларини вайрон қилдилар, улар ўрнида православ черковларини бунёд қилдилар. Бу билан улар Туркистон ўлкасида инсонлар онгидан ислом маърифатини сиқиб чиқариш мақсадини ўз олдиларига қўйдилар. Генерал М.Черняев Туркистон шаҳрини босиб олиш жараёнида Аҳмад Яссавий мақбарасини тўпга тутди, тўп излари битмас чандик каби ҳозир ҳам сақланиб қолган. Робия Султонбегим мақбарасини эса вайрон қилиб, ғиштларини казарма қурилишига ишлатгани маълум. 1868 йилда генерал-губернатор фон-Кауфман бошчилигига Самарқандни босиб олган мустамлакачилар Улуғбек, Тиллакори, Шердор каби мусулмон оламининг донгдор мадрасаларини казармага айлантирилар, отхона сифатида фойдаландилар.

Асрлар давомида мусулмон оламида аълам, муҳтасиб, раис каби лавозимлар бўлган. Бу мансабдорлар бозордаги нарх-навони текшириш билан бирга, одамларнинг хулқ-атфорини, вақти-бевакт кўча-кўйда бекор юрувчи эркагу аёлни, айниқса, мактаб ва мадраса ёшидаги йигитларни назорат қилиб турган, ҳатто жазолаган ҳам. Шу йўл билан ичкилиkbозлиқ, фоҳишабозлик, киморбозлик каби нопок ишларнинг олди олинган. Мустамлакачилар бу лавозимларни бекор қилдилар, бу ҳам миллат ахлоқига кучли салбий таъсир кўрсатди.

Рус мустамлакачиларининг Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомига кўра қозилар суди сақланиб қолди. Бу билан чоризм ерли халққа нисбатан “одил”, ўзини ерли халқлар “паноҳи” қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Лекин давлат аҳамиятига эга бўлган жиноий ишлар қозилик судида кўриш ман этилди. Шу билан бирга, қозилик лавозимига сайловлар ўtkазишни жорий қилди. Олдин бундай масъулиятли лавозимга асосан мадрасани хатми кутуб қилган, шариат, фикҳ илмидан катта маълумотга эга бўлган маҳаллий зиёлилар хонлар, ҳокимлар томонидан махсус текширув билан тайинланар эди. Энди эса мустамлакачилар бу лавозимни ҳам ўз тасарруфига олдилар, бу мансабга сайланиш учун пораҳурлиқ, ришватни авжга чиқардилар, сайлов уларнинг бойиш манбаига айланди. Натижада, кўп ҳолларда бу маҳаллий лавозимга нопок, илмсиз одамлар сайланиб қолар эди. Бу вазият маҳаллий зиёлиларнинг норозилигига сабаб бўлар эди. Қарийб 25 йил давомида Тўракўрғон туманида қози лавозимида ишлаб келган Исқоқхон Ибрат бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Положенияда 223-бобида зикр қилингандурки, эътибори бор, етти кундан зиёда ҳибс бўлмаган, ўттиз сўмдан зиёда иштараф тўламаган, ёши йигирма бешдан паст эмас одам (қози) бўлур экан. Олим ё оми, аҳмоқ ё доно киши, ё шариат биладурган ва ёки низом биладурган демаган... Кўрасиз, кимларни(нг) қўлларига бул катта шариат ҳукмини топширадурлар. Фикр-андиша қиласурдурган киши йўқ. Андиша қиласурдурган одамни

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Сочинения в девяти томах, II том (часть 2). Москва, 1963. С.345.

одам ҳам ҳисоб қилмайдилар. Положения бобига мувофиқ элликбоши деган кимгаки шар кўб тушса, ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положенияга мувофиқ. Положенияда шариат биладурган мулладан деган эмас экан. Уларга ким ва нима бўлиши ҳам даркор эмас экан! Бефикр ўтасанг, эй дўст, мухтожи нон ўлурсан.<sup>1</sup>

Мустамлакачиларнинг бундай лўттибозликларини уларнинг йирик мафкурачиси Н.Остроумов ҳам эътироф этиб ёзган эди: “Рус маъмурияти ерлик аҳолига сайлаш ҳуқукини берган, бироқ шаҳар бошлигининг тавсиясига кўра сайловларни област губернатори тасдиқлаш (санкция бериш) ҳуқукини ўзида сақлаб қолган эди. Бунда шаҳар ҳокими ва шаҳарнинг ерликлар яшайдиган қисмининг полицмейстери сайловчилар томонидан кўрсатилган номзоднинг шахсий мустақил характеристи билан ажralиб турмаслиги, рус маъмурияти қўлида итоаткор курол бўлиши ғанини ейдилар, холос. Агар номзодлар орасида маъмуриятга ёқмайдиган номзод кўрсатилиб қолса, бирор баҳона топиб, уни сайлашга қўймайдилар”<sup>2</sup>.

Маълумки, мактаб-мадрасаларни асрлар давомида иқтисодий жиҳатдан таъминловчи асосий манба вақф мулклари эди. Вақф айrim мулкдорлар томонидан диний ва хайрли ишларга ажратиладиган мулкдир. Унга ер-сув, тегирмон, карвонсарой, ҳаммом, дўкон каби даромад келтирувчи кўчмас мулклар киради. Мустамлакачилик тартибига кўра вақф мулклари давлат тасарруфига ўтгач, мактаб-мадрасалар иқтисодий таъминот манбаидан маҳрум бўлдилар. Вақф мулкларидан келадиган даромадга ҳам мустамлакачилар эгалик қила бошладилар. Маҳаллий мактабларда факат диний илмларгина ўқитилиб, аниқ фанларни ўқимоқчи бўлгандар улардан элементар маълумот берувчи рус-тузем мактабларида ўқиш жорий этилди. Натижада, миллий мактаб йўққа чиқарилди. Бу ҳол узоқни кўра оладиган ўзбек зиёлиларининг норозилигига сабаб бўлди.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб мустамлака Туркистон ўлкасида янги ўйналишдаги маърифатпарварлик вужудга келди. Бу ўйналишнинг тепасида Аҳмад Дониш, Комил Хоразмий, Сатторхон Абдуғаффоров, Шарифхўжа Пошшоҳхўжа ўғли, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли, Хўжажон қози Рожий Марғиноний, Жўрабек доддоҳ Қаландаркори ўғли, Инъомхўжа Умриёхўжа ўғли, Исҳоқхон тўра Ибрат, Саидрасул Саидазизов каби етакчи зиёлилар ва жамоат арбоблари турдилар. Улар ўз амалий ва ижодий фаолиятларида рус тилини чуқур ўрганиш, шу орқали ривожланган Орупо маданияти ва илм-фанини эгаллашга унадилар. Бу билан улар халқнинг ўзлигини таниши, охир оқибатда мустамлака исканжасидан озод бўлиш мақсадларини кўзладилар. Маърифатпарварларнинг бундай фаолияти, биринчидан, мустамлакачилар сиёсатига бутунлай зид бўлиб, уларнинг таъқиб ва тазиикларига учраган бўлса, иккинчидан, маҳаллий мутаассибларнинг “Исҳоқ кофир” (Исҳоқхон Ибрат), “Чўқинди қози” (Сатторхон Абдуғаффоров), “Насора маҳзум” (Саидрасул Саидазизов) каби дашномларига, бўхтонларига дучор бўлди. Аммо буюк олижаноб мақсад туфайли улар ҳар қандай тўсиқларни мардонавор енгиб бордилар. Юқорида номлари тилга олинган мутафаккирлар мустамлака Туркистоннинг ягона газетаси “Туркистон вилоятининг газети”дан ўзларининг эзгу орзуларини халқка етказиш учун минбар сифатида фойдаландилар. Бу ҳақда Сатторхон Абдуғаффоровнинг куюниб айтган сўзларига эътибор беринг: “Биз таворих китобларидан кўрамизки, ҳар бир халқ ўзларига яқин ҳамсояларидан ҳар навъ илмларни ҳар вакт ўрганиб ва ҳам ўзларига яқин мамлакат халқига ўргатиб келганлар. Аммо биз Туркистон вилоятидаги мусулмон халқи ўз илмимизни даражали камолга еткурмок ул тарафда турсун, балки бурунғи илмларимиз ҳосил қилган ва ошкоро этган китобларни ҳам аксарларини яхши ва тоза фаҳмламайдуғон бўлуб қолғанмиз. Аввало бизларға лозимдурким, обо ва аждодларимизни тараддулари бирлан ошкоро бўлунғон илмларни таҳсил қилмоқча ружу қилмоқ. Чунки бизларга уят ва айбдурким, бизларнинг бурунғи олимларимиз илм бобида баланд даражада туруб, ҳатто бошқаларға таълим бериб турган бўлсалар, бизлар ҳамма халқдан ул бобда пастлик мақомида қолсак. Иккинчи, мазкур

<sup>1</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1910 й., 21 март, 22-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, 1009-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 33-саҳифа.

мақсудни ҳосил қилмоқда ўрусия тилини билмоқхам ҳеч бир заар өткүрмас эди, балки фойда өткүрүр эрди. Чунки ўрусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари топқон илмлар ва бошқа халқдан ўрганган илмларни бизлар ҳам билиб, тирикчилигимизга нафъи етадурган илмларни бизлар ҳам ўз фойдамизға жорий қилур эрдук”<sup>1</sup>.

Тошкентдаги Себзор даҳаси қозиси Мұхиддинхұјжа Ҳакимхұјжа ўғли чор маъмурларининг мустамлака халқни нодонлиқда, жаҳолатда сақлашдек қабих сиёсатига қарши халқ фарзандларини илм-маърифатли қилиш йўлида жонбозлик қўрсатди. У рус тилини ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида 1885 йили 3-рус-тузем мактаби учун маҳсус бино қуриб берди. (У вақтларда рус-тузем мактабларининг бирортасида маҳсус ўқув биноси йўқ эди.).

Миллат келажагида аниқ фанларнинг буюк аҳамиятини тушуниб өтган машҳур маърифатпарвар Шарифхұјжа Пошшохұјжа ўғли XIX асрнинг 90-йилларида Эшонқули додхоҳ мадрасаси мударриси сифатида мадрасаларда физика фанини ўқитиш масаласини кун тартибиға қўйди, физикадан тажрибалар ўтказиш учун физикавий асбоблар йўқлигини ҳукумат маъмурияти доирасига олиб чиқди<sup>2</sup>. Албатта, миллат истиқболида мұхим аҳамиятга эга бўлган бундай таклиф мустамлака маъмуриятига маъқул тушмади ва эътиборсиз қолиб кетди.

XIX асрнинг 80-90-йилларида фаолият қўрсатган, юқорида номлари тилган олинган маърифатпарварларнинг деярли барчаси генерал-губернаторлик эътиборидаги турли мансабларда бўлган жамоат арбоблари эдилар. Улар ўз мансабларидан фойдаланиб, ниҳоятда оғир вазиятда фаолият кўрсатишга, баъзан мустамлакачиларга ён беришга мажбур бўлдилар. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқини жаҳолатдан, асрий қолоқлиқдан олиб чиқишга бор имкониятлари билан ҳаракат қилдилар. Ҳақиқий мақсадлари чор ҳукумати маъмурларига маълум бўлиб қолган бу мутафаккирлар таъқиб ва тазиикларга, қамоқ ва сургунларга дучор бўлдилар: бунга Сатторхон Абдуғаффоров, Жўрабек Қаландар қори ўғли, Шарифхұјжа қози Пошшохұјжа ўғли, Мұхиддинхұјжа қози Ҳакимхұјжа қозикалон ўғли кабиларнинг қисмати мисол бўла олади. Қолаверса, мана шу улуғ зотлар Туркистон ўлкасида усули савтия мактабларининг ҳам биринчи ташкилотчилари ва тарғиботчилари сифатида майдонга чиқдилар.

1898 йил Муҳаммад Алихон бошчилигидаги Андижон қўзғолони ва унинг қонга ботирилиши рус мустамлакачиларининг ўлкада юргизаётган сиёсий-мағкуравий, таълимиy-маърифий фаолиятига баъзи бир ўзгаришлар, қўшимчалар киритишга мажбур этди. Генерал-губернатор Вревский ишдан олиниб, унинг ўрнига келган Духовский ерли аҳолини, диний муассасалар – масжид-мадрасаларни кучли назорат остига олди, ўлкадаги мактаб ва мадрасаларнинг аниқ рўйхати тузиб чиқилди. Генерал-губернатор ёрдамчиси генерал Иванов бошчилигига катта комиссия текширув ишларини олиб борди. Комиссиянинг хulosасига биноан ерли аҳоли ўртасида элементар маърифий ишлар: оммабоп илмий маърузалар уюштириш, Россияни, рус халқини улуғловчи мавзуларда маҳаллий тилда китобчалар нашр этиш, кўргазмалар ташкил қилиш ва “Туркистон вилоятининг газети”да мақолалар бериб бориш кераклиги таъкидланди. Биринчи мана шундай маъруза ҳақида “Туркестанские ведомости” газетаси куйидагиларни ёзади: “1899 йил 14 феврал якшанба куни эрлар гимназиясининг катта мажлислар залида 50 йиллик рус ҳукмронлиги даврида биринчи марта, ерли аҳолини Европа фани ютуқлари билан таништириш борасида оммавий маъруза бўлди. Соат бирларда ўлка ўқув юртларининг бош инспектори Керенский бошчилигига ўқув муассасаларининг вакиллари, эликка яқин ерли аҳолининг энг ўқимишли намояндалари: мударрислар, мухаррирлар, муллалар ва бошқа рус тилини билувчилар тўпланди. Генерал-губернаторнинг ёрдамчиси Иванов, Сирдарё губернатори Королков, ўқув юртлари директорлари ва бошқа раҳбар шахслар иштирок этди. Маъруза ўзбек тилида “Туркистон вилоятининг газети” ходими Мулла Олим томонидан ўқилди. Маърузадан кейин

<sup>1</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1883 йил, 15 феврал, 6-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, 1009-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 17-саҳифа.

генерал Иванов Мулла Олимни фахрий чопон билан қутлади ва қисқача нутқ сўзлади. У ўз нутқида Европа илмининг афзалликлари, мадрасаларга рус тилини киритиш ҳақида гапирди. Тошкент шахри ахолиси номидан халқозиси Муҳиддинхўжа мусулмон илм-фани ва маданияти ҳақида гапирди”<sup>1</sup>.

Иккинчи томондан, рус маъмурларига ҳам маҳаллий халқ урф-одатларини, тилини, айниқса, мусулмон дини қонунларини ўрганишлари учун баъзи бир ишлар амалга оширилди. Маҳаллий тилни билувчилар ва ўрганувчилар рағбатлантирилди, “Туркестанские ведомости” газетасида ислом динига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Бундай тадбирлардан асосий мақсад мустамлака халққа ва унинг маънавиятига эътибор ёки қизиқишдан эмас, аксинча, бу ўлка халқларини янада асоратга солиш, мустамлака занжирларини мустаҳкамлаш учун бир восита эди. Бу ишда В.Наливкин, Н.Остроумов, М.Миропиев, Н.Ликошин ва бошқалар катта фаолият кўрсатдилар.

2. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман ўлка маорифини ўрганиб чиққач, ерли ахолини руслаштириш учун Н.И.Ильминский (1822-1891)нинг Қозон татарларини руслаштириш борасидаги фаолиятини Туркистон ўлкасига татбиқилиш мақсадида уни Тошкентга таклиф қилди. Ильминский араб, форс, турк тилларини анча муқаммал билган, Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини 1857 йилда Қозонда нашр эттирган туркшунос эди. У Қозон диний академиясининг профессори, туркий халқларни руслаштиришга қаратилган маориф тизимини ишлаб чиқкан, татарларни руслаштиришда катта тажриба орттирган миссионер эди. Туркистон ўлкасида очила бошлаган рус-тузем мактаблари ҳам Ильминский тизими асосида вужудга келган эди. Россиянинг мустамлака Марказий Осиё халқлари маорифига муносабати аниқ эди: Волгабўйи, Урал, Кавказ, Кримдаги туркий халқлар маорифи тизимига қўллаган руслаштириш сиёсатини Туркистон халқлари маорифига ҳам татбиқилиш эди. Бу сиёsat Россия маориф вазирлигининг 1869 йилдаги низомида ишлаб чиқилган бўлиб, бу низом рус миссионерларининг раҳномаси Н.Ильминский фаолияти заминида вужудга келган эди. Шу муносабат билан 1869 йилда Кауфман Қозонда Ильминский билан учраши ва узок сұхбатлашди. Ильминский Тошкентга келмади. Шунга қарамасдан, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурлари Ильминский билан алоқани узмадилар. 1875 йилда Кауфманинг топширифига биноан Туркистон ўқув юртлари бош инспектори А.Л.Кун (1840-1888) Ильминскийга хат ёзиб, ундан Тошкентда очилажак ўқитувчилар семинарияси директори лавозимига номзод таклиф қилишини, иложи бўлса, кўзланган мақсадни амалга оширишга лаёқатли мутахассис юборишини илтимос қиласди. Ильминский бу лавозимга энг муносаб номзод сифатида Қозон ўқитувчилар семинарияси ўқитувчиси Н.П.Остроумовни (1846-1930) тавсия қиласди.

Н.Ильминский генерал-губернатор Кауфман таклифини ерда қолдирмади: Россия империяси манфаатлари учун бир йўла ўзининг энг ишончли шогирдлари ва издошлири Н.П.Остроумов, М.А.Миропиев, Н.А.Воскресенский, И.М.Софийскийларни Тошкентга юборди. Уларнинг ҳаммаси 1879 йилда очилган Туркистон ўқитувчилар семинариясида ишладилар ва ўзларини устози Ильминский эътироф этган Туркистондаги православ динининг миссионерлари сифатида ҳаракат қилдилар. Бу семинария ўлкада бирдан-бир ўқитувчилар тайёрлайдиган ўқув муассасаси эди. Унинг биринчи директори этиб Остроумов тайинланди, 1883 йилдан 1901 йилгача бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Миропиев, Воскресенский, Софийскийлар галма-галдан раҳбарлик қилдилар. 1901-1917 йиллар давомида яна Остроумов раҳбарликни ўз қўлига олди. Умуман, семинарияда Ильминскийнинг миссионерлик руҳи – буюк давлатчилик шовинизми хукмрон эди. Ташкил этилажак рус-тузем мактаблари учун миссионерлик руҳи билан сугорилган ўқитувчилар тайёрлаш семинарияниң асосий мақсади эди. 1879 йилда семинарияниң тантанали

<sup>1</sup> Туркестанские ведомости, 1899г., 18 феврал.

очилишида Туркистон ўкув юртлари бош инспектори А.Л.Кун қуидагиларни таъкидлаган эди: семинарияда ерли аҳоли болалари ҳам ўқитилади, аммо мусулмон дини ўқитилмайди.

Н.Остроумов ва у билан келган ҳамтвоқлари умрларининг охиригача Ильминский ўғитларига амал қилдилар. Ильминский Остроумов ҳақида қуидагиларни ёзди: “У (Н.Остроумов) Қозон диний академияси курсини тугатган, у ерда татар ва араб тиллари бўйича менинг ўқувчим бўлган, Мухаммад дини таълимоти, “Қуръон” билан яхши таниш. У қалбан, шу билан бирга, илман миссионер. Менинг маърифатли дўстим Остроумов миссионерликни инсонпарварлик асосида фақат ҳалқ маорифидагина мустаҳкам асосга қўйиш мумкинлигини яхши тушунади”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, илоҳиёт магистри, Қозон диний академиясининг миссионерлик бўлими доценти Н.Остроумов Ильминскийнинг ўнг қўли эди. Остроумов анча билимли шарқшунос бўлган, аммо бу билим, академик И.Ю.Крачковский таъбири билан айтганда “ilmga эмас, сиёсатга хизмат қилди”. Остроумов умрининг охиригача рус колонизаторларининг ўта қабих – ўлка ҳалқларини руслаштириш сиёсатини оғишмай амалга оширди. Унинг 1883 йилда ошкора ёзган қуидаги сўзлари Россия мустамлакачиларининг Туркистон маорифи соҳасида амалга оширган сиёсати моҳиятини тўла ифодалайди: “Русларнинг мусулмонларга бўлган муносабатини белгилашда давлат ушбу масалаларни эътибордан соқит қилмаслиги керак: мусулмонлар таълимига муносабатда ўзимизнинг манфаатларимиз биринчи ўринда турмоғи керак. Биз мусулмонларга нисбатан ҳар жиҳатдан – факат жисмоний жиҳатдан эмас, айниқса, маънавий-ахлоқий жиҳатдан устунлик мавқеига эга бўлишимиз керак”<sup>2</sup>.

Аммо рус мустамлакачилари бундай руслаштириш сиёсатини амалга ошириш жараёнида маълум тўсиқларга дуч келдилар. Ўлкада рус босқинчиларига қарши давом этаётган исёнлар, ҳалқ озодлик харакатлари, маҳаллий зиёлилар, шариат-дин пешволарининг норозиликлари уларнинг ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш олиб боришлиарини тақозо қилар эди. Ҳатто фон-Кауфман ва унинг атрофидагилар бу сиёсатни аста-секинлик билан олиб бориш тарафдори эдилар. Шу мақсадда эски маҳаллий мактаб ва мадрасаларни эътиборсиз ҳолиҷа қолдириш, маҳаллий аҳоли билан зиддиятга бормаслик учун диний ақидаларга қаттиқ тегмаслик, аксинча, диний мутаассибликни қўллаб-қўлтиқлаш сиёсатини олиб борди. Маҳаллий аҳоли болалари учун рус мактаблари ташкил қилиш, она тилини рус алифбоси асосида олиб бориш, миллий маданият, миллий маънавият ва адабиёт бўйича иложи борича маълумот бермаслик, маҳаллий миллат болаларини ўз тарихидан узокда саклаш масалаларида Кауфман билан Ильминский қарашлари жуда мос келар эди.

1870-1880-йилларда Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш, Россия империясига, генерал-губернаторликка сидқидилдан хизмат қилувчи кичик амалдорлар тоифасини тарбиялаб етиштириш, ўлкада Россиянинг руслаштириш сиёсатини режали равишда амалга ошириш учун дастлаб рус, кейинроқ рус-тузем мактаблари оча бошладилар. Ўзбек маърифатпарварлари, педагоглари дастлабки паллада рус ва рус-тузем мактабларини қўллаб-куватладилар, ўзлари ҳам катта саъй-ҳаракат билан бундай мактабларни очишга бош-қош бўлдилар. Сатторхон Абдуғаффоров, Инъомхўжа оқсоқол, Шарифхўжа қози, Зокиржон Фурқат, Муҳиддинхўжа қози, Саидрасул Саидазизов, Рожий Марғиноний, Комил Хоразмий, Исҳоқхон тўра Ибрат кабилар бундай мактабларнинг ҳомийлари, ўқитувчилари, ҳатто фахрий нозирлари ҳам бўлдилар. Бунинг объектив сабаблари бор эди.

Ўз ҳалқини замонавий илм-фан ютуқларидан баҳраманд қилиш, мадраса дастурига физика илмини киритиш, мадрасада физикадан ўқув лаборатория ташкил қилиш учун кураш олиб борган ва бу масалани генерал-губернаторлик даражасига олиб чиқсан Шайхованд Тахур даҳаси қозиси Шарифхўжа Пошшохўжа ўғли рус тилини ўрганиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият билан қаради. Бу ҳақда тарихчи-шарқшунос А.И.Добромислов

<sup>1</sup> Знаменский П.В.. Участие Н.И.Ильминского в деле иногородческого образования в Туркестанском крае. Казань, 1900. С.46.

<sup>2</sup> Остроумов Н. Что такое Коран? Ташкент, типография арендаемая Ф.В.Базилевский. 1883 г. С.31.

қўйидагиларни ёзди: “1884 йилнинг 19 декабрида шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида ерликларнинг болаларига русча саводни, ўқиши-ёзиши хамда арифметикадан тўрт амални ўргатиш учун дастлабки рус-тузем мактаби (Туркистон ўлкасида очилган биринчи рус-тузем мактаби) очилди. Бу мактабнинг очилишида катта қийинчиликлар рўй берди ва факат Шайхованд Тахур даҳа қозиси Шарифхўжа туфайлигина очилди. Шарифхўжа икки ўғлини, икки ёки уч неварасини, уч жияни ва бошқа яқин қариндошларини шу мактабга берди”<sup>1</sup>.

Усули ҳижо методига асосланган маҳаллий ибтидоий мактаблар илм-маърифатдан шу даражада йироқ эдикни, халқ болалари бир неча йил ўқиши давомида зўр-базўр оддий саводга эга бўлар эдилар (“Мехробдан чаён” романидаги Солиҳ Махдум мактабини, С.Айнийнинг “Эски мактаб”, Мўминжон Мухаммаджон ўғли – Тошқиннинг “Эски мактаб турмуши ёки Толиб” асарларини эсланг).

Генерал-губернаторлик маҳаллий халқ маорифини ривожлантиришни хаёлига ҳам келтирмади, факат ҳукумат тасарруфидаги рус ва рус-тузем мактабларига жуда кам миқдорда маблағ ажратарди, халос. Булардан ташқари, эски маҳаллий мактаблардаги биргина руҳоний таълим-тарбия билан Ватанни олға ривожлантириб бўлмас эди. Ўзбек мутафаккирлари рус-тузем мактабларини тирғиб-ташвиқилар эканлар, факат миллат манфаатларини кўзда тутдилар.

Ўзбек шоирларидан Рожий Марғиноний ҳам шаҳар қозиси сифатида Марғилонда очила бошлаган дастлабки рус-тузем мактабларини қўллаб-қўлтиқлагани ҳақида, бу мактабнинг халқ учун келтирадиган фойдалари ҳақида “Туркистон вилоятининг газети”да маълумот беради: “Андин кейин хурматлу домулло Хўжахон қози мазкур мактаб хонани(нг) фуқароларға бўладурғон фойдаларини баён этиб, фуқаролар чин кўнгуллари билан хурсанд бўлиб, болаларини берганлари тўғрисида изҳори арз қилдилар”<sup>1</sup>.

Ўзбек маърифатпарварлари маҳаллий ёшларнинг рус ва рус-тузем мактабларида рус тилини мукаммал ўрганиши жаҳон илм-фани янгиликларини эгаллаш учун катта имкониятлар яратувчи восита деб билдилар. Бу эса охир-оқибатда миллатнинг ўзлигини танишга олиб келар эди. Уларнинг бундай фаолияти чор маъмурлари олиб бораётган сиёсатга бутунлай зид эди. Шунинг учун ҳам исми-шарифлари юкорида тилга олинган маърифатпарварлар умр бўйи таъқиб ва тазииклардан кутула олмадилар. Бу даврда халқ фарзандлари учун замон талабларига нисбатан жавоб бера оладиган бошқа дурустrokўкув муассасаси йўқ эди. Бу ҳақда Сатторхон Абдуғаффоровнинг куюниб ёзган сўзларига эътибор беринг: “Ўрусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари топкан илмлар ва бошқа халқдин ўрганган илмларини бизлар ҳам билиб, тириклигимизга нафи етадурган илмларни бизлар ҳам ўз фойдамизга жорий қилур эдик...Мен ҳар вақтда мусулмонларни ўз фойдамиз учун русия тилини ўрганмоқликтининг зарур эканлигини баён қилур эдим. Ул вақтларда Хўқанд ҳалқи ўшандоқ улуғ ишнинг фойдасини чандони фаҳмламас эрдилар. Зуъмхол (мутаассиб) муллалар ҳам менинг ҳайриятимни қилмас эдилар. Алар барча янги тартиблар begona ва ваҳщий кўринур эдилар. Алар ул аҳволларда дарвокеъ яхши ва ёмонни(нг) фарқига бормас эдилар”<sup>2</sup>.

Баъзи бир тадқиқотчилар, тарихчи олимлар мустамлакачилар томонидан очилган бу мактабларни қўллаб-қувватлаган, ўзбек фарзандларини ушбу мактабларга даъват этган маҳаллий зиёлиларни қаттиқкоралайдилар, ҳатто сотқинликда айблайдилар<sup>1</sup>. Отабоболаримиз бўйнига бундай оғир, аммо ноўрин айбларни қўйишдан бир оз бўлса-да, ўзимизни тийишимиз керак!

Агарда Инъомхўжа оқсоқол, Шарифхўжа қози, Муҳиддинхўжа қозилар рус босқинчиларининг малайлари ёки уларга сотилган бўлганларида, 1892 йил Тошкентда юз берган миллий озодлик ҳаракатининг-“Вабо кўзғолони”нинг раҳбарлари сифатида таъқиб

<sup>1</sup> Добромуслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем.. Ташкент, 1912. С.203.

<sup>1</sup> “Туркистон вилоятининг газети”. 1888 й., 31 декабр.

<sup>2</sup> “Туркистон вилоятининг газети”, 1890 йил, 32-сон.

<sup>1</sup> Ш.Каримов, Р.Шамсуддинов. Туркистон Русиё босқини даврида. “Мерос”, Андижон, 1995 йил, 90-91-бетлар.

қилиниб, Тошкентдан бадарға-сургун қилинармидилар?! Генерал-губернаторликнинг муассиси “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1883-1892 йилларда мухаррир ёрдамчиси ва таржимони Сатторхон Абдуғаффоров шу халқ озодлик ҳаракати туфайли умрининг сўнгги 8-9 йилини ишлизикда, дарбадарликда ўтказармиди?!

Хонликлар даврида ва ундан кейин ҳам илм-маърифатдан бебахра бўлиб келаётган халқ тақдири ўзбек зиёлиларини қаттиқ ташвишга солаётган эди ва рус ҳамда рус-тузем мактабларидан ўз халқи манфаатлари йўлида – маҳаллий аҳоли фарзандларини илм-маърифатли қилиш йўлида фойдаланишга, уларни чор ҳукуматининг қабих ниятларига зид келадиган йўлга аста-секинлик билан буриб юборишга ҳаракат қилдилар ва бунга қисман бўлса ҳам эришдилар. Тўғри, бу мактаблар маҳаллий аҳолидан юксак малакали мутахассис ёки кенг маълумотга эга бўлган кишиларни тарбиялаб етиштириш мақсадини ўз олдига қўйган эмас, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Академик В.В.Бартольд маълумот берисича, у ердаги ўқитиш шу даражада саёз эдик, буни ҳатто рус зиёлилари ҳам эътироф этар эдилар: “Вилоятдаги рус-тузем ва соғ русча мактаблардан ҳеч бири русча ёзиш у ёқда турсин, ҳатто тўғри ўқий оладиган бирорта ҳам маҳаллий халқ кишисини етиштиргани йўқ”<sup>1</sup>.

Рус-тузем мактабларида ўқитиш савиясининг бу даражада паст эканлигининг асосий сабабларидан бири мактаб иқтисодий базасининг ниҳоятда ночор аҳволда эканлигидир. Давлат ҳар бир рус-тузем мактабининг барча ҳаражатлари учун бир йилга бор-йўғи 700 сўм ажратар эди, холос. Бундай мактабларнинг кўпи маҳсус мактаб учун курилган бинога эга эмас эди, балки бадавлатроқ кишиларнинг ижарага олинган ҳовлисига ёки уйининг 2-3 та ортиқча хонасига жойлашган эди. Булардан ташқари, русча ва ўзбекча синф ўқитувчилари деярли баравар ишлашларига қарамай, ўзбекча синф муаллимига жуда оз миқдорда маош беришадиган эди, яъни рус ўқитувчисининг бир йиллик маоши 1000 сўм, ўзбек ўқитувчисининг бир йиллик маоши 400 сўм эди.

Шунинг учун ҳам бундай ўқув юртлари раҳбарлари ҳукумат маъмурияти олдига ўзбек синфлари муаллимлари маошларини ошириш масаласини қўйган эдилар. 1887 йилда Фарғона ва Самарқанд вилоятлари халқ мактаблари назоратчиси П.В.Прилежаев ўз ҳисоботида қуйидаги фикрларни баён қилган эди: “Мукофот учун белгиланган 100 сўмни мулланинг маошига қўшиб бериш маъқулдир. Ана шундагина мулланинг бир йиллик маоши 220 сўм бўлади. Шундай қилинса, бу вазифага энг яхши кучларни жалб этишга имконият туғилади. Акс ҳолда яхши муллалар моддий жиҳатдан кўпроқ таъминлайдиган мадрасани ташлаб, оз ҳақ тўлайдиган рус мактабларида ишлашга у қадар муҳтоҷ эмас”<sup>2</sup>.

Баъзи жойларда рус-тузем мактаби очиш, унинг зарур эҳтиёjlари учун маҳаллий аҳолидан пул (школ пули) йиғар эдилар.

Рус-тузем мактаблари давлат эътиборидан шу даражада узоқ эдик, бу мактабларнинг ўзбек гурухларини дарслик билан таъминлаш масаласи 30 йилдан кейин ҳал этилди. Рус ва рус-тузем мактаби дастлаб 1873 йилда Чимкентда очилган бўлса, бундай мактаблар учун атоқли мутафаккир Саидрасул Саидазизов “Устоди аввал” алифбо дарслигини 1902 йилда нашр эттириди. Рус гурухлари учун эса С.Граменицкийнинг “Первая книга для чтения”, “Вторая книга для чтения”, “Третья книга для чтения” дарсликлари 25 йилдан кейингина яратилди.

Буларнинг ҳаммаси тасодифий ҳол эмас, аксинча, рус сиёсатдонларининг эҳтиёjtкорлик билан, ўйлаб амалга оширган тадбирлари эди. Чунки Ильминский ўз гумашталарига шундай таълим берар эди: “Ерли халқ орасида бизнинг учун фойдали ва ҳеч бўлмаганда, зарарсиз кишилар русча тилни тутилиб, уялиб гапирадиган, русча ёзганда бирмунча хато билан ёзадиган, бизнинг губернатордан эмас, ҳатто стол бошлиғи (мирзо)миздан ҳам қўрқадиган кишилар бўлиши лозим”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927. С.308.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. 47-фонд, 281-дело, 390-бет.

<sup>1</sup> “Письмо Н.И.Ильминского к обер-прокурору Святейшего Синода К.П.Победоносцеву”. В кн. Мусульманские депутаты Государственной думы России 1906-1917 гг. Уфа, 1998 г. С.120.

Лекин шунга қарамасдан, ўзбек маърифатпарварлик ҳаракатининг атоқли намояндалари, истиқлол, миллий озодлик учун курашган, жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган мутафаккирлар Сайдрасул Сайдазизов, Нозимхоним, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Боту, Мирмулла ҳамда Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва бошқалар шу рус-тузем мактабларидан етишиб чиқдилар.

Хатто Россия империяси даврида ҳам, шўролар империяси даврида ҳам умри қамоқларда ўтган, Туркистон Мухторияти хукуматининг раиси ўринbosари адвокат Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ҳам рус-тузем мактабини тутатган.

Маълумки, Сатторхон Абдуғаффоров 1873 йилда Чимкентда очилган илк рус мактабининг биринчи ўзбек ўқитувчиси эди. XIX асрнинг 80-йилларидаёқ рус-тузем мактабларининг асл моҳиятини жуда тўғри тушунган, унинг мустамлакачилик, шовинистик моҳиятини, ерли аҳолини руслаштиришга қаратилган сиёсатини очик фош қилган, ушбу мактабни миллий тарбия заминида ўзгаришиш, аста-секинлик билан мустамлакачилар ниятига зид йўлга солиб юбориш усулларини ишлаб чиқкан эди. 1883 йилда Тошкентда Туркистон ўлкасидаги рус ўқув юртлари муаллимларининг 1- қурултойида Кўқон шахридаги рус мактабининг фахрий нозири сифатида Сатторхон ҳам иштирок этди (Сатторхон Абдуғаффоров 1878-1886 йилларда Кўқондаги рус мактабининг фахрий нозири лавозимида ишлаган). У ушбу қурултойда чор маъмурларининг маҳаллий аҳолини мажбуран руслаштириш сиёсатини кескин қоралади ва рус мактабларига маҳаллий тил ва мусулмон динидан дастлабки маълумот берувчи муаллимлар жалб килиш кераклигини таъкидлади: “Рус мактабларига мусулмон муаллими киритилиб, унга ерликларнинг болаларини маҳаллий тилга, жойига қараб, сарт ёки қирғиз тилига ўргатиш ҳамда мусулмон динидан бошланғич таълим бериш вазифаси юклатилса, у вақтда маҳаллий кишиларнинг бу мактабга нисбатан ҳаммага маълум ва ҳамма таъкидлаётган ишончсизлиги тутатилган бўлур эди”<sup>1</sup>.

Туркистондаги рус ва рус-тузем мактабининг биринчи ўзбек ўқитувчиси Сатторхон Абдуғаффоровнинг бу оқилона фикрлари қурултой раиси, руслаштириш сиёсатининг Туркистон ўлкасидаги ашаддий намояндаларидан бири М.А.Миропиевнинг кескин қаршилигига учради. У Россия маориф вазири Д.А.Толстойнинг “Туркистон ўлкасидаги давлатга қарашли мактабларда мусулмон дини ҳам, мусулмон тили ҳам ўқитилмаслиги керак” деган низомига ёпишиб олган ҳолда Сатторхонга қарши ўзининг шовинистик қиёфасини кўрсатувчи, умуман, рус маъмурларининг Туркистон халқларини руслаштириш сиёсатини ифодаловчи қуйидаги фикрини баён қилишдан уялмади: “Ўз динида мутаассибликнинг мавжудлигини инкор қилувчи мусулмонларга ишонмаслик керак”<sup>2</sup>.

Сатторхон Абдуғаффоров Чимкентда илк бор очилган рус мактабида ўқитувчилик қилган, Кўқонда рус мактабининг фахрий нозири бўлиб ишлаган йилларда маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилини ўрганишга даъват этишдек, халқ фарзандларини рус-тузем мактабларига кўпроқ жалб этишдек муҳим масалага бош бўлиш билан бирга, биринчи ўзбек журналисти, публицисти сифатида халқни нодонликда сақлашга қаратилган мустамлакачиларнинг мунофиқ сиёсатини, мутаассибларнинг жоҳиллигини очиб ташловчи туркум мақолалар битди. Шу маънода унинг “Бир чимкентлик мусулмон ўтган вақтларни ёдиға олиб ёзгани”<sup>2</sup> туркум мақолалари муҳим аҳамиятга эга.

Губернаторлик маъмурлари рус-тузем мактабларида ислоҳот ўтказиб, унинг ўзбек синфларидағи таълим-тарбия ишларини бир оз бўлса-да, миллийлаштиришдан В.В.Бартольд сўзи билан айтганда: “Маҳаллий халққа ўз она тилида кўпроқ маълумот беришдан ва бу билан маҳаллий халқни руслаштириш ишига зарар етказиб, маҳаллий адабиёт ва маданиятнинг қаттиқўрнашиб қолишидан қўрқар эдилар”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> “Протокол заседаний собрания учителей городских училих Туркестанского края (30ФХII-1883-3FI 1884)”. Ташкент. С.17.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 18-бет.

<sup>2</sup> Туркистон вилоятининг газети”. 1890 й., 6, 8, 16, 19, 24-сонла

<sup>3</sup> В.В.Бартольд. Ўша асар, 134-бет.

Рус-тузем мактабларининг очилишига рус маъмурлари, миссионерларининг ўзлари катта шубҳа ва ҳадик билан қарадилар, рус маъмурларини бундай мактабларга ерли аҳоли фарзандларини жалб қилиш катта ташвишга солди. Бу мактабларни очишдан рус маъмурларининг кўзда тутган мақсадларидан қатъи назар, ерли аҳолининг кўзи очилиши мумкин, деган ташвиш уларни безовта қилган, ҳатто бундай мактабларни очмаслик, ерликларни иложи борича маърифатдан, маънавиятдан узокда сақлаш кераклигини қайта-қайта таъкидловчилар оз эмас эди.

Ўзбек, форс, араб тилларини, адабиётини анча мукаммал билган, ўзбек мутафаккирлари Ҳавоий – Умидий, Хўжажон қози Рожий, Фурқатлар билан яқин алоқада бўлган, шарққўлёзмаларидан катта коллекция вужудга келтирган ва Санкт-Петербург Шарққўлёзмалари институтига топширган, 20 йил давомида Россиянинг Кошғардаги бош консули лавозимида ишлаган, миссионер Н.Остромовнинг яқин ҳаммаслаги Н.Петровский рус ва рус-тузем мактабларининг очилишига кескин қарши чиқкан эди. У 1887 йил 23 июнда Н.Остромовга йўллаган мактубида Туркистон ўлкасида бирин-кетин очилаётган рус ва рус-тузем мактабларидан ташвишланиб, қуидагиларни ёзади: “Ҳамма ерда мусулмонлар учун очилаётган мактаблар (рус-тузем мактаблари кўзда тутилмоқда) нима ўзи? Маънилик ишми ёки бехуда ишми? Хўжакўрсингами ёки жиддий нарсами? Билишни истардим. Биринчиси тўғри бўлса керак, деган хавотирдаман. Агар мактаблар олдиндан кўзланган мақсадсиз, оқибати нимага олиб келишини ўйламасдан очилаётган бўлса, уларни очмаслик маъкул. Кейин бориб пушаймон бўлиб қолмайлик”.

Рус босқинчиларининг бу фаолияти XIX асрдаёқ рус сиёсатдонлари томонидан режалаштирилган эди. Бу ҳақда Россия маориф вазири Д.А.Толстойнинг 1870 йилда ёзган сўзларига эътибор беринг: “Бизнинг ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумотли бўлишининг охирги мақсади, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак”<sup>1</sup>.

Рус-тузем мактабларининг ўта реакцион моҳиятини ҳатто рус сиёсатдонларининг ўзлари ҳам эътироф этганлар. Туркистонда 43 йил фаолият кўрсатган, рус-тузем мактабларининг ташкилотчиси ва биринчи ўқитувчиси В.П.Наливкин (1852-1918) сўзларига эътибор беринг: “Ўлкада рус-тузем мактаблари деб номланувчи, ўта фойдали деб билган муассасалар тармоғини кенгайтиришга қаратилган проектни амалга оширишга киришганимизга 20 йилдан ошди. Бу соҳада биз қўлимиз билан бўлмаса-да, аммо бизнинг хоҳишимиз билан жуда кўп ифлос ва ахлоққа зид ишлар амалга оширилди. 20 йил давомида бу мактаблардан бир неча минг маҳаллий болалар чиқди: уларнинг бир қисми мактабни битирмай қочиб кетди, қочиб кетяпти. Натижা шу бўляптики, улардан на рус ҳукумати учун, на маҳаллий жамият учун бирор фойдали иш чиқаётгани йўқ, менимча, чиқмайди ҳам”<sup>2</sup>.

Исмоилбек Гаспрали 1881 йилдаёқ “Русия мусулмонлиги” асарида рус-татар мактабларининг (Туркистон ўлкасидаги рус-тузем мактабларининг Татаристон ва Қirimдаги кўриниши) ўқиши-ўқитиши, таълим-тарбия методларидан тортиб, мақсад-маслагигача кескин фош этган эди: “Татарлар учун очилган рус мактаблари ўлик тугилган муассасанинг ўзгинасиdirки, буни ушбу мактабнинг назарияси ва амалиёти яққол исботлаб турибди”<sup>3</sup>. Бундай мактаблар ўлкада йил сайн кўпайиб, 1917 йилда 167 га етган эди.

Ильминский тизими асосида очилган мактабларнинг руслаштириш моҳиятини депутат Г.Ш.Еникеев 1908 йилда Россия Давлат Думаси минбаридан туриб танқид қилган эди: “Жаноблар! Мусулмонлар хозирги вактда адолат, инсонийлик туйғулари билан Давлат думасидан талаб қиласидилар: миссионерлик маориф соҳасидан олиб ташлансин, руслаштириш тизими бекор қилинсин, мактаблар ақл-идрокка, педагогик заминга асослансин. Биз бу ўринда Маориф вазирлиги томонидан мусулмонлар учун Ильминский тизими асосида ташкил қилинган мактаблар ҳақида гапиряпмиз. Бу мактаблар ҳеч қачон

<sup>1</sup> В кн. Аграрный вопрос и крестьянское движение 50-70 гг. XIX века. Часть I. М.-Л., 1936 г. С.285.

<sup>2</sup> Наливкин В.П. Туземецу раньше и теперь. Газета “Туркестанский курьер”, 1913, № 38.

<sup>3</sup> Исмоил бей Гаспринский (Гаспрали). Из наследия. Симферополь, “Таврия”, 1991 г. С.42.

мусулмон аҳолисининг эътиборини ҳам, ишончини ҳам қозона олмайди, чунки улар маорифнинг туб мақсадларига хизмат қилмайди”<sup>1</sup>.

Мана шундай ўта оғир шароитда ўзбек мутафаккирлари рус-тузем мактабларини ўз мақсадларига бўйсундиришга ҳаракат қилдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Саидрасул Саидазизов (1866-1933) XIX асрнинг 80-90-йилларида етишиб чиқкан, 1-рус-тузем мактабини битирган ва унда муаллимлик қилган, ўзбек педагогикаси тарихида усули савтия методига асосланган “Устоди аввал” биринчи барқарор алифбо дарслигини яратган, ўзбек педагоглари орасида ўқув-тарбия соҳасида дастлабки ислоҳат ўтказа олган методист-олим ҳамдир. Унинг “Устоди аввал” алифбо дарслиги таъсирида XX асрнинг биринчи чорагида товуш методига асосланган жадид мактаблари учун ўндан ортиқ алифбо дарсликлари яратилгани маълум. Саидрасул Саидазизовнинг бу фаолияти маҳаллий мутаассибларнинг кескин қаршилигига учради, улар мутафаккирни “насоро маҳзум” (“коғир маҳзум”) деб жар солдилар. Шунга қарамасдан, муаллифнинг ушбу дарслигини XX аср педагоглари катта мамнуният билан кутиб олдилар, у рус-тузем мактабларидан ташқари, усули қадим ва усули жадид мактабларида ҳам кенг қўллана бошлади. Бу ҳақда “Туркистон вилоятининг газети” да эълон қилинган мақолаларда, Мўминжон Муҳаммаджон ўғли – Тошқиннинг “Турмиш уринишлари” асарида яққолроқ кўриш мумкин.

Рус-тузем мактабларининг ўзбек гурухларида таълим-тарбия худди эски мактаблардаги каби ибтидоий шароитда қолиб келмоқда эди. Рус синфларида белгиланган дарс соатларини ўтиб бўлишлари билан ўқувчилар қўшни хонага – ўзбек синфи ўқитувчиси ихтиёрига ўтадилар. Ўзбек ўқитувчиси маҳаллий эски мактабда ўқитиладиган ҳамма фанлардан дарс беради. Ўзбек ўқитувчининг дарси давомида рус ўқитувчиси сингдиришга ҳаракат қилган ҳамма нарса бекорга кетади. Ўзбек синфида шароит худди эски мактаблардагидек: ўқувчилар рус синфида парталарда ўтирсалар, ўзбек синфида кигиз ёки намат устида ўтирадилар; ҳеч қандай дарслик, ўқув жиҳозлари, ўқув қўлланма йўқ, дарс эски усулда арабча диний матнларни қуруқ ёдлаш асосида олиб борилади. Рус-тузем мактабларининг ўзбек синфларида (Саидрасул Саидазизовнинг “Устоди аввал”, Байрамали Калининнинг “Муалими соний” асарлари чиққунга қадар) маҳсус дастур, дарслик ёки ўқув қўлланмалар, ҳатто предметларнинг номлари ҳам кўрсатилмаган.

1892 йилдан эътиборан Сирдарё вилоят ҳалқ ўқув юртлари инспектори лавозимида ишлаган С.М.Граменицкий рус-тузем мактабларида ўқитиши усулларини бирмунча ислоҳқилишга ҳаракат қилди. Бу мактабларда ўқитишдаги ўзбекча сўзларни русча транскрипцияда беришга асосланган Н.Ильминский таржима методининг яроқсизлигини, шунинг учун ҳам рус-тузем мактаблари ўзбек ҳалқи ўртасида эътибор қозона олмаганигини таъкидлайди.

Ильминский фаолиятидан маълумки, у 1873 йилда ёки туркӣ ҳалқларни араб алифбосидан воз кечиб, алоҳида ёзув тизимиға ўтказиши таклиф қилган ва бунда у туркӣ ҳалқлар учун кирилл ёзувини жорий қилиш таклифи билан чиққан эди. Бу маданияти, тили, дини, тарихи бир илдизга эга бўлган туркӣ миллатларни парчалаб юборишнинг бирдан-бир йўли эди. Бу тадбирни амалга ошириш учун у қозоқ педагоги Иброй Олтинсарин фаолиятидан фойдаланган ва Туркистонда 1884 йилдан очила бошлаган рус-тузем мактабларига ҳам татбиққилган эди. Бу тадбир араб ёзувидан воз кечишининг биринчи босқичи эди. Чор Россияси ва Туркистон генерал-губернаторлиги 40 йилдан ортиқ вақт давомида бу масалани амалга ошира олмади, аммо шўролар ҳукумати Ўрта Осиёни 1924 йилда беш республикага парчалаб ташлаганидан кейиноқ уларни араб алифбосидан лотин ва асосий мақсад – кирилл алифбосига ўтказиши кампаниясини ниҳоятда тезкорлик билан бошлаб юборди.

С.Граменицкий рус-тузем мактабларида ўқитишининг асосий усули бўлмиш Ильминский таржима методини инкор қилиш билан у маҳаллий болаларни русча ўқиш, ёзиш ва эркин гаплашишга ўргатиш учун дарсларни фақат рус тилида кўргазмалар асосида олиб

<sup>1</sup> Мусулманские депутаты Государственной думы России 1906-1917 гг. Уфа, 1998 г. С.120-121.

бориши усулини ишлаб чиқади ва қуидаги масалаларга ахамият беришни таъкидлайди: “Рус тилига ўргатаётган вактда тушуниш, кўз олдига келтириш қийин сўзлар бўлади, ўқитувчи бундай сўзларни ўқувчилар қай даражада тўғри тушунганилигига шубҳаланади. Шундай вазиятдагина ушбу тушунчанинг номини маҳаллий тилда фақат бир марта айтиш мумкин. Масалан, ўқитувчи “небо” сўзини ўқувчилар тўғри тушунганилигига шубҳаланса, “небо – осмон” деб таржимасини бир марта айтади, бошқа вактда фақат русчасини қўллайди. Асосий мақсад шундаки, ўқувчи заруратсиз она тилини сунистерьмол қилишга одатланмасин, бошидан русча сўзларни эшлиши ва гапиришга ўргансин”<sup>1</sup>. Бу унинг тил ўқитиш методикасининг ўта нозик жиҳатларини анча мукаммал билувчи педагог эканлигини кўрсатади.

Аммо С.Граменицкийнинг бу ҳаракатлари Ильминский ғоясининг Туркистондаги амалиётчилари Н.Остроумов, ўша вактдаги Туркистон ўқитувчилар семинариясиининг директори М.А.Миропиев, семинария педагогика совети илмий котиби И.М.Софийскийларнинг кескин қаршилигига учради. Масаланинг мураккаб томони шунда эдики, рус-тузем мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган бирдан-бир Туркистон ўқитувчилар семинариясида Ильминскийнинг руслаштиришга асосланган методи устувор эди. Граменицкий методини жорий қилиш семинарияда ҳам туб ўзгаришларни талаб қиласди.

С.Граменицкийнинг 3 дарслиги яратилгунга қадар 14 йил рус-тузем мактабларида турли хил дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиб келинди. Самарқанд област ҳарбий губернатори граф Ростовцев ўқув юртлари бош инспектори Керенскийга қуидагиларни ёзган эди: “Рус-тузем мактабларини кузатишим давомида мен рус тилини ўқитишда ёрқин муваффақиятни кўрмадим. Бунинг асосий сабаби рус тили дарсликларининг яроқсизлигидир. Кўплаб нарса-буюмларнинг номлари ерлик ўқувчилар учун бегона”<sup>2</sup>. Бу жуда тўғри ҳол эди.

1897 йилда Туркистон ўқув юртлари бош инспектори Керенский топшириғига биноан С.Граменицкий ўзи тавсия қилган метод асосида рус-тузем мактаблари учун маҳсус дастлабки дарсликларни яратишга киришди. 1898 йилдан бошлаб унинг “Первая книга для чтения”, “Вторая книга для чтения”, “Третья книга для чтения” дарсликлари босмадан чиқди. Граменицкий дарсликлари асосида рус-тузем мактабларида рус тилини ўқитиш учун қуидаги дастур жорий қилинди:

**Биринчи йил:** кўргазма асосида ўқувчиларни ўраб турган жиҳозларни оғзаки ўрганиш: синф жиҳозлари, уй ҳайвонлари, инсоннинг асосий аъзолари, ўнгача бўлган сонлар, кийим-кечак, уй-рўзгор анжомлари; ҳовли, кўча, бозорнинг қисқача тасвири; қариндошлар, хафта кунлари номларини ифодаловчи русча сўзлар (С.Граменицкийнинг “Первая книга для чтения” дарслигининг биринчи қисми асосида).

Рус алифбосини рус сўзлари асосида ўрганиш, ҳарф элементлари, кичик ва ёзма ҳарфларни, ўрганилган русча сўзларни ёзиш.

**Иккинчи йил:** Боғ, полиз, бозор ва дала тасвири; ўсимликлар, мева ва сабзавот; асосија нарса-буюм ҳамда ўлчовлар, хунармандчиликка оид буюмлар, ой ва йиллар тасвири. Ўрганилган сўзлар асосидаги мақолаларни ўқиши ва сўзлаб бериш (С.Граменицкийнинг “Первая книга для чтения” дарслигининг иккинчи қисми асосида).

Йўл-йўлакай янги, номаълум сўзларни тушунтириш орқали ўқувчиларни ўраб турган мухит, жиҳозлар номлари иштирокида боғланган ҳикоялар ўқитиш; мактаб, уй, боғ жиҳозлари, уй ҳайвонлари ҳаётига оид матнларни саволлар асосида ҳикоя қилиш (С.Граменицкийнинг “Вторая книга для чтения” дарслигининг 1-45-ংлари асосида). Ўрганилган русча сўзлар, иборалар, мақолаларни кўчириб ёзиш.

<sup>1</sup> Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сурдаринской области. Ташкент, 1916. С.18.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 47-фонд, 2124-дело. Опись Управления учебнўими заведениями Туркестанского края, 1896.

**Учинчи йил:** Шаҳар, қишлоқ, дала шароити ҳақида ҳикоя қилиш; ваҳший ҳайвонлар ва уларнинг ҳаётини тасвириловчи ҳикояларни ўрганиш, чўл, ўрмон, тоғ ва дарёлар тасвири, ватан ҳақида тушунча (С.Граменицкийнинг “Вторая книга для чтения” дарслиги асосида).

Ёзма машқлар берилган саволларга ўрганилган матнлар асосида тўлиқ жавоблар шаклида бўлиши, ўқувчилар жавоблар учун сўзларни ўз китобларидан топишлари керак. Ўқув йилининг иккинчи ярмида бу машқларга кўриш хотирасига асосланган диктантлар ҳам қўшилади. Бундай диктантлар баъзи бир товушлар ўрганиши, уларнинг ёзилиши каби қоидаларга асосланади (С.Граменицкий “Третья книга для чтения”, 1-20-§лар асосида).

**Тўртинчи йил:** Нисбатан кенгроқ кўламли ҳикоя ҳамда тавсифларни ўқиш ва сўзлаб бериш; Россиянинг қисқача географияси, Туркистоннинг географияси билан танишириш, Россия тарихига оид асосий воеаларни сингдириш.

Энг мухим имло қоидаларига бағишлиланган оғзаки диктант. Ўқув йилининг иккинчи ярмида ўқилган ҳикоялар бўйича саволлар асосида боғлиқли баёнлар машққилдириш (С.Граменицкийнинг “Третья книга для чтения” дарслиги асосида).

4 йиллик ўқиш тугагач, қуидаги дастурни ўз ичига олган, мактабни битирув имтиҳони ўюштирилган:

1. Русча ўқиш ва ўқиганини қайта ҳикоя қилиш.
2. Ўрганилган шеър, масал ёки насрой парчани ёддан ўқиш.
3. Русча жумлаларни айтиб туриб ёздириш.
4. Атроф-мухит, рус тарихи, географиясига оид саволларга русча жавоб бериш.
5. Тўрт амалга оид арифметик масала ва мисолларни оғзаки ва ёзма ечиш, миллионга қадар сонларни айтиб туриш асосида ёзиш; узунлик, оғирлик, вақт, пул ўлчовларини русча билиш.
6. Мусулмонча ўқиш.
7. Рус подшоҳига омонлиқ тиловчи “Боже, царя храни” мадҳиясини хор бўлиб ўқиши.

Шуни унутмаслик керакки, Граменицкий Ильминскийнинг таржима методига (ўзбекча сўзларни русча транскрипцияда беришга) қарши чиққани билан рус мустамлакачиларининг, генерал-губернаторликнинг ўлка халқларини руслаштириш, умуман, мустамлакачилик сиёсатига заррача путур етказиш ниятидан йироқ эди. Учала дарслик билан танишар эканмиз, уларда Россиянинг Туркистон ўлкасида абадий хукмронлик қилиш сиёсати устувор эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ислоҳотлардан кейин рус-тузем мактаблари ва уларда ўқийдиган ўқувчилар сони анча ошди, буни қуидаги жадвалдан яққолроқ кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Йиллар	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони
1884-1887	22	461
1888-1895	22	447
1896-1902	44	1331

Маълумки, Ватанга, миллатга муҳаббат туйғуси энг муқаддас, энг мўътабар туйғудир. Шунинг учун ҳам Ватанни Онага менгзайдилар. Ватан туйғуси, асосан, ўқувчиларга дарсликлар, Ватан ҳақидаги гўзал бадиий асарлар орқали сингдириб борилади. Ватанга, халқа, тилга муҳаббат руҳини сингдириш мактабдан бошланишини яхши билган Граменицкий ўқувчиларни бундай муқаддас туйғулардан узоқ сақлаш вазифасини ўз олдига қўйган. Ўзбек болалари учун яратилган ушбу муаллиф дарсликларида Россия ватан сифатида талқин қилинади, унинг шахарлари, қишлоқлари таъриф-тавсиф этилади ва унга нисбатан муҳаббат руҳини сингдиришга ҳаракат қилинади. Учала дарсликни вараклар экансиз, уларда Туркистон, Турон, Мовароуннаҳр номлари билан аталган Ватанимиз, унинг табиати, гўзаллиги ҳақида, ўқувчиларда ватанпарварлик руҳини шакллантиришга қаратилган бирорта

<sup>1</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. Москва, 1960. С.214.

матн берилган эмас. Бу, албатта, тасодифий ҳол эмас, рус-тузем мактабларининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилган.

С.Граменицкий рус-тузем мактабларининг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда иложи борича маҳаллий ҳалқ тили, урф-одати, маданияти ва тарихи, буюк аждодлари ҳақида маълумот бермасликка ҳаракат қиласи, айниқса, маҳаллий тилга ниҳоятда беписандлик билан қарайди. Миссионер-шовинистлар каби туркий тилни адабий тил сифатида шаклланмаган деб билади: “Етарли шаклланмаган сарт тили сўзларини русча транскрипцияда бериш ўқувчиларнинг русча талаффузини бузишга олиб келади ва русча саводхонликка салбий таъсир кўрсатади”, - деб ёзди Граменицкий.

Ўзбек болалари учун тузилган учала дарсликда маҳаллий ҳалқҳаётини акс эттирувчи бирорта ҳам асар берилмаган. Берилган расмлар, ҳатто қишлоқҳаётига бағишлиланган расмлар ҳам рус ҳаётидан олинган. С.Граменицкийнинг “Третья книга для чтения” дарслигини ҳам методик, ҳам мавзу жиҳатидан анча чуқур ўрганган олим Йўлдош Абдуллаев жуда тӯғри таъкидлаганидек: “Граменицкийнинг ўқиши китоблари рус-тузем мактаблари болалари учун тузилган бўлишига қарамай, Туркистон ўлкаси ҳақида жуда оз маълумот берилган, чунончи, 182 бетли “Третья книга для чтения”да Туркистон ҳақида бор-йўғи иккита текст бор холос”. Йўлдош Абдуллаевнинг ушбу фикрларини С.Граменицкийнинг бошқа икки дарслиги ҳақида ҳам айтиш мумкин.

1898 йил Дукчи эшон воқеаси – бутун Туркистон ўлкасини ларзага солган Андижон қўзғолони – губернаторликнинг ўлкада ўтказаётган мактаб сиёсатига бирмунча ўзгаришлар киритишга мажбур этди. Мустабидлар ўлка ҳалқлари тўла занжирбанд қилинди, энди улар ҳеч қачон эрк, мустақиллик учун бош кўтара олмайдилар, деган фикрларини пучга чиқарди. Мустамлакачилар мазлум ҳалқни жаҳолатда, нодонликда асрар уларга оз бўлса-да, маърифат нуридан баҳраманд қилишдан кўра хавфлироқ эканини тушундилар, жоҳил, нодон оломон ниҳоятда хавфли куч эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Оз бўлса-да, маърифат бериш, русларга нисбатан муносабатни яхшилаш мақсадида чекланган ҳолда русча таълим бериш, бу билан руслаштириш сиёсатини кучайтириш мақсадини ўз олдиларига қўйдилар. Бунинг учун ўлкада мавжуд бўлган бирдан-бир ўзбек тилидаги “Туркистон вилоятининг газети”дан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб билдилар. Ушбу газетанинг ўша даврдаги бойламларини варақлар экансиз, русларни, уларнинг маданиятини, Россия давлатининг ҳарбий қудратини улуғловчи туркум мақолаларга кўзингиз тушади. Мақсад битта – Россияни улуғ давлат сифатида ҳалқ онгига сингдириш, ўлка ҳалқларини унга мутеликда сақлаш эди. Андижон қўзғолони муносабати билан А.Б.Вревский ўрнига келган Туркистоннинг янги генерал-губернатори С.М.Духовский ушбу қўзғолонни қоралаб, ҳалқни даҳшатга солиш мақсадида айтган қуйидаги сўзларига эътибор беринг: “Ақлдан озган кишигина улуғ подшоҳимизнинг тутган йўлига қарши ҳаракат қилиш хаёлида бўлиши мумкин! Унинг қудрати шу қадар улуғки, унинг бир оғиз сўзи билан икки ҳафтадан сўнг Туркистон шу қадар кўшин билан тўладики, ҳар бир волостга биттадан батальон қўйиш мумкин бўлади”<sup>1</sup>.

Газета сахифаларида схоластик таълим-тарбия тизимини танқид қилувчи, усули савтия методининг афзалликларини тарғиб қилувчи мақолалар ҳам бот-бот кўрина бошлади. Руслаштириш сиёсатини амалга оширишда асосий восита бўлиб келаётган рус-тузем мактаблари тармоғини кенгайтириш, ундаги ўқитиш усулларига бирмунча ислоҳ киритишга мажбур бўлдилар, баъза жойларда ушбу мактаблар учун маҳсус ўқув бинолари ҳам курилди. Рус-тузем мактабларининг мусулмон гурухларида ўқув-тарбия ишларини назорат остига олиш мақсадида ўзбек тилида алифбо дарслиги яратиш масаласи қўйилди. 1898 йилда генерал-губернатор Духовский ушбу вазифани Тошкент шаҳар 1-рус-тузем мактабининг мусулмон гуруҳи ўқитувчиси Саидрасул Саидазизовга топширди.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳаллий ҳалқ ўртасида рус-тузем мактабларининг эътиборини ошириш, уларда русларга нисбатан илиқ муносабатни вужудга келтириш ва айниқса, Россия давлатининг қудратини намойиш қилиш мақсадида рус-тузем мактаблари

<sup>1</sup> “Туркистон вилоятининг газети”, 1898 йил, 28 июн.

ўкувчиларининг Санкт-Петербург, Москва ва бошқа шаҳарларига ўқув-таълимий саёҳатларини амалга оширди. Мана шундай саёҳатлардан биринчиси генерал-губернатор Духовскийнинг махсус кўрсатмаси ва режасига асосан амалга оширилди. Губернатор аввал Санкт-Петербургдаги катта мансабдор шахслар – ҳарбий ва халқ маорифи вазирлари билан келишиб олиб, уларга саёҳатнинг Россия манфаатлари учун қанчалар аҳамиятини тушунтирган. Ушбу саёҳат 1899 йилнинг ёз ойлари амалга оширилган ва икки ой давом этган. Духовский буйруғига мувофиқ Туркистон ўлкасининг ҳамма вилоятларидан 18 ўқувчи йигилган, саёҳатга Самарқанд шаҳар рус тузем мактаби ўқитувчиси Лапин раҳбарлик қилган.

“Туркистон вилоятининг газети” 1899 йил 3 июл 25-сонида ўқувчиларнинг Петербургга кетгани ҳақида қисқа хабар ва саёҳат таассуротларини тўлиқ бериб бориш ҳақида маълумот беради. Дарҳакиқат, газетанинг 1899 йил 37, 38, 39, 40, 44, 45, 46-сонларида “Туркистон ўлкаси мусулмон болаларининг 1899 йилда Москва ва Петербург саёҳати баёни” (сарлавҳа рус тилида “Описание путешествия детей мусульман из Туркестанского края в Москву и Петербург в 1899 г.”) сарлавҳаси остида анча катта мақола Муҳиддинхўжа эшон ўғли имзоси билан эълон қилинган. Олдиндан келишилганидек, болаларни ҳамма жойда эҳтиром билан кутиб оладилар, саёҳатнинг иккинчи куни жума намозини Петербургнинг жамеъ масжидида ўқийдилар. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида: Петропавловск қалъасида, Пушкин ўқиган подшоҳ лицейида, музейларда, заводларда ва ҳатто ҳар ким кириши мумкин бўлмаган император хонадонида, ҳарбийлар машқи жараёнларида бўладилар, улар билан шахсан ҳарбий вазир Куропаткин учрашди, “насиҳат” қилди. Бу ҳақда газета қуидагиларни ёзди: “Саккизинчи куни бориб, воений министр генерал-лейтенант Куропаткин жанобларини кўрмоқ бўлиб, мазкур жанобни уйларида кутуб турганимизда бир генерал келиб бизларни бир зол уйга бошлаб олиб кирдилар ва икки адъютантлари ҳам бор эди ва ул ҳолда ўшал баланд мартабалик ваенний министр ўзлари марҳамат айлаб, уйларидан чиқиб, бизларни ҳар қишиларимиз билан сўрашиб, баъд аз ан ўртада туруб дедиларки: “Жамеъ мамлакатлардаги кишиларни ва раъиятларни баланд оталари подшоҳ бўладур ва биз Россия фуқароларининг ҳам баланд оталари подшоҳи аъзам императоримиздурлар. Шул сабабли ҳаммамиз бир-бirimizga оға-инилик даражасидадурмиз ва яна ушбу тарафларни саёҳат айлаганларингизга кўп хурсанд бўлдум ва ушбу тарафларда кўрганларингизни ўз вилоятларингиздаги кишиларға камокон билан қилурсизлар ва яна кўрмаган жойларингизни тамошо айлаб кўрунглар”, - деб уч юз сўм ақча бизларга инъом айладилар”<sup>1</sup>.

Губернаторлик маъмурлар ушбу бошланғич рус-тузем мактабларини ҳар қанча рағбатлантиրмасинлар, халқҳаётiga сингиб кета олмади. Айниқса, усули жадид мактабларининг фаолияти кенг кўлам кашф этгач, унга эҳтиёж ҳам йўқолиб борди. Бунинг асосий сабаби бу мактабларнинг “сут билан кирган”, минг йиллар давомида миллатнинг қон-қонига сингиб кетган маънавиятини, тарихини, тилини йўққилишга қаратилганлигидадир.

**3. ЖАДИДЧИЛИК** (арабча «жадид»-янги)-янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жадидчилик XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида туркий мусулмон ўлкаларида (Крим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Урал хавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия мухитида вужудга келган. У ўша даврдан Туркистондаги миллий-озодлик харакатининг мафкураси-Туркистон миллий мустакиллик мафкураси вазифасини бажарди.

Жадидчиликнинг асосий ғоя-мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал таркоқлик, диний хурофотлардан озод қилиш, «Усули қадим»ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий пул бирлиги ва миллий қўшин тузиш. Бу ғоя ва максадлар 1917-1924 йилларда «Туркистон мухторияти» (1917 йил ноябр-1918 йил

<sup>1</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1899 й. 46-сон.

феврал), Бухоро ва Хоразм халқ Республикалари даврида (1920-1924 йиллар), қисқа муддатда ва қисман бўлсада амалга оширилган эди.

Крим, Кавказ, Волгабўй-Булғор ва Жанубий Уралдаги жадидчиликка Исмоилбек Гаспирали, Жовид Хусайнзода, Мусо Жоруллох Козоний, Ризоуддин ибн Фахриддинлар рахнамолик қилишган. Туркистонда бу ҳаракатга Махмудхужа Бехбудий ва Мунаввар Корилар етакчилик қилишган. Бухорода жадидчилик ҳаракатига Абдурауф Фитрат ва Усмонхўжалар, Хива жадидларига эса Полвонниёз хожи Юсупов ва Бобоохун Салимовлар етакчилик қилган.

Жадидчиликнинг Туркистондаги тараққиётини қўйидаги давларга ажратиш мумкин:

**I. 1885-1895 йиллар:** Г.Исмоилбейнинг «Таржимон» газетаси таъсирида Кўқонда янги-жадид усулидаги мактаблар очиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста-секин рус-тузем мактаблари билан рақобатлаша бошлаган.

**II.1895-1905 йиллар:** Кримдаги Гаспира шахридан Г.Исмоилбейнинг Бухоро ва Самарқандга ташрифи, Бухоро амири билан учрашиши натижасида 1895 йилда жадид мактабларини ташкил этиш даври-Бухорода Жўрабой, Самарқандда А.Шакурий, С.Азизий, А.Мунзим, Мулла Қилич, Тошкентда Мунаввар Кори, А.Авлонийлар, Кўқонда Хамза, Намангандада И.Ибрат, Сўфизода ва бошқа сиймоларимиз очган жадид мактаблари ўз фаoliyatларини олиб бордилар.

**III.1905-1914 йиллар** жадидчиликнинг мактаб-маорифдан кенгроқ газетчилик, яъни рўзномалар ва жаридалар чоп этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илм-фан, адабиёт, маданият-маорифни миллийлаштириш босқичи.

**IV.1914-1917 йиллар** жадидчиликнинг ўта ижтимоий-сиёсий йўналиш касб этиши, жадидчилик сиёсий партияларининг тузилиши ва уларнинг уч хил талаблар қўйиши:

1) Россиядан тўла ажralиб чиқиш; 2) Россия Федерацияси таркибида «миллий-худудий мухторият» тузиш; 3) Россия унитаризми таркибида фақат маънавий-диний мухторият хуқуqlари кафолатига эга бўлиш.

**V. 1917 йил ноябри-1918 йил феврал** оралиғида Кўқонда «Туркистон мухторияти»нинг тузилиши ва унинг рус большевиклари томонидан қонга ботирилиб, тутатилиши.

**VI. 1918-1924 йиллар-шўро** тизими таркибида, маориф-матбаа ишларида «Чигатой гурунги» ни тузиш билан ажralиб туради.

**VII. Туркистон парчаланиб (1924)**, жадидчиликнинг кейинги тараққиёти «миллий республикалар» доирасида борди. Жадидчилик асосан маданият-маориф, мактаб ва матбаа ишларида «Чигатой гурунги» ғояларини зимдан амалга оширишга, миллий озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринди.

**VIII. 1931 йилдан то 1937-38 йиллар орқали 50-йилларнинг биринчи ярмигача қатағонга учраш даври.**

Туркистон жадидчилигидаги асосий гоявий-назарий йўалиш Бехбудий, Мунаввар Кори, Фитрат, Чўлпонлар томонидан илгари сурилган бўлиб, шўролар тузуми, компартия гояси ва мафкурасини тўлалигича инкор этиб, ягона ва бир бутун Туркистон халки ва давлатини қуриш, замонавий тараққиёт йўлидан боришни таклиф этганлар. А.Авлоний, С.Айний, Хамза, Боту, Элбек, А.Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқа жадидлар миллий ва умуминсоний демократик кадриятларга муқобилан шўро (совет) ғоя ва қадриятларига урғу беришган. Лекин шундай бўлсада охирда номлари келтирилган жадидлар хам ўzlари хизмат қилган шўро (совет) давлати томонидан қатағон қилиндилар ...

Туркистон жадидчилиги ва маърифатчилиги тўғрисида гап борганда, уни анъанавий Шарқ маърифатчилигидан, шунингдек, ўша даврдаги ислом диний ислохотчилигидан фарқлаш зарур. Анъанавий Шарқ маърифатчилиги (Турди, Ахмад Дониш, Анбар Отин, Нодира, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий) жадидлар маърифатчилиги учун маънавий-рухий замин бўлган. Шунингдек мусулмон оламида бошланган ислом ислохотчилик уринишлари жадидлар ҳаракати учун, ислом, шариат нуқтаи назаридан диний-қонуний жахатдан йўл очиб берган. Бироқ жадидчилик ҳаракати, ундаги маърифатчилик майиллари

ўзини хаётга, умуммиллий ижтимоий-сиёсий муоммоларни хал қилишга йўналтирилганлиги билан анъанавий шарқ маърифатчилиги ва диний ислохотчилик жараёнларидан тубдан фарқ қилган.

Жадидчиликнинг тор-мор қилиниши туркӣ ҳалқларнинг жаҳон миқёсида танилишини деярли бир асирга орқага сурди, уларни хукмрон коммунистик мафкура ва совет тузуми истибодига қарам этилишига олиб келди. Жадидчилик харакати бир аср давомида дастлаб Чор мустамлакачилиги, кейинчалик коммунистик партия тазиқи ва исканжасида бўлиб, тўла равишда номоён бўла олмади. Зиёлилар томонидан унинг заминларини ва шаклланиш тарзини ўрганиш таъкиқ остида бўлди. Шўролар давридаги мисли кўрилмаган мафкуравий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тазиққа қарамай ўзбек ҳалқи миллий ўзига хослигини сақлаб қола билди. Жадидлар ўртага ташлаган ғояларни амалга ошириш вақти-соати келишини умид билан кутди. Бу вақт мустақиллик билан барга ҳаётимизга кириб кела бошланди. Чунки жадидларнинг ғоялари ўлмас ғоялар эди.

Мактабсизлик қилди бизни қип ялянғоч,  
Мактабсизлик бизни этди талон-тарож,  
Мактабсизлик Турон элин ўлдирди оч,  
Кўзингни оч, бу хўрлиқдан мактабга қоч.  
Билим қочди қўлимиздан беш юз йилдир,  
Унутмагин Улугбеклар бизнинг элдир,  
Турон эли, ўзбек тили бизнинг тилдир,  
Турон ўғли эканингни тезроқ билдир

Абдулла Авлоний

Илмдур дунёда энг яхши хунар,  
Илмсиздан яхшидур гунг ила кар.  
Хар киши илм-ла бўлса ошно,  
Иzzату давлатда бўлгай доимо,  
Илмсиз одам залилу хор ўлур,  
Илмсизликдан хамма безор ўлур.

Мунаввар Қори.

## Назорат саволлари

1. Туркистон хонликларининг Россия империяси таъсир доирасига тушиб қолишининг ижтимоий омиллари нималардан иборат?
2. Россия империясининг “Ўрта Осиёни қўшиб олиши” иборасига муносабатингиз қандай?
3. Мустамлакачилик даврининг Туркистон ҳалқлари майший турмушига таъсирига баҳо беринг.
4. Рус олимларининг ўлка ҳалқлари тарихи ва этнографиясини ўрганишга қўшган хиссасини қандай баҳолайсиз?
5. Мустамлака даврида Туркистон аграр муносабатларида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
6. Ўлка ҳалқлари орасида маданий-оқартув ишларининг ташаббускорлари фақат жадидлар бўлган деган фикрга муносабатингиз қандай?

## Адабиётлар

1. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – engilmas kuch. – T., “Ma’naviyat”, 2008.
2. Алиев А. Маҳмудхўжа Беҳбудий. –Т., 1994.
3. Ватан туйғуси. –Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам. –Т., «Университет», 1999.
5. Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. Тўлдирилган бешинчи нашри. – Т., “Ўзбекистон”, 2012. –Б. 130-144.
6. Содиков М. Эркесвар, ҳурриятпарвар эл ворисларимиз. –Т., “Камалак”, 1992.

7. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. -Тошкент, “Шарқ”. 2001.
8. Ўзбекистон тарихи / Олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик. II-жилд (XIX асрнинг II ярми – 1989 йил июнь). Масъул муҳаррир Р.Х. Муртазаева. –Т., “Янги аср авлоди”, 2015. –Б. 201-232.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т., «Шарқ», 2000.
10. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. – Т., 1992.

## **6 - Мавзу: Шўролар даври. Тараққиётнинг инқилобий ва тадрижий йўллари таҳлили.**

**Режа:**

1. Туркистонда миллий озодлик учун кураш тарихшунослиги масалалари.
2. Монархиядан демократия сари. Тарих сабоқлари ва хulosалар (Бухоро Халқ Республикаси мисолида)
3. Шўролар даврида юритилган қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари.

**Таянч тушунчалар:** Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Инқилобнинг “экспорт” қилиниши ва анъанавий ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий анъаналарнинг заволи. Истиқлолчилик ҳаракати. Социаллаштириш, жамоалаштириш ва саноатлаштириш сиёсатининг салбий оқибатлари. Қатағон сиёсати (“Катта террор”) ва ундан кўзланган мақсад. Қарамлик даври ва унинг тарихшунослиги.

1. Туркистонда миллий озодлик учун кураш масалалари қарийб 80 йилдан бери нафакат ватан тарихшунослигига, балки жаҳон тарихшунослигига алоҳида дикқат эътибордаги муаммолардан бири бўлиб келган. Бунга энг аввало ушбу курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг ўз ватанида ногўғри талқин этилиб, бузуб кўрсатилган, иккинчидан эса бу курашлар (ассосан 1918-1924 йиллардаги кураш) ўзини «мехнаткашлар ҳокимияти» сифатида жаҳонга эълон қилган совет ҳокимиятининг Туркистонда зўрлик билан ўрнатилиб, куч билан хукмронлик килиб турганини фош этгани билан изоҳланади.

Ушбу кураш воқеаларининг турли йўналишлардаги талқинини ўрганиш асосида маълум бўлишича дастлабки 70 йил давомида, яъни сobiқ СССР ҳукм сурган ва жаҳон икки лагерга бўлинган даврларда бу муаммолар тадқики кескин ғоявий кураш майдонига айланган. Бу ғоявий курашларда масалага ўз сиёсий манфаатлари, ғаразли стратегик мақсадлари нуқтаи назаридан бир ёқлама ёндошган совет тарихшунослиги ташабbusни қўлига олиб, баҳсларга илмий тус беришга йўл қўймаган, пуч дайволар, сиёсий айловлар ва кескин танқидга, назарий ақидаларга, синфий кураш таълимотига асосланиб, бир ёқлама, асоссиз қарашларни зўрлик билан тарғиб ва ташвиқ килиб келган.

Совет тарихшунослигининг манбавий асослари, тадқиқот услублари, реал воқелик – ҳақиқатни акс эттира олиш имкони, ҳаққонийлик ва холислик даражасини аниқ нашрлар, манбалар мисолида ва ижтимоий-сиёсий муҳит билан узвий боғлиқлиқдаги таҳлилидан намоён бўлишича, мустабид тузум даврида тарих фанида олиб борилган тадқиқотлар, жумладан, мустақиллик учун кураш воқеалари (айниқса шу тузумга қарши қаратилган ҳаракатлар) тадқиқи бутунлай хукмрон мафкура назорати ва тазиёки остида олиб борилган. Синфий кураш ғоялари билан қуролланган бу мафкура жамият ҳаётининг барча соҳалари – иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий ва маънавий соҳаларга синфий зиддиятлар нуқтаи

назаридан ёндошиб, синфий манфаатлар асосида баҳолаган ва умуминсоний, умумхалқ ва умуммиллий манфаатларни четга суреб қўйган. Гарчи бу мафкура ғоялари меҳнаткашлар синфи манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги баландпарвоз вайдалар билан безалган бўлса-да, амалда энг аввало шу меҳнаткашлар кўп эзилган. Реал воқеликдан узоқ бўлган бу мафкура ҳаёт ҳақиқатини тан олмай, унга ҳамиша қарши борган, бу ҳақиқатни ҳаққоний ёритиш у ёқда турсин, тан олишни ҳам истамаган. Ана шундай ҳақиқатлардан бири Туркистонда совет давлати ва тузумига қарши олиб борилган кураш воқеалари бўлиб, оммавий халқ ҳаракатига айланган бу курашлар хукмон мактубанинг реал ҳаётга зидлиги, меҳнат кашлар манфаатига хизмат қила олмаганини намоён этарди. Дастребаби 5-6 йил мобайнида шиддат билан давом этган бу кураш ҳақиқий халқ ҳаракати бўлиб Туркистон жамиятининг барча табакаларини умумхалқ, умуммиллий манфаатлар йўлида бирлаштириди ва коммунистик мактубанинг синфий кураш таълимоти реал ҳаётда ҳақиқий маъно ва асосга эга эмаслигини кўрсатди. Бироқ зўрлик ва куч билан ҳокимиёт тепасига чиқиб олган коммунистлар партияси халққа ўз таълимотини ҳам зўрлик ва куч билан сингдиришга киришди, халқ ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостириди.

Бу курашларнинг ҳаққоний талқини ушбу мафкура манфаатларига жавоб бермас, аксинча, унинг ҳаётий эмас, ҳаёлий эканлигини, Туркистон халқларини озодлиги, эркидан маҳрум этиб, жиловлаш учун баҳона бўлганини фош этар эди. Шу сабабли ҳам бу курашлар ҳақида 20-йилларнинг бошларида янграб ултурган ҳақиқат садолари<sup>1</sup> тез орада бўғиф ташланди ҳамда реал воқеликни бузиб кўрсатувчи, хукмон мактуба ва давлат манфаатларига мослаштирилган, синфийлаштирилган, аникрофи сохталаштирилган талқинлар яратилди. 30-50-йилларда большевикча концепция<sup>2</sup>, 50-йиллар иккинчи ярмидан марксча-ленинча концепция (яъни қарашлар тизими) сифатида таърифланган бундай сохта талқин нафакат тарих фанига, балки адабиётга, санъатга, жамият онгига зўрлик билан сингдирилди.

Зўрлик билан қарор топган бу бир ёқлама, чекланган сохта талқиннинг манбавий асослари ҳам сохта, чекланган эди, уни яратишга хизмат қилган тадқиқот услублари ҳам илмий ёндошишга, реал фикрлашга эмас, партия ва унинг синфий кураш ғояларига, яъни партиявийлик ва синфийликка асосланган эди. Муаммога шу асосда ёндошиш пировардида тарихий ҳақиқатни мутлақо сохталаштиришга, унинг реал аҳволга зид, хукмон ғоялар манфаатига мос талқинини яратишга олиб келди<sup>3</sup>.

Совет тарихшунослигининг синфий кураш таълимотига асосланган тадқиқот усуллари нафакат совет даврида, балки ундан олдинроқ содир бўлган тарихий воқеалар ва жараёнларни ҳам холисона ва ҳаққоний талқин этиш имконини бермади. Бунинг биринчи сабаби совет тарихшунослигининг синфийлик, партиявийлик, коммунистик мактуба ақидаларига асослангани билан изоҳланса, иккинчи сабаби хукмон давлат халқни ўзлигидан, тарихий хотирасидан, ҳаққоний тарихидан маҳрум этиш ва ўз ғояларига ишонтириш, хукмон давлат манфаатларига, хоҳиш-иродасига бўйсунувчи, итоаткор, коммунизм мутаассибларига айлантириш мақсадини кўзлагани билан изоҳланади. Ўтмишнинг ҳар бир воқеаси халққа ўз илдизлари, ҳаёт тарзи, маънавий меросидан дарак бериши, уни руҳий озиқлантириши шубҳасиз эди. Шу сабабли ҳам бу халқни енгиш, уни ўзлигидан, тарихидан айириб, зўрлик билан турли миллатларнинг сунъий чатишмасидан иборат (аммо рус тилида сўзлашувчи!) «совет халқи»нинг таркибиға қўшиб юбориш, итоаткор оммага, ҳаёлий ғоя фидойисига айлантириш учун унга ҳаққоний тарихни эмас, сохта, совет ғояларига мослаштирилган тарихни яратиш лозим топилди.

1916 йилда Туркистонда Россия империяси зулмига қарши кўтарилиган оммавий халқ

<sup>1</sup> Рискулов Т. Из истории борьба за освобождение Востока // Новые Восток. 1924. Кн.6., Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана) –М., 1921. В кн. «Басмаческий фронт» // Коммунистическая мысль. 1920. №1.

<sup>2</sup> Галузо П. За большевистскую концепцию восстания 1916 года в Средней Азии // Туркменоведение. 1931. №7-9., Алексеенко П. Что такое босмачество? –Т., 1931.

<sup>3</sup> Коканбаев А. Борьба за установление и упрочение советской власти в Ферганской долине. –Т., 1958., Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. –Т, 1961.

қўзғолонининг синфий талқини ҳам шу мақсадда яратилди. Чунки бу воқеанинг ҳаққоний талқини халққа миллий мустақиллик ва унинг учун кураш истагини оловлантирас, қўзғолонда қурбон бўлган эркесвар аждодлар мисолида ватанпарварликка ундарди. Қўзғолоннинг Россия хукмронлигига барҳам бериш мақсадлари эса бу империя меросхўри бўлган совет давлатининг хукмронлигига таҳдид соларди. Шу туфайли ҳам қўзғолоннинг асл моҳияти ва мақсадларини илк бор илмий асосда ёритишга уринган замондошлар миллий зиёлилар (Т. Рискулов ва бошқалар) кескин танқид ва ғоявий ҳужумларга дучор бўлди, хукмрон тузум «душманлари» деб эълон қилинди. Бу қўзғолоннинг ниҳоятда мавҳум, синфийлаштирилган, сийқалаштирилган талқини яратилди ва зўрлик билан қарор топтирилди. 30-40-йилларда большевикча-сталинча, 50-йиллар ўртасидан эса марксча-ленинча концепция (қарашлар гизими) деб аталган бу талқинда 1916 йил қўзғолони Россия хукмронлигига эмас, Россия империализмига, рус буржуазияси ва маҳаллий бойларга қарши миллий озодлик кураши сифатида ёритилди, лекин рус империализми, маҳаллий бойлар, рус буржуазиясининг совет давлати томонидан тугатилиши Туркистон халқларига миллий озодлик бера олмагани, ўзини гўё «Туркистон меҳнаткашларини озодликка олиб чиққанлиги» ҳақида жар солган совет давлати ўзига қарши шу халқ олиб борган курашларни 5-6 йилгача енга олмагани эндиликда яхши маълум. Бироқ совет ҳокимияти ва унга хизмат қилган коммунистик мафкура буни тан олмай, 1916 йил воқеалари талқинида ва умуман, доимо Туркистон халқларига ўзи ваъда қилган, аммо қоғозда бор, амалда йўқ миллий озодликни пешлаб келди. Бу қўзғолон талқинида унинг мағлубият сабаби «улут рус халқи»нинг раҳбарлик қилмагани билан изоҳланди, уларга тобелик, мутелик, ўз кучига ишончсизлик тарғиб этилди.

Россиядан ажralиб, мустақил бўлиш мақсадларида аниқ уюшган ҳаракат олиб бориб, ўз мустақил бекликларини эълон қилган Жиззах воқеалари «реакцион чиқишилар» сифатида қораланди<sup>1</sup>.

Ҳар икки кураш воқеалари – 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги оммавий халқ ҳаракатлари моҳияти жиҳатидан бир хил мустабид тузум зулми ва хукмронлигига қарши қаратилган бўлса-да, улар совет тарихшунослигига турлича баҳоланди. Биринчиси, яъни 1916 йил қўзғолони эзилган синфлар кураши деб, 1918-1924 йиллардаги курашлар эса «синфий душман», «эзувчи синфлар» қаршилиги сифатида кўрсатилди. Оммавийлиги, давомийлиги, шиддати, кўлами, уюшқоқлик даражаси ва сиёсий мақсадлари аниқлиги жиҳатидан 1916 йил қўзғолонига нисбатан анча юқори поғонада турган 1918-1924 йиллар воқеаларининг совет тарихшунослигидаги соҳталаштирилиши ҳам юксак даражада бўлди. 1916 йил воқеалари талқинида унинг сабаблари сифатида, тор доирада бўлса-да, империализмнинг мустамлакачилик зулми кўрсатиб ўтилди. Кураш умумий тарзда империализмга қарши миллий озодлик ҳаракати сифатида талқин этилди, лекин 1918-1924 йиллардаги воқеалар талқинида уларнинг сабаблари, моҳияти ва мақсадлари бутунлай қораланди, чунки 1916 йил воқеалари совет ҳокимияти барҳам берган Россия империясига, 1918-1924 йиллар курашлари эса бевосита шу ҳокимиятга, совет давлати ва тузумига қарши қаратилган эди.

Совет тарихшунослигига Туркистондаги курашларда маҳаллий зиёлилар, жадид тараққийпарварларининг роли ҳам ўзининг холисона талқинини ололмади. 1916 йил воқеалари талқинида жадидлар «ҳоин» сифатида, эзилган синфларга қарши чиқиб, мустабид ҳукуматни кўллаганликда» айбланса, 1918-1924 йиллардаги курашларда «синфий душман – эзувчи синфлар»ни кўллаб-қувватлаганликда айбланди. Умуман жадид тараққийпарварлари ҳамиша халққа қарши қўйиб келинди, уларнинг маърифатпарварлик ва сиёсий фаолияти, юксак орзуистаклари, Туркистон тараққиёти ҳамда мустақиллиги учун курашлари нотўғри талқин этилиб, бузиб кўрсатилди, улар «халқ душмани» сифатида қораланди.

Хуллас, совет тарихшунослигига Туркистон халқларининг мустабид давлатлар хукмронлигига қарши курашлари ўзининг ҳаққоний талқинини ололмади, аксинча, бу курашлар тарихи соҳталаштирилди, нотўғри, бузиб кўрсатилди. Бу курашларнинг умуммиллий ва умумхалқ манфаатлари учун олиб борилгани яширилиб, мутлақо асоссиз

<sup>1</sup> Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. –Т., 1962.

равишида синфий манфаатлар ва инқилоб ғоялари соясида кўмиб юборилди, ҳатто 1918-1924 йиллар воқеалари талқинида курашнинг умумхалқ характери инкор этилиб, унинг шиддати ва давомийлиги, умуман авж олиши ташқи омиллар – чет эл империалистларининг хизмати сифатида кўрсатилди, асл моҳияти, сабаблари ва мақсади эътироф этилмади.

Ўз ватанида яширилган, бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқат хорижда ошкораликка йўл излади. 20-йиллар охиридаёқ муҳожир ватандошларимиз Туркистон мустақиллиги учун курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни жаҳон жамоатчилигига етказиш мақсадида бу воқеаларнинг ҳаққоний талқини битилган илк мақолалар ва хотираларини хорижий матбуотда эълон қила бошладилар. 30-40-йилларда уларнинг илк илмий асрлари, 50-60-йилларда йирик монографиялари чоп этилди. Инглиз, немис, турк, француз тилларида чоп этилган бу асрлар хорижий тарихшуносликда Туркистон мустақиллиги учун кураш воқеалари ўзининг ҳаққоний талқинини олишида катта роль ўйнади. Кураш воқеаларининг гувоҳлари, замондоши ва иштирокчилари бўлган Абдулла Ражаб Бойсун, Закий Валидий Тўғон, Мустафо Чўқаев каби ватандошларнинг аниқ фактлар ва далиллар билан асосланган хотиралари бошқа манбалар билан тўлдирилган ҳолда йирик тадқиқотларга асос бўлди. Натижада хорижий тарихшуносликда XX асрнинг биринчи ярмидаёқ бу курашлар моҳияти тўғри баҳоланди, 50-йиллардан бошлаб эса илмий асосланган қарашлар сифатида қарор топиб борди.

Хорижий тарихшуносликда 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги курашлар моҳияти жиҳатидан бир хил, кейингиси аввалгисининг давоми, анча уюшган, сиёсий тус олган шакли, юкори босқичи эканлиги, эътироф этилди. Ҳар икки воқеа Туркистон халқларининг миллий озодлиги учун олиб борилган халқ ҳаракати сифатида баҳоланди. Совет ҳокимияти эса мустабид Россия империясининг давомчиси, меросхўри эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу кураш воқеаларининг асосий мақсади Туркистонда Россия хукмронлигига, зулмига чек қўйиш бўлганлиги қайд этилди.

Хорижий тадқиқотларда, масалан, немис, ва турк тарихшунослигига совет ҳокимиятига қарши курашнинг даврий чегаралари 30-йилларнинг ўртасига қадар белгиланади ва мустабид тузумнинг қатағон қилиш, яъни қириш сиёсати билан барҳам топгани таъкидланади. Умуман хорижий тарихшуносликда немис ва турк тарихшунослиги бу муаммолар талқинида алоҳида ўрин тутади, катта илмий натижалари билан ажralиб туради ва бу энг аввало бу тилларда муҳожир ватандошларимиз ижод қилгани билан изоҳланади. Туркистондаги маҳаллий шарт-шароит, хусусият ва ички омиллардан, содир бўлган воқеалардан яхши хабардор бўлган, халқнинг орзу-армонларини яхши билган муҳожир ватандошлар ижодида Туркистон мустақиллиги учун кураш тарихининг энг муҳим масалалари илк бор ўзининг ҳаққоний талқинини олди.

Совет ҳокимиятига қарши кураш сабаби ва мақсадларини тўғри баҳолай олган инглиз-америка тарихшунослигига баъзи масалалар, масалан, кураш босқичлари, мағлубият сабаблари, сардорлар кўрбошиларнинг маънавий-сиёсий қиёфаси, фаолияти каби масалаларда шошилинч, юзаки ёки зиддиятли мулоҳазалар ҳам учраб туради ва бу энг аввало маҳаллий шарт-шароит, ички омиллардан бехабарлик, манбаларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Лекин бундай камчиликлар хорижий муаллифларнинг кураш моҳияти ҳақидаги яқдил қарашларини инкор эта олмайди.

Хорижий тарихшуносликда Туркистонда мустабид давлатлар хукмронлигига қарши қаратилган курашлар моҳияти ҳақида яқдил хуласалар билдириш билан бирга айrim тадқиқотларда бу воқеаларни диний ҳаракат (яъни мусулмонларнинг кофирларга қарши юриши) ёки миллатлараро кураш, миллий ихтилоф сифатида талқин этишга уринишлар ҳам учраб туради. Ўлкадаги ҳақиқий аҳволдан бехабарлик, манбалардан фойдаланиш имкони чеклангани туфайли юзага келган бундай юзаки ва шошилинч мулоҳазалар айrim тадқиқотларга хос нуқсон бўлиб, муаммо тарихини ниҳоятда сохталаштириб юборган совет нашрлари таъсирида яратилган.

Хорижий тарихшуносликда, хусусан, инглиз-америка тарихшунослигига бу муаммога Афғонистон воқеалари ёки ислом дини билан боғлиқ равишида тўхтаб ўтган тадқиқотларда масалани сиёсийлаштиришга уриниш холлари кўзга ташланса-да, бу хол умумий, хос

хусусиятга айланмайди, айрим муаллифларнинг шахсий муроҳазаси сифатида намоён бўлади.

Умуман олганда хорижий тарихшунослик намуналари масаланинг моҳиятини тўғри баҳолай олиш, холисона ёритишга уриниш билан совет тарихшунослигидан катта фарқ қиласди ва муаммонинг «марксча-ленинча» талқинига мутлақо зид қарашларни илгари суради.

Хорижий тарихшунослик ва совет тарихшунослигининг манбавий асослари таҳлилидан маълум бўлишича, хориж тадқиқотчилари мухим тарихий манба сифатида замондошларнинг хотиралари, кўрсатмалари, асарларидан кенг фойдаланганлар. Совет тарихшунослигига эса асосан мустабид ҳукумат архивидаги расмий ҳужжатлар сараланган ҳолда, чекланган доирада, ғолиб тараф манфаати нуқтаи назаридан жалб этилган, ҳаққоний ва холис қарашлар эътиборга олинмаган, атайин четга сурилган, улардан фойдаланиш, илмий истеъмолга киритиш ман этилган.

Тадқиқотларнинг манбавий асоси ҳамда масалага ёндошувда кўзланган мақсадлар уларнинг илмий натижаларини белгилаб берган. Энг ишончли манбалар – замондошлар гувоҳлиги ва хотираларидан холисона фойдаланган хорижий тадқиқот намуналарида совет ҳокимиятига қарши кураш моҳияти, сабаб ва мақсадлари ўзининг тўғри баҳосини олишга мушарраф бўлган бўлса, чекланган, бир ёқлама расмий маълумотлардан нохолисона асосда, ноилмий мақсадларда, тор манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда, сохталаштирилган тарихни асослаш учун фойдаланган совет тарихшунослигига бу муаммо мутлақо нотўғри талқин олган.

Туркистонда мустабид давлатларга қарши олиб борилган кураш воқеаларига оид мухим тарихий манба ўша даврдаги ижтимоий фикр – замондошларнинг гувоҳлиги ва хотиралари эканлигини таъкидлаш билан бирга, уларнинг холислик ва ҳаққонийлик даражасини тўғри баҳолай олиш катта аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Турли миллатлар (мазлум, маҳаллий миллат ва ғолиб, ҳукмрон миллат), сиёсий кучлар, ҳукмрон ва мухолиф доираларнинг вакиллари томонидан турли вазиятда ва мақсадларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни бирдек ҳаққоний қарашлар сифатида баҳолаб бўлмайди. Миллати, маслаги, мақсади, сиёсий позицияси, воқеаларга қай даражада алоқадорлиги нуқтаи назаридан турлича бўлган замондошларнинг айни бир воқеа ҳақидаги кўрсатмаси турлича бўлиши мумкин. Яна айни бир замондошнинг расмий ва норасмий вазиятда билдирилган қарашларида ҳам катта тафовут бўлиши мумкин. Бу курашлар айнан ҳукмрон давлатга қарши қаратилгани туфайли ушбу воқеалар ҳақида жамоатчилик ўз фикрини ошкора билдириш имконига эга бўлмагани, жамоатчилик фикри сифатида матбуотда чоп этилган қарашлар эса ҳар доим ҳам ҳаққоний бўлавер маганини эътиборда тутиш лозим. Умуман замондош ижтимоий-сиёсий қарашлар сифатида талқин этилиши мумкин бўлган бу фикр-мулоҳазаларни қўйидаги асосларда ажратиб олиши зарур.

1.Расмий қарашлар.

2.Норасмий қарашлар.

Ҳар икки гуруҳдаги қарашлар ҳам ошкора ёки маҳфий тарзда билдирилган бўлиши ва бу албатта уларнинг ҳаққонийлик даражасига таъсир этганлиги шубҳасиз.

Замондошларнинг хотираларини қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1.Воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган халқ вакилларининг хотиралари.

2.Курашга алоқадор бўлмаган, лекин воқеаларга гувоҳ бўлган холис замондошларнинг кўрсатмалари.

3.Курашни зўрлик билан бостирган, шафқатсиз мустабид ҳукумат вакилларининг баёнотлари.

Ҳар уч турдаги хотираларнинг ўзаро қиёсий, танқидий ва тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этиш асосидагина тарихий ҳақиқатни аниқлаш мумкин. Бу гуруҳлардаги замондошлар хотираларининг ҳаққонийлик даражасини аниқлашда уларнинг расмий ёки норасмий асосда баён этилганини ҳам аниқлаш мүхимдир. Чунки мустабид тузум ҳукмронлиги шароитида унга қарши қаратилган курашлар ҳақидаги замондошлар хотираларининг қайд этилишида ошкоралик ва ҳаққонийликка имкон берилмагани яхши маълум.

Хуллас, Туркистонда мустабид давлатлар ҳукмронлигига қарши олиб борилган курашларга оид мухим тарихий манба – замондошларнинг хотиралари, шу давр ижтимоий-

сиёсий қарашлари қиёсий, танқидий ва тарихийлик нұқтаи назаридан, давр рухи, ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобға олған ҳолда ўрганилгандагина тарихий ҳақиқатни тиклашга хизмат қилиши мүмкін. 1916 йил құзғолони ва 1918-1924 йиллардаги кураш воқеаларига оид замондош ижтимоий-сиёсий қарашларининг айнан шу асосдаги таҳлили ушбу муаммолар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашга имкон беради ва бу воқеалар Туркистанда мустабид давлатлар – Россия империяси ҳамда совет ҳокимиятининг зулми ва ҳукмронлигига қарши қаратылған ҳақиқий ҳалқ кураши бўлғанлигини исботлайди.

1991 йилда, яъни собиқ мустабид совет давлати таркибидан ажralиб чиққан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги қўлга киритилиб, мустамлакачилик мафкуравий қуллик, иқтисодий, сиёсий, маънавий қарамлика барҳам берилгач, ватанимизда қонуний асосда қарор топган ҳурфиксрилилк ва ошкоралик шароитида ривожлана бошлаган тарих фанида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзининг аввалги мажбурий юки – ғаразли сиёсатга, коммунистик мафкурага, ҳукмрон мустабид давлат манфаатига хизмат қилиш вазифасидан соқит бўлған тарих фани зиммасига ҳаққоний, холисона тарихни яратиш, жамият, ҳалқ, миллатнинг маънавий юксалишига хизмат қилиш масъулияти юкланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган қарори билан бу масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун барча имконият, зарур шарт-шароит яратилди, аниқ ҳаракат дастури белгилаб берилди. Бунга қадар ҳам республикамизда сўнгги 7 йил давомида олиб борилган илмий изланишлар янада жонланиб, изчил ва мақсадли йўналишга солинди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёк барча тарихий манбалардан эркин фойдаланиш имкони яратилиши билан тарихимизнинг сохталаштирилган, бузиб қўрсатилган ёки унтутилган саҳифаларини қайтадан, ҳаққоний асосда тиклаш мақсадида бошлаб юборилган изланишлар ўз илмий самарасини бермоқда.

90-йиллар давомида Туркистанда Россия империяси ва Совет давлати ҳукмронлиги ҳамда зулмига қарши олиб борилган курашлар тарихининг жуда кўп масалалари ўзининг ҳаққоний ва холисона талқинини олди<sup>1</sup>. Энг муҳими, илмий жамоатчиликнинг алоҳида диккатэътиборида бўлиб келаётган бу курашларнинг асл моҳияти, сабаблари ва мақсади ўзининг ҳаққоний баҳосини олишга сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, илмий жамоатчилик олдида турган навбатдаги муҳим вазифа – бу ўтмиш тарихимизни, хусусан, Туркистан мустамлакачилик даври тарихининг ҳам чукур илмий асосланган талқинини яратишидир. Шу даврнинг энг муҳим муаммоси бўлған Туркистандаги мустабид тузумга қарши курашлар тарихи ҳам ўзининг шундай талқинини кутмоқда. Ҳозирга қадар ватан тарихшунослигида эришилган дастлабки натижалар шундай талқин учун пойдевор, замин ҳозирлади. Эндиликда бу курашларнинг кам ўрганилган, муаммоли, мунозарали ёхуд ҳали тадқиқ этилмаган масалаларини ўрганиш, илмий истеъмолга киритилмаган манбаларни қиёсий ва холисона тадқиқ этиш лозим. Бу борада муаммонинг асосан қўйидаги масалалари ўз тадқиқини кутмоқда:

Туркистанда 1916 йил құзғолони бўйича:

- қўзғолоннинг умумхалқ ҳарактери, унда мулқдор тоифаларнинг ва аёлларнинг фаол иштироки, жадид тараққийпарварларининг муносабати;

<sup>1</sup> Ибодонов А. Қўрбоши Мадаминбек (хужжатли кисса). –Т., 1993; Карим И. Мадаминбек (ижтимоий-сиёсий очерк). –Т., 1993; Суюнова О. Туркистанда 1916 йилги миллий-озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида). – Т., 1997; Исмоилова Ж. Қонге беланган ҳалқ ҳаракати. \ Шарқ юлдузи, 1998. 2-сон; Ражабов Қ. Мадаминбекнинг Сафоновга мактуби. Саодат. 1993 №4-5; Ражабов Қ. Истиқлолчи беган маъқул \ Фан ва турмуш. 1995. №3; Ф. Хўжаев ва миллий истиқлол ҳаракати \ Файзула Хўжаев 100 йиллиги. –Т., 1997; Қ.Ражабов. Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати. ТФН даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Т., 1994; Чориев З. Туркистан ўлқасида мардикорлар ҳаракати ва мардикорларнинг Россияядаги ҳаёти тарихини ўрганиш манбалари \ “Ўзбекистон ҳалқлари тарихининг долзарб масалалари” Маргузалар тўплами. –Т., 1995; Шамсутдинов Р. Босмачилар ким бўлган? Фан ва турмуш. 1997. №1.; Фарғона қўрбошилари. Фан ва турмуш. 1997. №2; Хидоятова Н. Басмаческое движение в современной советологии. Автореферат КИН. –Т., 1993; Норжигитова Н. Туркистанда “босмачилик ҳаракати” тарихшунослиги ТФН илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Т.,1994. ; Зиёев Ҳ. Туркистанда Россия тажовузига ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Т., 1998.

- Жиззах воқеаларининг бошланиши, ривожланиб бориши, сардорлари, мақсадлари ва фожеали оқибати;
- Фарғона ва Самарқанд вилоятларидағи қўзғолонлар;
- қўзғолоннинг енгилиш сабаблари, тарихий аҳамияти ва сабоқлари, қўзғолончилар, мардикорликса сафарбар этилганлар қисмати;
- «туземлилар комитетлари»нинг фаолияти;
- қўзғолончиларнинг хотиралари, замондошларнинг кўрсатмалари, қўзғолонга бағишлиланган халқ оғзаки изходи намуналари (ашула, шеър, лапар, достонлар);

1916 йил воқеаларининг ана шу кам ўрганилган ёки чукур очиб берилмаган масалаларини қамраб олган ҳолда қайд этилган манбаларни архив ҳужжатлари билан қиёсий **таҳлил** этиш асосида бутун Ўзбекистон миқёсидаги илмий асосланган талқинини ёритиши.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1916 йил воқеалари нафақат ҳозирга Ўзбекистон, балки бутун Туркистон ҳудуди доирасида, қўшни республикалар олимлари билан ҳамкорликда тадқиқ этилиши лозим, чунки 1924 йилга қадар ягона оила сифатида яшаб келган Туркистон халқлари мустабид тузумга қарши биргаликда, бир сафда туриб қурашгандар.

Совет ҳокимиятига қарши қурашлар (истиқлолчилик) тарихини ўрганиш бўйича:

- қураш сабаблари – совет ҳокимиятининг зўравонлик, талончилик, миллӣ зулм ва адолатсизликка асосланган мустамлакачилик сиёсати, Туркистон халқларининг оғир иқтисодий асоратга солиниши, сиёсий ҳуқуқсизлик ва х. к. ;
- қурашнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, ғоявий-мағкуравий асослари, асосий мақсадлари, ундаги жадид тараққий парварларининг тутган ўрни ва роли, маҳаллий коммунистларнинг муносабати;
- қураш фронтидаги ички аҳвол: ҳарбий интизом, моддий-ҳарбий таъминот, ташкилий масалалар, жисмоний ресурслар, кенг халқ оммасининг муносабати;
- қурашнинг ривожланиши босқичлари, асосий сардорлари, харакат доираси ва ҳудудлари, қароргоҳлар;
- Бухоро ва Хива ҳудудидаги мустабид тузумга қарши фронтларнинг ўзаро алоқалари, ўзига хос ва умумий ҳусусиятлари;
- қураш фронтининг ташқи ва қўшни давлатлар билан алоқалари, Туркистон ҳудудида совет ҳокимиятига қарши бошқа кучлар, фронтлар, ташкилотлар билан алоқалари;
- қурашнинг сўнгги босқичлари, мағлубият сабаблари, қизил армиянинг ҳарбий террорга асосланган жинойи босқинчилик, оммавий-қирғин, гаровга олиш, риёкорлик сиёсати;
- қураш давомида миллӣ давлатчилик ғояси учун интилишлар ва уларнинг оқибатлари;
- қураш иштирокчиларининг асосан хорижда сақланиб қолган ва чоп этилган хотира ва кўрсатмалари, муҳожирликда бўлган қўрбошилар, миллӣ арбобларнинг шахсий архивлари (Франция, АҚШ, Афғонистон, Туркияда сақланиб қолган) ;
- хорижий тарихшунослик (немис, инглиз, турк, француз, араб тилларидағи) намуналари ва уларнинг манбалари.

Бу масалалар ҳусусида ҳозирга қадар маълумотларни умумлаштириш, янги фактларни, манбаларни ўрганиб, қиёсий таҳтил этиш асосида собиқ Туркистон Автоном Республикаси (1918-1924), Бухоро ва Хоразм халқ республикаларида мустабид совет ҳокимиятига қарши халқимиз олиб борган қурашларнинг чукур илмий асосланган талқинини яратиш навбатдаги муҳим вазифадир.

**2. Шарқдаги йирик давлатлардан бири ҳисобланган Бухоро амирлиги** 1868 йилга келиб чор Россиясининг ярим мустамлакасига айлангандан сўнг халқнинг тириклиги илгаридан ҳам оғирлашган эди. Амирликдаги халқ қузғолонлари чор Россияси қўшинлари ёрдамида бостириларди. Рус маъмурлари амирликда катта имтиёзларга эга бўлган.

Россиядаги демократик жараёнлар, 1908 йили Туркияда бўлган ёш турклар инқилоби, ҳусусан, Петрограддаги 1917 йил февраль инқилобидан кейин амирлик ҳудудида жадидчилик ва ундан ўсиб чиққан Ёш бухороликлар харакати кучайди. Бухородаги жадидчилик Туркистон ва Хива жадидчилиги билан деярли бир вақтда пайдо бўлса ҳам,

лекин амирликдаги оғир вазият унинг тараққиётини тезлаштириди. Бу ҳаракат 1915 йилдан бошлаб маърифатчиликдан сиёсатга қараб йўл тутди. Бухоро жадидлари мамлакатдаги тузумни ўзгартирмасдан туриб, ўз мақсадларига етиш қийин эканлигини тажрибада бир неча бор синаб кўришди.

1917 йил 7 апрелда амир Сайд Олимхон мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди. Лекин амирнинг бу фармони фақат қоғозда қабул қилинган бўлиб, у амалда жорий қилинмади. Жадидлар Бухоро шаҳрида намойиш уюштиргандан сўнг, мамлакатда уларни таъкиб қилиш ёппасига бошланди. Ёш бухороликлар яширин ҳолатда ҳаракат қилишга мажбур бўлишиди.

Файзулла Хўжаев ва бошқа Ёш бухороликлар Когон (Янги Бухоро) шаҳрига қочиб, омон қолдилар. Янги Бухоро ишчи ва солдат депутатларининг саъй-ҳаракатлари натижасида амир зиндонида сақланган бир гурух жадидлар ҳам озод этилди. Бухородаги апрель воқелари амирлик ҳудудидаги демократик ҳаракатнинг ривожига катта таъсир қилди<sup>1</sup>.

Октябрь тўнтаришидан кейин Россия билан Бухоро ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди. Туркистон X.К.С. Бухоро давлатига ғанимлик қилиб, амир ҳукуматини куч билан ағдаришга уринди. Большеликлар шу мақсадда Ёш бухоролик жадидларни қўллаб-қувватлади. 1918 йил март ойида Туркистон ўлкаси X.К.С. раиси Ф. Колесов қўмондонлигидаги қизил аскарлар мамлакат пойтахти Бухоро шаҳрига ҳужум уюштирилар. Уларнинг ҳужуми муваффақиятсиз тугаган бўлса ҳам, Бухородаги сиёсий тузумни ўзгартириш учун уриниш тўхтамади.

Афсуски, амир Сайд Олимхон мамлакат тақдирни ҳал қилинаётган ушбу нозик фурсатда мухолифатдаги Ёш бухороликлар фирмаси арబлари билан тил топиша олмади. У мамлакатда конституциявий монархия ва демократик тартиботларни ўрнатмоқчи бўлган жадидлар Ёш бухороликларни аямасдан қириб ташлади. Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, амир Колесов воқеасидан кейин мамлакатда 1500 кишини жадид сифатида қатл қилган<sup>2</sup>. Садриддин Айнийнинг ёзишича, фақат пойтахт эски Бухорода эмас, балки Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Қоракўл, Чоржўй, Хатирчи, Кармана, Қарши, Шахрисабз бекликларда ҳам минглаб кишилар жадидликда айбланиб ноҳақ ўлдирилди<sup>3</sup>.

Амир Бухородаги янгилик ва тараққиётга томон бўлган ҳар қандай интилишни мургаклигига ёқ бўғиб ташлар эди. «Бухоро амири ўзининг сиёсий чекланганини ўзи кўрсатди»<sup>4</sup>, - деб у ҳақда кейинчалик Аҳмад Закий Валидий хотираларида таъкидлаган эди.

Бухоролик жадидларнинг тирик қолган вакиллари Самарқанд, Тошкент ва Москвага жўнаб кетишига мажбур бўлишиди. Ёш бухороликларнинг бир қисми 1918 йил ёзида Тошкентда Бухоро Компартиясини тузишиди. Ф. Хўжаев Москвадаги муҳожирлик даврида 1918 йил октябрда Туркистон республикасининг РСФСР ҳукумати хузуридаги мухтор ваколатхонаси қошида Ёш бухороликлар партиясининг бўлимини ташкил қилди. 1920 йил январда Тошкентда Ф. Хўжаев бошчилигига инқилобчи Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси ташкил қилинди. Большеликлар Ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ағдаришда фойдаландилар. Улар ҳам тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда большевикларга яқинлашишди.

1920 йил 25 августда қўмондон Фрунзе Туркфронт қўшинларига «қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида» буйруқ берди. Зарбдор гурухларнинг кўпчилигига дастлабки позицияларни эгаллаш ва 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатларни бошлаш буюрилди. Қизил аскарлар томонидан «Шарқ мўъжизаси» ҳисобланган муқаддас Бухоро шаҳри шафқатсиз равишида ўққа тутилди. Амир Сайд Олимхон бу воқеаларни ўз

<sup>1</sup> Мұхаммаджонов Л. П. 1917 йил Бухородаги апрель воқеаларига доир// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1998, № 3, 30-бет.

<sup>2</sup> Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар. Т., «Фан», 1997, 133-бет.

<sup>3</sup> Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар. 8 томлик, 1-том. Тошкент, Ўздавнашр, 1963, 334—338-бетлар

<sup>4</sup> Аҳмад Закий Валидий Ўғон. Бўлинганини бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан. Хотиралар. Тошкент, «Адолат», 1997, 57-бет.

хотираларида қуидагича тасвирлайди: «Бу уруш асносида душман тахминан Бухоронинг ярмини тўп ва пулемётдан ўқса тутиб, кўп талафот етказди. Улар ўн битта тайёра билан Бухоро шахри устида ҳавода парвоз этиб, бомба ёғдирдилар»<sup>1</sup>. Амир ўзи ёзганидек, «вайронагарчилик янада зўрайиб, одамларнинг яна ҳалок бўлишига йўл қўймаслик андишаси ила» ўз қўшинлари билан пойтахтдан чикиб кетди. 1920 йил 2 сентябрда Туркфронт қўшинлари қаттиқ жанглардан кейин Бухоро шаҳрини эгаллашди. Шундай қилиб, Бухорода қизил аскар найзалари остида амирлик ҳокимияти ағдариб ташланди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Ревком ва БКП МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий комитети (раиси Абдулқодир Мухиддинов) ва республика ҳукумати – 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси Файзулла Хўжаев) тузилди. Бухоро инқилобий комитетининг аъзолари қилиб М. Муинов, Олимхон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев, Қулмуҳамедов тайинланди. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуидагича эди: раис ва хорижий – ташки ишлар (нозир Файзулла Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), дохирия ички ишлар (Мухтор Сайджонов), молия (Усмонхўжа Пўлатхўжаев), давлат контроли (Нажиб Ҳусаинов), Фавқулодда комиссия (раис Иброҳимов), адлия (Мукомил Бурхонов), ҳарбий (Шиҳобуддинов), савдо ва саноат (Мухиддин Мансуров) нозирликлари. Бу пайтга келиб инқилобчи Ёш бухороликлар фирмаси аъзолари Бухоро Компартияси сафига киришга мажбур бўлган эдилар. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, асосан жадидлардан ташкил топган Бухоро ҳукумати ўша пайтда дунёдаги энг маълумотли кишилар йиғилган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Нозирлар Бухоро, Истанбул, Москва ва бошқа шаҳарларда таълим олишган эди. Бухоро жадидлари ўзларининг ислоҳотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга ҳаракат қилдилар

1920 йил 6-8 октябрда амирнинг ёзги сароий – Ситораи Моҳи Хосада чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1-курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси – БХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичida ўрта асрчилик анъаналари мерос қолган амир Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Курултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро инқилобий комитети (Марказий Ревком) ва Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси – дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати 2-курултойгача узайтирилди<sup>2</sup>. Ушбу курултойда И. Е. Любимов РСФСР ҳукумати Бухоро республикаси мустақиллигини тан олганлигини айтишга шошилди.

1920 йил октябрь-ноябрь ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий аҳдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 марта эса ҳар икки давлат ўртасида «Иттифоқ шартномаси» имзоланди. Ушбу шартномалар мустақил сиёsat юритишга ҳаракат қилаётган Ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. «Иттифоқ шартномаси» мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет қўшинлари туришини «қонуний асослаб» бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг тўғридан-тўғри ҳарбий жиҳатдан куролли аралашувидан бошқа нарса эмас эди.

Бухоро ҳукумати олдида турган энг асосий вазифалардан бири ер-сув масаласини ҳал қилиш эди. 1920 йил 30 сентябрда Бухоро Марказий Ревкоми «Ер тўғрисида»ги декретни қабул қилди. Декретга мувофиқ собиқ амир, унинг қариндошлари ва амалдорлари қўлидаги бутун ер-мулк камбағал ва ерсиз дехқонларга берилиши керак эди. Шунингдек, декретга кўра, «камлок» ва бошқа солиқлар бекор қилинди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, фақат Эски Бухоро туманлари ва Чоржўй беклигига собиқ амир ваbekларга қарашли 10.000 таноб ер мусодара қилиниб, камбағал дехқонларга тақсимлаб берилди.

<sup>1</sup> Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Тошкент, «Фан», 1991, 15-б.

<sup>2</sup> Ишанов А. И. Бухарская народная Советская Республика. Ташкент, «Уз-бекистан», 1969, с. 215.

Янги тузум ва унинг ижобий чора-тадбирларини аҳоли маъқуллаб кутиб олди, жойларда инқилобий қўмиталар тузилди. Бироқ янги ҳокимият томонидан мулкдорлар табакасига нисбатан кўрилган қаттиқ чоралар, уларга тегишли бутун мол-мулкнинг мусодара қилиниши, сарой аъёнлари ва амир амалдорларининг ёппасига хисбга олиниши ва отиб ташланиши, амир хазинасининг Москвага олиб кетилиши, мажбурий озиқ-овқат разверсткаси ва унинг қаттиқ ўллик билан амалга оширилиши, ислом дини ва уламоларга нисбатан душманлик сиёсати (муқаддас Бухоро шарифда), республика худудида турган қизил армия таъминотининг аҳоли зиммасига юклатилиши, бунинг устига, қизил аскарларнинг босқинчилик ва талончилик «фаолияти» ҳаққоний равишда халқнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Республигадаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳам кескинлашди.

Ёш давлат етакчиси Файзулла Хўжаев мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниши, бир тарафдан, Бухоро Компартияси ичидаги «сўл» ва «ўнг» коммунистларга қарши тоявий жиҳатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодца органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро ёш «мустакил давлат»нинг босган ҳар бир қадамини сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Шундай бўлишига қарамасдан Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов, Мухтор Сайджонов, Саттор Хўжаев, Мухиддин Мансуров, Абдулқодир Мухиддинов кабилар ҳукуматда демократик йўл тутиб, мўътадил мавқеда турдилар. Улар Бухоро республикасининг амалда мустакил бўлиши, эътиқод эркинлиги, ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотиқ эркинликлари Конституцияда ўз ифодасини топди. Бухорода ўрнатилган тузум феодализмга қарши қаратилган бўлиб, у халқ демократик республикаси эди. БХСРнинг Конституцияси фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Конституцияга кўра, БХСРнинг органи – Бутун Бухоро халқ вакиллари қурултойи бўлиб, у ҳар 2.000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди. Қурултой йилига бир марта чақирилар ва унда республика конституциясини қабул қилиш, ўзгаришлар киритиш, ҳукуматнинг хисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди. Конституцияга кўра, қурултойлар ўртасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган – Бутун Бухоро Марказий Ижроия Комитети (Бутун Бухоро МИК) хисобланади. Қурултойда Бутун Бухоро МИК раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев сайланди (1922 йил августда бўлган III қурултойда бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллади). Конституцияга мувофиқ, Халқ Нозирлар Шўроси давлат қокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органи сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди.

Қурултойда миллий масалага катта эътибор берилди. Бутун Бухоро МИК ҳузурида Амонгелди Амонов бошчилигига Туркман бўлими тузилди. Кейинчалик Туркман автоном вилояти ташкил қилинади. Уларнинг она тилида мактаблар очилиб, миллий мухторият ҳуқуки берилди. Худди шундай маданий-маърифий муассасалар тожик халқи учун ҳам уларнинг она тилида очилди.

Бухородаги демократик жараёнларга мамлакат ташқарисидан тазиқ тобора кучайиб борди. 1923 йил 3 июлда Бухорога Собиқ СССР Қуролли кучларининг Бош қўмандони С.С.Каменев, Туркфронт Ҳарбий Кенгаш раиси Карк, РКП(б) МК Урта Осиё бюроси аъзоси Михайлов ва бошқалар келишди. Улар Бухоро ҳукумати фаолиятидан қониқмаётганликларини очик айтиб, социалистик ўзгаришларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлашди. Орадан кўп ўтмай 12 июня РКП(б) МК Сиёсий Бюроси маҳсус қарор қабул қилиб, Бухоро ҳукуматини советлаштириш чора-тадбирларини белгилаб берди. Совет ҳукумати ўз буйруқларини тез ва қаршиликсиз амалга ошириш учун РКП(б) МК

котиби Я.Э.Рудзутакни Бухорога жўнатди. 23 июнда бўлган БКП МК ёпиқ пленумида Рудзутак иштирок қилиб, Бухоро хукумати раҳбарлари ва маҳаллий коммунистлар олдига қатъий талабларни қўйди. Ф.Хўжаевнинг энг яқин сафдошлари бўлган собиқ ёш бухоролик жадидлар Отаулла Хўжаев (ташқи ишлар нозири), Фитрат (маориф нозири), Саттор Хўжаев (молия нозири), Муинжон Аминов (ЭКОСО раиси) лавозимларидан четлаштирилиб, Бухоро давлати худудидан чиқариб юборилди. Қори Йўлдош Пўлатов, Раҳимжон Юсуфзода, Музахар Махсум Бурҳонов, Ҳожи Ҳамро Йўлдошев ҳам масъул лавозимлардан олиб ташланди. Бухоро хукумати Москва ва Тошкентнинг «коммунистча сабоғи»ни олган «тажрибали совет ходимлари» билан тўлдирилди. Пленумнинг ўзида Бухоро Компартияси Марказқўми котиби Муҳаметдинов ўрнига А.Раҳимбоев БКП МК масъул котиби қилиб сайданди. Ҳукуматда Туркистанда юборилган эмиссарларнинг таъсири кучайиб борди. Инқилобий экстремистик унсурлар бу билан чекланиб қолмасдан 14 августда бўлган Бухоро МИК Фавқулодда сессиясида Конституцияга ўзгартириш киритишга ҳам муваффақ бўлдилар. 1923 йил 11-17 октябрда бўлган Бутун Бухоро IV қурултойи Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги бу қарорни тасдиқлади. Унга биноан барча савдогар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва косибларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Шунингдек, қурултойда «Совет қурилиши тўғрисида» маҳсус қарор қилинди, бу жамиятдаги ижтимоий бекарорликни кучайтириди. Жамият тобора сиёсийлашиб борди. Бухорода ўтказилаётган демократик ислоҳотларнинг тақдирни хавф остида қолди. Марказнинг талаби билан мамлакатда сунъий равишда социалистик қайта қуришларни амалга оширишга киришилди. Республикадаги бу кескин сиёсий вазият қуролли мухолифат харакатининг кучайишида ҳам ўз ифодасини топди.

Бухоро республикасидаги иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ислоҳотлар ҳам зиддиятли характерда кечди. Бухоро инқилобий комитетининг 1921 йил 5 январдаги декрети ҳамма ерларни умумхалқ мулки деб эълон қилди. Вақф ерлари тугатилди, айрим тоифадаги хўжаликларнинг чорва моллари ва мулклари мусодара қилинди. Суғориш тизими ишдан чиқди, экин майдонлари кисқариб, чорва молларининг сони камайиб кетди. Шу билан бир вақѓда кўплаб ижобий ишлар ҳам амалга оширилди. 1921 йил кузида ерни тортиб олиш бекор қилинди. Бухоро Марказий Ижроия Комитетининг умумий вақф тўғрисидаги 1922 йил 25 май декрети вақфларни тугатишни тўхтатиш, қозихоналар ишини, шариат кўрсатмаларини тиклаш ва бошқаларни эълон қилди. Ўша йилнинг нояброда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш эълон қилинди. Бухоро давлат банки тузилиб, пул ислоҳоти амалга оширилди. Дехқонларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Бу қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига олиб келди. 1923 йили суғориладиган ерлар майдони 1913 йилдаги даражага яқинлашиб қолди (92, 31). Темир йўл тикланиб, завод ва фабрикалар қайтадан ишга тушди. Бу пайтда келиб Бухоро республикасида 19 та корхона, 500 дан ортиқ бозор ишлаб турди, хусусий сармоя 12.000 савдогарлар маблағидан иборат бўлди. 1923 йили 4 та аралаш акционерлик жамияти, 30 та йирик савдо фирмалари фаолият кўрсатаётган эди. Давлат савдоси ва кооперацияга берилган ёрдам ўз самарасини кўрсатди.

1923 йил март ойида Туркистан, Бухоро ва Хоразм иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилди ва уни бошқариш учун Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) тузилди. Ф.Хўжаев Ўрта Осиёнинг иқғисодий жиҳатдан бирлашуви тўғрисидаги фикрни бошида қўллаб-кувватлади. Чунки у иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиши, ҳатто минтақа халқ хўжалиги истиқболлари тўғрисида қарор қабул қилишгача бўлган барча ишлар Марказ қўлига ўтаётганлигини энг аввало сезган ва бу сиёсатнинг машъум оқибатларини чукур тушунган арбоб эди. Ўзи кучли иқтисодчи бўлган Ф.Хўжаев Бухоро томонидан Россия ва Туркистанга етказиб бериладиган молларга аниқ ва товар эквиваленти белгилаш зарурлиги тўғрисида айниқса ташвишланиб гапирад эди. Бухоро худудида жойлашган Россия қўшинлари Бухоро давлатининг озиқ-овқати ва ем-хашаги билан таъминланар эди. Ҳукумат бошлиғи Ф. Хўжаев Россия қўшинлари сонини 15.000 кишигача қисқартириш тўғрисидаги масалани Москва олдига бир неча марта кескин қилиб қўйди.

1924 йил 18-20 сентябрда Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1-курултойи бўлиб ўтди. Курултой 19 сентябрда БХСРни Бухоро ССР га айлантириш ҳақида қарор қабул қилди. Курултойда Ф. Хўжаев ҳукуматнинг иши тўғрисида ҳисобот берди ва «Ўрта Осиёнинг миллий давлат чегараланиши тўғрисида» маъруза қилди. Курултой қатнашчилари халқ ҳукуматининг 4 йиллик иш фаолияти якунларини чиқариб, Ўрта Осиёда миллий республикалар тузиш зарурлигини ёқдашди. 1924 йил 18 ноябрда Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССР М.И.К.лари қўшма қарор қабул қилдилар ва шу қароргга биноан ўз ваколатларини Ўзбекистон ССР Советларининг Таъсис қурултойига қадар иш кўриб келган Ф.Хўжаев раислигида янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР Муваққат Инқилобий Комитетига топширдилар. Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикаларининг миллий давлат чегараланиши деб аталмиш тадбир асосида 1924 йил ноябрь ойи охирида Бухоро ССР тугатилиб, унинг ҳудуди янги ташкил этилган Узбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Тожикистон АССР (1929 йилдан Тожикистон ССР)га киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро халқ республикаси ўзининг қарийб тўрт ярим йиллик тарихи даврида амирлик Бухоросини демократик Бухорога айлантириш учун катта ишларни амалга оширди. Собиқ монархия давлати ёш бухоролик жадид арбобларининг қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида демократик ўзгаришлар жорий қилинаётган, жамиятни эркин таракқиёт сари олиб борувчи ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатга айлана бошлади. Афсуски, СССР қаноти остидаги Совет Россияси ва Туркистон коммунистлари, совет режими Ф.Хўжаев бошчилигида Бухорода амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга чек қўйди. Оқибатда Шарқдаги энг қадимий ва кўхна давлатлардан бири бўлган Бухоро мамлакати хам ўз мавжудлигининг интиҳосига етди. Асримиз биринчи чорагининг охирида Бухоро ва Хоразм халқ республикаларининг тугатилиши билан ўзбек миллий давлатчилиги тарихидаги катта бир босқичга якун ясалди.

3. Октябр тўнтариши оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачи мустабид шўролар тузуми биринчи кундан бошлаб халкларимиз бошига сонсиз-саноқсиз қирғинлар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб келди. Бу даҳшатли тузумни ўлкамиз халқлари қабул қилмадилар. Истиқлол учун, эрк ва миллий озодлик учун кураш 16 йил давом этди. Бу кураш давомида айрим хориждаги муаррихлар ҳисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди ва 1 миллион 700 минг ватандошимиз Сибирга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Узок Шимолга, Узок Шарққа бадарға қилинди.

Ватанимизнинг шаҳар ва қишлоқларини хонавайрон қилиб култепага айлантирган, минг-минглаб фидойи инсонларимизни шафқатсизларча қирғин қилган шўролар мустамлакачилик ва босқинчилик олови ўчмай туриб, ўлкамизда мислсиз ва фожиали қатағонларини бошлаб юборишиди. Қатағонлар ўша мустабид совет тузумининг ички моҳиятидан келиб чиқкан ва унинг табиатида мавжуд бўлган ижтимоий оғат эди. Қатағонлар комфириқа ва советларнинг ажралмас йўлдоши эди. Советларнинг ўзи қатағон йўли билан юзага келган эди. Большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши фақат зўрлик, қирғин, босқин ва куч ишлатиш орқалигина амалга оширилган. Ленин сиёсатининг муҳим қуроли, большевикларнинг фавқулодда органи – Бутун Россия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) бўлган. ВЧК бевосита Ленинга бўйсунган.

Ленин ҳокимият тепасига келганидаёқ ўз атрофидаги дўйстларининг юмшоқ характеристдалигидан хавфсираган. 1917 йил 25 октябрда Советларнинг II съезди Каменев таклифи билан Россияда ғазабга келган. Ленин ғазаб билан бу телбалик, тентанлик, ахир отувларсиз инқилобни амалга ошириш мумкинми, деб айтган. Гарчи ўлим жазосини большевиклар ҳукумати бекор қилса-да, амалда уни ҳеч қандай чекловларсиз қўллаган.

Петроград ЧКси раиси Урицкий отиб ўлдирилади. Москвада эсер Каплан томонидан Ленинга суиқасд қилинади. Суиқасд чала амалга оширилиб, Ленин тирик қолади. Мана шу воқеалар сабаб бўлиб мамлакатда синфий душманга қарши кураш баҳонасида “қизил террор” авж олдирилади.

Лениндан кейин иккинчи шахс ҳисобланган Троцкий бундан фойдаланиб бутун ҳокимиятни ўз қўлида мужассамлаштириб олади. Энди навбат император Николай II га келади. Екатеринбургда ташки оламдан ажралган ҳолда сақлаб турилган Николай II ўз оила аъзолари билан яширин отиб ташланади. Бу ишни бажарувчилар – бутун Россия Марказий Ижроия Комитети раиси Янош Соломон Мовшевич, яъни Яков Михайлович Свердлов, Янкель Вайсбарт (яъни Урал совети раиси Белобородов), шахсан ўзи подшони отган Яков Мовшевич Юровский, Ша Исакович, яъни Ф.П.Голошчекин, Тинкус Лазаревич Вайнер ва бошқалар бўлганлар.

Белобородов бу “алоҳида хизматлари учун” Троцкий томонидан РСФСР Ички ишлар халқ комиссари ўринбосари лавозимига кўтарилди, кейин эса халқ комиссари бўлиб қолди. Ўша 1998 йилнинг ўзидаёқ оммавий отувлар тўлқини бошланиб кетади.

Совет тузумида биринчи бўлиб қирғинларни Лениннинг ўзи, ундан кейин Троцкий бошлаб берганлар. Ленин ва Троцкийнинг қонхўрона сиёсатини Максим Горький танқид остига олган эди. Унинг “Туркестанское ведомости” газетасида эълон қилинган хатида Ленин ва Троцкий халқни ўз орқаларидан эргаштириб, мамлакатда қонли жанжалларни бошлаб юборганиларни, матбуот эркинлигини бўғаётганликлари, ҳокимият деспотизмини ҳар жиҳатдан оқлаётганликлари, бу икки арбоб ортидан бораётганларнинг уларга тобелиги худди мактаб ўқувчиларининг ўз муаллимларига бўлган итоаткорлигига ўхшаб кетаётгани кўрсатилганди. Горький оқибатда улар котиб қолган ақидалар қулига айланиб қолганликларини, ленинчилар ўзларини Наполеон Бонапартдек хис этиб, Россияни вайрон қилаётганликларини очиқ-ошкора айтганди.

“Рус халқи, - дейилади ўша хатда, - бунга қонлар денгизи билан жавоб бермоқда. Лениннинг ўзи жуда кучли шахс, йигирма беш ёшидаёқ у социализм учун курашганларнинг олдинги сафида борган. Унинг истеъдод эгаси эканлиги ва доҳийликка хос барча хислатларга эга эканлиги аниқ. Айни пайтда унда оддий халққа паст назар билан қараш хислати ҳам бор. Ленин ўз халқи устидан тажриба ўтказишга ўзини ҳақли деб билади. Урушлардан чарчаган халқ бу тажриба учун минглаб кишилар жонини қурбон қилиб бўлди. Афсуски, бу фожиа Ленинни таажжубга солмаяпти. Темирчи учун темир қанчалик керак бўлса, ленин учун ишчилар синфи шундай зарурдир.

Хозирги шароитда темирдан социалистик давлат қўйиб бўлармикан? Афтидан бундай давлатни қўйиб бўлмайди. Ленин ана шундай давлат қуриш мумкин, дея халқ устидан тажриба ўтказмоқда. Тажриба ижобий натижа бермаса нима бўлади? Ленин лабораториядаги химик сингари ишляяпти. Аммо химикдан унинг бир фарқи бор. Химик лабораторияда ўлик материя билан тажриба ўтказади ва унинг тажрибаси фойдали натижа беради. Ленин эса тирик материя – инсон билан тажриба ўтказяпти, унинг натижаси эса халқни таназзулга олиб беради. Ленин ортидан бораётган онгли ишчилари синфи билан шафкатсиз тажриба ўтказилмоқда. Мазкур тажриба оқибатида ишчиларнинг сара вакиллари йўқотилади ва урс революциясининг мультадил тараққиёти тўхтатилади”<sup>1</sup>.

Кейинги йилларда чоп этилган адабиётларда “Сталин Ленин йўлидан чекинди, ўзгача ўйл тутди” деган фикрлар асоссизлигини ҳақида янги маълумотлар баён қилинмоқда. 20-йиллардаги қатағонлар сионобольшевизмнинг ҳам ҳиссаси катталиги, бунда Троцкийнинг ҳам “хизмати” борлиги тўғрисида ишончли манба ва далиллар келтирилмоқда. Тадқиқотчи Ю.Козенковнинг фикрича, 10-15 йил ичida вайрон қилинган мамлакат хўжалигини тиклаш, оғир индустряни яратиш ва бу вазифани ҳар қандай шароитда, нима қилиб бўлса ҳам уddyалаш керак эди. Акс ҳолда СССР мажақланиб, парчаланиб, ўнлаб хом-ашёвий мустамлакаларга бўлиб юборилиши мумкин эди. Чунки барча жазо органлари – ОГПУ, сўнгра НКВДнинг барча тармоқлари, концлагерлар, армия, суд, прокуратура раҳбарлиги халқаро сионистик, масонлик ташкилотлари билан тил бириктириб иш кўраётган сионизм намоёндалари ва шуларга ўхшаш халқ душманлари қўлида эди. Улар мамлакатнинг туб аҳолисига қарши ялпи террорни бошлаб юбориш учун қулай пайт, баҳона кутиб

<sup>1</sup> “Туркестанские ведомости”, Тошкент, 1917 йил, ноябрь.

тургандилар. Сталиннинг якка бир ўзи ўша қора кучларга қарши тура олмас эди. Чунки улар Сталиннинг ҳаёлига ҳам хавф солиши мумкин эди. Шу боис Сталин улар билан вақтингчалик муроса қилишга мажбур бўлган эди.

Масаланинг шунга ўхшаш баъзи муҳим қирралари Владимир Карпов асарида<sup>1</sup> ҳам янгича талқин қилинган.

Владимир Карпов барча қатағонларни биргина Сталинга тўнкаб қўйиш, бутун фожиаларда Сталинни айбдор қилиш адолатдан эмас, деган хулосага келган. У жамиятга раҳбарлик қилишда “социалистик ўзгаришлар”ни амалга оширишда нима сабабдан бузилишлар, ўзравонликлар, хатоларга йўл қўйилганлиги сабабларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилган. Масалан, жойлардаги раҳбар ходимлар, етакчи ҳисобланган коммунистлар ишда, амалий фаолиятда бир хил эмасди, улар орасида иккюзламачилар, мунофиқлар ҳам анчагина бўлган. Шунингдек, назарий, сиёсий билими, ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган партия аъзолари ҳам қўп бўлган. Айниқса бундайлар Ўрта Осиёда нисбатан қўп бўлган. Бундайлар комфирка ва советлар тадбирларини амалга оширишга қаратилган тарғибот ишларини ўз билганларича олиб борганлар, кўплаб сиёсий, мафкуравий, ташкилий, амалий хато ва нуқсонларга йўл қўйганлар. Бундан партиядаги муҳолифатчилар усталик билан фойдаланишган.

Муҳолифатдагилар партия съездларида Марказий Комитет қарорларини беъмани, тутуриксиз деб, большевикларни бадном, ёмон отлиқ қилиш тактикасини қўллаганлар. Улар ҳар хил уйдирма ва ғийбатлар тарқатгандар. Беъманилик, ўта революционлик бузилишларига ёки, аксинча, ишончсизлик, тушкунлик кайфиятини туғдиришгача етиб боришган. Сталин муҳолифатчиларнинг бундай иккюзламачилигини кўриб турган. Бу хақда у 1928 йил ноябридаги пленумда “Ўнглар” “қулоққа тегманг, унга эркин ривожланиш шароитини беринг”, деб чиқдилар, “Сўллар” эса аксинча, бунга қаршилик билдириб, “фақат қулоққина эмас, ҳатто ўрта ҳолни ҳам ур, чунки у ҳам қулоқ сингари хусусий мулкдордир”, деб чиқдилар, деб айтган. Муҳолифатчилар жамоалаштириш вақтида “фаол аксилинқилобий” ҳаракатга ўтганлиги, қулоқлар ва қисман ўрта ҳоллар норозилигидан фойдаланган троцкийчилар, бухаринчилар ва бошқалар қўзғолонлар уюштириш йўли билан фуқаролар урушини келтириб чиқаришга уринганликлари ҳам қайд этилган.

Марказ директиваси билан никобланиб олган сионобольшевиклар ўрнашиб олган маҳаллий партия, совет ва ВЧК, ОГПУ, НКВД органлари ходимлари жойларда ўзларини социализм учун фидокор курашчилар қилиб кўрсатишга ҳаракат қилганлар, мазмунан, моҳиятан эса улар социализмга қарши кураш олиб борганлар. Айрим минтақадаги раҳбарлар Москвага йўллаган хатларида топшириқни аъло даражада бажарганликларини намойиш этиш илинжида салла ўрнига каллани олганликларини билмай хабар қилганлар. Масалан, улар ҳозирги замон сиёсатининг барча қоидаларига асосланган ҳолда қулоқларга қарши зарба берилаётгани, қулоқлардан нафақат ҳайвон, гўшт, инвентар, ҳатто уруғликка олиб қўйилган дон, озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа мулклар тортиб олинаётгани, улар онадан янги туғилгандек қип-ялонгоч қилиб қўйилаётгани ҳақида ахборот бериб турганлар.

Ёки бошқа бир мисолни келтириш ўринлидир. ВКП (б) МҚ Сиёсий Бюросининг 1930 йил 20 февралдаги қарорига кўра 15 марта гача Ўзбекистондан 1000 киши 1-тоифали қулоқ сифатида концлагерга олиниши керак эди. 1920 йил 19 марта Москвага тезкор маълумот юборилиб, унда Ўзбекистон бўйича режадаги 1000 киши ўрнига 1195 киши бой-қулоқ сифатида қамоққа олингани хабар қилинган.

Мамлакат бўйича қулоқ қилиш компанияси ВКП (б) МҚ Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги “Ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлар тўғрисида”ги қароридан сўнг бошланиши керак эди. Ўрта Осиёда эса, мазкур қарордан олдинроқ бу тадбирлар бошлаб юборилган. Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленский 1930 йил 26 январдаёқ “Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида” қарор қабул қилиб, уни тасдиқлашни ВКП(б) МҚдан илтимос қиласди.

<sup>1</sup> Карпов Владимир. Генераллиссимус. Книга первая. Вече. Москва. 2003. Стр. 101-117 и др.

Бундай шошмашошарлиқдан безовта бўлган сталиннинг шахсан ўзи 30 январда барча партия ташкилотлариға хат йўллаб, жамоалаштириш зиёнига қулоқ қилишга берилиб кетишига йўл қўймасликни талаб қилган. В.М.Молотов эса Сталин ва ўзининг номидан Тошкентга, Зеленскийга телеграмма йўллаб, Ўрта Осиёда жамоалаштиришни жадаллаштиришнинг асоссизлиги ҳақидаги фикри етказади. Телеграммада шундай дейилган: “Сизнинг 30 январдагителеграммангизни олдик. СССР марказидан жамоалаштириш-нинг тезкор суръатини Ўрта Осиё районлариға кўчиришни асосиз деб ҳисоблаймиз. Бу районларнинг, айниқса Тожикистоннинг ўзига хос шарт-шароитларини пухта ҳисобга олиш талаб қилинади. Бу огоҳлантиришга жиддий қаранглар ва жамоалаштириш ишини оммани ҳақиқий жалб этиш орқали ҳаракатлантирглар. Сталин, Молотов”<sup>1</sup>.

Хуллас, 20-30 йиллар фожеасига биргина Сталинни айбордor қилиш адолатдан эмас, бунда унинг мухолифатчилари – троцкийчилар, бухаринчиларнинг, яъни ўнгларнинг ҳам, сўлларнинг ҳам айблари катта бўлган.

Ана шундай ўзаро сиёсий кураш бутун мамлакатни, жумладан Ўрта Осиё, Ўзбекистонни ҳам ўз гирдобига тортган. Ўрта Осиёда, Ўзбекистонда бу фожеанинг айборлари қилиб ўша вақтдаги республика партия ташкилотлари Марказий Комитетлари биринчи котиблари, хукумат бошлиқлари, давлат раҳбарлари кўрсатилиши керак. Шунингдек, ушбу фожиаларда бу минтақага юборилган ОГПУ, прокуратура, суд, НКВДнинг кўплаб раҳбар ходимларининг ҳам айблари катта бўлган.

Марказнинг йўл-йўриғи, талаби билан ва ўzlари хоҳлаганларидек иш тутиб, маҳаллий халқка қарши ҳар хил тазиқ-таъқиб, жазо чораларини қўллаган партия, совет, маъмурий органлар раҳбар ходимларининг бутун қилмишлари хужжатларда акс этган. Ҳозирда улардан кенг омма яхши хабардор. 20-йиллар охири 30-йилларда Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ноқонуний, фожиали тадбирларнинг амалга оширилишида асосий айборд бўлганлар ҳам аниқланмоқда. Улардан Л.Н.Бельский, Е.Г.Евдокимов, В.А.Каруцкий, Л.Г.Миронов, Г.Н.Матсон, Б.М.Круковский, Н.М.Райский, Р.А.Пиляр, А.А.Слуцкий, П.Я.Бауман, М.Д.Берман, И.А.Зеленский, Л.Б.Залин, Н.А.Загвоздин, П.Ю.Перконларни эслаш жоиздир. Айни шу шахслар 20-30 йиллардаги қатағон компаниясининг тепасида турганлар. Улар жойларда маҳаллий арбоблар ва ходимлардан иборат катта таянчга эга бўлганлар. Маҳаллий арбобларнинг маълум қисми ўша марказдан келган раҳбар ходимларнинг чизган чизигидан чиқмай иш кўришга мажбур бўлганлар, ўнг бетига тарсаки тушса, чап бетини ҳам тутиб берганлар. Қолаверса, халқимизда бирлик бўлмаган, якмушт бўлиб кураш олиб бормаган. Аксинча, кўп ҳолатлоарда одамлардаги хоинлик, ғаразгўйлик, ҳасад, кўраолмаслик, шахсий манфаат билангина чекланиб қолишлик, иродасизлик, мўтъелик каби иллатлар ҳам советларнинг қатағон машинаси учун хизмат қилган эди.

Хуллас, 20-30 йиллардаги қатағонлар ҳақида гап кетганда, юқоридаги ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш лозимdir. Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон совет мустамлакачилиги асоратида бўлганлиги учун бу худудларда қатағон жуда даҳшатли ҳолатда юз берди.

Шўролар фақат зўрлик, қирғин, босқин ва куч ишлатишорқалигини мустамлакачилик тартиб-қоидаларини жорий этишлари мумкин эди. Халқ оммасининг миллий истиқбол ва озодлик учун курашига эса шу халқ орасидан этишиб чиққан, ватанга, миллатга садоқатли бўлган фидойилар бошчилик қилдилар. Шу боисдан ҳам мустамлакачи жаллодлар халқнинг ана шу онгли, ташкилотчи ва обрўли фидойиларини вақти-вақти билан қатағон қилиб, “яганалаб” турмасдан ўз мақсадларини амалга ошира олмасди. Буни биз шўроларнинг ўз маҳфий хизмат корчалонлариға берган тўғридан тўғри кўрсатмасдан ҳам яққол кўрамиз: “Сиёсий рақибларнинг ҳаммаси қамалга бўлиши ҳақида ҳам қайғуриш лозим.

<sup>1</sup> Трагедия советской деревни – Т. 2. стр. 131.

Маҳаллий аҳоли ихлос қўйған ғанимларимизни оғдириб олмоқ ёки калтакламоқ зарур. Уларни қандайдир қонунни бузганликда айблаш, қамаш ёки баҳтсиз ходиса аталмиш баҳона-сабаб билан йўқ қилиб юбормоқ керак”<sup>1</sup>.

Шўро ҳукумати ўлкамизда 20-30-йилларда шилтаси чиқсан “катта ўйинчи”лик ролини бажарди. У жанг майдонида миллий истиқлолчиларга қарши бир дақиқа бўлса-да қирғин-баротни тўхтатмаган холда аҳоли ўртасида шўролар томонига ўтганларга умумий авф эълон қилинади, деб тилёғламалик қилди, уларга ҳатто мансаб ва унвонлар улашди. Аммо маълум бир муддат ўтгач, шўролар томонига ўтган “ишбилармонлар”ни бирма-бир “яганалаб” борди. Шўролар қўллаган мантиқ йўли оддий, содда ва тушунарли эди, у ҳам бўлса, ўз миллий бирлигига хиёнат қилиб биз томонга ўтганларга ишониб бўлмайди, уларни тез-тез алмаштириб, тозалаб турмоқ керак.

Комфирка ўрнатган совет тузумини, у амалга оширган “социалистик тажриба”ни маҳаллий халқ, аввало унинг илфор, пешқадам вакиллари қаттиқ қаршилик билан кутиб олдилар, улар халқнинг миллий қадриятларини, маданиятини, анъаналари ва урф-одатларини, кўп асрлик тарихий меросини сақлаб қолишига ҳаракат қилдилар. СССРни очиқ-ошкора “қизил салтанат” деб атадилар, республика истиқлоли учун жон олиб, жон бериб курашдилар. Улар ислоҳотлар йўли билан, аста-секинлик билан, демократик йўллар орқали, халқимизнинг тарихий, миллий-маиший шарт-шароитларини ҳисобга олган холда ўша Ленин илгари сурган орзудаги социализм режаси ўтказилиши учун курашдилар. Ўз моҳияти билан совет тузумига қарши миллий мухолифат майдонга келган ва у мавжуд совет мустамлакачилигига жуда катта хавф солган. Мухолифат сафида жамоат ва давлат арబлари, ўқитувчилар, ёзувчи-шоирлар, журналистлар, ижодий ходимлар бўлган.

20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йилларда комфирка ва советлар мухолифатчиларга қарши ўзининг бисотидаги синовлардан ўтган қатағон машинасини йўналтириди.

Ўзбекистондаги ватанпарвар, миллатпарвар кайфиятдаги раҳбар ходимларни бирлаштирган “Ўн саккизлар гуруҳи”, “Иногомовчилик”, “Қосимовчилик”, “бадриддиновчилик”, “Кўр қаламуш” каби ўнлаб гуруҳларга қарши қатағон қўлланди. Жумладан, шўролар даврида ёзилган адабиётларда “18 лар гуруҳи” Ўзбекистон компартияси сафларида аксил-фирқавий гуруҳ сифатида баҳоланади. Гўёки бу гуруҳга аъзо бўлган ва давлат ҳамда фирмә ташкилотларида мастьул лавозимларда ишлаб келган Файзулла Хўжаев, Иномжон Хидиралиев, У.Ашуров, Р.Рахимбобоев, У.Эшонов, Раҳмат Рафиқов ва бошқаларга комфирқанинг ер-сув ислоҳоти йўлига қарши чиқсан, бой-қулоқ ер эгалиги манфаатларини ҳимоя қилган ва маҳаллий буржуа миллатчилиги ғоясини илгари сурган, деган айблар қўйилган. Шу айб билан “18 лар гуруҳи”нинг фаол иштирокчилари И.Хидиралиев (Ўзбекистон ССР ер ишлари халқ комиссари), Мусо Сайджонов (Зарафшон вилояти ижроия қўмитаси котиби) ва бошқалар 1925 йилларда ўз вазифаларидан олиб ташландилар. Ф.Хўжаев эса РКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюроси комиссиясида “қаттиқ танқид” қилингач, 1917 йилда бўлиб ўтган Ўзкомфирка III қурултойида “ўз хатосини бўйнига олган ва кечирим сўраган” эди.

Аслида эса “18 лар гуруҳи” амалда шўролар ҳукумати ва комфирқанинг Ўзбекистонда олиб бораётган улуғ миллатчилик ва маҳаллий, миллий кадрларга нисбатан беписандлик сиёсатига қарши чиқсан эди. Буни гуруҳ аззоларининг 1925 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўз ишини олиб борган ЎзКП (б) қурултойи олдидан РКП (б) МҚсининг Ўрта Осиё бюроси номига ёзган аризалари мазмунидан ҳам очиқ-ойдин кўриш мумкин. Аризада қўйидагилар ёзилган эди: “Дўстона ва самарали ишлаш учун нормал шароит яратилмаганлиги сабабидан бизни Ўзбекистонда ишлашдан бўшатиб, РКП (б) МҚ ихтиёрига юборишингизни сўраймиз. Агар керак бўлса, важ-сабабларни анча кенг баён этишимиз мумкин”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> “Муносабат”, 1990 йил 30 январь.

<sup>2</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 108-иш.

Бу важ-сабаблар аслида нималардан иборат бўлган? Ўзбекистон Давлат Миллий Хавфсизлиги хизмати архивидаги ҳужжатлар бу важ сабабларни аниқлашга имкон беради. Улар иш юритишда маҳаллий миллат вакилларига нисбатан нописандлик, мустамлакачилик сиёсатига, миллий кадрларнинг асоссиз таъқиб ва тазийк остига олинишига қарши чиққанлар ва миллат манфаатини ҳимоя қилганлар. Улар марказда неки амалга ошириладиган бўлса, уни шундайлигича Ўзбекистон шароитига кўр-кўронга татбиқ этилишига қарши чиққанлар<sup>1</sup>.

1927 йилда “Иногомов гурухи”, (“Инагамовшина”) “фош этилди”. Ўзбекистон ССР халқ маорифи комиссари лавозимида ишлаган Раҳим Иногомовни “маҳаллий миллатчилиқда” айблаб қатағон қилдилар. Гёё у “ўлиб бораётган миллий буржуазия ҳимоячиси” бўлган экан. Амалда эса Иногомов йўқсиллар диктатураси деб номланган шўро ҳокимияти миллий мустамлакачиликдан бошқа нарса эмаслигини, ком фирмә юритган миллий сиёсатнинг шовинистик моҳиятини кескин танқид қилган эди. Масалан; “у Ўзкомпартияни совет мустамлакачилигига қарши курашмаётганлиқда, марказнинг Ўрта Осиё бюроси, Ўрта Осиё Иктисадий Кенгаши каби назоратчи” органларини зўравонлиқда айблайди. Шунингдек, Р.Иногомов октябрь инқилоби ўзбек халқига тўла озодлик келтирмади, халқ ҳамон Россия мустамлакаси бўлиб қолган, рус пролетариати ўз орқасидан Туркистон меҳнаткаш дехқонларини эргаштира олмади, шу боис дехқонлар Туркистондаги инқилобда бирон-бир роль ўйнай олмади, инқилоб аравасини олдинга силжитадиган бирдан-бир куч – бу миллий зиёлилардир, деган ғояни илгари сурган<sup>2</sup>.

1930 йилнинг 25 мартадан 21 июнига қадар Самарқанд шаҳрида СССР Олий судининг кўчма сессиясида 73 с рақамли яна бир иш қўриб чиқилди. Бу шўро тарихида “Қосимовчилик” иши (“Касымовшина”) деб юритилган. Судда Ўзбекистон ССР Олий Судининг собиқ раиси Саъдулла Қосимов бошчилигига 30 га яқин суд ва юстиция ходимлари иши кўрилиб, улар жиноий жавобгарликка тортилдилар, уларнинг кўплари отиб ташланди. С.Қосимов ва унинг шерикларига порахўрлик, ўз мансаб лавозимларини сунистъемол қилиш ва “босмачи жиноятчи” ларни озод қилиш каби айблар қўйилди. Дарҳақиқат, С.Қосимов “босмачилар”га хайриҳо бўлган, чунки уларни миллий озодлик ва истиқлол учун кураш жангчилари, деб билган. Мунаввар кори Абдурашидхонов бошчилигига яширин фаолият олиб бораётган “Миллий истиқлол” ташкилотининг йиғилишларида Саъдулла Қосимов ва унинг шериклари мунтазам қатнашиб турганлар. Судда давлат қораловчиси Р.Катанян С.Қосимовнинг таниқли жадид Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаевнинг шогирди бўлганлигини айтиб, суд аппаратини эса Мунаввар қорининг “чойхонасига” айлантирганлиқда айблайди.

С.Қосимовнинг жасорати таҳсинга лойикдир. У тергов ва суд жараённида Россия ва ССР Олий суди Ўзбекистоннинг миллий суврен ҳуқуқини поймол қилганлигини исботлаб берди. С.Қосимов Юсупжон исоқжоновнинг ишини Москвада кайтадан кўрмокчи бўлганларида СССР Олий суди вакилига қўйидаги адолатли сўзларни айтишдан кўрқмади: “Сизлар миллий суврен ҳуқуқни бузяпсизлар, сизлар ўзбек халқининг ўз ҳуқуқига тажовуз соляпсизлар”<sup>3</sup>.

С.Қосимов гурухи (30 га яқин киши) билан боғлиқ ҳолда яна “Миллий истиқлол” фирмасининг 87 аъзоси устидан суд ҳукми чиқарилди. СССР Бош Сиёсий бошқармасининг 1931 йил 25 апрелдаги судлов комиссиясида яна “49 жиноятчи”нинг иши қўриб чиқилди ва уларга нисбатан жазо чоралари белгиланди.

Саъдулла Қосимов гурухи устидан ўтказилган суд жараёни тамом бўлгач, икки йил ўтар-ўтмас шўролар Ўзбекистонда яна бир “жиноий гурухни тайёрладилар”. Бу гурух шўро тарихига “бадриддиновчилар” номи билан кирган, унинг айрим аъзолари отиб ташландилар. Бу гурух аъзоларига ҳам “миллатчилик”, “пантуркизм”, “панисломизм” каби айблар ёпиширилган.

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Жасоратларга тўла ҳаёт сохиби... 80, 84-бетлар.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. 381-390-бетлар.

<sup>3</sup> Катанян Р. Против Касымова-против Касимовшины. Речь государственного обвинителя по делу судебных работников Узбекистана. –Т.: ЗГИЗ, 1931. стр.77.

1930 йилда “Кўр каламуш” гуруҳи баҳонасида қанчадан қанча бегуноҳ қишилар қатағон қилиндилар. Бу қанақа гуруҳ эди? 1930 йилнинг февралида Фарғона политехникумидаги чиқадиган “Педагог” номли газетада “Кўр каламуш” сарлавҳаси остида бир танқидий мақола босилган эди. Бу мақолада танқид қилинган шахснинг ташки кўринишида “каламуш”га ўхшаш белгилар бўлган экан. Ўзини ҳақоратланган, деб хис қилган мазкур шахс, мақолани кўтариб тўғри Фарғона шаҳар сиёсий бошқармасига олиб боради ва у ердаги масъул мутасадди ходимларга “Техникумда раҳбар Абдураҳмон Ғоибий бошлиқ аксилинқилобчилар шўроларга қарши газета чиқармоқда, мана ўқинг” дейди. Ана шу оддий деворий газетадаги кичиккина мақола воситасида “шўро ҳукуматига қарши кураш олиб бораётган сиёсий гуруҳ” тўғрисида уйдирма иш тайёрланади. Мазкур “жиноий” иш бўйича Абдураҳмон Ғоибов, Вали Бурхон, Абдушукур Ҳакимов, Тўразода Нуритдин, Хонхўжа ўғли Мўйдинхон, Бурхон Машрабий, Бокий Маҳмудий, Ҳожиакбар Мўминов, Ҳусанбоев, Қодир Соли, Умар Шокиров, Мадат Истроилов, Қозихон Даҳаҳонов ва бошқалар “шўроларга қарши”, “миллатчи”, “пантуркизм”, “панисломист”, “кўр каламуш” гурухининг фаол аъзолари сифатида қамоққа олинадилар ва қатағон қилинадилар<sup>1</sup>.

Шўролар ҳукумати ва комфирқа қатағон машқини олгач, хусусан 20-йилларнинг охири ва 30-йиллар давомида Ўзбекистонда оммавий қатағонларни авжига миндирди. Бунга “халқлар доҳийси”нинг “социализм нозициялари қанчалик мустаҳкамланиб борса, синфий душманлар қаршилиги ҳам шунчалик кучайиб боради”, деган “зўр назарияси” асос қилиб олинди ва баҳона бўлди. Амалда эса 30-йиллардаги оммавий қатағонлар шўролар мустамлакачилик сиёсатининг мантиқий моҳиятидан келиб чиқар эди. Бу даврда республикада оммавий қамаш, сургун ва қирғин шу даражада даҳшатли тус олдики, ундан давлат ва фирмә арбобларидан тортиб то оддий меҳнаткашлар оммасининг бирорта табақаси ёки катламигача четда қолмади. Бу ҳақда Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг мана бу фикрлари дикқатга лойиқдир: “... 1937-1939 йилларда ички ишлар халқ комиссарлиги идоралари инқилобий қонунчиликни жуда қўпол тарзда буздилар ва оёқ ости қилдилар. Бундай бедодлик кейинги йилларда ҳам, то 50-йилларга қадар давом этди. Сира айби бўлмаган, ҳалол одамлар кўплаб қамоққа олинди ва қириб ташланди.

Сталин шахсига сифиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. 1937-1939 йилларнинг ўзидағина Ўзбекистон ССЖ ички ишлар халқ комиссарлигининг “учник”лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Умуман 1939-1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди, 7 минг 100 киши эса отиб ташланди.

Асоссиз қамалиб жиноий жавобгарлика тортилган қишилар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва колхозчилар жуда қўп эди”<sup>2</sup>.

Шўро ва фирмә ходимларини оммавий қатағон қилиш 1929 йилдаёқ бошланган эди. Бу иш Ўзкомфирқа IV қурултойининг партиядаги ўнглик хавфи тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилди. Ана шу сиёсий компания даврида “партияни тозалаш” баҳонасида 15,6 минг фирмә аъзоси ташкилот сафидан чиқарилди ҳамда уларнинг кўпчилиги қамоққа олинди ва қатағон қилинди.

Ҳисоб-китобларга қараганда собиқ Иттифоқ худудида 1925-1939 йилларда 2.383.363 киши фирмадан ҳайдалган.

Фақатгина 1934-1939 йиллар қатағони даврида 1.220.934 коммунист фирмадан ўчирилган.

Ўзбекистонда амалга оширилган барча бедодликлар ва ялпи қатағонларга шўролар ва комфирқанинг “саноатлаштириш ва жамоалаштириш сиёсатига қарши”, “ёт унсур”, “киши кучидан фойдаланувчи золим”, “миллатчи”, “аксилинқилобчи”, “пантуркизм тарафдори”, “панисломизм тарафдори”, “халқаро империализмнинг айғоқчиси” каби “айблар” асос қилиб

<sup>1</sup> Шамсұтдинов Р.Т. Жертывы репрессии. Андижан, 1994.

<sup>2</sup> “Ўзбекистон овози”, 1991 йил, 15 сентябрь.

олинди. Фақат 1930-1933 йилларда камида 10 минг дәхқон хўжалиги қулоқ қилиниб, ўз маконларидан ўзга юрт ва элатларга сургун қилинди, уларнинг кўпчилиги азоб-уқубатда ўлиб кетди.

1931 йилда Украянанинг Херсон вилояти Скадовск туманинга Ўзбекистондан сургун қилинган Йўлдош Мўминовнинг ўғли Собиржон Мўминов шундай ҳикоя қиласи: “Ўша пайтда Ўзбекистонда тахминан 3 минг, Ўрта Осиё республикаларидан эса 10 мингга яқин оила Херсон вилояти ҳудудидаги Скадовск, Каҳовка ва чўл зоналарида бошқа районларга кўчирилганди. Улар асосан пахтачиликни ривожлантириш учун мажбурий юборилган. Бир сўз билан айтганда, ёш болалари билан очлик ва муҳтожликка, қолаверса ўлимга маҳкум этилгандилар.

1931-1932 йилларда у ернинг ҳаддан зиёд серёғи, нам иқлимига, қаҳратон кишига бардош бера олмай ёш болалар ва кексаларнинг кўпчилиги ўлиб кетган. 1933 йилдаги юқоридан маҳсус уюштирилган “очарчилик операцияси” натижасида эса минглаб сургундагиларнинг ёстиғи куриди.

Орадан уч-тўрт йил ўтгач, кўчирилганлар пахтачилик давлат хўжалигига назорат остида тонг ёришгандан қош қорайгунга қадар ишлаб, мўл ҳосил етиштира бошладилар. Иқлимига кийинчилик билан бироз кўниkke пайтимизда 1937 йил бошланиб, орамиздан “халқ душманлари”ни излай бошлашиди. Юздан зиёд “эскича” ўқиганзиёлилар, динга эътиқод кўйганлар, ҳатто фарзандларини яширинча суннат қилдирганлар “халқ душмани”га чиқарилиб, қамоққа олиндилар. Минг афсуски, ўша ерларда уларнинг кўпчилиги вафот этишиди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда ялпи қатағонлар 30-йилларнинг иккинчи ярмидан республикага жуда катта меҳнати сингган давлат ва фирмә арбобларини “халқ душмани” сифатида қамоққа олганларидан сўнг айниқса кучайди. Фирма аъзоси бўлмаган оддий фуқаролардан жами бўлиб бу даврда қанча одам қатағон қилинганлигини хисоблаш қийин. Аммо шу нарса аниқки, 1937 йил июль ойида ком фирмә марказий қўмитаси Сталин, Ежов ва Вишнинский имзоси билан маҳаллий фирмә қўмиталарига, НКВД идораларига ва прокуратуруларга “душман синфлар қолдиқларини йўқотиш” ишини ўтказиш тартиби ва кўлами ҳақида маҳфий кўрсатма юборилган экан. “Қабоҳат салтанати” рисоласида таъкидланишича, кўрсатмада ҳар бир республика ва вилоят учун қанча кишини қамоққа олиш кераклиги (фоиз ҳисобида) аниқ кўрсатилган. Бу галги режа (унгача 1925-1936 йилларда қанча отилган эди!) “камтарона” тўрт фоиз этиб белгиланган. Собиқ Иттифоқнинг ўша пайтдаги аҳолисига нисбатан хисобланганда, бу тахминан 5.000.000 кишининг<sup>2</sup> ёстиғини куритиш демак эди.

1937 йил 30 июлда СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг “Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва советларга қарши унсурларни репрессия қилиш бўйича операция тўғрисида”ти 00447 сонли мутлақо маҳфий тезкор буйругига Н.Ежов қўл кўяди. Мазкур буйруққа мувофиқ 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол унсурлар ва жиноятчиларни репрессия қилиш бўйича операция ўтказиладиган бўлди. Ўзбекистон, туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларида операция ўша йил 10 августдан бошланади. Ўрта Осиё республикалари Ички ишлар халқ комиссарликларининг СССР НКВДга оғзаки берган маълумотлари бўйича репрессия қилинадиганлар миқдори қуидагича белгилаб берилган:

№	Республикалар	1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа
1.	Қирғизистон ССР	250	500	750
2.	Тожикистон ССР	500	1300	1800

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 1991 йил, 29 май

<sup>2</sup> Қабоҳат салтанати, 28-бет.

3.	Туркманистон ССР	500	1500	2000
4.	Ўзбекистон ССР	750	4000	4700
	<b>Жами:</b>	<b>1950</b>	<b>7200</b>	<b>9250</b>

Ушбу буйруқ билан республикалар, ўлкалар ва вилоятлар “учлик”ларининг шахсий таркиби ҳам тасдиқланади. Ўзбекистон ССР “учлиги” Загвоздин (раис), икромов, Болтабоев (аъзолар)лардан иборат таркибда СССР ички ишлар халқ комиссари Н.Ежов томонидан тасдиқланади. Шу “учлик”нинг 1937 йил 10 августдаги қарори билан 80,14 августдаги қарори билан 56, 29 августдаги қарори билан 55, 23 августдаги қарори билан 96 киши “қулоқ”, “ёт унсур”, “халқ душманлари”, “босмачиларга кўмаклашган” айблари учун отувга ҳукм этилади ва кўплаб кишилар қонцлагерларга, қамоқ жазосига, узоқ юртларга сургунга ҳукм қилинади.

1929-1938 йиллари Ўрта Осиёдан, жумладан, Ўзбекистондан бегона юртларга, Сибирь, Шимол, Украина, Қозогистон, Узоқ шарқ, Урал, Шимолий Кавказ, туркманистоннинг саҳро ҳудудларига “кулоқлар меҳнат қиласидиган “маҳсус қишлоқ”ларга, концлагерларга кўплаб юртдошларимиз сургун қилинган. Уларнинг маълум қисми очликдан, совукдан, касалликдан ўлиб кетади. Сургун жазосини ўтаётган юртдошларимиз ўша бегона юртларда 1937-1939 йиллари яна такрор қатағон қилиниб, кўплари қамоқ ва ўлимга ҳукм этилганлар. Каҳовский, Скадовск районларида 1937-1939 йиллари ўзбекистонликлардан 300 дан зиёд киши отувга, 10 йил, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, сургундагилардан кўплари меҳнат фронтига, ҳарбий фронтга олиниб, у ерларда ўлиб кетди.

Ана шундай шундай бедодликларни кўриб туриб сургундагиларнинг маълум қисми “меҳнат посёлкалари”дан қочиб кетишга уринган. Ўзбекистон ҳудудидаги “кулоқ қишлоқлари”дан 1935 йили 1531, 1936 йили 844, 1937 йили, 816 қулоқ қочиб кетган. Украинадаги “меҳнат посёлкалари”дан 1932 йили 961, 1933 йили 473, 1934 йили 333 киши, Шимолий Кавказ “меҳнат посёлкалари”дан 1932 йили 6987 йили 7109 киши қочиб кетган. Уларнинг бир қисми ушланиб жойларига қайтарилган, бир қисми қамоқ ва отув жазосига ҳукм этилган.

Бу сингари фожеаларни билган, ўзларининг ҳам бошларига шундай фожеалар тушишини фаҳмлаган юртдошларимизнинг бир қисми бирдан-бир нажот – бошни олиб чиқиб кетиш, деган хулосага келганлар.

ОГПУ маҳфий сиёсий бўлимиининг 1932 йил 5 августдаги мутлақо маҳфий маълумотномасида Эронга – 1073, Афғонистонга – 1218, Хитойга- 40 га яқин хўжалик мухожирликка чиқиб кетгани қайд этилган<sup>1</sup>.

Ўша кезларда Ўзбекистоннинг тақдири Москвадан юборилган Дреник Апресян, Леонов-Немировский, Загвоздин, Агабеков, Сорокин, Баликов ва бошқа жаллодлар кўлида бўлган. НКВД Фарғона вилояти бошқармасининг бўлим бошлиғи П.Блинковнинг берган маълумотларига қараганда, 1931-1938 йилларда республикада фаолият кўрсатган “учлик”нинг раиси Дреник Апресяп бўлган. У йўқ пайтларда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Л.И.Леонов – Немировский ҳам раислик қилиб турган. Блинков эса маълум давр мазкур учликнинг котиби вазифасини бажарган.

Ўзбекистонда сиёсий қатағонлар 1937 йилда Ф.Хўжаев, ундан кейин А.Икромов, Д.Манжара, С.Сегизбоев, А.Каримов, Р.Исломов, Цехер ва И.Худойқулов, М.Шермуҳаммедов, М.Усмонов, Т.Рисқулов, И.Ортиқов, Акбар Исломов, Рустам Исломов, Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев, Бўтабой Дадабоев, М.Турсунхўжаев, Усмонхон Эшонхўжаев ва бошқалар ҳибсга олингач, айниқса қизғин тусга кирди. Бу ердаги бедодлик ва қабоҳатларга И.Сталин ва В.Молотовлар бошчилик қилганлар. Жумладан, ЎзКП (б) МҚнинг

<sup>1</sup> Бу хакда қаранг: Шамсутдинов Рустамбек. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. 319-345-бетлар.

plenumiiga 1937 йил 20 сентябрда улар махсус хат йўлладилар. Унда Ф.Хўжаев ва А.Икромовнинг душманлик ҳаракатлари “фош” этилди, қатағонни бошқариш мақсадида жазо отрядига раҳбар қилиб ВКП (б) МҚсининг котиби А.Андреев шахсан жўнатилади. У 16 сентябрда бўлиб ўтган МҚнинг пленумида сўзга чиқиб, “душманлар”ни дадилроқ фош этишни талаб қилган.

Мазкур пленумда А.Икромов масаласи кўриб чиқилганда, Москвадан келган П.Н.Яковлев МҚнинг иккинчи котиблигига “сайланган”. Пленум А.Икромов ҳомийлигида “ўзбек ҳалқининг ашаддий душманлари бўлган троцкийчи” ўнг ва буржуа миллатчи унсурлар (Ф.Хўжаев, Цехер, Болтабоев, Немцович, Манжара, Моор, Шермухаммедов, А.Каримов, Зелькина, Тожиев ва бошқалар) МҚ бюроси аъзолигига ва бошқа вазифаларга кўтарилиб олишган ҳамда узок вақт душманлик фаолияти билан шуғулланганликларини “аниқлади”. Пленум ўтаётган кунларда А.Икромовдан бошқа юқорида номлари тилга олинганларнинг ҳаммаси қамоқда қамоқда эди. А.Икромов ҳам тезда қамоққа олинди ва “ҳалқ душмани” деб эълон қилинди. Унинг ўрнига У.Юсупов ЎзКП (б) МҚсининг биринчи котиби бўлди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Москванинг янги сайланган қўғирчоқ дастёри У.Юсупов андишани ва иймонни бир четга суриб қўйиб, 1937 йил 10 ноябрда “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилган “Янги ғалабалар сари олға!” мақоласида бундай деб ёзди: “Ҳалқ душманлари, ажнабий давлат жосуслари Файзулла Хўжаев, Икромов, Цехер, Манжара, Р.Исломов, Целкина, Каримов, Немцович ва бошқалар ўзбек ҳалқига кўп ёмонлик ва ифлослик қилдилар. Улар пахтачиликнинг ривожланишига тўсик бўлдилар, алмашлаб экишни буздилар, Ўзбекистондаги ҳаётнинг асосий манбаи сув хўжалигини емирдилар. Улар саноат, энергетика ва ирригация курилишига тўсик бўлдилар ва буздилар.

Қора молларни заҳарладилар, юқумли касалликлар тарқатдилар, қоракўл сифатини буздилар, қора молларни қирдилар. Улар ВКП (б) Марказқўми, СССР Ҳалқ Комиссарлари Совети карорларини ва қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиб, ўн минглаб колхозчилардан томорқа ерларини тортиб олдилар, колхозчиларни сутли сигирларидан маҳрум қилдилар.

Ҳалқ душманлари хўжалик ва маданий курилишнинг кўп участкаларида зиён етказиш ва ўсишга тўсик бўлиш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Баъзи участкаларда хали фош қилинмаган уларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам зиён етказаётирлар ва зиёнчилик оқибатларини тугатиш тадбирларига саботаж қилмоқдалар”. Аммо кўп ўтмай Усмон Юсупов “қатағонлар асоссиз равиша” бўлаётганлигини фаҳмлаб олди ва унга қарши турди. У Москвага қуйидагиларни ёзган эди: “Ҳалқ комиссарлари органлари (НКВД кўзда тутилмоқда таҳририят) фаолиятида жуда катта камчилик ва қонун бузарликка йўл қўйилмоқда.... Оммавий қамоққа олишларга зўр берилган, кўп ҳолатларда улар етарли даражада асосланмаган. Ички ишлар ҳалқ комиссарлигига, унинг районларидағи бўлимларида, ҳатто энг кўп қамоққа олиш учун мусобақа эълон қилинди... Бу эса етарли даражада асосланмай қамашларга кенг йўл очди”. Мамлакатда тоталитаризм мустаҳкам қарор топган ўша вақтда ВКП (б) МҚга, шахсан Сталинга шу мазмунда хат ёзиш жасорат эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Комфирқаси МҚси биринчи котибининг бу чиқиши республикада ялпи қатағонларнинг янада юқори босқичга кўтарилишига йўл очди. 1938 йилнинг баҳорига келиб вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар фирмә котибларининг 60 фоизи қамоққа олинди. Худди шу йилнинг иккинчи ярмида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар котибларидан яна 114 таси қатағон қилинди. Айборларни излаб топиш ва қамоққа олиш бўйича мусобақа бошланди. Хоразм вилояти ички ишлар хизматининг бўлим бошлиги Ференс деган шахс бир ой мобайнида 50-60 одамни қамоққа олганда, Леонов-Немировскийдан: “бу иш эмас, дангасалик” деб дакки эшитган экан<sup>2</sup>.

Дреник Апресян бошчилигига тузилган “учлик” учун инсон ҳаёти, қадр-қиймати бир чакага ҳам арзимаган. “Жиной ишларни” кўриш учун бир минутдан уч минутгача вақт

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 325-б.

<sup>2</sup> Қиличев Файзулла. Зулматдан садолар, 139-бет.

ажратилган. Айрим холлардагина беш минутгача иш кўрилган. Ҳар бир “учлик” мажлисида 500-600 тагача иш кўрилиб, шунча одамлар тақдири ҳал қилиниб юборилаверган<sup>1</sup>.

1921-1938 йиллар давомида ВЧК, ОГПУ, НКВД органларида масъул лавозимларда ишлаган, 1937-1938 йилларда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлиги “учлик” котиби вазифасини бажарган Яков Михайлович Яковлев берган маълумотларга қараганда: “учлик” ҳар соатда 100 га яқин иш кўрган, хукм эса икки хил: олий жазо – отиб ўлдириш ёки ёзишма олиб бориш чекланган ҳолда 10 йил қамоқ бўлган. Буларнинг иккаласи ҳам ўлим дегани эди. Ишни текшириш, муҳокама қилиш деган амалиёт қўлланилмас эди. Учликнинг қарори менинг иштирокимда НКВД коменданти Шишкун томонидан дарҳол ижро этиларди. Маҳбус отиб ташланарди. Хукм қилингандар орасида ўлеми олдидан “Яшасин Сталин, Яшасин совет ҳокимияти!” деган хитоблар айтилганини кўп марта эшитганман. Улар, назаримда вижданан ишлаган, хукуматга содик инсонлар эди. Шишкунга ижрочилиги учун “Хурмат белгиси” ордени топширилганини ҳам биламан<sup>2</sup>.

Иш шу даражага бориб етдики, одамлар қамоқдан ўз жонини сақлаб қолиш учун бир-бирларига, қўни-қўшниларига, бирга ишлайдиган касбдошларига тухмат қилиб, айғоқчилик билан шуғулландилар. Баъзи холларда одамлар ўзаро бир-бирларига ўтмишдаги гина-кудрат ва адватлар учун ҳам уч олиб, тухмат қилар эдилар. Тухмат учун эса бош қотиришга эҳтиёж ҳам йўқ эди: “Файзулла Хўжаевнинг қариндошининг қариндоши”, “Акмал Икромовга алоқаси бор эди”, “Файзулла Хўжаев ёки Акмал Икромовни “мақтаган” ва ҳаказо” дейилса, бўлди, камайверганлар. Ёки миллати форс бўлса, “Эрон жосуси” деб қамоққа олинаверган. Ўзбеклар эса дуч келган айб билан қамоққа олинниб отилганлар.

“- Бир куни Леонов мени чақириб, - дейди Сергей Калников, - маҳбусларни урятсаларми, деб сўради. Мен “йўқ” дедим. “Ахмоқсанлар, улар билан пачакилашиб ўтирумасдан “ишлаш” керак, жисмоний таъсир кўрсатмасанглар, иш чўзилиб кетаверади”, деди. Сўнг мендан “Самарқанд вилоятида қанча эронийлар яшайди”, деб сўради. Мен “Ўн мингтacha бўлса керак”, дедим. Леонов менга “камида уларнинг ярмини қамоққа олиш керак, бу сенга шахсий топширик”, деб кўрсатма берди”<sup>3</sup>.

Ички ишлар ходими Васильевнинг берган маълумотига қараганда, Хоразм вилоятининг Оқ-Дарбанд деган қишлоғида қамоққа олинмаган бирорта эркак зоти қолмаган экан.

Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлиги котибияти бошлиғи бўлиб ишлаган П.С.Мартиненконинг берган маълумотларига қараганда, ўзбек халқининг жаллоди Апресян: “Қамоққа олиш учун адреслар бюросидан ёки сайловчилар руйҳатини олиб, навбат билан қамашга киришиш керак”, деб топшириқ берган экан. П.С.Мартинепконинг ёзишича: “...Самарқанддан тарвуз уруғининг янги сортлари хақида маълумотларни Англия агентларига бериб юборишда айбланиб, юзлаб одамлар қамоққа олинди. Ваҳоланки, тарвуз уруғининг янги сортлари сир сақланган эмас. Англия эса умуман тарвуз етиштирмайди”<sup>4</sup>.

Қатағон йилларида айниқса зиёлилар катта заҳмат чекдилар. Фақат 1936 йилнинг охири ва 1937 йил давомида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 5.758 нафар зиёлилар: илму-фан алломалари, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, тил ва адабиёт таълими усталари, педагог ўқитувчилар қамоққа олиндилар. Шундан 4.811. таси отиб ташланган<sup>5</sup>. Қатағонга учраган бу зотлар орасида Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий (Жўлқунбой), Ашурали Зоҳирий, Ботир (Носир) Ўуломов Олим Юнусов, Абдураҳим Йўлдошев, Наим Саид, Носир Саид, Шоҳид Эсон Мусаев, Машриқ Юнусов (Элбек), Усмон Носир, Отажон Хошимов, Усмонхўжаев, Маннон Рамзи, Қаюмхўжа Алиев, Зиёд Саид, лутфулла Алиев, Шорасул Зунун, Раҳмат Рахимбоев, Ёқуб Омонов, Абдураҳмон Фойибов, Турғун Парпиев, Абдураҳмон Холматов,

<sup>1</sup> Ўша манба.

<sup>2</sup> Киличев Файзулла. Зулматдан садолар. 142-143-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша манба, 140-бет.

<sup>4</sup> Ўша манба, 141-142-бетлар.

<sup>5</sup> Узоқов X. Ўзбекистонда мустакиллик учун кураш тарихи. (1900-1940 йиллар). Докторлик диссертацияси автореферати. Т. 1996. 39-40-бетлар.

Ўлмас Холматов, мухтор Муҳаммадиев, Анқабой Худойбаҳтиев, Аъзам Аюбов, Лутфулла Алавий, Носир Эркин, шерали Рўзиев, салимхон Тиллахонов, Фозилбек Отабек ўғли, Ҳасанхон ҳамда Ҳусанхон Ниёзийлар ва бошқаларнинг табаррук номлари бор.

Ватан ва миллатнинг фахри бўлган бу улуғ зотлар: “миллатчи”, “жадидчи-Ватан хоини”, “аксилинқилобчи”, “аксилшўрочи”, “чет империализмининг айгоқчиси”, “пантуркист”, “панисломист” каби тўқима айблар билан қатағонга учрадилар.

Қатағон қилингандар орасида жуда кўплаб оддий ўқитувчилар ва мориф ходимлари ҳам бор эдилар.

1937 йилда ҳеч қандай гуноҳсиз қатағон қилингандар ўқитувчи Абдувоҳиб ибодий ана шуларнинг биридир. У 1877 йилда Қўқон шаҳрининг эски аравабозор маҳалласида туғилган.

Абдуваҳоб Ибодий Қаландархона маҳалласидаги Сўфи Бадал Эшон хонақоҳида жадид усулидаги илм даргоҳини ташкил этади. 1914 йилда бу мактаб Қўқонда “Урфон” номи билан катта шуҳрат қозонган.

Абдуваҳоб Ибодий ўзи очган мактаб учун қўлланма ва дарсликлар яратган. Тўрт қисмдан иборат “Таҳсилул алифбо” (1912 йил) ва “Эътиқодоти исломия” (1913 йил) а бошқалар шулар қаторига киради.

1917 йилдан сўнг моддий ёрдамга муҳтоҷ болалар учун мактаб-интернат очади. Сўнгра Қўқонда ташкил этилган биринчи болалар уйига А.Ибодий директор этиб тайнинлади. Бу лавозимда у 1937 йилда қатағон қилингунича ишлади. Абдуваҳоб И бодий қўлида таҳсил кўрганлар орасида Усмон Носир, Иброҳим Назир, Абдулла Шокир, Сидик Салим, Фофур Қодирий, Шокир Сулаймон, Саодат Содикова, Раҳмон Усмонов, Олим Усмонов, Қурбон Назиров, Абдулла Қаҳҳор<sup>1</sup> ва бошқалар бор эди.

Шўроларнинг қатағон машинаси Ўзбекистоннинг келажаги бўлган бўлғуси ёш ижодкорларни ҳам четлаб ўтмади. 20-йилларнинг бошларида Бухоро, Хоразм ва Туркистандан 300 га яқин ёшлар хорижий мамлакатларга ўқишига юборилганлиги юқорида таъкидланди. Ўша кезларда кўплар қатори германияга ўқишига юборилган ва кейинчалик Мюнхенда яшаб қолган ватандошларимиз Вали Қаюмхон ўзи билан бирга таҳсил кўрган ёшларнинг фожиали қисматларини эслаб қуидагиларни ёзган эди: “Қачонки, Москванинг хорижий ва ички вазияти кучлангандан кейин 1924-1925 йилларда Олмониядаги барча талабаларни олиб кетди.

Юқорида айтганимдек, бу ёш талабалар дом-дараксиз кетдилар. Бухорони кўрмадилар. Миллий Бухоро ҳукумати йиқитилди. Янги вазият Туркистанда тугади. Шундай бўлсада, бир қатор Олмонияда таҳсил зироатчилар, кимё-физик мутахассислар, ўқитувчилар ва бошқалар 1926-1931 йиллар ўрталарида “Халқимизга хизмат қиласман”, деб Туркистанга қайтдилар. Булар ичида йўқсул оиласда ўсган, Берлин олий зироат мактабини, яъни академиясини битирган Абдуваҳоб Мурод 1927 йилнинг апрель ойида катта умид билан юртга қайтди. Бу азиз ватандош Бухородан талабалар келмасидан 2-3 йилча илгари Афғонистон орқали Берлинга келиб оғир шароитда кун кечириб, таҳсил кўрган эди.

Шунингдек, Берлин юксак зироат академиясини битирган Беримжон Аъзам (қозоқ), Берлин олий техник мактабини (техник-электрик академиясини) битирган Мўмин Тўлаган, Султон Матқул, хайриниса Мажидхон қизи, мариям жуманиёз қизи, Саттор жаббор, М.Солих (туркман) ва бошқалар юртга қайтдилар. Буларни ҳам агент – “душман” деб ўлдирдилар. Беримжон Аъзамни эса 1928 йили чегарада тутиб, “Алаш ҳукумати”нинг ва “Алаш Ўрда” партиясининг аъзоси ва “Оқ жўл” газетасининг муҳаррири бўлгансан, деб Сибирияга сургун қилишди. Бунинг маслақдоши А.Мурод 1927 йил апрель ойида камоқقا олинди. Абдуваҳоб Муроднинг олмон рафиқаси бир ўғли билан ёлғиз Берлинга қайтиб келди. А.Мурод ҳам Сибирияда дараксиз кетди. Юқорида номи кечган Саттор Жаббор ҳам Акмал Икромов ваъдасига ишониб, 1931 йил Тошкентта кетди ва 1937 йили ўлдирилди<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Вали Қаюмхон. Қийратилган қисматлар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил 24 апрель.

Қатағонлик йилларида миллий маданиятимизнинг ёрқин юлдузлари ҳам қаттиқ азият чекдилар. Бу борада ўзбек кинематографиясининг асосчиси Наби Фаниев, ноёб овоз эгаси ва буюк санъаткор саъдулла Норхонов, Беркинбой Файзи, Назира Иноғомова ва бошқаларнинг аянчли тақдирни яққол мисолдир. Наби ака яратган барча фильмлар: “Ҳокимият кимники?” (1929), “Йигит” (1935), “Рамазон”, “Юксалиш” (1937) таъқибга учради. Унга тухмат тошини отганлар, Наби ака бошига бало ёғдирганлар бегоналар эмас, ўз миллатимизнинг вакиллари эдилар. Жумладан, Наби Фаниев 1937 йил 27 сентябрдаги фармойиш билан қамоққа олингач, Абдураҳим Аҳмедов 1939 йилда шундай кўргазма беради: “Фаниев Наби сизларга маълум бўлган контреволюционер ва миллатчи, халқ душмани сифатида қораланганди Фози Юнусов билан, киновабриканинг собиқ режиссёри, спиритизм тўгарагининг иштирокчиси, жазоланганди Сулаймон Хўжаев билан узвий алоқада бўлган. Фаниевнинг кўмагиди Фози Юнусов 1933-1934 йиллари актёр сифатида кинофабрикада ишлаган, “Тонг олдидан” фильмидан жадидларнинг сотқинлигини оқламоқчи бўлганлар. “Рамазон”да кишилар диний қарашлардан маъмурий чоралар таъсирида воз кечишга мажбур бўлаётгани кўрсатилган. Фильм динни қораламайди, аксинча, ёқлади.

“Йигит”да босмачилар идеаллаштирилган. Уларни гўёки халқ қўллаб-қувватлаган, босмачилар куч-қудратли жипслашган кишилар сифатида тасвиrlenган. Қизил армия эса заиф қилиб кўрсатилган, яъни буржуазия миллатчилиги руҳида таърифланган. Бу асарни аксилинқилобчи миллатчилар А.Икромов, Ф.Хўжаев, К.Болтаев ва бошқалар ЎзКП (б) МҚ боғида кўриб, зўр бериб мақтаганлари бежиз эмас. Аксилинқилобчи, миллатчи, ўзбекистон КП (б) МҚ собиқ масъул ходими буйруғи билан Фаниев шу асари учун костюм билан ҳамда уйини тиклаш учун 2500 сўм билан мукофотланган.

“Юксалиш”да социалистик мусобақа оммавий харакат сифатида эмас, маъмурият қўллаган тадбир сифатида кўрсатилган эди”<sup>1</sup>.

Наби Фаниев миллат ва Ватанга астойдил хизмат қилган порлоқ ҳаёти ва ижодий фаолияти батамом оқланиб, бугунги мустақил Ўзбекистон тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганда миллат хоинларининг номлари ҳар биримизнинг нафрат ва ғазабимизни қўзғотади.

1937 йил 25 декабрда Ўзбекистон ССР Олий суди “Лагерь коллегияси ҳукми билан ноёб овоз соҳиби ва буюк санъаткор Саъдулла Норхонов қамоққа олинганди саккиз йилга озодликдан маҳрум қилинган. У икки марта судланиб, жами 15 йил қамоқ жазосини ўтаган. Ўзининг жарангдор овози билан ҳар қандай санъат шайдосини лол қолдира оладиган, Фарҳод, Мажнун ва бошқа ролларни қиёмига етказиб ижро этадиган артист Саъдулла Норхоновнинг қамоққа олинишига сабаб бўлган нарса нимада эди? Бу тўғрида тошкентлик Али ҳофиз Ашурев қуйидагича маълумот берган: “Сабаби нима бўларди – ёлғон, уйдирма, ҳасад ва номардлик-да. Уни ҳибсга олишдан аввалроқ бир гурӯҳ санъаткорлар Шайхонтоҳурдаги бир хонадонда гап-гаштакда бўлганлар. Ушбу ўтиришда Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаев, Фанижон Мирзаев ҳам иштирок этишган. Ҳалиги “шайтон суви” қурмағурдан ҳам олингандан сўнг, йиғилганларнинг кайфлари ошиб қолган. Гап районга Сталиннинг номи берилишига бориб тақалади. Шунда табиатан қизиққон бўлган Саъдулла: “Эй, қўйсангчи, ўша лаънати, совук номингни. Бирон бир ўзбек алломасининг номи куриб қолибдими?” деб юборган-ку. Шундан сўнг бир қанча кишилар “тегишли маҳкамा”га Саъдулла жадидлар бошлиғи Мунаввар қори меҳмондорчилигига бўлиб, доҳиймиз Сталинни ҳақоратлади, деб ёзиб берганлар, санъаткорнинг жувонмарг бўлишига сабабчи бўлганлар”<sup>2</sup>.

Бу фикрнинг тўғрилигини Саъдулла Норхоновнинг ўзи ҳам тасдиқлаган: “шайхонтоҳурда Мунаввар қориникида кайф аралаш Сталинни сўккан эканман, шуни ҳамкасларим тегишли жойга ёзиб беришибди...”<sup>3</sup>, деган эди у.

<sup>1</sup> “Тошкент оқшоми”, 1992 йил, 13 апрель.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи”, 1991 йил, 19 апрель.

<sup>3</sup> Ўша манба.

Шўро мустамлакачиларининг қатағон қабоҳат машинаси ҳатто спорт соҳасида ҳам миллатимиз вакилларини четлаб ўтмади. Ҳар доим бўлганидек 30-йилларда ҳам “улуғ рус халқи”ни улуғлаш одат эди. Ҳамма “улуғ ишларда” бўлгани каби ишлар спортда ҳам фақат шу миллат вакиллари афсонавий жасоратлар кўрсатишга қодир, бошқа миллатлар, шу жумладан ўзбек иккинчи тоифадаги “қулок” халқдир, “маданияти паст”, “қўрқоқ” ва “кучсиз”, улардан спорт юлдузлари чиқмайди каби майда-чуйда гаплар кенг тарқалган эди. Республикада спорт ишларини ривожлантириш ва унинг кўламини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшган ўзбек ўғлони, велоспорт устаси Ҳидоят Иноятов бу сўзларини эшитиб, ичичидан куйиниб, миллий ғурури қайнаб юрарди. Ориятли спортчимиз ўзбек йигитларининг нималарга қодир эканлигини жамоатчиликка кўрсатиб қўйишни жуда-жуда хоҳларди ва ана шундай пайт келишини сабрсизлик билан кутарди.

Ниҳоят, 1935 йилда Ҳидоят Иноятов ўз спортчи дўстлари: А.Хўжаев, А.Иброҳимов, В.Шалякин ва Ю.Эёнангислар билан жуда оғир ва машақкатли бўлган Тошкент, Помир, Коракум, Москва йўналишида велосипед пойгаси ўтказилишига рухсат олди. Матонатли ва жасур ўғлонлар сафарга отландилар, “Йўл азоби – гўр азоби” деганларидек, бунинг устига асфальтланмаган, гоҳида ёмғирли, гоҳида қорли, қум, сахролари-ю, Россия ўрмонларидағи тўқайзор балчиқлари, тогу-тошлар темурийлар авлоди бўлган ўзбек спортчиларини синовдан ўтказди. Улар синовдан мардларча ўтдилар. В.Шалякин ва Ю.Эйнангислар йўлда касалланиб қолиб кетдилар. Уч ўзбек ўғлони Ҳ.Иноятов, А.Хўжаев ва А.Иброҳимовлар 7.000 километрли машақкатли йўлни ортда қолдириб, 13 сентябрда Москвага кириб бордилар.

Ўзбек спортчиларининг жасоратлари газета ва радио хабарлари орқали жаҳонга таралади, улар ҳақида илиқ гаплар айтилди, суратлари газеталарда босилди. Бу хабардан ҳамюртларимизнинг кўкраклари тоғдек кўтарилиди. Аммо ўзбек ўғлонларининг бу спорт жасоратлари миллатчи рус шовинистларининг оромини бузди, уларнинг ғашини келтириди: қандай қилиб бундай ҳодиса рўй берди? Бундай жасоратларга фақат “биринчи нав” миллат – рус ўғлонлари лойиқ бўлиши керакку! Йўқ, бунга чидаб бўлмайди, уни ўзгартириш керак. Шаккокларча “катта оға” га ҳурматсизлик қилган ўзбек спортчиларини йўқ қилиш керак. Тўқима баҳона ҳам тайёр эди: ўзбек спортчилари “Ўрта Осиё ҳаритасини Германия ва Англияга сотишига уринган” эканлар. Команда капитани Ҳидоят Иноятов Ақмал Иқромов ва Файзула Хўжаевнинг “одами” бўлган экан. У велосипед юриши қатнашчиларини “халқлар отаси” Кремлда қабул қилганда, уни “отиб ўлдириши” кераклиги бўйича “топширик” олган экан. Гўёки бундан хабар топган чекистлар Сталиннинг қабулини ўзгартирганлар. Ана шу бўхтон айбнома билан Ҳидоят Иноятов 1938 йил 5 марта қамоққа олинган ва отиб ташланган.

Кўплар қатори мард ўзбек ўғлони Ҳидоят Иноятов ҳам ўлимидан сўнг, 1958 йилда оқланди. Аммо унинг пок номи мустақиллик шарофати билангина тикланди. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 18-сонли болалар ва ўсмиirlар спорт мактабига Ҳидоятбек Иноятов номи берилди.

- Мен, Ҳидоят Иноятовдек мард ва жасур инсоннинг қизи бўлганимдан ҳақли равища фахрланаман, - дейди Ҳуррият Отажонова. – Қани энди миллатимизнинг барча фарзандлари ҳам миллат шаъни, шавкати ва қадри учун менинг отамдек курашсалар, нур устига аъло нур бўйлур эди.

Сталин шахсига сифиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. 1937-1939 йилларнинг ўзидағина Ўзбекистон ССЖ ички ишлар халқ комиссарлигининг “учник”лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Умуман 1939-1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддат билан озодликдан маҳрум этишга хукм қилинди, 7 минг 100 киши эса отиб ташланди.

Асоссиз қамалиб жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва колхозчилар жуда кўп эди.

Шўро ва фирмә ходимларини оммавий қатағон қилиш 1929 йилдаёт бошланган эди. Бу иш Ўзкоморирқа IV қурултойининг партиядаги ўнглик хавари тўғрисидаги қарори асосида

амалга оширилди. Ана шу сиёсий компания даврида “партияни тозалаш” баҳонасида 15,6 минг фирмә аъзоси ташкилот сафидан чиқарилди ҳамда уларнинг кўпчилиги қамоққа олинди ва қатағон қилинди.

Ўзбекистонда сиёсий қатағонлар 1937 йилда Ф.Хўжаев, ундан кейин А.Икромов, Д.Манжара, С.Сегизбоев, А.Каримов, Р.Исломов, Йиер ва И.Худойқулов, М.Шермуҳаммедов, М.Исмонов, Т.Рисқулов, И.Ортиков, А.Исломов, С.турсунхўжаев, У.Эшонхўжаев ва бошқалар хибсга олингач, айниқса қизғин тусга кирди. Бу ердаги бедодлик ва қабоҳатларга И.Сталин ва В.Молотовлар бошчилик қилганлар. Жумладан Ўз КП (б) МҚнинг пленумига 1937 йил 20 сентябрда улар маҳсус хат йўлладилар. Унда Ф.Хўжаев ва А.Икромовнинг душманлик ҳаракатлари “фош” этилди. Қатағонни бошқариш мақсадида жазо отрядига раҳбар қилиб ВКП (б) МҚсининг котиби А.Андреев шахсан жўнатилади. У 16 сентябрдаги бўлиб ўтган МҚнинг пленумида сўзга чиқиб “душманларни” дадилроқ фош этишни талаб қилган.

Мазкур пленумда А.Икромов масаласи кўриб чиқилганда, Москвадан келган Т.Н.Яковлен МҚнинг иккинчи котиблигига “сайланган”. Пленум А.Икромов ҳомийлигига “ўзбек халқининг ашаддий душманлари бўлган троцкийси” ўнг ва буржуа миллатчи унсурлар МҚ бюроси аъзолигига ва бошқа вазифаларга кўтарилиб олишган ҳамда узоқ вақт душманлик фаолияти билан шуғулланликларини “аниқлади”. Пленум ўтаётган кунларда А.Икромовдан бошқа юқорида тилга олинганларнинг ҳаммаси қамоқда эди. А.Икромов ҳам тезда қамоққа олинди ва “Халқ душмани” деб эълон қилинди. Унинг ўрнига У.Юсупов Ўз КП (б) МҚсининг биринчи котиби бўлди.

Маълумки 1937-1953 йилларда Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган эди. Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орқасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Ана шундай юртдошларимиздан бири Ўзбекистонлик дипломатик, истеъоддли шарқшунос, бир қатор шарқ ва Европа тилларининг билимдони Назир Тўрақуловдир.

Назир Қўқон шаҳрида туғилган. Унинг отаси катта тижоратчи бўлган, пахта улгуржи савдоси билан шуғулланган. Назир ўзига тўқ оиласда таваллуд топганлиги учун бошданоқ муносиб таълим-тарбия олиш имконига эга бўлган. Ўтган аср бошида у Қўқон мадрасаси, рус мактаби ва шаҳар тижорат билим юритида ўқиган. 1914-1916 йилларда Назир Москва тижорат институтининг иқтисодиёт факультетида таҳсил олган.

Ўз фаолиятини у 1916 йилда Минск остидаги Гарбий фронт Ўлка Иттифоқнинг йўриқчиси бошлаган, кузда “Эркин дала” яширин ташкилотининг раҳбари бўлган. 1917-1922 йилларда Н.Тўрақулов Туркистондаги фаол арбоблардан бири эди. 1918-1919 йилларда Фарғона вилоят инқилобий қўмитасининг раиси, Туркистон Марказий ижроия қўмитасининг аъзоси, 1920 йилда – Туркистон Республикаси маориф халқ комиссари, “Вестник просвеўения и коммунистической культуры” журналининг мухаррири. 1920-1922 йилларда – Туркистон Республикасининг раҳбари – бўлган: Туркистон МИҚ раиси, Туркистон компартияси Марказий қўмитасининг раиси, Туркбюро ва Ўрта Осиё бюросининг аъзоси.

ТуркМИҚ раиси бўлган даврда Н.Тўрақулов Туркистон Совет Республикасининг биринчи Диекретини имзолаб, жума кунини дам олиш куни деб эълон қилган. Кейинчалик, яъни 1922 йилдан бошлаб у СССР халқлари марказий нашриёти бошқарувининг раиси бўлган.

Бу иш ниҳоятда масъулиятли эди. Н.Тўрақулов бу халқлар учун тақдириломон қарор қабул қилиниши ҳақидаги масалани батафсил муҳокама қилиш давомида мавзуни ниҳоятда чуқур билишини намойиш этди. Охир-оқибатда 1926 йилда Бокуда бўлиб ўтган туркшунослар анжуманида янги алифбонинг қабул қилиниши ташаббускори бўлиб чиқди.

Назир Тўрақулов мураккаб шароитларда ишлашига тўғри келди. У янги вазифасини анча тез ўзлаштиргди, маҳаллий сиёсатчилар ва савдогарлар билан ишончли алоқалар ўрнатди. Ҳайратланарлиси шундаки, шу пайтгача ҳеч қачон араб тилини ўрганмаган Назир Тўрақулов қисқа вақтда уни шунчалик ўзлаштирдики, хатто таржимонлар хизматидан

бутунлай воз кечди. “Бир нарсани айтасан, бошқачасига таржима қилишади, моҳият йўқолади”, дер эди. У пировардида, маҳаллий тилни шу даражада ўрганиб олдики, уламолар билан диний мавзуларда баҳс юрита оларди. Қирол ва унинг атрофдагилар хузурида тантанали тадбир вақтида дипломатик корпус номидан араб тилида нутқ сўзлагани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

1930 йилда Бош консуллик дипломатик миссия шаклини олади. СССР МИҚнинг қарори билан Н.Тўрақулов қирол Ибн Сауд хузуридаги муҳтор вакил этиб тайинланади. Унга Фавқулодда элчи ва муҳтор вазир рутбаси берилади.

Назир Тўрақулов Саудия Арабистонида Совет Иттифоқининг сиёсий вакили бўлган деярли саккиз йил давомида у ниҳоятда катта ишларни амалга ошириди, ўзини ўша давр ҳалқаро ва минтақавий сиёсатидаги нозик жиҳатларни ниҳоятда пухта биладиган зиёли шахс сифатида намоён этди.

Ўзининг дипломатик фаолиятини тугатган муҳтор вазир Москвага қайтиб, бир йил давомида Шарқ ҳалқлари институтининг илмий ходими бўлиб ишлади. 1937 йил 15 июляда ҳибсга олиниб, ўша йили 3 ноябрда отишга ҳукм қилинди. Ҳукм ўша кунининг ўзидаётк ижро этилди.

Назир Тўрақулов СССР Олий суди ҳарбий ҳайъатининг 1958 йил 23 январь қарори билан реабилитация этилди.

Назир Тўрақулов ҳам қатағонга учраган минглаб ватандошларимиздан бири эди.

Биз, ёшлар асрлар давомида она диёrimизни, ҳалқимизнинг озодлик ва истиқтолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шиҷоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоғимиз, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоғимиз керак.

Иномжон Хидирилиев 1928 йил 31 декабрда Москванинг “Националь” меҳмонхонасида фожиали ҳалоқ бўлганида эндинина 38 ёшни қаршилаганди. “Правда” газетасининг 1929 йил 3 январь сонида “Ўртоқ Хидирилиев хотирасига” сарлавҳаси остида туширилган катта таъзияномада мана бу сатрлар бор эди: “Туғма ақл-заковати, истеъоди ва шиҷоати туфайли у инкилоб йилларида Фарғона водийсида раҳбарлик ишига кўтарилди. Бутун Туркистон учун оғир бўлган 1922 йили эса Туркистон Муҳтор Шўролар социалистик жумҳурияти марказий Ижроия Кўмитасининг раислигига сайланди. Бир вақтнинг ўзида Қизил Армия Туркистон фронти революцион ҳарбий Советига аъзо бўлиб, фидокорона хизматлари учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Фронт билан танишишга борган сафарларининг бирида ўртоқ Хидирилиев яраланди ва бир оёғидан ажралди.

Ўртоқ Хидирилиев Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кредити ишларини шундай яхши йўлга қўя олдики, унинг кооперация атрофида жамоатчиликни уюштиришдаги, қишлоқ хўжалик ширкатлари соҳасидаги ишларининг намуналари маҳсус ўрганишга ва СССР Иттифоқининг бошқа районларида ҳам татбиқ қилишга сазовордир...”.

Бу ишни уddaлаш жумладан марказнинг Ўрта Осиёдаги таянчи, дастёри ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси зиммасига тушган эди. Партия Марказқўмининг Ўрта Осиёдаги бу ваколатли органидаги масъул ходимлар ижобий ишлар билан бир қаторда жиддий хатоларга, ижобий ишлар билан бир қаторда жиддий хатоларга, нуқсонларга йўл қўйдилар, буюк давлатчилик асосида иш кўрдилар, марказ йўл-йўриқларини маҳаллий шароитга нотўғри татбиқ қилдилар, миллий кадрларга кўп ҳолларда ишонмай иш тутдилар. Ўзбекистоннинг раҳбарлари – Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоевлар ва уларнинг атрофидагилар эса Ўрта Осиё бюроси кўрсатмасидан, унинг чизган чизиғидан чиқа олмай, кўп ҳолатларда муросачилик, таслимчилик йўлини тутишга мажбур бўлгандилар. Натижада кўплаб миллий кадрларимиз ноҳақ қораланганди, жисмонан йўқ этилганди.

Ўзбекистондаги ўнг оғмачиликни исботлашга уринди. Ўша мудхиш нутқ 1929 йили Самарқанд Тошкентда нашр этилган “Против правой оппозиции” (“Ўнг оғмачиликка қарши”) материаллар тўпламидан ҳам жой олади<sup>1</sup>. Қурултойда И.А.Зеленский ҳатнинг тўла

<sup>1</sup> Против правой оппозиции. (Сборник материалов), УзГИЗ Самарқанд – 1929 – Тошкент, 65-72-бетлар.

матнини ўқиб беришга журъат эта олмай, ундан факат бу ўзбек большевиги И.Хидириевнинг “ўнг оғмачилигини” ҳар жиҳатдан исботлашга ҳаракат қиласди. Ўзбекистонда ўнг оғмачиликнинг юзага келишини икки ҳолат билан кўрсатмоқчи бўлди. Биринчи ҳолат миллий масаладаги ишчилар синфи диктатураси аҳамиятини тушунмаслик, яъни Ўзбекистоннинг хўжалик юксалиши миллий чегараланиш натижаси бўлди деган фикрни нотўғри билиб И.А.Зеленский Ўзбекистон хўжалигининг юксалиши, шунингдек Ўзбекистон Совет жумҳуриятининг тузилиши пролетариат диктатураси натижаси, Октябрь инқилоби натижаси бўлди, деб исботлашга ҳаракат қиласди.

И.А.Зеленский иккинчи ҳолатни батафсилроқ “асосламоқчи” бўлиб асосий эътиборни ўша давр ҳамда ҳозирги вақт нуқтаи назаридан қараганда ҳам ўша И.Хидириев хати устидан адолатсиз фикр юритганди. Яхшиси, уни айнан тўлалигича келтирамиз. Шундагина масаланинг туб моҳияти бир оз ойдинлашади. “Мен яқинда олган ва ҳар қандай эътиборга лойик ҳужжатга тўхтаб ўтмоқчиман, чунки бу ҳужжат ўзининг ҳимоячилари, ўзига хос дунёқараашга эга бўлган системадир. Бу ҳужжат Хидириевнинг ўлими олдидан қолдириб кетган хати. Унинг ўзини-ўзи ўлдиришга сабаб бўлган шахсий томонлар (касаллик, жинсий хасталик ва бошқалар) бизни қизиқтиримайди. Бироқ хатда билдирилган баъзи сиёсий фикрлар, диққатга сазовор. Шунинг учун ҳам диққатга сазоворки, Хидириев катта роль ўйнаган ва бугунги кунда ҳам катта роль ўйнаётган ходимлар қаторига киради. Хидириев ер ислоҳотини ўтказишга қаршилик кўрсатувчилар асосида шафқатсиз кураш олиб борган ходимлар қаторига киради. Хидириев шундай одамлар тоифасига кирадики, партиямизда ҳали бундайлар бор ва уларнинг баъзилари ўз дунёқараашини ўзгартиришга ишонч йўқ ҳисобида. Хидириев охирги вақтгача ўз дунёқараашлари билан очиқ чиқмаган эди. Бунинг устига у пўстаги қоқилгач, юзаки равишда камбағалларни бирлаштириш зарурлиги позициясига ўтиб олганди. У бизнинг сиёсатимиз тўғрилигини номигагина тан оларди. У узоқ вақт жим юрди ва факат ўлими олдидан қалбида асраб юрган сўзларни айтишга карор қиласди. Бу қалб сўзлари Хидириев билан бир пайтда партияга ёки совет аппаратларида ёки бизнинг совет худудимизда ишлаётган кўп миқдордаги ходимларнинг фикридир. Мен унинг хатидан баъзи жойларини ўқиб бераман. Уларда, менинг фикримча, шундай масалалар ифодаланганки, бу ҳақда бизнинг баъзи ходимларимиз пинҳона ўйлайдилар-у, аммо очиқ айтишга чўчийдилар. Биринчи кўчирма: “Мамлакат стихияли равишда руслар билан тўлибтошиб кетмоқда, Москва олдида эса бу яшириляпти ва Фарғонанинг аҳолиси керагидан ошиб кетаётганлиги ҳақида гапиряптилар ва ҳоказолар”.

Ўзбекистонда амалга оширилган индустрлаштириш, ўтказилган ер-сув ислоҳоти, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, ўрта ҳол дехқонларга нисбатан қўлланилган нотўғри сиёсат, “қулоқ”ларни синф сифатида тутгатиш кампанияси, буюк бурилиш йили, социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужуми кабилар социализм қуришнинг ленинча режасига мутлақо зид эканини ва бундай сиёсатга қарши фикр билдириган, алътернатив ғоялар айтган И.Хидириев каби арбоблар нақадар тўғри йўл тутгани учун тоталитар, маъмурӣ буйруқбозлиқ системасининг қаҳр-ғазабига учраб, қувгин, таъқиб этилгани, ҳалок бўлганини билмоқдамиз.

### **Назорат саволлари:**

1. Тараққиётнинг инқилобий ва тадрижий йўлига муносабатингиз қандай?
2. Россиядаги 1917 йил ўзгаришларининг Туркистонга таъсири ижобий аҳамиятга эга бўлди деган фикрга муносабатингиз қандай?
3. Истиқлолчилик ҳаракатининг мағлубиятга учраши сабаблари нималардан иборат бўлган эди?
4. 20-30-йилларда юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда маҳаллий раҳбарларнинг ўрнига баҳо беринг.
5. Советлар даврида оммавий қатағонлар ва уни юзага келтирган омиллар нималардан иборат эди?

6. Иккинчи жаҳон уруши ва фашизм устидан эришилган ғалабага Ўзбекистон ахолисининг ҳиссасига баҳо беринг.

7. “Илиқлик” ва “турғунлик” йилларида Республикаизда ижтимоий-иқтисодий ахволнинг мураккаблашиб боришига тарихий нұқтаи-назардан баҳо беринг.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. – Т., “Шарқ”, 2003.
2. Амир Сайд Олимхон. Бухоро ҳалқининг ҳасроти тарихи. – Т., “Фан”, 1991.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т. “Маънавият”, 2000.
4. Иброҳим Карим. Мадаминбек. – Т., “Ёзувчи”, 1993.
5. Наимов Н. Сўнгги хукмдор. – Бухоро., “Бухоро”, 2008.
6. Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. Тўлдирилган бешинчи нашри. – Т., “Ўзбекистон”, 2012. –Б. 145-274.
7. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi (O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). 3-kitob. 2-nashri (Talabalar uchun o‘quv qo‘llanma). – Т., “Sharq”, 2010. –В. 10-335.
8. Shamsutdinov R., Maxmudov X. O‘zbekiston tarixi / Oliy o‘quv yurtlarining notarix fakultetlari uchun o‘quv qo‘llanma. –Т., “Sharq”, 2013.
9. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Масъул мухаррир Д.А.Алимова. -Тошкент, “Шарқ”. 2001.
10. Ўзбекистон тарихи / Олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик. II-жилд (XIX асрнинг II ярми – 1989 йил июнь). Масъул мухаррир Р.Х. Муртазаева. –Т., “Янги аср авлоди”, 2015. –Б. 233-403.
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. – Т., “Шарқ”, 2000.

#### **7 - Мавзу: Мустақиллик йилларида тарих фани: изланишлар ва инновациялар.**

##### **Режа:**

1. Мустақиллик йилларида Ватан тарихининг долзарб масалалари.
2. Тарих фанидаги тадқиқотлар ва инновациялар.

**Таянч тушунчалар:** Тарих фанининг Ўзбекистон мустақиллигини ғоявий, назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари ва унда илгари сурилган концептуал масалалар. Истиқлол йилларида тарихий хотира, тарихий мерос ва холисона тарихимизни таклаш борасидаги амалий ҳаракатлар. Ютуқлар ва муаммолар.

1. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон мустақиллигига эришуви ўзбек ҳалқининг асрий орзусини рўёбга чикариб, кўп мингийиллик тарихида буюк воқеа бўлди. Бу жамият тарихий тафаккурини, унинг сиёсати ва мағкурасини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатадиган, концептуал тузилишида ушбу жамият мазмун-моҳиятини ўзида муҳрлаб, ундаги мавжуд маънавий иқлим, қадриятлар ва кайфиятлари кўрсаткичи сифатида чиқувчи тарих фани зиммасига янгиланиш ва мустақил Ўзбекистон эҳтиёжларига муносиб бўлиш вазифасини юклади. Бу вазифаларнинг асосий моҳияти ўзбек ҳалқининг ҳаққоний тарихини яратишга, тараққиётнинг турли босқичларида жаҳон ҳамжамиятида унинг ўрни ва ролини аниқлашни, тарихий билимларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш орқали миллатнинг

маънавий- ахлоқий цивилизацион асосларига, бой маданиятига қайтиш, қадимий анъаналарини тиклашга қаратилди. Шунингдек, ушбу вазифалар янги жамиятда яшайдиган ўзининг миллий гоясига эга бўлган, ўтмишидан гуурланадиган ундан маънавий қувват оладиган комил инсонни тарбиялашга йўналтирилди.

Мустақиллик арафасида 1980-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошидаги ошкоралик жараёни тарих фани соҳасида тақиқланган, нотўғри талқин қилинган муаммолар атрофида мунозара, янги фикрларни илгари суриш ва тадқиқот олиб бориш имкониятини вужудга келтирди. 1990 йилларнинг бошларида тарих фани соҳасида кечётган жараён, устивор муаммолар доирасини аниқлаш, тадқиқот усувлари, назарий-методологик ёндашувлар, бир сўз билан айтганда тарих фани истиқболи тарихчиларнинг давра столларида муҳокама мавзусига айланди.

Бу даврга келиб Ватан тарихининг кўплаб етилган масалаларини янгича мушоҳада қилиш жараёни бошланди. илгари «босмачилик» деб аталган миллий-озодлик харакатлари тўғрисида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди; Ўрта Осиёнинг Россияга «қўшиб олинган»лиги масаласи янгича мушоҳада қилина бошланди. Бунга 1980 йилларнинг охирида бўлиб ўтган илмий анжуманларда баҳслар ва қарашларнинг ўзгариши маълум таъсир кўрсатди. Бу мавзудаги «қўшиб олинган»ганликнинг асл кўриниши ва мақсади Россия босқини ва мустамлакачилик сиёсати тамомила муомалага киритилмаган архив материаллари асосида янгича талқин қилиш, ўрганиш жараёни бошланди. Жадидчилик қандай оқим? Уни вужудга келтирган шарт сабаблар нима эканлиги олимлар эътиборидан жой олди. Ўзбекистондаги жамоалаштириш ва саноатлаштириш тарихи қайтадан кўриб чиқила бошлади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари ривожланиш нуқтаи назаридан тарих фани учун бирмунча оғир кечди. Мустақил давлат қурилишида у чинакамига асос ва таянч бўла олмади. Бунинг сабаби тарихчилар ўртасида фикрлар муштараклиги ва ҳақиқий бирликнинг йўқлигига, ёндашувларнинг турли-туманлиги, фикрлар тарқоқлиги, кўлга киритилган мустақилликни тарихан асослай олмаслиқда намоён бўлиб, эскича иш тартиби, кекса ва ёш кадрлар ўртасидаги зиддият – буларнинг барчаси нафақат замон талабига жавоб бермас, айни пайтда, умуман тарих фани ривожини тўхтатиб қўйган эди.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиш тарих фанининг ҳам гоявий, назарий амалий фаолиятида асосий стратегик мақсадга айланмоғи лозим эди. Мустақиллик йилларида тарих фанини янги жамият нуфузига мос келишида, унинг мазмун, моҳияти мақсадини белгиловчи, ташкилий соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат қарорларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. 1996 йилда ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият академияси қошида “Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази” ташкил этилди. Мазкур марказда республиканизнинг етакчи олимлари иштирокида 3 жилдлик Узбекистон тарихи (Туркистаннинг Россия томонидан истило қилинишидан ҳозирги давригача) тайёрланди.

Тарих фани истиқболдаги ривожини белгилашда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг 1998 йилнинг июнь ойида бир гурӯҳ етакчи тарихчи олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашуви тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу учрашувда Президент тарих фани аҳволини таҳлил қилиб, томонидан тарихчилар олдига Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг концепцияси қандай бўлиши керак? Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши ва давлатчилиги тарихини қандай ўрганиш керак? Замонавий тарихчининг қиёфаси қандай бўлиши керак? каби муаммоларни ҳал қилиш вазифалари қўйилди. вазифаларни ҳал этишдаги энг катта маъсулият Тарих институти зиммасига юкланди. Тарихчи олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувдан кейин эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1998 йил 27 июль) тарих фанининг вазифаларини стратегик жиҳатдан ўзгартириш учун асос бўлди. Табиийки, мамлакат Президенти томонидан қўйилган бу вазифалар бир институттагина тааллуқли бўлмай, муаммони фақат унинг жамоаси кучи билан ҳал қилиб бўлмас эди. Бу вазифаларни ҳал қилиш жараёнида Тарих институт

мамлакатимиздаги барча тарихчиларни ўз атрофига бирлапгериб, ҳақиқатда илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ўзига хос марказга айланди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги (2004 й.) мавзуидаги республика ва халқаро илмий анжуманларнинг аҳамияти катта бўлди.

Ўтган йиллар давомида Тарих институтида фаннинг маълум соҳалари бўйича илмий анжуманлар ўтказиш анъянага айланди. “Тарихшунослик ўқишилари”, “Карим Шониёзов ўқишилари” тарихшунослик, этнология соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлардан хабардор қилиш бирга, унинг ривожи, муаммолар комплексини аниқлаш, тарих фани ҳолатини таҳлил қилиш, истиқболдаги муаммолар доирасини белгилашда прогностик вазифани бажармоқда, регионларда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий кадрларни марказ билан боғлашда амалий аҳамиятга эга бўлди. Анжуман материалларининг мунтазам чоп этилиши илмий жараённинг ахборот таҳлил ҳолатидан жамоатчиликни хабардор қилишга хизмат қилмоқда.

Илмий мулоқотнинг яна бир шакли сифатида “ЎзР ВМ «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қарорига кўра ташкил этилган Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика мунтазам илмий семинари фаолиятини алоҳида қайд қилиш керак. Мазкур семинар йиғилишлари ЎР ФА Тарих институти, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими вазирликлари биргаликда ўтказилиб академик фан ва таълим интеграциясини таъминлашда, фанининг энг долзарб муаммоларини муҳокама этувчи, республика тарихчилари илмий мулоқотини, баҳс, фикр-мулоҳаза жараёнини амалга ошириш йўлидаги муҳим тадбирга айланди.

Тарих институтида ёш тарихчилар ташаббуси билан ташкил этилган “Розия Галиевна Мукминова” ёш олимлар илмий тарихи” концепцияси ишлаб чиқилди. Тарих фани соҳасидаги тадқиқотлар ана шу концепция асосида мувофиқлашган ҳолда амалга оширила бошлади

«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор 11 банддан иборат бўлиб инстигут тузилмасини ўзgartириш ва уни замонавий техника билан таъминлашдан тортиб, халқаро алоқаларни йўлга қўйишишча бўлган масалаларни қамраб олган эди. Ўзбекистон ҳукуматининг моддий жиҳатдан кўрсатган катта ёрдами туфайли меҳнат шароитини яхшилаш, институтни тўлиқ жиҳозлаш ва компььютерлаштириш имконияти яратилди. Мустақилликнинг асосини мустаҳкамлашда жамият тарихий онгини шакллантириш зарурлиги эътиборга олиниб, тарихий билимларни тарғиб қилиш йўлга қўйилди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон тарихчиларининг маҳсус «Ўзбекистон тарихи» журналига асос солинди. (1998 й.) Тарих фанининг энг долзарб муаммоларини муҳокама этувчи Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика мунтазам илмий семинари ташкил этилди. Республика тарихчилар жамият тузилди. Илк маротаба «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га кўра тарих фанининг таълим тизими билан ҳамкорлиги амалиёти йўлга қўйилди. Фан ва таълим муштараклиги мактаб партасидан бошлаб, тарихчи кадрлар тайёрлашга йўналтирилди. Энг муҳими тарихчилар олдида мустақил республиканинг миллий давлат қурилиши, унинг маданий ва тарихий мероси асосида миллий давлат мафкурасини яратиш, ислом омилини жаҳон цивилизацияси ютуклари билан узвий боғлаш йўлларини қидириш каби вазифалар турганлиги эътироф этилди.

Мустақиллик йилларида тарих фани долзарб муаммоларини аниқлаш, илмий жамоатчиликнинг бу муаммолар ечимини излашдаги ёндошувлари ва фаолиятини акс эттиришда илмий анжуманлар муҳим ўрин тутди. Тарих фани назарий-методологик асосларини, тарих тадқиқотларига ёндошувларни янги давр талаблари ва мезонлари асосида ишлаб чиқиш, унинг олдида турган вазифаларни аниқлашда бу муаммолар муҳокамасига бағишлиб ўтказилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи: концептуал методологик муаммолар” (1999 й.); ЎзР ФА Тарих институти 60 йиллигига бағишлиланган анжуман. (2003 й.); “Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы” (2004 й.) мавзуидаги республика ва халқаро илмий анжуманларининг аҳамияти катта бўлди.

Ўтган йиллар давомида Тарих институтида фаннинг маълум соҳалари бўйича илмий анжуманлар ўтказиш анъанага айланди. “Тарихшунослик ўқишилари”, “Карим Шониёзов ўқишилари” тарихшунослик, этнология соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлардан хабардор қилиш бирга, унинг ривожи, муаммолар комплексини аниқлаш, тарих фани ҳолатини таҳлил қилиш, истиқболдаги муаммолар доирасини белгилашда прогностик вазифани бажармоқда, регионларда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий кадрларни марказ билан боғлашда амалий аҳамиятга эга бўлди. Анжуман материалларининг мунтазам чоп этилиши илмий жараённинг ахборот таҳлил ҳолатидан жамоатчиликни хабардор қилишга хизмат қилмоқда

Илмий мулоқотнинг яна бир шакли сифатида “Ўз Р ВМ «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қарорига кўра ташкил этилган Яхё Гуломов номидаги «Ўзбек ҳалқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика мунтазам илмий семинари фаолиятини алоҳида қайд қилиш керак. Мазкур семинар йиғилишлари ЎР ФА Тарих институти, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Ҳалқ таълими вазирликлари биргаликда ўтказилиб академик фан ва таълим интеграциясини таъминлашда, фанининг энг долзарб муаммоларини муҳокама этувчи, республика тарихчилари илмий мулоқотини, баҳс, фикр-мулоҳаза жараёнини амалга ошириш йўлидаги муҳим тадбирга айланди

Тарих институтида ёш тарихчилар ташабbusи билан ташкил этилган “Розия Галиевна Мукминова” ёш олимлар илмий анжуманини ўтказиш анъана тусини олиб, тарих фанида янги авлод илмий тадқиқотлари натижаларини илк бор тақдим қилиш манбарига айланди.

Ўзбекистонда тарих фани ривожига муносаби яршса қўшган олимлар юбилейлари муносабати билан улар фаолиятига бағишлиб ўғказилган илмий анжуманлар олим хизматларининг эътирофи бўлиб, тарих фанида турли илмий йўналишлар ва мактабларнинг вужудга келиши, ривожланишини, тадқиқотлар сарҳисобида кўрсатиб, кенг жамоатчиликка мамлакатимиздаги интеллектуал тарихнинг маълум манзараси ҳақида маълумот берди.

Мустакиллик йилларида ҳалқ тарихий хотирасини шакллантиришда, маънавий қадриятларни тиклаш ва тарихий билимларни тарғиб этишда музейларролига алоҳида эътибор қаратилди. ЎзР Президентининг 1998 йилда қабул қилинган “Музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ФА таркибидаги музейлар ишини ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Республикамизнинг йирик тадқиқот ва маданий-маърифий муассасаларидан бири бўлган ЎзР ФА Ўзбекистон тдрихи Давлат музейи 1992 йил 21 апрелдаги ВМнинг 203-сонли қарорига кўра қайта ташкил этилди. И.А.Каримовнинг ташабbusи билан Ленин марказий музейининг биноси Академия ихтиёрига берилди. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи бу бинога жойлашди. Музейда Ўзбекистон тарихи ва Ватанимизда давлатчилик тарихини янги методология нуктаи-назаридан талқин этган доимий экспозиция яратилди.

Ўзбекистон мустакиллигининг илк кунлариданоқ ҳақсиз унутилган номларни тиклаш, жаҳон тараққиётида муҳим роль ўйнаган тарихий шахслар хизматини муносаби баҳолашга эътибор қаратилди. Республика Президенти фармони билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди ва унинг 660 йиллиги кенг нишонланди. 1996 йилнинг 14 марта Темурийлар тарихи давлат музейи биносини барпо этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди ва шу йилнинг 18 октябрида фойдаланишга топширилди. Ватанимизнинг бой моддий маънавий меросини Амир Темур ва темурийлар даврига оид ашёларни тўплаш, асрар авайлаш, таъмирлаш, уларни илмий таҳпил қилиш, экспозициялар ва кўргазмалар оркали ҳалқка намойиш этиш музейнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Музейнинг асосий экспозициясидан Амир Темур ва темурийлар даври тарихидан ҳикоя қилувчи археология, этнография, нумизматика ашёлари, қўлёзмалар, тасвирий санъат намуналари жой олди. Музейда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек музейда тарих фанининг долзарб муаммоларига бағишлиланган анжуманлар ўтади.

ЎзР Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисидаги» 2001 йил 1 май куни имзолаган ПФ-2837 рақамли Фармони асосида Қатағон қурбонлари

музейи ташкил этилди. 2002 йил 31 август куни расмий равища очилди. Музейда амалга оширилаётган тадбирлар адолатсизлик ва қатағон қурбонлари бўлган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, ёш авлодда мустақиллик қадриятларига ҳурмат туйгусини уйғотишга хизмат қилмоқда.

Олимларнинг тадқиқотчилик фаолияти ўтмиш призмаси орқали жамият тараққиётининг бугуни ва истиқболлари ҳақидаги муҳим саволларга аниқ ва равshan жавоб беришга йўналтирилди.

Янги ижтимоий импульслар таъсирида кўпгина мавзулар янгича мушоҳада қилина бошланди. Ҳаққоний талқини ва таҳлилига муҳтоҷ бўлган мавзулар тарихчилар диққат марказидан жой олди ва бугунги кунга қадар баъзи концептуал жиҳатлари ҳақида қатъий бир хуносага келишда бу жараён давом этмоқда. Совет даврида ўрганиш таъқиқланган, нотўғри талқин этилган мавзулар илмий холислик асосида - миллий мустақиллик нуқтаи- назаридан қайтадан ўрганилди. Тарихий тадқиқотлар диапазони кенгайди. Янги илмий йўналишлар тадқиқ қилинди.

Ўзбек ҳалқининг давлатчилиги тарихини ўрганиш тарихчи олимлар илмий изланишларининг энг асосий муаммоларини ташкил этди

Мустақиллик давридагина Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг энг қадимдан то ҳозиргача бўлган манзарасини акс эттирган асарлар вужудга келди.

Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатлар, уларда давлат бошқарув тизимининг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши муаммоларининг ўрганилиш тарихи ҳақида мақолалар чоп этилди. Илк давлатлар шаклланишини ўрганишда археологик тадқиқотлар маълум аҳамиятга эга бўлди, бунинг натижалари асосида мамлакатимиз ҳудудида давлатчилик анъаналари кўп минг йиллик тарихга эга эканлигини исботланди. Ўтган йиллар давомида Ўзбек давлатчилиги тарихида Суғдиённанинг тутган ўрни ва масалалари, турли тарихий даврларда Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган давлат бирлашмаларининг уларнинг давлатчилик тарихидаги аҳамияти, тарихий манбаларда давлатчилик масалалари, мавзу манбашунослиги ўрганилди.

Давлатчилик тарихига оид очерклар мазкур муаммонинг турли жиҳатларини ўрганишдаги фан янгиликлари акс эттириди. Махсус монографик тадқиқотлар мавзуни ўрганишда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон олимларининг ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш йўлидаги салмоқди изланишларининг натижаси тарих фанида катта воқеа бўлди.

Ўзбек ҳалқининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш бугунги кунда тарих фанининг энг муҳим муаммосидир. Ўзбек ҳалқи шаклланишининг асосий босқичлари, уларнинг этногенетик жараёнларда катнашув даражаси, минтақанинг қадим автохтон аҳолиси билан тарихий ворисийлиги ва генетик алоқаларини ўрганишда «ўзбек элшунослиги» мактабининг асосчиси К.Шониёзовнинг «Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни» фундаментал монографияси илк қадам бўлди. Этногенез муаммосини ўрганиш борасида муҳим изланишлар олиб борилди.

Қадимги ёзма манбалар талқинини амалга ошириш Ўзбекистоннинг энг қадимги тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада жиддий тадқиқотлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг қадимги даври моддий маданияти ҳақидаги асарлар янги фактлар, далил фаразлар ва янги хуносаларни тақдим қилди. Ўрта асрлар тарихини ўрганишга доир ишлар ўтган тарихшунослик босқичларида камчиликларни тўлдирмоқда.

Темур ва темурийлар даври тарихи фаол, комплекс тадқиқ қилинган муаммолардан бири бўлди. 1996 йилда Амир Темур юбилейининг 660 йиллигини нишонланиши бу мавзуга доир тадқиқотларнинг янада кенгайишида, Амир Темур шахси ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашда муҳим воқеа бўлди. Республика тарихчилари томонидан мазкур мавзуга оид монографик, коллектив тадқиқотлар, алоҳида жиҳатлари тарихини ўрганишга бағишлиланган мақолалар эълон қилинди.

Мустақиллик йилларида тарихий тадқиқотлар муҳим йўналишини Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиш мавзуси бўлди. Россиянинг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилиги ва унинг салбий оқибатлари ҳақида махфий архивлар, янги тарихий далиллар, тамомила янгича

ёндошувлар асосида ёзилган тадқиқотлар вужудга келди. Мустамлакачилик моҳияти, унинг оқибатлари в.ҳ. масалалари тадқиқотчилар диққат марказидан жой олганлиги эълон қилинган ишларда кўриш мумкин. Тарих маркази томонидан тайёрланган монографик тадқиқот (тадқиқот асосига илмий муомала кирмаган янги архив материаллари мулоҳаза учун мавзу сифатида китобхонга тақдим қилинди), жиддий тадқиқотчиси Ҳ.Зияевнинг монографияси мавзунинг ўрганишида салмоқли ҳисса бўлди. Мусталамкачилик сиёсатининг амалга оширилиши йўлидаги тадбирлар янги архив материаллари асосида таҳлил қилинди. Мавзунинг ўрганилмаган жиҳатлари бойликларнинг олиб кетилиши янги архив материаллари асосида ўрганилиб кенг ўқувчилар оммасига мустамлакачилик мақсадларининг асл моҳияти очиб берилди. Россия мустамлакачилик мақсадларини амалга оширишда Тошкент-Оренбург темир йўлининг аҳамияти. Подшо Россиясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг оқибатлари янгича нуқтаи назардан ўрганилди.

Мустамлакачиликка қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатлари масаласи мавзунинг ўрганишида янги йўналиш бўлди. Дукчи эшон ҳақида публицистик мазмундаги мақолалар пайдо бўлди. Тарихчилар бу ҳаракат моҳиятини илмий асослаб бердилар. Андижон қўзғолони ҳақида турлича қарашлар тақдим қилинди, ўлкада миллий-озодлик ҳаракатлари, мустақиллик учун кураш тарихини ёритувчи жиддий тадқиқотлар яратилди. Муаллифлар бой архив манбаларига таяниб, ўлкадаги миллий-озодлик ҳаракатининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва мағлубиятга учраши сабабларини кенг илмий таҳлил қилдилар. Ҳалк ҳаракати раҳнамолари ҳақида турлича нуқтаи назарлар, баҳолар олимлар тадқиқотларида ifodасини топди.

1916 йилги ҳалқ қўзғолони ва унинг ўлка бўйлаб ёйилиши ҳақида бир қатор мақолалар эълон қилинди, мардикорликка сафарбарлик бу қўзғолон сабабларидан бири сифатида кўрсатилди.

Хива ва Бухоронинг Россия протекторатига айлантириши масаласи батафсил, турли тарихий манбалар асосида талқин қилинди, ўлканинг аҳволи иқтисодий, ижтимоий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар ёритилди. Мустамлакачилик йилларида динга муносабат масаласи янгича ўрганилди.

Россиянинг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсати ва оқибатлари муаммоси докторлик ва номзодлик диссертациялари мавзусига айланди. Мавзунинг турли жиҳатлари: Россиянинг Ўрта Осиёдаги мустамлакчилик сиёсати ва унинг оқибатлари, миллий озодлик ҳаракатлари, ижтимоий сиёсий жараёнларга, иқтисодий муносабатларнинг ўзгаришига кўрсатган таъсири, Туркистон шаҳарларидағи ахвол, вакф мулкларига муносабат жиддий тадқиқ қилинди. Россия империясининг Туркистонда дин масаласига муносабати мавзуси ўрганила бошланди, маданият масаласи. Туркистонда Россия бошқарув тизимининг жорий этилиши, бошқарув масалалари, суд ҳуқуқ тизими в.ҳ. саноат соҳаларининг вужудга келиши ўрганилди. Россия мустамлакачилиги ҳаққоний тарихини ёритишда манбалар муҳим ўрин тутади. Бу мавзуни ўрганишда турли архив манбаларини тизимлаш, в.ҳ. энг муҳим саналган материалларни ўрганиш ва ўқувчига етказиш борасида тадқиқотлар амалга оширилди.

XX асрдаги маърифатпарварлик ҳаракати жадидчилик моҳиятини ўрганиш тарих тадқиқотларида янги йўналиш бўлди. Жадидчиликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий замини, жадидларнинг маърифатпарварлик ва ислоҳотчилик ғоялари, мустақиллик ва тараққиёт учун курашлари тарихи, жадидлар тафаккури, миллий давлатчилик ғоялари янги илмий далиллар асосида назарий мушоҳада қилинди.

Миллий тараққийпарварларнинг мустақиллик ҳақидаги, миллат равнақи ҳақидаги ғоялари ўзининг актуаллигини йўқотмаганлиги, мустақилликка эришган Ўзбекистонда улар тажрибасига мурожаат қилинганлиги бунинг яққол далилидир.

Бу мавзуни ўрганишнинг ўзига хос хусусияти унга файласуфлар, адабиётшунослар, санъатшунослар, тарихчиларнинг мурожаат қилдилар. Ижтимоий фан вакилларининг бу хилдаги ёндошуви аср бошидаги жадидчилик ҳаракатининг феноменал характеристерини очиб берди.

Мустақиллик йилларида бу мавзуни ўрганишда Д.Алимованинг тадқиқотларини алоҳида

таъкидлаш лозим. Олиманинг мазкур мавзуга оид олиб борган тадқиқотлари “История как история, история как наука: Феномен джадидизма” китобида мужассамлашди. Д.Алимова илмий мактабининг вакиллари бу мавзунинг турли жиҳатларини кенгқамровли, янги маълумотлар асосида ўргандилар. Миллий тараққийпарварлик ҳаракатиник моҳияти, унинг жамият ҳаётининг янгиланишидаги гоялари таҳлилига доир мақолалар махсус туплам шаклида чоп этилди.

Жадидчилик ҳаракати ўзининг феноменал аҳамияти билан халқаро илмий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. 1999 йил сентябрь ойида “Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш” мазуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва уни вужудга келиш сабаблари ўрганилди.

Совет тоталитар тузумининг асл моҳияти, сиёсий ва мафкуравий тайзиқ оқибатлари илмий холислик билан тадқиқ этилмоқда. Октябр тўнтариши туфайли зўрлик билан совет давлатининг тузилиши, ўтказилган давлат чегараланишининг ноқонунийлиги, ва униг салбий оқибатлари, 30-50-йиллардаги қатағонлар, мажбурий жамоалаштириш натижасида қишлоқ хўжалигининг издан чиқиши, монографиялари эълон қилинди. 80-йиллардаги янги қатағонлар - “Ўзбеклар иши» мавзулари янги архив маълумотлари асосида ўрганилди.

Мустақиллик туфайли замонавий тарих фанида тамомила янги мавзу ўзбек муҳожирлиги тарихини ўрганишга қўл урилди. Бу мавзуни ёритишда муҳожирлик сабаблари ва униг босқичлари, муҳожирларининг хориждаги ҳаётлари, ўзга юрт шароитларига мослашуви, ўзбек муҳожирлигининг ҳуқуқий мақоми, хорижий давлатлар ҳукуматларининг ўзбекистонлик муҳожирларга нисбатан тутган сиёсати, муҳожирларнинг собиқ ватанлари Ўзбекистон билан муносабатлари каби муаммолар тадқиқот доирасига тортилди

Ўзбекистонда тарих фан ривожига янги ахборот технологиялари, Археология фани, ижтимоий фанлар, сиёсатшунослик, табиий фанлар ривожи, техника тараққиёти каби омиллар ижобий таъсир қўрсатди. Тарихчилар тадқиқотларини амалга ошириш жараённида филологлар изланишлари натижаларига ва умуман фанларнинг ўзаро таянувига эҳтиёж сездилар. Халқнинг ўз тарихини қайси даврлари ва қаҳрамонлари ўрганишга бўлган эҳтиёжларини аниқлашда социологлар изланишларининг амалий натижаларига тез-тез мурожаат қила бошладилар.

Тарих фанида амалга ошаётган бу муҳим илмий-ташкилий жараёнларнинг ўткир тифида бўлиш маъсулияти тарихшунослик фанига юқлатилган, зеро у ўз табиатига кўра мураккаб «тарихий- илмий организмнинг» барометридир

Булар барчаси ахборот жараёнларининг глобаллашуви билан боғлиқ муаммолар долзарблигини яна бир карра таъкидлайди. Аммо мазкур муаммолар туфайли ахборот ишлаб-чиқариш ва тарқатиш имкониятларининг тенгсизлиги пайдо бўлади. Бу объектив вазиятни шундай деб қабул қилмоқ керак. Мамлакатлар бу борадиги ўз устунликларини шахсий манфаатларида фойдаланишлари бошқа гап. Мана шундай вақтда муносатларда кескинлик юзага келади, у кўп ҳолларда ахборит курашга ёки бошқача қилиб айтганда психологик урушга айланиб кетади.

Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб талабидир. Ҳар бир давлат бунинг устида бош қотирмоқда. Бу жаҳондаги янги геосиёсий тақсимот, янги минтақавий низоларнинг юзага келиши, миллатчилик, шовинизм, дин ниқобидаги экстремизм, экологик ҳалокатнинг таҳдиidi кучайиши, спид, парранда грипи ва бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши билан боғлиқдир.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам мазкур муаммолар муҳим эканлигини алоҳида таъкид этади. Бунинг долзарблиги давлатимиз учун

миллий мустақилликни янада мустаҳкамлаш, иқтисод ва бозор муносабатларини тадрижий ривожланишини таъминлаш, ижтимоий ислоҳотларни чукурлаштиришда яққол қўринади. Бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, миллий анъаналарни ҳаётга қайтариш, муросасозликни тарбиялаш ҳам катта аҳамият касб этади. Маълумки, мустақил дунё қарашга эга маълумотли кишиларгина турли хил талқиндаги тазиқларга руҳан барқарор қаршилик кўрсата оладилар. Бу биринчидан. Иккинчидан, мана шундай кишиларгина тегишли мухит яратишлари ва миллий ғояларнинг дарғалари хисобланади.

Мана шунинг учун ҳам мазкур муаммоларни ўрганишда ахборотнинг шакли ва моҳияти; ахборот хавфсизлигини таъминлаш; очиқ ахборот тизимларининг ўзига хослиги; шахс, жамият ва давлат ахборий- психологияк хавфсизлигини таъминлаш манбалари ва турлари; ахборот соҳасидаги миллий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти ва тамойиллари; ОАВ ва ахборий қарама-қаршилик; ахборий-психологияк хавфсизликни таъминлашда асосий йўналиш ва усуслар; очиқ ахборот тизимларда шахснинг ўз-ўзини химоя қилиши; жамоатчилик фикри ва жамият ахборий-психологияк хавфсизлиги; Ўзбекистон ОАВ лари ва жамиятнинг психологик хавфсизлиги каби мавзуларни чукурроқ ўрганиш талаб этилади.

Юқорида санаб ўтилган мавзуларни ўрганишда ахборот, ахборий хавфсизлик, миллий манфаатлар, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга бўлган хавф, манбалари, жамоатчилик фикри, очиқ ахборот тизимлари, глобаллашув, ахборий қарама-қаршилик, ахборий-психологияк кураш, ОАВ лари, онглилик, идроклаш, акс эттириш манипулятция қилиш, психологик қўпорувчилик, ижтимоий тарғибот, жамоатчилик онги, инсонни хуфиёна бошқариш ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Психология, социология, фалсафа, ОАВ назарияларидан олинган бу тушунча ва терминлар фанни чукурроқ тушунишга, унинг асосий мазмунини, усуслари ва йўсинларини, яъни очиқ ахборот тизимларида фойдаланаётган усусларни идрок этишга, демак, ижобий ғояларни салбий ғоялардан фарқлай олишга кўмаклашади. Маълумки, ҳар қандай далил, ҳодиса ёки воқеа турлича талқин этилиши мумкин, шунга боғлиқ тарзда аудитория томонидан қабул этилиши ҳам мумкин. Шунинг учун аввал бошиданоқ, тушунчавий аппаратни белгилаб олиш, уни шарҳлаш лозим, шундан келиб чиқсан холда бирор ҳодиса ёки воқеани биз қандай идрок этишимиз ва талқин қилишимизга эътибор беришимиз даркор

**Глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситалари.** Сиёсий-ижтимоий жараёнларда, маънавий-мағкуравий жараёнларда тарғиботнинг мухим ажралмас қисми – оммавий ахборот воситаларидир (ОАВ). ОАВ ҳар қандай шахсга очиқ, оммавий тарзада, маҳсус техник воситалар ёрдамида, турли маълумотларни узатиш учун тузилган муассасалардир. Уларнинг ўзига хос белгилари- оммавийлиги, яъни истеъмолчиларнинг чекланмаган доираси, маҳсус техника асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, алоқадаги томонларнинг макон ва замонда бўлингани, тўғридан-тўғри бўлмаган мулоқоти ва ш.к.

ОАВ ларига матбуот, оммавий маълумотномалар, радио, телевидение, кино-овоз ёзиш, видеога олиш кабилар киради. Охирги ўн йилларда ер йўлдошлари орқали, алоқанинг кабелли, радио ва телевидение, электрон матнли тизимлар, шунингдек ахборотни тўплаш ва кўпайтиришнинг индивидуал воситаларининг кенг тарқалиши натижасида мулоқот воситалари ҳам жиддий ўзгармоқда. Сиёсий тизимнинг мулоқот воситаларига эҳтиёжи унинг жамиятдаги функциялари, сиёсат агентларининг сони, сиёсий қарорларни қабул қилиш усуслари, давлатнинг катта-кичиклиги ва бошқа бир қатор омиллар билан ўлчанади. Ўтмишдаги анъанавий жамиятларда мулоқот воситаларига эҳтиёж катта бўлмаган. Бундай воситалар ролини асосан чопарлар, элчилар, хабарчилар, савдогарлар, алоқа кабутарлари бажарib, улар оғзаки ёки ёзма шаклда сиёсий ахборот- қирол фармонлари ва буйруқлари, ноибларнинг, зарур бўлганда фуқароларнинг хатини етказишган. Ҳудуди кичик бўлган давлатлар, шаҳарлар фуқароларни хавф-хатарлардан огоҳлантириш учун ёки диний ҳодисалар ҳақидаги хабарни етказиш учун ўзига воситалардан - қўнғироқ, олов ёқиши каби усуслардан кенг фойдаланишган. XIX-XX асрларга келиб телеграф, телефон воситаларининг яратилиши, радио ва телевидениенинг каşf этилиши давлатларнинг коммуникацион эҳтиёжларининг қондириб қолмай сиёсий тарғиботда ҳам инқилоб ясади. ОАВ Тоғлер

ёзганидек «ҳокимият ресурсларини жуда кам сарфлаган ҳолда кўзланган ҳолда кўзланган мақсадларга етиш; одамларни бу мақсадлардан шахсан манфаатдор эканликлариға ишонтириш, рақибларни иттифоқчиларга айлантириш» имконини беради<sup>1</sup>. Саноати ривожланган мамлакатларда билим ва ахборот ҳокимияти жамиятни бошқаришда пул ва давлат зўрлигини иккинчи даражага тушириб ҳал қилувчи мавқени эгаллай бошлади. ОАВ жамиятдаги билим ва бошқа сиёсий аҳамиятга бўлган ахборотнинг бевосита тарқатувчиси ва эгасидир.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ОАВ нинг функциялари хилма-хилдир. Ҳар қандай замонавий жамиятда улар у ёки бу шаклда бир қатор умумий сиёсий функцияларни бажарадилар. Уларнинг энг муҳими ахборот тарқатишдир. У фуқаролар ва ҳокимият органлари учун энг муҳим ходисалар тўғрисида маълумотларни топиш ва тарқатишдан иборат.

Одамларнинг сиёсий ходисалар ва жараёнлар ҳақида холис фикр юритишлари учун ОАВ нинг ахборот тарқатиш борасидаги фаолияти билим бериш, таълим функцияларини ҳам ўз ичига олади. Бу функция фуқароларга улар ОАВ дан ҳамда бошқа манбалардан оладиган маълумотларни холисона баҳолаш ва тартибга солиши имконини берадиган билимларни етказишда намоён бўлади. У фуқароларни ахборотнинг мураккаб зиддиятли оқимида адашмасликка ўргатади. ОАВ нинг таълим функцияси унинг ижтимоийлашув функциясига ўсиб ўтади. Аммо сиёсий таълим билимларни доимий равиша олишни, ҳамда инсоннинг билиш ва баҳолаш имкониятларини оширадиган бўлса, сиёсий ижтимоийлашув инсоннинг меъёрлар, қадриятлар, хулқ-атвор намуналарини ўзлаштирилишини англатади. У шахсни ижтимоий борлиққа мослашишига ёрдам беради. Шундай қилиб жамиятда ОАВ нинг энг муҳим вазифлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Қонун ва қоидаларни, инсон ҳуқуқларини хурмат қилишга асосланган қадриятларни оммавий оммавий равища татбиқ этиб бориш;
2. Жамиятдаги, инсонлар ўртасидаги турли хил ихтилофларни тинч йўл билан ҳал қилишга ўргатиш;
3. Давлат тузилишининг бош масалалари бўйича жамоатчилик келишувини шубҳа остига олмаслик ва шу кабилар.

ОАВ нинг ахборот тарқатиш, таълим ва ижтимоий ҳаётга жалб этиш борасидаги фаолияти унга танқид ва назорат функциясини бажариш имконини беради. Сиёсий тизимда бу функцияни муҳолифат, шунингдек махсус назорат институтлари амалга оширади. ОАВ нинг назорат функцияси жамоатчилик фикри ва обрўсига асосланади. Гарчан, ОАВ лари давлат ва хўжалик назорат органларидан фарқлича маъмурий ёки иқтисодий чоралар кўллай олмасаларда, уларнинг назорати кўпинча анча самарали ва қаттиққўл, негаки улар воқеа-ходисаларга, шахсларга нафакат ҳуқуқий, балки маънавий баҳо ҳам берадилар. Демократик жамиятда назорат функциясини амалга оширища ОАВ лари жамоатчилик фикри билан бир қаторда конунга ҳам таянадилар.

Юқорида кўрсатилган барча функциялар ОАВ ларининг сафарбарлик функциясини тўғридан-тўғри амалга ошишувига хизмат қиласди. У одамларни муайян сиёсий ҳаракатларга ундаш, уларни сиёсатга жалб этишда намоён бўлади. ОАВ лари инсон онги, қалби ва хиссийтларига, фикрлари, баҳолаш усуллари ва мезонларига таъсир этишнинг катта имкониятларига эга. ОАВ ларининг функциялари юқоридагилар билан чекланиб қолмайди. Шунингдек ОАВ лари инновацион функцияни ҳам бажаради. У сиёсий ўзгаришларни бошлаб беради. Бунинг учун муайян ижтимоий муаммоларни кенг ва қатъий туриб қўяди. Уларга ҳокимият ва жамоатчилик диққатини тортади. Тезкор функция- ОАВ лари муайян партиялар ва уюшмаларнинг сиёсий фаолиятига хизмат қиласди, жамоатчилик ва ижтимоий фикри шакллантириш функциясидир.

Оммавий ахборот воситалари - энг асосий, қудратли ва таъсирчан тарғибот қуроли хисобланади. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос

<sup>1</sup> Пугачев В.П. Сиёсатшуносликка кириш. – М.: 2000, 193-бет.

тарбиячиси, мұхим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қиласди. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятларимиз ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

Ҳаётийлик - бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига қўйилаётган асосий талаб. Бериләётган ахборотларнинг асосан ютуқларни кўрсатиш, мақтovлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки заарли эканини чамалаб қўриш лозим. Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар, нуқсонлар бўлавериши табиий. Бу – исбот талаб қилмайдиган аксиома. Шундай экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожеа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашга ўрганиш керак. Уларнинг борлигини кўриб, ўзини кўрмаганликка олиш билан фақат заар келтириши мумкин. Демак, муаммоларни ўз вақтида тан олиш, уларни ҳал қилишга киришиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, тарғиботнинг негизида фақатгина ғояга ишонч эмас, ғояни тарғиб қилаётган инсонга ишонч ҳам ётади. Шу боис, мақташ тарғиботнинг ягона ва ҳатто энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, мафкурани ҳаётни фақат мақташ, уни бенуқсон тасвирлаш орқали тарғиб қилиш мумкин эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси юзага қалқиб чиқмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишилари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган, журналистларни тайёрлаш масаласига давлат даражасида эътибор берилмоқда, журналист-кадрларни ўзимизда тайёрлаш билан қаноатланмай, бу соҳа мутахассисларининг хорижда таълим олишларига маблаг ажратилмоқда. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун қулай мухит яратилган.

Кейинги йилларда информацион ҳуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролнинг янги тури қашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол – ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. У ўқотар қурол ўқи сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг қўпорувчилик кучи, келтирадиган талофотлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиникидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундейди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида ахборот мақсадга эришишнинг энг арzon воситаси ҳам саналади. Ҳақиқатан ҳам, информацион ҳуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, у қадар кўп ҳаражат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тўкишларни келтириб чиқармаса-да, миллий ўзликни англашни заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай информацион қўпорувчиликдан мақсад – мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазиқ ўтказиши, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилишдан иборат.

Йирик сиёсатчилардан бири Буюк Британия собиқ бош вазири Маргарет Тетчер “Оммавий ахборот воситалари – террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди”, деган эди. Оммавий ахборот воситалари орқали террорчилар дунёни даҳшатга солишади. Террорчилар бир қанча инсонларни шафқаизли билан ўлдириш орқали миллионларда қўркув ва даҳшат уйғотишига интиладилар. Уларнинг мақсадлари - ўлдириш эмас, жамоатчиликка кучли таъсир қилишидир. Таассуфки, баъзи оммавий ахборот воситалари ўзлари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, қўпорувчилик таъсирини янада оширишга “хизмат” қилиб

қўядилар. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги қўркувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши аксилтартғиботни уюштириш зарурати туғилади.

Аксилтартғибот «Ғояга қарши ғоя билан курашиш» тамойилига мос равища олиб борилиши керак. Бунда давлатимиз сиёсатига қарши кучларнинг ғоявий ҳужумларини қайтариш талаб этилади. Бунинг учун:

- хорижий журналистларнинг ҳукумат сиёсатини бузиб талқин қилувчи чиқишлирига йўл қўймаслик;
- диний ақидапарастларнинг танлаган йўлимизга қарши мафкуравий қўпорувчилик ҳаракатларига зарба бериш;
- ахборот хилма-хиллиги шароитидаги турли информацион тажовузларнинг асл мақсадини фош этиш;
- ёшларда озод шахс ва эркин фуқаронинг асосий жиҳатларини тарбиялаб боришга кенг эътибор қаратиш талаб этилади.

**Ахборот технологиялари глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятлари.** XX асрнинг иккинчи ярми тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида, улар ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади.

Информацион соҳа жамият ҳаётини ривожлантириб, хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларига юкори даражада таъсир кўрсатади. Шу боис, жаҳондаги етакчи давлатлар тажрибаларини чуқур ўрганиш, илмий таҳлил қилиш орқали, юртимиз миллий манфаатларига жавоб берувчи ахборот хавфсизлиги тизимини барпо этиш муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашаётган дунёда ахборот ҳалқлараро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этиб, у жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ҳам ижобий ҳам салбий куч сифатида намоён бўлиши мумкин.

Мазкур жараёнларга муносабат билдиран экан, Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримов қуйидаги фикрни илгари суради: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”.<sup>1</sup>

Ахборот оқимлари ва уларни шакллантирувчи, йўналтирувчи техник воситалар бугунги глобаллашув жараёнида давлатларнинг нафақат ўз миллий манфаатларини сақлаш, балки ушбу манфаатларни уйғунлаштиришни бош мақсади сифатида қараш лозим.

Сиёсий жараёнларга назар ташлайдиган бўлсак кучга қараганда ахборот омили тобора сезиларли аҳамият касб этиб бормоқда. Бугунги кунда "Ким информацияга эга бўлса, у дунёни бошқаради" деган қоида ўз кучини кўрсатмоқда. Бугунги кунда жаҳон давлатлари ахборот оқимлари устидан ҳукмронлик қилиш мақсадида ахборот технологияларини шиддат билан инсоният фаолиятининг барча соҳаларига олиб кираётган бир пайтда, бу соҳада илфор давлатлар ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги тафовут борган сари катталашаётгани маълум бўлмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистонда жамиятни ахборотлаштириш, ахборот технологияларини изчил ва тезкор ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати жамиятимизнинг ХХI асрда жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон глобал ахборот муҳитига фақат мустақилликдан сўнг мустақил субъект сифатида кириб келган бўлсада, ўтган оз фурсатга қарамай Республикада Интернет провайдерлари ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 115-бет.

Интернетдан доимий фойдаланувчиларнинг сони йилдан-йилга шиддат билан ортиб бормоқда.

Албатта ҳар қандай ахборот хуружлари ахборот қуроллари орқали амалга оширилади. Ахборот миллий хавфсизликка тобора таъсир кўрсатувчи муҳим давлат ресурси бўлиб бораётган шароитда давлатларнинг ахборот соҳасида, яъни “ахборот уруши” билан бевосита боғлиқ масалаларни ўрганиш ва ишлаб чиқишига интилишлари ортиб бормоқда.

**Ахборотлашув ва унинг жамият ривожига таъсири.** Ахборот (лотинча «информатио»-тушунтирмоқ, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумот. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсонлараро, инсон-автомат, автомат-автомат ўртасидаги маълумот ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликлардаги сигнал алмашинуви, хужайрадан хужайрага муайян белгиларнинг узатилиши ва шу кабиларни англата бошлаган.

Ижтимоий ҳаётга татбиқан ахборот-кишилар, предметлар, фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва шу кабилар ҳақидаги маълумот (маълумотлар мажмуи)ни англатади.

Ахборотлаштириш-ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобига фуқаролар, давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг ахборот соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш, хуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида оптимал шароитларни яратиш учун ташкил этиладиган ижтимоий-иктисодий ва илмий-техник жараёнлар мажмуи.

Информацион жараёнлар-ахборотни қидириш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатиш жараёни.

Ахборот тизими (информацион система)-информацион жараёнларни амалга оширувчи тартибга солинган хужжатлар ҳамда ахборот технологиялари мажмуи.

Ахборот ресурслари-муайян (кутубхона, архив, фонд, маълумотлар банки каби) ахборот тизимларидаги алоҳида хужжатлар ва хужжатлар мажмуи.

Ижтимоий-сиёсий ахборот- ижтимоий ва сиёсий ҳаёт борасида жамият аъзолари, ижтимоий гурухлар, сиёсий ташкилотлар ўртасида алмашинув предмети ҳисобланган ва улар ўз фаолиятида фойдаланадиган билимлар, маълумотлар ва хабарлар мажмуи.

Ижтимоий-сиёсий ахборотлар инсонлар ўртасидаги алоқалар, сиёсий жараёнлар, жамиятни бошқариш, илмий, ўқув ва тарбиявий ишларни ташкил этиш, тарғибот ва ташвиқотни амалга оширишда тобора муҳим ва устувор аҳамият касб этмоқда.

Тўлалиги, асосланганлиги ва ишончлилиги муҳим аҳамият касб этадиган ижтимоий-сиёсий ахборотларни ишлаб чиқишида фан, уларни тарқатишда ОАВ муҳим роль ўйнайди.

Ахборот маданияти техник-технологик ва ижтимоий-маданий жиҳатларга эга.

Техник-технологик жиҳатдан ахборот маданияти ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва этказиб беришга хизмат қиладиган техник-ахборот воситалари ва улардан оқилона фойдаланиш усуллари ҳақидаги билимлар тизимини англатади.

Ижтимоий-маданий маънода ахборот маданияти инсоннинг муайян маънавий-ахлоқий, сиёсий, хуқуқий ва эстетик қадриятларни ўзлаштирган ҳолда ахборот майдонида ҳаётий фаолият кўрсатишини англатади.

Ахборот истеъмоли маданияти ахборот дунёсидан ижтимоий таракқиётга хизмат қилувчи маълумотларни саралаб олиш борасидаги билимлар, қобилият ва малакани ўзида ифода этади.

Ахборотлашган жамият-кишилик жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида шаклланаётган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот ҳамда информатикадан оқилона фойдаланишга асосланган сифатий ҳолатини тавсифловчи тушунча.

Ахборотлашган жамият назарияси асосчилари ижтимоий ривожланишни «босқичлар алмашинуви» нуқтаи назаридан қараган ҳолда, унинг шаклланишини қишлоқ хўжалиги,

саноат ва хизматлар иқтисодиётидан кейин пайдо бўлган иқтисодиётнинг тўртинчи - «ахборот сектори» юзага келиши билан боғлайдилар.

Уларнинг фикрига кўра, индустрисал жамиятнинг асоси бўлган капитал ва меҳнат ахборотлашган жамиятда ўз ўрнини ахборот ва билимга бўшатиб беради.

Ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади. Фарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият техника соҳасида-ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва майший ҳаётга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши; иқтисодий ҳаётда-ахборотнинг товарга айланиши; ижтимоий ҳаётда-ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши; сиёсий соҳада-кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши; маданият соҳасида-ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади. Айни пайтда ахборотлашган жамият:

- уйда ишлашнинг кенгайишига, транспорт ҳаракатининг камайишига ва бунинг оқибатида табиатга тушадиган «юқ»нинг кескин қисқаришига олиб келади;

- иш кунининг қисқариши одамларнинг уйда кўпроқ бўлишига ва оиласвий мухитнинг барқарор бўлишига замин яратади;

- кейинги юз йилликларда кишилар шаҳар яшаш ва ишлаш учун энг қулай макон, деган хulosага келдилар. Ахборотлашув жараёни эса, қишлоқдан туриб ҳам бутун олам билан мулоқот қилиш, энг обрўли ташкилотларда ишлаш, шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлаётган маданият ютуқларини истифода этиш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида нисбатан осуда ва тинч бўлган, табиатга яқин қишлоқларга қайтиш ёки у эрда доимий қолиш учун замин яратади;

- масофавий таълим билим олишнинг энг қулай шаклига айланиши баробарида, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳатто энг элитар олий ўкув юртлари эшикларининг очилишига замин яратади. Содда қилиб айтганда, маълумотлилик қўп даражада инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб қолади.

Айни пайтда, ахборотлашув жараёни бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

«Юмшоқ эротика» дан тортиб турли мазмундаги ҳаёсиз фильмларгача бўлган ҳодисалар билан боғлиқ муаммолар ана шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларнинг олдини тўла-тўқис олиб бўлмайди. Зоро, ахборот тармоқларининг узилишларсиз ишлаши унинг мухим сифатий белгиси ҳисобланади ва бу жараён доимий такомиллашувни бошдан кечирмоқда. Демак, юқоридаги каби «муаммолар» йўлига қанчалик тўсиқ қўйилмасин доимо уларни «айланиб» ўтиш имконияти мавжуд бўлади.

Яна бир муаммо муаллифлик ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ. Шундай экан, ахборот тармоғида кўпчилик кўра олмайдиган ҳудудлар юзага келиши табиий. Бугунги кунда компаниялар ўз ахборотларини ҳимоя қилиш ва рухсат этилмаган киришларнинг олдини олиш учун катта маблағлар сарфлаётгани ҳам шундан.

Шу билан бирга муайян ахборотларни яширишдан тортиб, уни ноконуний радиша эълон қилишгача бўлган кўринишларда намоён бўладиган суиистеъмолликлар ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ахборот турли ижтимоий қатламлар, профессионал ва миллий гурухлар вакилларга ҳар хил таъсир қилиши баробарида уни истеъмол қилиш амалиёти турли гурухларда бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу энг аввало, ахборот манбалари миқдори ўртасидаги фарқда намоён бўлади. Масалан, айрим одамларда ахборот манбаи минимал (телефидение, радио), айримларда эса кенг (интернет, янги телекоммуникациялар тизими) бўлиши мумкин.

Мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда жамиятда айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш соҳасида кескин бўлининш, табақалашув содир бўлмоқда.

Ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчилиги ҳамда бўш вақт ресурсига эгалиги туфайли юқори даражада коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Бошқа гурухларда эса, нисбатан пассивлик кузатилади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам

келтириб чиқариши мумкин. Бу биринчи гурух учун тобора фаоллашаётган агрессив сиёсий таъсирга берилиб кетиш хавфининг мавжудлигиде, иккинчи гурухнинг эса, позитив мазмунга эга ахборотлар таъсиридан ташқарида қолиши билан белгиланади.

Иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ахборотлар таъсиrlашуви ижтимоий ҳаётнинг мазмунан бойиши, такомиллашувининг муҳим омили ҳисобланади. Шу нұқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ахборот алмашинуви инсоният тараққиётининг муҳим шартига айланди дейиш мумкин.

Үз даврида оғзаки нұтқнинг пайдо бўлиши билан ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нұтқ ривожи бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб берган эди. Ҳозирги фан-техника тараққиёти, интеграция ва глобаллашув шароитида эса ахборот маконида туб сифатий ҳолат кечмоқда. Эндиликда, ахборот узатиш нафақат хилма-хил (радио, телевидение, матбуот, телефон, факс, почта, интернет ва б.) шакллари, балки, ўта тезкорлиги билан ҳам жамият тараққиётининг олдинги даврлардагидан фарқ қиласи. Бундай шароитда, ахборот истеъмоли жараённида ҳам янги тенденциялар кузатилмоқда.

«Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қиласи» деган фикрнинг пайдо бўлишига ҳам ахборотнинг юқоридаги хусусиятлари сабаб бўлган.

Ижтимоий макон - бу, айни вактда ахборот макони ҳамdir. Глобаллашув шароитида ахборот ҳажмининг катталиги, уларнинг замонавий тезкор воситалар орқали тарқатилаётгани ахборот соҳасининг ижтимоий маконнинг бошқа шаклларидан тубдан фарқ қилишини таъминламоқда. Хусусан, замонавий оммавий ахборот воситалари (айниқса, интернет тизими) орқали тарқатилаётган хабар ва маълумотларга турли сиёсий тақиқлар, давлат чегаралари тўсиқ бўла олмайди.

Ахборот истеъмоли ижтимоий, аниқроғи, маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳодисадир. Ахборот истеъмолининг хизматлар истеъмолининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай хизматни истеъмол қилишдан аввал унинг сифати, нархи, фойдаси, қулайлиги ва бошқа шу каби хусусиятларига эътибор берилади. Бу жараёнда, истеъмол қилинаётган хизматнинг талаб-таклиф хусусиятлари ҳам инобатга олинади. Масалан, таклифи камайиб кетган хизматларнинг истеъмол даражаси юқори бўлиб, уларга талаб кучаяди. Мазкур хусусиятлар ахборот истеъмоли жараёнига ҳам хосдир. Бироқ, маънавий неъмат бўлган ахборотни истеъмол қилиш ўзига хос томонлари билан ҳам ажralиб туришини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ахборот конкрет шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамият ва давлат томонидан истеъмол қилинади-ки, мазкур даражаларда истеъмол жараёнлари бир-биридан фарқ қиласи. Масалан, бирон шахс учун қизиқарли бўлган маълумот, муайян ижтимоий қатлам ёки гурух учун аҳамиятiz бўлиши мумкин. Шунингдек, ахборот макон ва замон хусусиятларига ҳам эга. Чунончи, Фарбда ўта оммабоп бўлган ахборотлар, Шарқ халқлари томонидан кам истеъмол қилиниши мумкин. Бундан ташқари, маълум бир тарихий даврда катта қизиқиш билан кутиб олинган маълумотлар, вақт ўтиши билан одатий ҳолга айланиши ва ижтимоий ҳаётда бу тарзда инъикос этмаслиги мумкин.

Ахборот истеъмоли, ким томонидан истеъмол қилинишидан қатъи назар, қабул қилиш, тушиниш, талқин этиши каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган босқичларда амалга ошади.

Бугунги кунда, ахборот истеъмоли жараёни ҳам ўзига хос маданиятни тақозо этмоқдаки, маданиятнинг бундай шакли инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисмига айланиши зарур.

Ахборот истеъмоли маданияти глобаллашув жараёнларининг характерли хусусиятларидан бири бўлган интернет тармоғи жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун, ҳозирги давр кишиси олдида ахборот танлаш имконияти шу қадар юқори-ки, унинг талабини қондира олмайдиган маълумотлар бир зумда қимматини йўқотиши аниқ. Шу нұқтаи назардан қараганда, ҳозирги даврда ахборот истеъмоли аввалгиларидан тубдан фарқ қиласи.

**Ахборот тизимида интернет.** Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти, ҳар қандай ахборот оқимининг ёшлар маънавиятига таъсири хусусида сўз юритганимизда аввало бу масала замирида жамиятимизнинг, давлатимизнинг миллий хавфсизлиги ётганини назарда тутишимиз лозим. Зеро бу мавзуда сўз юритар эканмиз аввало икки масала мавзунинг долзарб нуктасига айланади: биринчиси ахборот оқими-мафкуравий таҳдид; иккинчиси - ёшлар маънавияти, яъни турли хилдаги ахборотларга нисбатан ёшларимизда шаклланган иммунитет масалаларидир. Гап шундаки, ахборот оқими ўз моҳиятига кўра маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Унинг қанчалик ёшларимизга таъсир қилиши унинг олдига қўйилган мақсад сари пухта йўналтирилганлигига боғлик. Табиийки, ахборот оқимининг салбий таъсири эса уларда шаклланган мафкуравий ҳимоя тизимининг мукаммаллиги омилига боғлик. Ўтиш даврида ахборот мафкуравий идрок этиш билан боғлик вазиятнинг мураккаблиги, яъни давлат, жамият ва шахсда мафкуравий рақобат борасида етарлича демократик тажриба йўқлигига ҳамdir. Оммавий ахборот воситалари тингловчиларининг кўпчилиги сиёсий мавзудаги ҳар қандай ахборотни расмий ахборот сифатида қабул қиласди. Ахборотлар характери ва тартиби сиёсий осойишталик ва барқарорликнинг ўзига хос барометри бўлиб хизмат қиласди. Агар фикрлар хилма-хиллиги ҳолати намоён бўлса, бекарорлик кўрсаткичи, сиёсий муносабатлар тизимида муаммоли вазият етилиб келаётганининг ўзига хос аломати сифатида талқин қилинади. Иккинчи масалада аввало, ёшларимизнинг мафкуравий иммунитети бугунги кунда қандай шаклланган деган савол пайдо бўлади. Масалани инсон омили нуктаи назаридан ўрганадиган бўлсак, мафкуравий иммунитет - ҳар қандай ахборот таъсирига тушиб қолмаслик, аввало, ўша инсон онгу-тафаккури, идроки нечоғлик ўткирлигига, чукур мушоҳада қилиш қобилиятига боғлик.

Тўғри, аввало ҳаммада ҳам бундай қобилияtlар бирдек ривожланган эмас. Аммо, бу қобилияtlарни шакллантириш, идрок кўнималарини ҳосил қилиш, инсон туғилганидан то шахс сифатида шакллангунига қадар давом этади. Хусусан, бунда маълум бир ёшнинг кўп китоб ўқиши, ўз мамлакати тарихини ўрганиши, урф-одатларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбия топиши, бир сўз билан айтганда, унда миллий эътиқод - миллий фаҳр шаклланиши муҳим ўрин тутади. Ўз миллати қадриятларини қадрлаган, ўз тарихини билган, Ватанга эътиқоди шаклланган ёшларнинг ахборот оқимларининг таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кам. Чунки бундай ёшларда ўзига хос психология ва масалага ўзига хос ёндашув пайдо бўлган бўлади. У ҳар қандай ахборот замирида маълум бир мақсадни ўргана бошлайди.

Собиқ иттифоқ даврида четдан кириб келаётган ахборот оқими қаттиқ назорат қилинган. Ўз навбатида у даврнинг техник имкониятлари ҳам шунга яраша эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, ахборот оқимига кенг йўл очилди. Турли мазмундаги ахборотларнинг кириб келиши кенг авж олди. Табиийки, ҳали ахборотга "оч бўлган" аҳоли кириб келаётган ахборотни сараламай туриб, "истеъмол" кила бошлайди. Улар ҳали яхши ва ёмон, керакли ва кераксиз ахборотнинг фарқига бормасдилар, бир сўз билан айтганда, аҳолида холис ахборот оқимидан нохолисини ажратиб олиш учун идрок шаклланиб улгурмаган эди. Шунинг асорати ҳозирги кунда, айниқса, сезилмокда. Бу баъзан ёшларимизда ҳар қандай ахборотни мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилинишини келтириб чиқармоқда.

Ахборот оқимининг глобаллашуви шароитида интернетнинг таъсири ҳақида гап борганида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим: диний, террористик, экстремистик, миллатчилик, ирқчилик кўринишидаги ёт, бузғунчи ғояларнинг кириб келишига имкон яратади; Ғарб яшаш тарзига хос, лекин ўзбек менталитетига зид ғоялар, қарашларнинг ёшларга таъсири (кийиниш, чекиш, пирсинг, татуировкалар ва ҳоказо) кескин кучайишига олиб келади; ҳаёсиз ахборотларнинг ёшлар тарбиясига таъсири рўй бериши мумкин; текширилмаган ахборотлар (бўхтонлар) нинг кенг авж олиши ва ш.к. Интернетнинг улкан имкониятлари, унда ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги, ўз мақсадларини террористик йўл билан амалга оширишни одат қилиб олган - ёвуз кучларнинг манфаатларига ҳам хизмат қиласди. Террористлар интернетнинг чексиз имкониятларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланишади: жамоатчилик онгига ўзларининг турли таҳдидлари

билан таъсир кўрсатишади; жозибали, дабдабали чақириқлари билан аҳолини мавжуд сиёсий тизимга қарши қўйцҳга интилишади; халқаро майдонда ўзларига ҳамфирклар топишади, бир-бири билан боғланишади ва ш.к. .

Вайронкор руҳдаги кучлар террористик сайтлар асосан учта аудиторияга йўналтирилган: аввало илгаридан мавжуд ва потенциал тарафкашлар; халқаро жамоатчилик фикри; муайян мамлакат жамоатчилиги. Замонавий террористик гурухлар Интернетдан асосан қўйидаги саккиз усул орқали фойдаланадилар: Психологик уруш, Реклама ва тарғибот, Маълумотлар тўплаш, Воситалар тўплаш, Кўлга тушириш ва сафарбар этиш, Тизимлар ташкил этиш, Ахборот таъминоти, Режалаштириш ва координация.

Аҳолини (жамиятимизни) кибертерроризм ва интернетдаги террористик ҳаракатлардан ҳимоя қилиш билан бирга, бир қатор антитеррористик ҳаракатлар мажмунини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Интернетдаги фаолиятнингижобий томонлари қўйидагилар бўлиши мумкин: дунёкарашнинг кенгайиши; объектив ва негатив ахборотларни қабул қилиб, уларни таҳлил қилиш имконияти (бунда ёш йигит ё қизнинг ахборотга "тўқ бўлиши" ва уларни саралай олиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Агар унда ахборотга бўлган "дид" бўлмаса, у ахборот оқимида "чўкиб" кетиши мумкин яъни, таъсирига берилиб кетиши); масофавий ўқишлиарда иштирок этиш имконияти; ахборотларни танлаш имконияти борлиги.

Бугунги ёшларнинг аксарияти асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишади. Лекин уларда ахборот иммунитети шаклланмаган миш-мишлар дунёси бўлмиш "Интернет" орқали маънавиятга салбий таъсир вужудга келиши мумкин. Нега таъсир қиласди? Балки ёшлар маънавиятининг етарли даражада шаклланмаганлиги эмасмикан? Бугунги кунда ёшларимиз - турли хил Farb сериаллари таъсирида, миллий қаҳрамонларимиз жасоратидан бехабар ўсаётганлиги сабабли маънавиятга қайтадан чуқур эътибор қаратмас эканмиз, уларнинг зеҳни ўткир, дунё билимларини эгаллаган бўлишиларига қарамасдан, Ватан манфаати йўлида хизмат қилишиларига, бегона foяларга берилемаслигига кафолат ҳам беролмаймиз. Уларни энг аввало Ватанга эътиқодни, урф-одат ва қадриятимизга садоқатли қилиб тарбияласаккина, исталган бузғунчи ахборотларга нисбатан ўз ахборот иммунитетлари шаклланади.

Ахборот қуроллари сифатида қараладиган воситалар: ахборот массивларини йўқ қилиш, бузиш ва тўғрилаш; ҳимоялаш тизимини айланиб ўтиш; қонуний фойдаланувчилар имкониятларини чеклаш; компьютер тизимининг техник воситалари ишлашини бузиб ташлаш; компьютер вируслари; мантиқий бомбалар; тест дастурларини ишдан чиқарувчи воситалар ахборот айрибошлашни йўқ қилувчи воситалар; хар хил турдаги хатоликлар.

Ахборот қуролининг универсаллиги, яширинлиги, дастурий аппарат амалга оширилиши шаклларнинг кўп вариантилиги, таъсирларнинг радикаллиги, вақт ва жой танлаш имконининг етарлилиги ва ниҳоят тежамлилиги, унинг жуда хавфсизлигини кўрсатади: у осонгина ҳимоя тизимига яшириниши мумкин, уруш эълон қилмасдан аноним шаклда ҳужум ҳаракатларини олиб бориши мумкин.

Хозирги даврда ишлаб чиқариш ва бошқариш, мудофаа ва алоқа, транспорт ва энергетика, молия ва фан, таълим, ОАВ - барчаси ахборот алмашуви жадаллигига, ҳаққонийлигига, тўлиқлиги ва тезлигига боғлиқ. Шунинг учун жамиятнинг ахборот инфраструктураси - ахборот қуролининг нишонидир.

Рангли инқилоблар даврида ахборот хуружи қўйидагича амалга оширилади:

- Рангли инқилоб - қонуний ҳукуматларни ноконуний йўллар билан ағдариб ташлаш демақдир ( Сербия, Грузия, Украина, Кирғизистон).

- Рангли инқилоблар ривожланган давлатларнинг кучли ахборот босими асосида амалга оширилади.

- Рангли инқилобларни амалга оширишда замонавий ва қимматбаҳо электрон ахборот воситаларидан, молиявий ҳомийлар имкониятларидан кенг фойдаланилади.

Ахборот хуружларига қарши туриш учун ёшлар қандай кўнкималарга эга бўлишлари, ўз фаолиятларида нималарга эътибор беришлари лозим:

- лоқайд бўлмаслиги, огоҳ бўлиши;

- ўз қатый позисиясига эга бўлиш, маъсулиятли бўлиши;
- атрофда бўлаётган воқеаларга муносабат билдира олиши;
- ҳозиржавоблик, ўз мустақил фикрга эга бўлиши.

Кибертерроризм турлари

- вирус тарқатиш орқали маълумотлар базасига путур етказиш;
- интернетда ноқонуний бойлик орттириш;
- турли хил кибержинояллар;
- турли бўхтон ва уйдирмалар тарқатиш орқали бирор мамлакатни, ташкилотни ёки шахсни обрўсизлантириш.

Ахборот хуружларининг турлари:

- ёлғон ахборот тарқатиш орқали барқарорликни издан чиқариш;
- ижтимоий онгни манипуляция қилиш;
- миллӣ-маънавий қадриятларни емириб ташлаш;
- етти ёт бегона маънавий қадриятларни сингдириш;
- ҳалқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш;
- кибертерроризм.

Ахборот хуружнинг асосий қисмлари:

1. Психологик операциялар - ахборотдан фуқароларга таъсир этишда фойдаланиш;
2. Электрон хуруж - аниқ маълумотларни олиш имконини бермайдиган восита;
3. Дезинформация - душманга сохта ахборот бериш;
4. Физик бузилиш - ахборот хуружининг қисми сифатида қаралиши мумкин, агарда ахборот тизим элементларига таъсир этиш кўзда тутилган бўлса;
5. Очиқ ахборот хуружлар - ахборотни кўзга кўринмайдиган ўзгартиришларсиз бузиш.

Ахборот хуружларининг мақсадлари ўз ахборот функциялари ва ресурсларини ҳимоялаган ҳолда ахборот мухитини назоратга олиш.

**Ахборот ҳавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари.** Инсоният тараққиётида XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида кечеётган жараёнлар ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши билан белгиланади. Глобаллашув, шу жумладан, ахборотлашув ҳам инсоният тараққиётининг янги даражаси эканлиги, у индивид ва жамият ҳаёти фаолиятининг барча жабҳаларига мислсиз таъсир кўрсатиши оддий ҳақиқатга айланмоқда.

Сиёсий соҳада кучга қараганда ахборот омили тобора сезиларли аҳамият касб этиб бормоқда. Мамлакатларнинг ташқи сиёсатда эришаётган муваффақият нафақат ҳарбий қудрат ва иқтисодий салоҳият билан, балки жаҳон миқёсида кечеётган ахборот ва маданий соҳалар устидан назорат ўрнатишга қаратилган оммавий дипломатия вазифаларини таъминлаш билан белгиланиб берилади.

Ўзбекистон президенти И.Каримов бу борада: «Юртимизга қарши қаратилган информацион хуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзимиздан чиққан айrim тили бурро шоввозларни, турли ниқоблар остида ўзини ҳаммадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллӣ анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишини даъво қиласидиган кимсаларнинг сохта уринишларини фош этиш ҳам ҳалқимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир амалий намоёнидир», деган фикрни билдиради<sup>1</sup>.

Замонавий илмий-техникавий инқилоб ижтимоий ҳаётнинг моддий асосларини кескин ўзгартириб юборди. Бугунги кунда ҳалқ фаровонлигини ҳудуд ёки табиий бойликлар эмас, балки маънавий, ақлий ва ахборот салоҳияти белгилаб бермоқда.

Янги ва юксак технологияларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши натижасида "ахборотлашган жамият" тушунчаси муомалага кирди. У ахборотларнинг энг янги, ижобий электрон воситалар ёрдамида тайёрлаш, қайта ишлаш, саклаш ва фойдаланишнинг комплекс индустрисига асосланади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. – Т. 12. Т.: Ўзбекистон. – Б. 47

"Ахборот" (информация) тушунчаси кенг кўламли фалсафий-сиёсий категориядир. Хорижий сўзлар луғатида: «Информация – (лот.) хабардор бўлиш; бирор бир ҳолат ёки кимнингдир фаолияти ҳақида маълум қилувчи маълумот» деб таъриф берилади<sup>1</sup>. Ахборот деганда маълум одамларнинг бошқа одамларга хабар, маълумот етказиши, уни алмашиш жараёни тушунилган. Тараққиёт давомида ахборот тушунчасининг мазмуни ўзгариб борди. Ахборотни тушуниш ва унинг хусусиятларини аниқлашга илмий ёндошиш эҳтиёжи туғилди. XX асрнинг иккинчи ярмида эса, ахборот технологияларининг тараққий топиши, янги ахборот узатиш воситаларининг юзага келиши билан ахборотнинг янги қирралари пайдо бўлди. Хозирги кунда ахборот қайси соҳада фойдаланилаётганига қараб ўзига хос маъно касб эта бошлади.

Россия Федерациясининг «Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоялаш ҳақида» ги қонунда «Информация – тақдим қилинган шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳолатлар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар» деб таъриф берилади<sup>2</sup>. Ахборотнинг умумий белгилари қуидагича изоҳлаш мумкин, яъни: мавҳумлик, ноаниқлиқни камайтириш; олдин маълум бўлмаган маълумотларни етказиш; маълум вақт оралиғида юз берган воқеа ёки ҳодисаларни, уларга доир далиллар ҳамда фактларни акс эттириш; манфаатларни ифодалаш усули сифатида қаралаётгани хавфсизликни таъминлашда ахборот хавфсизлигини тадқиқ этиш эҳтиёжини орттиради.

Кўп йиллар давомида ахборот хавфсизлиги деганда исталган ахборот "ташувчи"даги ахборотнинг у ёки маълумотларини маълум манфаатлардан келиб чиқиб йўқотиш, бузиш, рухсациз кириш даражасини ўзгартиришга қаратилган тасодифий ёки атайин қилинган ҳаракатлар тушуниб келинди. Эндиликда эса, ахборот хавфсизлиги бирмунча кенгрок маъно касб этади. Айниқса, халқаро муносабатларда субъектлар ўзаро муомилага киришишидан мақсад ва муддаоларини намоён этишда, манфаатларини ҳимоя қилишда ахборот имкониятларидан кенг фойдаланиши хавфсизлик масаласини кун тартибиغا қўяди.

Бугунги кунда "Ким информацияга эга бўлса, у дунёни бошқаради" деган қоида хукмрон бўлиб қолди. Дарҳақиқат, жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида ахборот хавфсизликни таъминлаш жуда мушкуллашиб бормокда. Давлат ва жамиятнинг ахборот хавфсизлиги деб, барча ахборот тизимларининг ҳимояланганлик даражасига айтилади. Ахборот хавфсизлик худди шундай таҳдидларнинг олдини олиш ва нейтрализация қилишга кўмак беради.

Ахборот хавфсизлиги - ахборот ресурслар ва каналларнинг ҳимояланганлик даражаси ҳамда маълумотлар манбасига йўл топиш ҳолатидир. Ахборот хавфсизлиги орқали "сўз эркинлиги" никоби остида жамиятимизнинг сиёсат, иқтисод, маданият, таълим, маънавий қадриятлар ва ҳоказо соҳаларига четдан ёт ғоялар, ахборот оқимларининг кириб келиши сабабли, давлат сиёсати ва манбаатига ҳамда суверентитетига путур етказишнинг олдини олишни тушуниш мумкин. Ахборот хавфсизлиги нафакат давлатнинг ахборот ресурсларини, балки фуқароларнинг хуқуқлари ва жамиятнинг барча структураларини ахборот соҳада ҳимоялайди. Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги дегани эса шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро мувозанатлашган умуммиллий манфаатлари хавфсизлигини ҳимояланишидир.

Россия Федерациясининг Ахборот хавфсизлиги доктринасида «Ахборот хавфсизлиги» деганда Россия Федерацияси миллий манфаатларининг шахс, жамият ва давлатнинг мувозанатланган манфаатлари мажмуини белгилаб берувчи ахборот муҳитида ҳимояланганлик даражаси тушунилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Словарь иностранных слов / гл.ред. Ф.Н.Петров. – М.: ОГИЗ Гос. Изд-во иностранных и национальных словарей, 1941. – С. 261

<sup>2</sup> Закон Российской Федерации «Об информации, информатизации и защите информации» // <http://www.netosope.ru/docc/2000/07/31/22.htm>

<sup>3</sup> Россия федерациясининг ахборот хавфсизлик доктринаси // 2000 йил 9 сентябрь. № Пр-1895

